

УЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК  
ИНСТИТУТИ

АБУ МАНСУР АБДУЛМАЛИК ИБН МУҲАММАД  
АС-САОЛИБИЙ

## ТАТИММАТ АЛ-ЙАТИМА

(«ЙАТИМАТ АД-ДАҲР» ТҮРТИНЧИ ҚИСМИНИНГ  
ҚУШИМЧАСИ)

Масъул мұхаррир:

Узбекистон ССР ФА мухбир аъзоси У. И. КАРИМОВ  
Тадқиқ қылувчи, таржимон, изоҳ ва кўрсаткичларни  
тузувчи ИСМАТУЛЛА АБДУЛЛАЕВ

ТОШКЕНТ  
УЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ  
1990

Ушбу асар машҳур адаб ва тарихчи Абу Мансур ас-Саоли-  
бийнинг араб тилида ёзилган «Иатимат ад-даҳр» тазқираси тўр-  
тини қисмининг қўшимчаси — «Татиммат ал-Иатимма»нинг тар-  
жимаси ва тадқиқотидир. Бу тазқирада X аср охири ва XI аср  
биринчи ярмида Хуросон ва Мовароунахрда яшаб ижод этган  
ва ҳозиргача адабнётимизда деярли маълум бўлмаган 104 ара-  
бийнавис шоир ҳақида яйрим маълумотлар бериллиб, шеърни ва  
насрни асарларидан намуналар келтирилган.

Асар шарқшунос, адабнётшунос, фан ва маданият тарихи  
бидан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

### Тақризчилар:

филология фанлари доктори Н. ИБРОҲИМОВ,  
филология фанлари кандидати Б. ВАҲОБОВА

**Абу Мансур Абдулмалик ибн Муҳамад ас-Саолибий**

**ТАТИММАТ АЛ-ИАТИМА**  
(Дополнение к «ал-Иатиме»)

*На узбекском языке*  
Ташкент, «Фан»

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти иммий Совети, ЎзССР ФА тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлими томонидан нашрга тас-  
тилишунослик

A 4702^62010-5  
M355(04)-9 / рез. 90

© Узбекистон ССР  
«Фан» нашриёти, 1990 й.

ISBN 5-648-01017-6

Муҳаррир А. Комилова  
Мусаввир Н. Акрамов  
Техмуҳаррир Л. Тюрина  
Корректор М. Сайдова

ИБ № 5318

Тернига берилди 15.05.90. Босишга руҳсат этилди 28.04.90. Формати  
84×108<sup>1/2</sup>. Босмахона корози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли  
босма т. 10,71. Ҳисоб-нашриёт т. 10,4. 6000 нусха. Буюртма 61. Баҳоси 2 с. 20 т.

ЎзССР «Фан» нашриёти: 700047. Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.  
ЎзССР «Фан» нашриётининг босмахонаси: 700170. Тошкент, М. Горький прос-  
пекти, 79.

## **АБУ МАНСУР АС-САОЛИБИЙ ВА УНИНГ «ТАТИММАТ АЛ-ЙАТИМА» АСАРИ**

Х—XI асрларда Урта Осиё ва Хуросонда илм-фан тараққиёти юқори поғонага кўтарилди. Аниқ фанлар соҳасида Абу Али ибн Сино (980—1037), Абу Райхон Беруний (973—1048), Абу Саҳл Масиҳий, Абу Наср ибн Ироқ, машҳур тарихчи Ибн Мисқавайҳ кабилар етнинб чиқди ва булар жаҳон фан-маданийти тарихидан ўз ўлмас асарлари билан муҳим ўринн олди. Аниқ фанлар билан бир қаторда бу даврда бадний адабиёт ҳам равнақ топган эди. Бу даврда яратилган бадний асарлар асосан иккى тилда форсий ва араб тилида, қисман туркӣ тилда ёзилди. Форс-тожик адабиёти асосчиси Абу Абдуллоҳ Рудакий (вафоти 941 ёки 952), Абу-л-Ҳасап Шаҳид Балкий, «Офариннома» муаллифи Абу Шукур Балхий (915 й. туғилган), шоира Рабиаъ, «Шоҳнома» муаллифи Абу Мансур Муҳаммад Дақиқий (ваф. 977 йил) кабилар ўз шеърларини форсий тилида ёздилар. Буюк шоир Абу-л-Қосим Фирдавсий (934 ёки 941—1020 ёки 1025) ўзининг ўлмас асари «Шоҳнома»ни ана шу тилда ёзган эди.

Бу даврда туркӣ тилда ёзилиб, бизгача етиб келган асарлардан Юсуф хос Ҳожибининг «Қутадғу билик» (1069 й. ёзилган) ва Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону лугат ат-турк» (1073 й. ёзилган) асарларини кўрсатиш мумкин. Урта Осиё ва хуросонлик кўпчилик маҳаллий шоирлар ўз асарларини форсий тилида ёзган бўлсалар ҳам, бир қанча шу ерлик шоирлар араб тилида ижод этдилар. Бу шоирлар ўша давр илм-фан маркази ҳисобланган Бухоро, Насаф, Марв, Рай, Исфаҳон, Ҳамадон, Ҳирот, Буст, Журжон ва Хоразмда яшаб ижод этдилар. Араб халифалиги марказларидан келиб қолган баъзи шоирларни ҳисобга олмагандан, уларнинг кўпчилиги ерли халқлар вакиллари бўлганлар.

Х—XI аср биринчи ярмида араб тилидаги шеърият-

ни ўрганиш учун ягона манба машхур олим, шоир ва адиб Абу Мансур ас-Саолибийнинг «Иатиммат ад-даҳр фи маҳосин аҳл ал-аср» («Аср аҳли фозиллари ҳақида замонасиининг дурданаси») номли тазкирасининг тўртинчи қисми ва бу тазкирага кейинчалик қўшимча тариқасида муаллиф ўзи ёзган «Татиммат ал-Иатимма» номли асарининг тўртинчи қисмидир. Абу Мансур Абдулмалик иби Мұҳаммад иби Исмоил ас-Саолибий 350/961 йили Нишопурда туғилган ва шунинг учун ан-Найсубурий нисбаси билан юритилади. Шу ерда яхшигина маълумот олиб, араб тили ва адабиёти, Ўрта Осиё ва Эрон халқлари тарихини мукаммал ўрганиди, нишопурлик йирик олим, адиб ва шоирлар билан яқиндан алоқада бўлади. У савдогарчилик билан шуғулланиб, асосан тулки териси билан олди-сотти қилган. Иби Халликоннинг ёзишича эса тулки терисидан пўстин тикиб сотган ва шунинг учун «Саолибий» лақабини олган<sup>1</sup>. Савдогарчилик билан шуғуллангани учун у кўп мамлакатларни кезади, у ерларнинг давлат арбоблари, амир, вазирлари, олим ва шоирлари билан танишиб, уларнинг суҳбатларида бўлади. «Иатиммат ад-даҳр» асарида ёзишича, Саолибий 382/992—993 йили Бухорога келиб, бир неча вақт турган, жуда кўп олим ва шоирлар суҳбатида бўлган<sup>2</sup>. Хоразмга ҳам келган ва Хоразмшоҳ Маъмун иби Маъмун (1009—1017) ҳузурида истиқомат қилиб, у билан кўп марта суҳбатлашган. Саолибий 429/1038 йили Нишопурда вафот этди (баъзи манбаларда 430/1038—1039 йил деб кўрсатилган).

Абу Мансур Саолибий Ўрта Осиё ва Хурасонда илм-фан тараққий этган даврда, Ибн Сино ва Берунийлар билан бир асрда яшади, улар бўлган жойларнинг деярли ҳаммасида бўлди, лекин ҳали улар билан шахсан учрашгани ҳақида маълумотга эга эмасмиз.

Абу Мансур Саолибий асосан ижтимоий фанлар соҳасида етук олим сифатида шуҳрат қозонди. Унинг тиљ, адабиёт ва тарихга онд асарлари жуда кўп. Ҳожи Халифа лақаби билан машхур бўлган турк географ ва библиограф олими Мустафо Ибн Абдуллоҳ Котиб Чалобий (1609—1657) «Каишф аз-зунун» («Шубҳаларнинг ечилиши») китобида Саолибийнинг 19 та асари-

<sup>1</sup> Иби Халликон. 1-ж., 291. «Саолиб» арабча «саълаб» (тулки) сўзининг кўплигидир.

<sup>2</sup> Иатиммат ад-даҳр. 4-ж., 171; Иатиммат ад-даҳр (ўзб.), 204.

«Ираф адабиёти тарихи» китобидаги 51 асарини<sup>4</sup> кўрсатган. Саолибийнинг «ат-Тамсил ва-л-муҳазарат» («Сүхбат ва нодир сўзлар») асари танқидий матнини нашр этгап ҳозирги замон Миср олими Абдулфаттоҳ ал-Хулув унинг 84 та асари рўйхатини берган<sup>5</sup>. «Иатимат ад-даҳр» тазкирасининг тўртинчи қисмида Саолибий 124 та Ўрта Осиё ва хурросонлик араб тилида ижод этган шоирлар ҳақида маълумот бериб, шеърларидан парчалар келтирган. Бу қимматбаҳо асар бизда ўрганилиб, тадқиқоти, тўла таржимаси ва изоҳлари билан ўзбек тилида нашр этилди<sup>6</sup>. Ушбу таржимага ёзилган тадқиқотда Абу Мансур ас-Саолибийнинг тўла таржиман ҳоли, 50 та асари рўйхати ва улардан айримлари ҳақида қисқа маълумот бериб, «Иатимат ад-даҳр» тазкираси, унинг ёзилиш тарихи ва мазмуни, унинг кейинги адиллар ижодига таъсири, қўллэзма ва босма нусхалари, ўрганилиш тарихига батафсил тўхтаб ўтган эдик. Яна бу тадқиқотда «Иатимат ад-даҳр»да берилган асарларнинг жанр турлари, поэтик тил безаклари, вазн ва қоғия масалалари, араб ва форс-тожик адабиётининг ўзаро муносабатлари ҳам ёритиб берилган. У ерда «Татиммат ал-Иатима»га ҳам қисқача тўхтаб ўтилган<sup>7</sup>. Таржимага тузилган кенг илмий-филологик, тарихий ва географик изоҳлар тазкира мазмунини тушиши, ўша давр тарихий ва маданий ҳаёти, тарихий шахслар ҳақида маълумот олишга ёрдам беради ва Саолибий тил ва услубидаги ўзинга хос томонларини ёритиб беради<sup>8</sup>. «Иатимат ад-даҳр»ни ҳар томонлама тадқиқ қилиш ва ўрганиш жараёнида монография, китобчалар ва бир неча мақолалар нашр этилди<sup>9</sup>. «Иа-

<sup>3</sup> Ҳожи Халифа, I, 164, 350; II, 42, 420, 493; III, 134, 238, 584, 591, 641; IV, 145, 459; V, 127, 141, 217, 289, 319, 367, 485; VI, 273, 404, 508, 510.

<sup>4</sup> Brockelmann GAL. I, 284—286; Sb., I, 499—502.

<sup>5</sup> Ат-Тамсил ва-л-муҳазарат, 10—17-бетлар.

<sup>6</sup> Абу Мансур ас-Саолибий. Иатимат ад-даҳр фи маҳсуси аҳл ал-аср (Аср аҳлиниң фозиллари ҳақида замонасишинг дурданаси). Тошкент. 1976.

<sup>7</sup> Иатимат ад-даҳр (ўзб.), 3—98-бетлар.

<sup>8</sup> Шу асар, 471—618-бетлар.

<sup>9</sup> Улардан энг муҳимлари: Пoэзия на арабском языке в Средней Азии и Хорасане X—нач. XI вв. Ташкент: Фан. 1984 (монография). Бу китобда Саолибийнинг 84 та асари санаб ўтилган; Бухоронинг арабийнавис шоирлари. Фан. 1965; Абу Мансур ас-Саолибий. Фан. 1972; Беруннiga замондош шоирлар. Фан. 1974.

тимат ад-даҳр» асосида кандидатлик<sup>10</sup> ва докторлик диссертациялари ёқланди<sup>11</sup>.

Абу Мансур Саолибий «Йатимат ад-даҳр» тазкираси биринчи нусхасини 384/994 йилни бошлаган ва уни 390/1000 йилларга бориб тугатган. Бу вақтда у Нишонурда яшаган. Асарининг биринчи нусхаси ёзиб тугатилгандан кейин, Саолибий яна бир қанча жойларни саёҳат қилган, кўплаб олим, шоир ва адиллар билан учрашган ва унда ўз асарини тўлдириш, унга бир қанча шоир ва адилларни қўшиш фикри пайдо бўлган. «Йатимат ад-даҳр»нинг янги тўлдирилган нусхасини 402/1011—407/1017 йиллар орасида ёзган, унга янги боблар қўшиб, янгидан тартиб берган ва уни хоразмшоҳ Абу-л-Аббос Маъмун ибн Маъмунга тақдим этган. Шундай қилиб, Саолибий ўзи асарини 1011—1017 йиллар давомида қайта ишлаб тўлдирган. Энг охирги нусха ҳақида у шундай дейди:

«Мана бу ҳозирги нусха фазли аъёнларининг бадниётларини, аср аҳлидан [бўлмиш] ердаги юлдузлар ва улардан муқаддам ўтган ва олдинроқ яшаган кишинларни ва уларнинг аввалги китобларига киритилмаган, бокиралигига тегилмаган ва аҳду паймон қадамлари бузилмай, унинг ҳақида ёзилган нома муддати чўзилиб келаётган энг яхши нарсаларини [ўзига] жам этди. Улар таъбининг энг яхши тўқималари, фаҳмларининг қўймалари ва зеҳнларининг гўзалликларини энг яхши олий нав либослар ва ялвираб турган ажойиб қимматбаҳо безаклар ичига ўрайди. Уларнинг нотиқлик билан айтилган малиҳ сўзлари, эрталабки раҳдоҳ ва мевадан ҳам хушбўйроқ, саҳардаги насим шамолининг эсишидан ҳам ёқимлироқ латифаларини гуллар ва чечаклар ҳидларига қўшиб ўз ичига оладики, аввалги бошқа нусхаларда бу бўлмаган»<sup>12</sup>.

### «ТАТИММАТ АД-ИАТИМА»

Ас-Саолибий «Йатимат ад-даҳр»нинг иккинчи тўлдирилган нусхасини ёзиб тугатгандан кейин ҳам бу борадаги ишини тўхтатмаган. Турли шаҳарларга саёҳат қилиш, янги адаб, олим ва шоирлар билан учра-

<sup>10</sup> Абдуллаев И. Поэзия на арабском языке в Бухаре при Саманидах (Х в.). АКД. Ташкент. 1963.

<sup>11</sup> Абдуллаев И. «Йатимат ад-даҳр» источник по истории арабоязычной литературы народов Мавараннахра и Хоросана. АДД. М., 1977.

<sup>12</sup> Йатимат ад-даҳр. 1-ж., 19—20-бетлар.

шиш жараёнида шоирлар ҳақида янгидан-янги маълумотлар йиқсан. «Иатимат ад-даҳр»га киритилган шоирлар ҳақида эса қўшимча маълумотлар тўплаган. Шундай қилиб, Саолибийда ўз тазкирасига қўшимча тариқасида алоҳида асар ёзиш фикри туғилган ва «Иатимат ад-даҳр»даги йўл, услуб ва тартиб асосида «Татиммат ал-Иатима» («Иатимага қўшимча») номли асарини ёзган. Бунда муаллиф имкон борича «Иатимат ад-даҳр»ни янги шоирлар билан тўлдирган ва унга аввал киритилган шоирларнинг айримлари ҳақида қўшимча маълумотлар берган. Саолибий ўзи қайд қилиб ўтгандек, бу қўшимчасиз «Иатимат ад-даҳр» тўлиқ ҳисобланмаган бўларди<sup>13</sup>.

«Татиммат ал-Иатима»ни Саолибий 424/1032—429/1038 йиллар давомида ёзган бўлиши керак, чунки китобнинг икки жойида 424 ҳижрий йил зикр этилган (1-ж., 114, 145-бетлар). Демак, «Татиммат ал-Иатима»нинг ёзилиши бу йилдан олдин бўлмаган. Саолибийнинг ҳижрий 429 йил вафот этганини ҳисобга олсак, бу қўшимча 424—429 йиллар орасида, муаллиф умрининг сўнгги даврларида ёзилгани аниқ бўлиб чиқади.

«Татиммат ал-Иатима»ни ёзишда ҳам Саолибий учун асосий манба вазифасини жонли шахслар — шоирларнинг ўзлари бажарган. Тазкирага киритилган шеърларнинг кўпчилигини муаллиф шоирларнинг ўзидан ёзиб олган, айrim шеърий парчаларнинг башқа адиллар — муншиидлардан эшитган . ва ўз китобида уларнинг номини зикр қилиб кетган. Ана шундай муншиидлардан Абу-л-Қосим ибн Абу Мансур (33-бет)<sup>14</sup>, Абу-л-Қосим Али ибн ал-Фазл ал-Қонний (35-бет), Абу Али ал-Хусайн ибн Муҳаммад ал-Котиб ан-Насафий (55-бет), Абу-л-Қосим Абдуссамад ибн Али ат-Табарий (64-бет)лар қайд қилинган.

Саолибий тазкирага киритган шоирлари билан ҳамаср бўлган ва уларнинг кўпчилигини шахсан танигани, улар билан мулоқотда бўлгани учун унинг манбаларини шубҳасиз ишончли ва аниқ маълумотлар тариқасида қабул этиб, тадқиқ қилмоқ зарур.

«Татиммат ал-Иатима» Саолибийнинг қисқа муқаддимаси билан бошланади. Муқаддимада муаллиф «Иатимат ад-даҳр» ёзилгандан бўён ниҳоятда шуҳрат қозониб кетгани, қўлма-қўл ва юртма-юрт кезиб юр-

<sup>13</sup> Татиммат ал-Иатима, 5-бет.

<sup>14</sup> Татиммат ал-Иатима 2-жузъ бетларини арабча матн асосида бериш билан киғояланамиз.

ганини айтиб, уни ёзган вақтда кўп шонрлар ҳақида қўлимда маълумот йўқ эди, кейин тўплаган маълумотларим асосида уни тўлдиришни лозим топдим ва бу китобни «Татиммат ал-Иатима» деб атадим, дейдиган<sup>15</sup>.

Бу қўшимчада «Иатимат ад-даҳр»да номи тилга олинмаган ёки китоб ёзилгандан кейин шуҳрат қозонган жуда кўп шонрлар ҳақида маълумот берилиб, шеърларидан намуналар келтирилган. «Татиммат ал-Иатима» ҳам муаллиф томонидан худди «Иатимат ад-даҳр» каби тўрт қисмга бўлинган.

**Биринчи қисм.** Шом (Суря) ва ал-Жазира (Месопотамия) аҳли фозиллари ҳақидаги биринчи қисмнинг қўшимчаси (I-ж., 3—52-бетлар). Бу қисмда 48 та шоир ҳақида маълумот ва шеърларидан парчалар берилган.

**Иккинчи қисм.** Ироқ аҳли шеърларининг гўзалликлари ҳақидаги иккинчи қисмнинг қўшимчаси (I-ж., 53—91-бетлар). Бу қисмга 32 та шоир киритилган.

**Учинчи қисм.** Рай, Ҳамадон, Исфаҳон ва Жабал вилоятлари ва уларга қўшини бўлган Журжон, Табаристон аҳлиниң фозиллари ҳақидаги учинчи қисмнинг қўшимчаси (I-ж., 92—156-бетлар), бунда 25 та шоир ҳақида маълумот ва шеърларидан намуналар берилган.

**Тўртинчи қисм.** Хуросон ва унга қўшиладиган бошқа шаҳарлар аҳлиниң фозиллари ҳақида тўртинчи қисмнинг қўшимчаси (2-ж., 1—116-бетлар). Бу қисмда ғазнавийлар даврида яшаган Хуросон ва Мовароуннаҳрлик 104 та шоир киритилиб, шеърларидан намуналар келтирилган. Баъзи бирларининг таржими ҳоли ҳақида ҳам қисқача маълумот берилган. Урта Осиё, Афғонистон ва Эрон халқлари араб тилидаги шеъриятини ўрганишда бу қисмнинг аҳамияти каттадир.

Шундай қилиб ҳаммаси бўлиб, «Татиммат ал-Иатима»га 209 та шоир киритилиб, унинг ярми Урта Осиё ва хуросонлик шоирлардир.

«Татиммат ал-Иатима» муаллиф замонидан буён адабиёт аҳллари орасида шуҳрат қозониб келди. Еқут Ҳамавий (1179—1229) «Иршод ал-ариб» асарида «Татиммат ал-Иатима»нинг ўз қўлида мавжудлигини айтиб, ундан бир қанча парчалар нақл қилган<sup>16</sup>. Ибн

<sup>15</sup> Татиммат ал-Иатима, I-ж., 1—2-бетлар.

<sup>16</sup> Еқту. Иршод ал-ариб, I, 172; II, 90; III, 219; V, 175; VI, 411.

Халликон (1211—1282) ҳам бу китобининг ўзида борлигини ёзил, Абу Мұхаммад Абдулмуҳсин ас-Сурій (вафоти шаввول 419/ноябрь 1028) ҳақидаги маълумотини шу китобдан олганини қайд қылган<sup>17</sup>. Ҳожи Халифа бу асарни «Иатиммат ад-даҳр»нинг қўшимчаси сифатида эсга олган, лекин асар номини «Татиммат ал-Иатимма» эмас, «Иатиммат ал-Иатимма» деб нотўри ёзган. Унинг ёзишича, Ҳасан ибн Музаффар Найсобурий (вафоти 443/1051—1052) бу китобга қўшимча ёзган<sup>18</sup>.

Ҳозиргача бизга «Татиммат ал-Иатимма»нинг учта қўллэзма нусхаси маълум.

Биринчиси «Иатиммат ад-даҳр»нинг Париж миллий кутубхонасида сақланадиган қўллэзмасининг охирида берилган. Бу қўллэзма жуда яхши сақланган, 591 варақ (1182 саҳифа)дан иборат бўлиб, Agabe 3308 шифри билан сақланади. Қўллэзма 989 йил 17 сафар ойида (19 март 1581 йили) кўчириб тугатилган. Бунинг 498-варағидан 591-варағигача, яъни охиригача бўлган қисми «Татиммат ал-Иатимма»ни ўз ичига олган. «Татиммат ал-Иатимма» ишори эрон олими Аббос Иқбол ушбу қўллэzmани энг яхши ва дунёда ягона нусха деб атаган<sup>19</sup>.

Иккинчи қўллэзма Вена кутубхонасида Mx̄ шифри билан сақланмоқда. Бу нусха Фаражуллоҳ ибн Нематуллоҳ деган котиб томонидан 1849 йил октябрь ойида ёзил тугатилган. 153 варақ. (306 саҳифа)дан иборат бўлиб, яхши нусхалардан ҳисобланади<sup>20</sup>. Аббос Иқбол бу нусхадан бехабар бўлган.

Учинчи нусха «Иатиммат ад-даҳр»нинг СССР ФА Шарқшунослик институти Ленинград бўлимида сақланадиган қўллэзмаси охирида берилган<sup>21</sup>. Бу пусхадан ҳам Аббос Иқбол бехабар бўлган.

«Татиммат ал-Иатимма» биринчи марта ҳижрий 1353 (милодий 1934) йили Техронда Фардин матбаасида Париж миллий кутубхонасидаги нусха асосида эрон арабшупос олими Аббос Иқбол томонидан нашр этил-

<sup>17</sup> Ибн Халликон, I-ж., 308—309-бетлар.

<sup>18</sup> Ҳожи Халифа, VI, 510. Бу қўшимча бизгача етиб келмаган.

<sup>19</sup> Татиммат ал-Иатимма, I-ж., 7-бет.

<sup>20</sup> Die arabischen, persischen und türkischen Handschriften der Kaiserlich-Königlichen Hofbibliothek zu Wien, von G. Flügel, 1865, Bd. I, Nr. 365.

<sup>21</sup> ابو منصور عبد الملک بن محمد التعلیی تنمۃ المتنمیة СССР ФА Ленинград бўлими қўллэзмаси, шифр д-162, 330—378-варақлар.

ди. Асар икки жузъда берилиб, ҳар жузъ алоҳида бет билан бошланган. Унинг аввалги уч қисми биринчи жузъ (1—156-бетлар), тўртинчи, яъни Хуросон ва Мовароуннаҳр шоирларига бағишлиланган қисми эса иккинчи жузъ (1—116-бетлар) қилиб нашр этилган ва ҳар иккала жузъ бир жилд қилиб муқоваланган<sup>22</sup>. Бу нашрга Аббос Иқбол форс тилида муқаддима ёзган. Муқаддимада «Йатимат ад-даҳр» ва «Татиммат ал-Йатима»нинг аҳамияти, ёзилиш тарихи ва қўллэзмалири ҳақида тўхтаб ўтилган.

Аббос Иқбол нашри фақат битта қўллэзма асосида амалга оширилгани учун уни танқидий нашр деб бўлмайди. Тазкирани юқорида эслатганимиз ҳозирча мавжуд учта қўллэзма асосида танқидий матинни тайёрлаш лозимдир. «Татиммат ал-Йатима» ҳозирча илмий ўрганилгани йўқ ва бошқа тилларга таржима қилинмаган.

#### «ТАТИММАТ АЛ-ЙАТИМА» ТУРТИНЧИ ҚИСМИ МАЗМУНИ

Тўртинчи қисмга 104 та шоир киритилгани ва бу ҳажм жиҳатдан тазкиранинг ярмини ташкил этганини юқорида айтиб ўтган эдик.

«Татиммат ал-Йатима»нинг қисмлари «Йатимат ад-даҳр» каби 10 тадан махсус бобларга ажратилмаган. Лекин шоирлар яшаган жойлар ва уларнинг лавозими асосида қуйидаги сарлавҳалар остида улар ҳақида маълумотлар берилган:

1. Хуросон ва унга ёндош ўлкалар шоирлари, булар 18 та (*№ 1—18*).

2. Завзанлик шоирлар, булар саккизта (*№ 19—20*).

3. Нишопур атрофида яшаган шоирлар, булар бешта (*№ 27—31*).

4. Хуросоннинг бошқа шоирлари, булар 18 та (*№ 31—48*).

5. Аркони давлат ва пойтахт аъёнлари, турли давлат ишларини бошқариб, ундан кетганлар ва насаби билан унинг хизматида бўлганлар зикри, булар 18 та (*№ 49—61*).

6. Ушбу китоб хотимаси, булар 36 та (*№ 63—103*).

Охирида «Хотиманинг хотимаси» деб шоир Абу Усмон Исмоил иби Абдурраҳмон ас-Собуний ҳақида тўх-

22 كتاب تنمية اليتيمة تأليف أبي منصور عبد الملك التعلبي النسابوري جزء ١ - ٢ عنى بنشره عباس أقبال طهران - مطبعة فردین سنة ١٣٥٣ هجرية القرمية

таб ўтилган. Кейин «Ушбу китоб муаллифи [шундай] деган» сарлавҳа остида Саолибийнинг қисқа сўнгги сўзи илова қилингган.

«Иатимат ад-даҳр» тўртничи қисмининг охирида ас-Саолибий шундай ёзган эди: «Унинчи боб ниҳоясига етди, шу билан китоб ҳам тугади. Шеърлари менинг ҳузуримда бўлмаган Нишопур аҳлидан бир қанча кишиларнинг зикри менинг [бўйинмда] қолди. Улар: Абу Салмо ал-Муаддид, Абу Ҳомид ал-Хоразанжий, Абу Саҳл ал-Бустий, Абу-л-Ҳасан ал-Абдуний ал-Фақих, Абу Бакр ал-Жалобазий, Абу-л-Қосим ал-Алавий, Абу Саъд ал-Хайзрўзий, Абу Саъид Масъуд ибн Мұхаммад ал-Журжоний, ал-Фақиҳ Абу-л-Қосим ибн Ҳабиб ал-Музаккир, Абу-л-Қосим ал-Ҳасан ибн Абдуллоҳ ал-Муставфий ал-Вазир, аш-Шайх Абу-л-Ҳасан ал-Кархий, аш-Шайх Абу Наср ибн Мушкон, Абу-л-Ало ибн Ҳасула, тангри уни қўлласин. Менга ёки мендан кейингиларга улар шеърларнинг малиҳларидан лойиқ бўладиганини шу бобга илова қилиш мұяссар бўлар, тангри хоҳласин». Бу ерда кўрсатилган ўн учта шоирдан фақат иккитаси аш-Шайх Абу-л-Ҳасан ал-Кархий ва аш-Шайх Абу Наср ибн Мушкон «Татиммат ал-Иатима»га киритилган, холос, қолганлар нима учундир қолиб кетган. Демак, ас-Саолибий ўз «Қўшимча»снини ўзи ўйлаган даражада тўлдира олмаган, унга киритмоқчи бўлган шоирларнинг бир қанчасини тушириб қолдирган. Бунга ўзи қайд. қылганидек, шеърларининг унинг қўлида бўлмагани сабаб бўлса керак.

«Иатимат ад-даҳр»га киритилиб, улар ҳақида маълумот берилган ва шеърларидан у ерда келтирилган шоирлардан учтаси ҳақида «Татиммат ал-Иатима»да қўшимча маълумотлар берилган ва шеърлари илова қилингган. Булар: 1) Абу Ҳафс Амр ибн ал-Муттаввий ал-Ҳоким (11—14-бетлар), «Иатимат ад-даҳр»да бу шоир исми Абу Ҳафс Умар ибн Али ал-Муттаввий ёзилган (433-бет), 2) Абу Жаъфар Мұхаммад ибн Исҳоқ ибн Али ал-Баҳдосий (30—32-бетлар), «Иатимат ад-даҳр»да унинг исми Абу Жаъфар ал-Баҳдос Мұхаммад ибн ал-Ҳусайн ибн Сулаймон ёзилган (443-бет) ва 3) ал-Қозий ал-Ҳиравий (46—53-бетлар), «Иатимат ад-даҳр»да унинг исми Мансур ибн ал-Ҳоким Абу Мансур ал-Ҳиравий кўрсатилган (348—350-бетлар).

<sup>23</sup> Иатимат ад-даҳр, 450-бет; Иатимат ад-даҳр (ўзб.), 466-бет.

«Иатимат ад-даҳр»да фақат номи зинкр қилиниб, маълумот берилмаган шоирлардан Абу-л-Қосим Али иби ал-Ҳусайн ал-Алимоний (106-бет), Абу-л-Ҳасан Али иби Илёс ал-Оғажий (114-бет, «Иатимат ад-даҳр»да ал-Аъожим, 155-бет), Абу-л-Қосим Али иби Абдуллоҳ ал-Меколий (106—107-бетлар) ва ал-Амир Абу-л-Аббос Исмонӣ иби Абдуллоҳ (107-бет)лар ҳақида бу ерда маълумот берилган.

Саолибий «Иатимат ад-даҳр»га 47 та Бухорода яшаган ва еттига хоразмлик шоирларни киритган эди. «Татиммат ал-Иатима» эса асосан хурносонлик шоирларни ўз ичига олган. Фақат учта Бухорода яшаган шоир: ас-Солломий (107—108-бетлар), ал-Асмаъий (108-бет), Абу-л-Ҳасан ал-Оғажий (155-бет) ва битта хўжандлик шоир Ҳайдар ал-Ҳўжандий (113-бет) шеърларидан киритилган, холос. Улар ҳақида ҳеч қандай бошқа маълумот берилмаган. Саолибий «Иатимат ад-даҳр»ни ёзишдан олдин Бухоро ва Хоразмга келиб, ўз шоирлари ҳақида маълумотлар йиғиб кетган. «Татиммат ал-Иатима»ни ёзишда эса кексайиб, Нишопурда муқим туриб қолган ва Мовароунаҳрга келиши унга оғир бўлган. Ҳозиргача номаълум бўлган Ҳайдар Ҳўжандийнинг бу ерда тилга олинниб, шеърларидан парча бернилиши муҳим аҳамиятга эга.

«Татиммат ал-Иатима» биографик ва тарихий маълумотлар нуқтани назаридан жуда камбагал, кўпчилик шоирлар таржиман ҳолига оид ҳеч қандай маълумот берилмаган. Саолибий уларнинг шеърларидан парчалар келтириш билан кифояланниб қолган. Асар муаллиф умрининг охирида 70 ёшдан ўтгандан кейин ёзилгани учун унга анча қийиничилик туғдирган бўлиши керак.

Тазкирадан энг қўп (8 бет) ўрин олган шоир Ал-Қозий Абу Аҳмад Мансур иби Мұҳаммад ал-Аздий ал-Ҳиравийдир (46—53-бетлар), ундан кейин 3—5 бетдан ажратилганлар Абу Бакр Мұҳаммад иби Аҳмад Юсуфий (26—30), Абу-л-Фараж Аҳмад иби Али ал-Ҳамадоний (95—99), Абу Али ал-Ҳасан ал-Бохарзий (37—40-бет.), Абу Мансур иби Мушкон (62—65), Абу-л-Ҳасан Мусофири иби ал-Ҳасан (68—71); Абу Мұҳаммад Абдуллоҳ ад-Дугободий (81—84), Абу Солиҳ Саҳл иби Аҳмад ан-Найсабурний (110—113), Абу-л-Аббос Бохарзий (35—37), Абу Абдуллоҳ ал-Ҳусайн ал-Бағавий (57—59)лардир.

Қўйидаги бешта шоирнинг фақат 2 байтдан иборат шеърларина киритилган, ўзи ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмаган.

мот берилмаган: Абу-л-Қосим Али ибн Абдуллоҳ ал-Меколий (106-бет), Абу-л-Ҳасан Али ибн Абдуллоҳ ал-Дилшозий (107-бет), Абу Мансур Абдурраҳмон ибн Саъд ал-Қоиний (107-бет), Абу-л-Қосим Ҳиббатуллоҳ ибн Мұхаммад ал-Исфароний (109-бет), Ибн Ҳилол ал-Аскарий (109—110-бетлар). Шоир Абу-л-Аббос Исмоил ибн Абдуллоҳыннг (107-бет) уч байт, Абу-л-Қосим Али ал-Алимоний (106-бет), бухоролик ас-Саломий (107—108-бетлар) ва Абу Али ал-Ҳусайн ибн Аҳмад ал-Исфароний (108—109-бетлар)ларнинг тўрт байтдан шеъри берилган.

«Татиммат ал-Иатима»га киритилган шонрлар ўз она тиллари бўлмиш форсий тилини яхши билганлар ва бу тил, шубҳасиз, улар учун жонли тил вазифасини ўтаган. Саолибий ўз олдига фақат араб тилида ижод этган шонрларни тазкирага киритишни мақсад қилиб қўйган. Шундай бўлса ҳам, Абу Мансур Қосим ибн Иброҳим ал-Қоиний, лақаби Бузуржмеҳр (Бузургмехр) деган шоир (45-бет) зуллисонайн бўлгани, яъни икки тилда ижод этганини (араб ва форсий) Саолибий ўзи қайд қилиб ўтган. Тазкирада форс-тожик адабиёти намояндалари шеърлари таржимаси ҳам баъзан киритилган: Маҳмуд саройида яшаган Абу Зайд Мұхаммад ар-Розийнинг икки байт шеъри таржимаси форсийдан асл нусхаси билан берилган (45-бет). Тазкирадаги шонрлар учун форсий тили она тили вазифасини ўтаганини исботловчи яна бир далил шеърларда форсча-тожикча сўзларнинг ишлатилишидир. Бунга мисол қилиб қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

دەقا:يە (12-бет) — дәхқончилик, نکورش — эчкисоқол (35-бет), دسکرہ ساکر — бор (41-бет), بستان — дасавирлиги (89-бет) — қаср, курсандчилик жойи, سذف (92, 110-бетлар) — Эронда кенг тарқалган тунги ўйин-кулги, زیق (93-бет) — симоб, جلنار (98-бет) — анор гули, زبزب (110-бет) — кема, ربا (112-бет) — кўза кабилар. Шоирлар ўзлари форсий тилини яхши билиш билан ўқувчилари ҳам бу тилини яхши билишига ишонганлар. Абу Саъд Аҳмад ал-Амидий ўтин сўраб ёзган шеърининг бир байтида «Совуқнинг ҳаддан ошгани туфайли «мазийя» деб аталган нарсанинг тескарисига ниҳоят

муҳтоҷ бўлиб қолдик (59-бет), — деб ёзади. Агар араб-ча «мазийя» ۱۰۰ сўзини тескари ўқисак, тоҷикча Ҳизз (ўтин) сўзи келиб чиқади. Бу байт мазмунини фақат форсий тилидан тўла хабардор бўлган кишигини тушуни олади.

«Татиммат ал-Иатима»нинг тўртинчи қисмига ҳам маси бўлиб 1357 байт шеър киритилган. «Иатимат аддаҳр» тўртинчи қисмига эса 4160 байт шеърий парчалар киритилган эди. Демак, ас-Саолибий ўз тазкирасини 30 процент янги шеърлар билан тўлдирган. Бу шеърлар ичидаги шоир Абу Аҳмад Мансур ал-Азди форсий тилидан арабчага таржима қилган иккита байт (51-бет), Абу Салиҳ аи-Найсубурий таржима қилган бир байт (113-бет) ва Абу-л-Ҳасан Оғажий таржима қилган иккита байт (114-бет) шеър бор. Қолганлари араб тилида ёзилган шеърлардир.

Тазкирага кирган шеърларнинг кўпчилиги парчалардир, тўла асарлар жуда кам. Ҳажми энг кўп шеърларга Абу-л-Фараж ал-Ҳамадонийнинг 16 байт (96—97-бетлар) ва 17 байтли (98—99-бетлар) иккита, ал-Ҳоким Абу Али ал-Дарожибардийнинг 9 байтли (105-бет) шеърини кўрсатиш мумкин. Шеърий намуналарнинг жуда кўпчилиги 1—2 байтдангина иборат парчалардир. Шеърлардан 16 байтдан иборат бештаси китоб муаллифи Саолибий қаламига мансубдир (68—70-бетлар).

«Татиммат ал-Иатима»га киритилган шоирлар насрини асарлар ҳам ижод этганлар. Абу-л-Баракот ал-Алавийнинг касал кўриш ҳақидаги фасллари (3-бет), Абу Бакр Юсуфий рисолалари (27—28-бетлар), Абу Али ал-Бохарзий (37—38-бетлар), Абу Аҳмад ал-Аздий (47—48-бетлар), Абу Абдуллоҳ ал-Бағавий (57-бет), Абу-л-Фатҳ Масъуд иби ал-Лайс (72-бет) ва Абу Тоҳир ал-Ҳасан иби Ҳассул (103) рисолалари, Абу Мансур иби Мушконийнинг Маҳмуд Фазнавийга бағишлиган «Султония»си (63—64-бетлар) сажъда ёзилган насрний асарлардир.

#### «ТАТИММАТ АЛ-ИАТИМА»ДА БЕРИЛГАН ШЕЪРИЙ ВА НАСРИЙ АСАРЛАР ТАҲЛИЛИ

«Татиммат ал-Иатима» тазкира бўлгани учун унда бирорта шонриниг таржимаи ҳоли ва тўла асарлари берилмаган. Шунинг учун айрим шеърий парчалар

асосида у ёки бу шоир ижоди ҳақида мукаммал сўз юритиш, унинг ижодига тўла баҳо берниш мумкин эмас. Бундан ташқари бу асар «Иатимат ад-даҳр»га қўшимча тариқасида ёзилгани сабабли Саолибий уни ёзишга «Иатимат ад-даҳр»га сарфлагандай вақт кетказмаган, уни бир исча бор қайта-қайта ишламаган ҳам. Булар ҳаммаси тазкирини мукаммал асар бўлишига имкон бермайди. Тазкирага киритилган намуналар асосида умумий фикр юритиб, ўша давр арабий-навис шоирлари шеърининг мавзун, жанр ва шакллари, гояси ва йўналиши ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

«Татиммат ал-Иатима»га киритилган шеърлар асоси қасида, васф, ғазал ва ҳажвлардан иборат. Битта уржуза ҳам бор (5-бет). Лекин кўпчилик парчаларда унинг қандай шеър жанри ёки шаклига кириши кўрсатилмаган, фақат «ундан», «унинг сўзи» деб кетилган, холос. Шеърлар мазмунига қарабгина уларнинг нима ҳақида ёзилганини аниқлаш мумкин.

Қасидалар ўз-ўзидан маълумки, айрим ҳукмдор, нуфузли шахслар ёки ўз дўсти, яқин кишинин мадҳ этишга бағишлиланган.

Абу-л-Ҳафс ал-Муттаввийининг икки байт (13-бет), Абу-л-Ҳасан ал-Кархийининг икки байт (67-бет) шеъри ва Абу Мансур ибн Мушконнинг насрда сажъ билан ёзилган мадҳлари (63—64-бетлар) сulton Маҳмуд Фазнавийга (388/998—421/1030) бағишлиланган. Абу Муҳаммад ал-Дуғабодий қасидасидан олинган парчада Маҳмуд, унинг ўғли Масъуд (421/1031—432/1041) мақталади (82-бет). Абу-л-Ҳасан ал-Арбоъийининг шеъри ғазнавийлар вазири Абу-л-Қосим Аҳмад ибн ал-Ҳасан мадҳига (78-бет), Абу-л-Фараж ал-Ҳамадоний қасидасидан олинган байтлар номаълум вазирга бағишлиланган (97—98-бетлар). Абу-л-Ҳусайн ал-Ҳамадоний қасидаси машҳур бувайҳийлар вазири шоир ва олимлар ҳомийси Соҳиб ибн Аббодга бағишлиланган (100-бет).

Қасидаларнинг ҳаммаси ҳам мадҳ учун ёзилмаган. Шоир Абу-л-Фараж ал-Ҳамадонийининг «ягона, ниҳоятда бадний» (Саолибий) қасидасидан келтирилган 16 байтли шеърда гўзал маҳбуб ҳусни, чиройли манзил, ундаги қушлар, дўст иштиёқи, баҳодирлар қаҳрамонлиги ва шоир отасининг яхши сифатлари таранум этилади. Мазмун жиҳатдан бу парча исломгача бўлган араб шоирлари қасидаларидан олинганга ўхшайди (96—97-бетлар). Абу-л-Ҳусайн ат-Тағлабий қасидаси-

дан келтирилган тўрт байт дунёдаги энг кичкина нарсалар тавсифига бағишиланган бўлиб, бу қасиданависликда ўзинга хос бир мазмунга эгадир (100-бет).

Шеърлар орасида ҳажвий парчалар айниқса диққатга сазовордир.

Абу Толиб ал-Муставфий Пўлад (Пўлат) деган бир амалдорни танқид қиласар экан, ламлликда у устоддир, ўз номига мос пўлатдай қаттиқ, хасис деб ёзади (93-бет). Абу Наср ал-Холидий қуйидаги икки байтда бир қозини қаттиқ ҳажв тифига олади:

Бизнинг қозимиз иблисдир, шармандаликларда унга ўхшаш иблиснинг йўқлиги [бунинг] гувоҳидир.

У гўё бир парча темир ёки бир палаж, бод чиқариш жойи эса магнитнинг ўзидир (87-бет).

Бу шонир бошлиқлардан шикоят қиласар экан, улардан халқ манфаат кўрмаслиги, хасислигини танқид қиласди:

Бошлиқ ва унинг ажойиб ўғлидан умидимни узидим,

Ва улар томонга девор уриб қўйдим, чунки улардан ҳеч фойда йўқ.

Уларнинг саҳоватидан биратўла икки қўлимни ювдим (87-бет).

Абу Юсуф Яъқуб ибн Аҳмад ҳеч ишнинг уддасидан чиқа олмаса ҳам, доим мансаб учун интигувчи нодон амалпарамастларни икки байтда жуда чиройли ўхшатиш ва иборалар билан кулги остига олади:

Мансабга интилиши сабабли, унга етишини орзу қиласди,

Лекин бу ерда мансаб учун [унинг] ҳеч қандай асоси йўқ.

Бу худди қувватсиз кишининг бокира қизга уйланиши

Орзу қилиб, [у қизнинг] уддасидан чиқолмагани ва қўшмачиликка мойил бўлиб қолгани кабидир (22-бет).

Абу-т-Тайиб Тоҳир ибн Абдуллоҳ қандайдир Абу Саъд ибн Ҳамдоннинг хулқи ва ёқимсизлигини ҳажв қиласа (67-бет), Абу-л-Ҳасан Бармакий ўз шеърида Абу Бакр ибн Ҳамдон деган кишини асл-насабсиз, баҳил, аҳмоқ ва жоҳиалигини ҳажв қилиб, инкоҳсиз туғилган дейди (85-бет). Абу-л-Қосим ал-Алимоний бир

вазирни киноя билан ҳажв тифига олиб, карғмилар учун унинг ҳузурида итнинг катакдаги ўрни каби ўрин ажратылган, дейди (106-бет).

Ҳажвий шеърлар билан бир қаторда тазкирага кирған парчаларда замон ва тақдирдан шикоят қилиш, адолатсизлик, тенгсизлик ва жабр-зулмни танқид қилиш ҳам асосий ўрин тутади. Абу Масъуд ал-Хушномий қўйндаги иккى байтда замона мусаффо эмаслиги, унда ҳузур-ҳаловат йўқлиги сабабли ҳаёт ҳам оғирлиги, замонда қадр-қиммат, меҳру вафо йўқлигидан шикоят қиласди:

Замона мусаффоликдан маҳрум бўлгандан кейин,  
замонангда ҳаётининг мусаффо бўлишига ишона-  
санми?

Бу дунё одамларидан вафони умид қиласанми,  
ахир вафодан қудратли ҳеч нарса йўқ-ку  
(18-бет).

Абу Али Бохарзий насрый рисолаларининг бир фаслида замона ноҳақлиги, унда адолат қолмагани, фисқ-фасод авжга чиққани жуда ифодали қилиб тасвирланган:

«Тангри тақдиримиз учун замонамизни жонлантиришин, унда шеърнинг баҳоси тушиб кетди, котиблик ғам-қайғуси пайдо бўлди, илм байроғи эгилди, ақлни таъқиқ этиш ўрнатилди, сахийлик мавжудлиги нодир бўлди, қалблар эшиги беркитилди, ёзилган гиламлар йигиб қўйилди, қозоннинг қадри кўтарилди, ёзилган дастурхонлар фойдасиз қолди, давом этиб келаётган қариндошликлар йўққа чиқди ва фисқ бозори тикланди» (37—38-бетлар).

Замона қабиҳ, нодонлар замонаси, фозил ва дононлар эса камбағаллик, қийинчилик ва хорликда яшамоқда, улар ҳақида қайғурувчи йўқ, деб ёзади шоир Абу Али ат-Габаристий:

Бу замона ҳодисатларидан тоқатим тоқ бўлди,  
у қабиҳга ён босиб, олий жанобга ҳамла қиласди,  
Олий жанобни бу [замон]да қашшоқ ҳолда кўрасан,  
ҳар қанча ҳаракат қилмасин, унда фақир-

лик азобидан бошқа нарса йўқ.  
Ҳар қандай лам эса фаровонлик ва ноз-неъ-

матда.  
Замона ишлари ана шундай ўлчовда кетмоқда  
(42-бет).

Замона шундай экан, унинг кирдиорларига алдан-маслик, қатъиятли бўлиш шонр Абу Бакр Муҳаммад ал-Абдонийнинг қўйидаги икки байтида ифодаланган:

Қачон қатъий бир фикрда турган бўлсанг, хоин замонага алданиб қолма.  
Фазабланма ҳам, чунки сен фаришта билан ашулачи чўрини ажрата оладиганлар орасидасан  
(115-бет).

Абу Абдуллоҳ ал-Бағавий замона бутунлай адолатсиэлик ва жафодан иборатлигидан шикоят қиласди (58-бет). Абу-л-Ҳасан ал-Арбоъий ўз замонасида ҳаёт ва нозу неъмат тамоман тугаб кетаётганини ёзди (79-бет), Абу Бакр ал-Ғазнавий замонасини зинкор ва бузуқлар замонаси, дейди (81-бет). Абу-л-Фатҳ ад-Далиғоний ҳам замонани бузилиб кетаётганидан шикоят қиласи, ҳалқни мусибатларга гирифторм қилган эзувчи синиф вакилларини бўриларга тенглаштиради ва қиличини қўлга олиб, уларнинг чангали ва тишини қолдирмасликка чақиради (86-бет).

Тазкирада мавжуд шеърлар орасида бойлик, молпарастлик, баҳиллик, очқўзликни қораловчи байтларни ҳам учратамиз. Абу Мансур ас-Саъдийнинг мана бу шеъри бунга мисолдир:

Эй бойлик тўпловчи, қачонгача у билан баҳиллик қиласан, азбаройи худо, у билан абадий тамагир бўлиб қоласан.  
Майит ўзи билан бойликни олиб кетадими?  
У тўплагандан бошқага тегишли эканини ўйлаб кўрмайсанми? (95-бет).

Абу Бакр ал-Ғазнавий бойлиги билан мағрурланиб кетган шахсларни танқид қиласи экан, «бойлик ҳеч нарсага арзимайди, унинг ҳалок этишидан сақлан», дейди (80-бет).

Шоирлар бойликни танқид қиласи, у айрим шахслар қўлида тўпланиб қолганини танқид қиласи экан, кўпчилик ҳалқ қашшоқ, оч-яланғочлиги, бутун ҳаёти мусибат ва қийинчилликда ўтишини ачиниш билан тасвирлайди:

Қандай замона, маҳбубдан ажралиш, қишининг  
совуғи ва қашшоқлик  
Жам бўлиб, мени кузатишиди ва ваъда қилинган

«Татиммат ал-Иатима»га киритилган шоирларнинг айримлари ислом дини ва унинг қонун-қондаларига бефарқ қараганлар. Шоир Мұхаммад аш-Ширажий ислом қондаларини ўрганишдан кўра айш-ишратни афзал деб билади:

Диндаги фиқҳни ўрганишдан мени халос қилинг,  
ўзимга кифоя қиласлик илмим етарлидир.  
Мени гўзаллар юзлари, най ва улларнинг овози  
билин сероб қилинг (89-бет).

Тазкирада бевосита майга бағишлиланган ҳамриётлар жуда кам, айрим парчаларда май ҳақида йўл-йўлакай сўз боради. Лекин майни танқид қилиб ёзилган мисраларни кўплаб учратамиз. Абу Али ал-Бохарзий ичкилик фақат ёмонликларга олиб боришини ёзар экан, шундай дейди:

Эй соқий, менга у [шароб]ни ичирма, зеро қиё-  
матда оёқдан олиннишидан қўрқаман.  
Шаробнинг мастилиги ёмонликни қўзғотади, ундан  
[бўладиган] ёмонликларни фарқ қил ва менга  
бошқа нарсани ичир (39-бет).

Абу Саҳл Аҳмад ал-Ҳамдуний май ичиш фисқу фасоднинг бошланиши ва унинг оқибати гуноҳлар эшикларининг дарвозаси, уни тўхтосиз ичиш йўлдан озиш, деб ёзади (61-бет), Абу Саҳл ибн ал-Ҳасав ҳамриясидан олинган икки байтда майни «Қўзада у бачадондаги бола каби бўлса, бошга чиққанда у жиннилиkdir», деб таърифлайди (66-бет). Абу Али ал-Бохарзий ўзининг насрый асарларида майнинг зарари ҳақида ёзар экан, «Ким майнинг қизиллиги билан ўзини иситса, совуқда чопонсиз ялангоч қолади», дейди (37-бет).

«Татиммат ал-Иатима»да қариликдан шикоят қилиб ёзилган шеърлар ҳам анчагина учрайди. Бу ўшадавр шонрлари учун асосий мавзулардан бири эди. Қарилик бир томондан мўътабар ёш, киши ақл-идро-ки камол толган бир давр. Кексалар ҳамма жойда ҳурмат ва икромда. Лекин қарилик иккинчи томондан афсус-надомат, қийинчилик ва оғир ҳаёт кечириш даври. Шоир кучдан қолади, сочи оқаради, касалликлар унга ёпишиб олади, кезиш, саёҳат қилиш, ёру дўст-

лар билан учрашишдан маҳрум бўлади, ёш шоирлар билан рақобатлаша олмайди, амиру вазирлар базмини безолмайди, даромад манбалари унга бекилади, ўлим васвасаси доим уни қийнайди. Мана буларни куйлаш шоирлар ижодида, у кексайган даврида асосий ўринни олган. Улар қарилликнинг афзаллиги, мўътабарлигини куйлаш билан бирга, ундан норози бўлиб, шикоят қилганлар. Абу Салиҳ ан-Найсабурӣ қариллик ҳақида шундай ёзди:

Бугунги кун [кўчага] чиқиш куни эмас уйда ўлтириш кунидир,  
Иссиқ уйда [ўлтириш] куни, ипак кийим кийиш кунидир.  
Куйлаш ва ўйин-кулги куни, кўзадан [май] ичиш кунидир.  
Мана бундай кун қариллик совуғининг нишона-  
сидир (112-бет).

Абу Али ал-Бохарзий ёшликда ўйнаб-кулиб, айшишрат қилиб олиш, қарилликда бу ишлардан тийилиш кераклигини айтади (39-бет). Абу Аҳмад ал-Аздий соч оқариши сабаби фақат қариллик эмас, балки замона кирдикори, ҳодисотлар бошга соглан азоблар ва ташвишлар эканини ёзди (48-бет). Соч оқини зўрмазўраки бўяш, уни халқ кўзидан яширишдан фойда йўқ, барибир тақдир кўзидан уни яшириб бўлмайди, дейди Абу Абдуллоҳ ал-Бағавий (58-бет). Шоир Абу Бакр ас-Сижзий учун эса соч оқи юз чиройини ўзгартириб, жамики айбларни ошкор қилган бўлса ҳам, қарилликдан, соч оқи зулмидан кўра чўнтакнинг бўшаб қолиши, қашшоқлик ёмонроқдир (60-бет).

Соч оқини қариллик тонгининг отишига ўхшатиш Шарқ шоирлари ижодида кўп учрайдиган мажозлардан биридан. Шоир Абу-л-Ҳасан Мусофири буни иходатда чиройли тавсифлаган:

Ёшлигим давом этиб, сочнинг туни тонг отишига  
руҳсат бергани учун қавмим мени маломат  
Мен дедим: «Тонг [отиш] олдидан бир лаҳза  
лаззатланиш учун мени маъзур тутинг, чунки  
тонг кун қизиғидан дарак беради» (70-бет).

Бундай ўхшатишни Абу Али Абдулваҳҳоб ибн Мұхаммаднинг икки байтида ҳам учратамиз (104-бет).

Шоир Абу-л-Ҳасан ал-Бармакий соч оқариши билан киши ҳурматга сазовор бўлиши, илм аҳллари, мўйсафидлик билан табарруклигини, ҳатто гўзаллар ҳам сочи оқарганлар гуноҳини ўтиб юборилишини жуда чиройли бадний санъатлар билан тавсифлаган (85-бет). Абу-л-Фараж ал-Ҳамадоний соч-соқол оқи ва кексаликнинг афзалликларини янада чиройли иборалар билан ифодалайди:

Юзимдаги соқол оқи мени уялтиromoқда, агар [оёқларида] оқ билакузуклари бўлмаганда, қора отлар мақталмаган бўларди.  
Соч оқи белимни буқди, лекин жасоратим мустаҳкамланди, агар ёй эгилмаганда, ўқ [теккан жойини] тешиб ўтолмас эди (96-бет).

Ал-Халил иби Аҳмад ас-Сижзий учун эса кексалик ёшликтан ёқимлироқ, сочнинг оққа бўялишини маломат қилиш ярамайди, чунки соч қораси қарға бўлса, оқи лочнидир (101-бет). Абу Али ал-Ҳасан ад-Даробижардий ёшликтаги доноликни сочи қора кексалик деб атайди (104-бет). Тазкирада панд-насиҳат, ақл-ҳикмат, одоб, яхши хулқ, бир-бирига ҳурмат, ёмон ишдан тийиб, яхшиликка даъват этувчи назмий ва насрый парчалар кўплаб учрайди. Абу Али ал-Бохарзийнинг сажъ билан ёзилган ҳикматли сўзлари (37—38-бетлар). Абу Мансур иби Мушкон ёмонлик ва унинг оқибати ҳақида ёзади: «Кимки ёмон ният билан тузоқ қўйган бўлса, ўзи унга илниб ҳалок бўлади, ёмон макр-ҳийла фақат уни [ўйлаган] кишинигина ҳалок этади» (63-бет). Бу шоир ишёқмас, ялқовлар ҳақида ёзар экан «ялқов кишидан яхши хулқлар юз ўгиради» дейди (65-бет).

Шоир Абу Али ал-Бохарзий насрый асарларидан олиниган парчалар бошидан-оёқ панд-насиҳат ва ҳикматомиз жумлалар бўлиб, ҳалқ мақоллари тимсолинда ёзилган: «Йисон учун эҳсонни такрорлаш қандай яхши. Ким майининг қизиллиги билан юзини иситса, совуқда чопоненз ялангоч қолади. Касаллик оғир мусибат натижаси, роҳат эса истироҳат мевасидир. Бутун ҳаёти давомида дунёда фойда етказмаган киши одамлар умри муддатини ҳам қисқартирган бўлади. Сассиқпопишак табиб бўлганда, уясини ёқимли қилгани бўларди. Кимга яхшилигинг тегмаса, у бошқага хизмат қилади» (37-бет).

Абу Бакр Құҳистоний «Ким бир нарсанни талаб қи-

либ жиддий киришса, [уни] топади, ким эшикни қоқса ва қаттиқ туриб олса, [албатта] ичкарига киради», дейди (73-бет). Құхистоний ўзининг иккى байт шеърида йигитлик даврини ғанимат билиш, уни беҳуда ўтказып юбормаслик, дунё ва ундан ҳәётдан самарали фойдаланиш кераклигини ёзар экан, киши умрини бир ўққа ўхшатиб, «у ҳеч қайтиб ҳам келмайди, ушланиб ҳам қолмайди», дейди (74-бет). Абу Толиб Мұхаммад ибн Али зулм, адсоват, қаҳр-ғазабни қаттиқ қоралайди: «Кимки ўз салтанатида одамларга қаҳр-ғазаб қиласа, у салбга тортилади, тошбўрои қилинади ва бу иккисидан кейин боши қирқилади» (93-бет).

«Татиммат ал-Йатима»га кирган шоирлар ижодида дўстлик мавзун ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Дўстни қадрлаш, унга керак бўлганда ёрдам қўлни чўзиш, адашса тўғри йўлга солиб қўйиш, арзимаган нарсалар учун уни маломат қилмаслик ғоялари олдинга сурилади, Абу Ҳафс ал-Муттаввий (13—14-бетлар), Абу Аҳмад ал-Ҳиравий (53-бет), Абу-л-Ҳасан Мусофири (69-бет) ларнинг Саолибий ҳақида ёзган шеърларида бу машҳур олимга жуда юксак баҳо берилган, унинг адаб ва инсонийликдаги олижанобликлари тавсиф этилган. Абу Мансур ас-Саъдий дўстга ҳурмат ҳақида ёзиш билан, қандайдир дўсти ҳақидаги салбий томонларни танқид ҳам қилади (95-бет).

Арабийнавис шоирлар ижодида васфий шеърлар ҳам алоҳида ўрин тутади. «Йатимат ад-даҳр»га 600 байт васфий шеърлар киритилган эди. Шоир Абу Толиб ал-Маъмунийдан (ваф. 383/994) 100 дан ортиқ васфлар сақланиб қолган. У замонасида васфий шеърлар ёзишда ягона бўлган. «Татиммат ал-Йатима»га киритилган шеърлар орасида ҳам васфий шеърлар анчагина учрайди. Буларга Абу Мансур ибн Мушконнинг сув ҳақидаги (62-бет), Абу Бакр Құхистонийнинг қўймоқ ҳақидаги (75-бет), Абу Бакр ал-Ғазнавийнинг баҳор тавсифида (80-бет) ва Абу Али ии-Найсабурнийнинг баҳор ва куз ҳақидаги (105-бет) васфларини киритиш мумкин. Булардан ташқари васф бошқа шеър жанрлари орасида ҳам учрайди.

Шоирлар васфда тавсиф қилаётган нарсанни ёки бирор воқеа-ҳодисани чиройли ўхшатишлар, мажозий ыборалар қўллаб, бадний тавсифлаб берган. Ваасфий шеърлар маъносини ҳамма вақт ҳам осонлик билан англаб бўлмайди, улар баъзан шеърий топишмоққа айланыб кетади. Баъзан шеърларда турли шаҳарлар мақталади, уларнинг ҳавоси, меваси ва одамларк тавсиф

этилади: номаълум шонрнинг Буст ҳақидаги бир байти (75-бет) ва Абу Закариё ас-Сижзийнинг Нишопурни мадҳ этиб ёзган икки байти (56-бет) бунга мисолдир. Шу билан бирга шонрлар айрим шаҳарларни, уларнинг ифлослиги ва қаровсизлигини танқид ҳам қилгандар. Шоир Маъруф иби Абу-л-Фазл Бўшанжни қаттиқ ҳақоратлаган (55-бет), Абу-л-Ҳасан ал-Оғажий жуда чиройли тажнис қўллаб Балх шаҳрини танқид қилган (113-бет).

Ўрта Осиё ва Эронда наврӯз ва меҳржон байрамлари узоқ вақт давом этиб келган, наврӯз ҳозир ҳам Эрон ва Афғонистонда байрам қилинади. Меҳржон (форсий маңбаларда меҳргон) эронча меҳрмоҳ ойининг ўн олтинчи куни, яъни кузда йиғим-терим тугагандан кейин ўтказиладиган байрам<sup>24</sup>. Форс-тожик адабиётида наврӯз ва меҳржонга аталган шеърлар кўплаб учрайди. Бу байрамлар арабийнавис шонрлар томонидан ҳам куйланган. «Иатимат ад-даҳр»да Абу-т-Тайиб ат-Тоҳирийнинг икки байт, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг тўқиз байт меҳржонияси ва Абу Муҳаммад ал-Матронийнинг тўрт байт наврӯзияси берилган эди<sup>25</sup>. «Татиммат ал-Иатима»да Абу Муҳаммад ал-Ҳарбийнинг икки байт наврӯз ҳақидаги (22-бет) ва Абу Солиҳ ал-Муставфиёнинг уч байт меҳржон ҳақидаги шеъри (111—112-байт) берилган.

«Татиммат ал-Иатима»га киритилган шонрлар ижодидаги ишқ-муҳаббатни куйлаш, ҳам асосий ўрин тутади. Маҳбубни куйлашда шонрлар бадинӣ санъатларнинг ҳамма турларидан фойдаланганлар «Икки кўзим кўп йиғлаганликдан қип-қизил, юзим сап-сариқ, қалбим эса кулрангдир» дейди Абу-т-Тайиб Тоҳир иби Абдуллоҳ (67-бет). Шоир Абу-л-Фатҳ Масъуд иби ал-Лайс учун маҳбубнинг назар солиши ўқ бўлса, икки ёноғи гулинни ўпиш даводир (72-бет). Абу Бакр ал-Құҳистоний ёр ишқида мўйсафид бўлиб қолган, уни кўрганлар «оқсоқол шайх» деб атайдилар (75-бет). Абу-л-Фатҳ ад-Домғоний маҳбубни оҳуга ўҳшатиб, унинг уясини ўзинга ибодат қилиш учун хонақоҳ қилиб олади ва ўша ерда зоҳидлик қилмоқчи бўлади (85-бет). Абу-л-Аббос Исмони иби Абдуллоҳ маҳбубни тавсифлашда жуда чиройли ўҳшатишларни қўллаб, «унинг икки кокили човгон ўйини ёғочига ўҳшаса, юзи унинг майдони, қалбларимиз эса унинг тўпидир», дей-

<sup>24</sup> Меҳржон ҳақида муфассал маълумотни қаранг: Беруний, I, 260—262-бетлар.

<sup>25</sup> Иатимат ад-даҳр (ўзб.), 72, 117—118, 252—253-бетлар.

ди (107-бет). Шопр ал-Асмаъйй маҳбуб тавсифида янада чиройли ибора ва ўхшатишларни қўллайди:

Кўз ташлаши сарахслик, ички [тузулиши] марвлик, лафзлари бухоролик, қадди эса балхликни кига ўхшайди (107-бет).

Абу-л-Ҳасан ал-Абдуна ёр ишқида шунчалик кўз ёши тўқадники, у кўз ёшлар тилга кириб, ошиқ дардани баён қиласди, қалб эса ишқ алангасида ёнмоқда (115-бет). Ишқ-муҳаббат тараним этилган байтларнинг айримлари ҳақидагина тўхтаб ўтдик, холос. Форс-тожик ва араб адабиётидаги каби бу давр арабийнавис шонрлари ижодида ҳам пок муҳаббат жабру жафолари, унга етишиш йўлидаги мashaққатлар, ёр висоли ва ундан жудо бўлиш кабилар кўйланади.

Арабийнавис шонрлар шеърида учраган мавзулардан бири Абу Бакр ал-Анбарийнинг қандайдир қизини куёвга узатган кишини табриклаб ёзган беш байтидир. Саолибий «бундай шеърии ҳеч эшишмаганман», деб ёзади (59—60-бетлар).

Тазкирага киритилган шонрлар араб ҳарфлари шаклларидан лирик қаҳрамон ташқи қиёфасини тасвирлаш, бирорни ҳажв қилиш ва бошқа турли мажозий маънолар чиқаришда фойдаланганлар. Абу Алият-Табаристий қандайдир кишини ҳажв қилиб ёзади:

Унинг айбларини Амр [أَمْرٌ] исмидаги «вов» ҳарфи каби тилга олиб бўлмайди, деб ўйланади ва унинг ҳақидаги ибора ҳам қисқадир.

Уни Зайдсан [زَيْدٌ] сўзидағи «нуц» ҳарфи каби ибора билан мадҳ қилинади, дейдилар (42-бет).

Абу Абдуллоҳ ал-Бағавийнинг насрый рисоласининг бир фаслида «Вақт «мим» [ҳарфи] инг оқ [тешиги]дан ва лаимининг кўкрагидан ҳам тор бўлиб кетди» деб ёзилган (57-бет). Абу Мансур ал-Амоний ўзининг бир шеърида Абу-л-Фаворис Найсабурий деган бир котиб хатини ҳажв қиласди:

У гўё супурги билан ёзаётгандай, унинг «мим» [ҳарфи] пучук бурунга ўхшаса, «Жим»и тепадиган хачирнинг оёғига, «син»и эса

тўнгқўнғизнинг оёқларига ўхшайди. «Вов»и хариса пиширувчининг чўмичига, «лом»и эса зинданнинг йўлига ўхшайди (94-бет). Шонр Абу-л-Ҳасан ал-Оғажий Балх шаҳрини ҳажв қилган юқорида эслатганимиз шеърида Балх ( بالخ ) сўзидан тажинси хаттий йўли «бахил» ( بخل ) ва «талх» ( تالخ ) сўзларини чиқаради (114-бет).

«Татиммат ал-Иатимма» муаллифи ўрта аср олимни ва феодал синф вакилидир. Унга киритилган шонрлар X аср охири ва XI аср биринчи ярмида яшаб ижод этдилар. Шунинг учун тазкирага киритилган шеърий парчалар орасида Маҳмуд Газнавий ва унинг ўғли Масъудин мадҳ этиб ёзилган юқорида эслатиб ўтганимиз мисралар, жуда кам бўлса ҳам баъзи диний урф одатларни тарғиб этувчи шеърларни учратамиз. Булар давр тақозоси билан ёзилган шеърлар бўлиб, ўрта аср шонрлари ижодига хосдир.

«...энг муҳим нарса, асосий тарихий боғланнишин унутмасликдир, ҳар бир масалага тарихдаги маълум ҳодиса қандай пайдо бўлганлиги, бу ҳодиса ўз ривожланнишида қандай асосий босқичлардан ўтганлиги нуқтан-назаридан қараб, бу нарсанинг ана шу ривожланниши нуқтан-назаридан ҳозир қандай бўлиб қолганлигига қарашдир»<sup>26</sup>. Ана шу нуқтани назардан ёндашиб, ушбу ёдгорликни ўрганмоғимиз керак.

«Татиммат ал-Иатимма» тили жуда мураккаб, ундаги шеърлар турли шонрларга тегишли бўлгани ва деярли ҳаммаси парчалар бўлгани учун уларни тушуниш анча оғир ва қийин. Бунинг учун ўша давр тарихий воқеалари ва тарихий шахслар ҳақида маълумотга эга бўлиш, давр адабий ҳаётини чуқур ўрганиш ва айниқса, Саолибийнинг «Иатиммат ад-даҳр» тазкирасини ҳар томонлама синчиклаб ўрганиб чиқиш зарур эди. «Иатиммат ад-даҳр»ни ўзбек тилига таржима қилинб, тадқиқ ва изоҳлари билан нашр этиш, уни ҳар томонлама чуқур ўрганиш бу қийинчилкларни енгизда, «Татиммат ал-Иатимма»ни тўғри тушуниш, ундаги байтлар таржимасини амалга оширишда бизга қўл келди.

Тазкира таржимасига кенг филологик, тарихий изоҳлар илова қилинди ва қийин байтлар мазмунини ҳам изоҳларда тушутириб кетилди. Таржимага шах-

<sup>26</sup> Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами. 39-том. 78-бет.

сий ва географик номлар ва асарлар номлари кўрсаткичидан ҳам илова қилинди. Бу кўрсаткичлар фақат «Татиммат ал-Йатима»даги номларга хос бўлиб, унинг арабча манбадаги бетлари кўрсатилди. Сўз боши ва изоҳларда учраган номлар кўрсаткичларга киритилмади.

«Татиммат ал-Йатима» X аср охири ва XI аср биринчи ярмидаги Ўрта Осиё, Эрон ва Афғонистоннинг араб тилидаги бадний адабиётини ўрганишда «Йатиммат ад-даҳр» билан бир қаторда қимматли манба вазифасини ўтайди. Бу давр бадний адабиётини форсий ва араб тилидаги адабиётга шартли равишда фақат тил нуқтаи назаридангина ажратамиз, аслида бу битта адабиёт бўлиб, унинг мавзуи, мазмуни ва ғояси бирдир. Бу Хурросон ва Ўрта Осиёдан етишиб чиққан шоирлар яратган адабиётдир.

«Йатиммат ад-даҳр» ва «Татиммат ал-Йатима»га киритилган шоирларни ҳозирги географик бўлиниш нуқтаси назаридан бирор ҳалққа нисбат бериш ҳам мумкин эмас. Бу шоирлар Ўрта Осиё, Афғонистон ва Эрон ҳалқларни шоирлари, Саолибий сўзи билан айтганда Хурросон ва мовароуннаҳрлик шоирлардир. Худди шу нуқтаи назардан ёндашиб, бу тазкирани ўрганишимиз лозим. «Татиммат ал-Йатима»нинг ўзбек тилига таржимасини тайёрлаб ва буни «Йатиммат ад-даҳр» таржимасига илова қилиб, араб тилидаги адабиёт, унинг намояндлари, унинг йўналиши, мавзуи ва ғоялари ҳақида сўз юритиш билан Ўрта Осиё, Афғонистон ва Эрон ҳалқлари адабиёти тарихини ўрганишга озмикўпми ҳисса қўшишини мақсад қилиб қўйгандик. Шояд шу мақсадга эришган бўлсан.

Асар таржимасини амалга оширишда қимматли вақтларини аямай, бегараз ёрдам ва маслаҳатларини дариф тутмаганлари учун ҳамкасларим Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси У. И. Каримов, филология фанларни кандидатлари Ш. Шонсломов ва М. Оқиловларга самимий миннатдорчилик изҳор этаман.

**ИСМАТУЛЛА АБДУЛЛАЕВ,**  
филология фанлари доктори.

ТАТИММАТ АЛ-ЙАТИМА  
(„Йатимат [ад-даҳр]“ қўшимчаси)  
Тўртинчи қисм

تنمية الينيمة  
القسم الرابع



### **3           ХУРОСОН ВА УНГА ЁНДОШ БУЛГАН БОШҚА МАМЛАҚАТЛАР АҲЛИНИНГ ФОЗИЛЛАРИ ҲАҚИДАГИ [«ЙАТИМАТ АД-ДАҲР»] ТУРТИНЧИ ҚИСМИНИНГ ҚУШИМЧАСИ**

«Татиммат ал-Йатима» китобининг мана шу охирги қисмини [ёзишга], уни Нишопур ва унинг атрофидаги вилоятлар аҳли [маълумотлари] билан бошлаб, сўнгра Хурсоннинг бошқа ўлкалари [аҳли] билан тугатишга қарор қилдим. Кейин олий пойтахтнинг<sup>1</sup> буюк тангри ўз паноҳига олган ва ўзига дўст тутган аркони давлатлари ва у ерининг турли амалларига мутасариф [бўлган]лар ва унинг хизматига бел боғлаб, у ерда муқим [яшаган]лар ва бошқаларни зикр қиласман. Тангри бунга мададкор бўлсин, унга таваккал қилдим ва унга илтижо қилдим.

#### **1.<sup>2</sup> АС-САИИИД АБУ-Л-БАРАҚОТ АЛИ ИБН АЛ-ҲУСАЙН АЛ-АЛАВИЙ.**

«Ал-Йатима» китоби унинг зикри ва қисман шеърлари билан тож кийган эди<sup>3</sup>. Ушбу китоб эса у замонаси нуктадонларидан [экаалиги ҳақидаги], ажойиб хабарлардан холи эмас. Айтмоқчи бўлганим шон-шарафда энг юқори, адаб дengизи, сахийлик баҳори<sup>4</sup>, Нишопур пешонасидаги фурра, Али<sup>5</sup> авлодлари шайхи, Ҳусайннийларнинг<sup>6</sup> энг яхшиси ва шийъалар<sup>7</sup> раҳнамоси, унинг кўкраги олдида саҳро ҳам торлик қиладиган ва омма унга талпинадиган киши ҳақида гапирмоқчиман.

Ғаройиб [нарсалар] ёфдирувчи, унинг олдида ҳатто ҳаво хираланиб қоладиган кўзёши каби ёқимли сўзлар<sup>8</sup>  
Лафзи ёқимли, [гаплари] маъноси нозик, ҳар қандай сеҳргарлик унинг балорати туфайли унга қул бўлиб қолади.

Қасал кўриш ҳақидаги фасл: ушбу касалимга сабаб нималигини билмадим, чунки мен карамлиликнинг ўзи

касал эканлигини кўргач, унинг касалига шерик бўлдим, камолат кўзига заррача кирганини кўргач, ундан 4 заррачани чиқариб олдим ва дедим ё ажабо, // [бошқаларни] касал қилиб, ўзи касал бўлмайдиган ва бизнинг касал умидларимиз у туфайли соғаядиган киши қандай қилиб касал бўла олади?

Фасл. Шайхнинг саховати мени тамагир қиласди, камчилигим эса мени пушаймон қилдиради; унинг фазли мени олдинга суради, мақтовларим эса мени орқага суради. Агар кичик [нарса]нинг ҳисобланиши катта [нарса] бўлса, қайсарлик катталикда энг каттадир; агар узр сўровчининг сукути сабаб бўлса, узр сўраш ундан маъқулроқдир.

Фасл. Баъзи вақт нафратдир. баъзи вақт эса ҳалокатдир, талаб қилувчи — шоширувчи, талаб қилинувчи эса у туфайли зерикишда, ҳар бир идиш ичидаги нарсасини томизиб туради ва ҳар бир жиноятчи нинг қўли унинг оғзида бўлади.

Унинг лафзи. Э воҳ, вафонинг вафот этишига.

Агар унинг гўзал шеърларини ёзганимда, ушбу китобнинг ҳаммасини банд қилган бўларди, лекин қисқартириш ва чўзилмаслик шартига риоя қилсин деб, улардан бир жилванигина ёзяпман. Қасидадан унинг сўзи.

Тўлин ой каби қанча кийик болаларики, у [ой] айланадиган ўқи тепасига [қаламда] ёзилмаган иккита хат [қош]ни зоҳир қилган. Чекасида чаён зирак ўрнига [гажак бўлиб] айланниб турибди, чаённи зирак қилиб тақсан тўлин ойни ким кўрган?

Унинг сўзи:

Эй Фазна аҳли, одамлар орасида шу дунёдан сизга ажратилган қисмат муборак бўлсин! Дирҳамларимизни<sup>8</sup> ўзлаштириб олдингиз, бизга эса сизнинг қорингиз қайтиб келди, бу адолатсиз тақсимлашдир.

Масхара билан [ёзилган] қасидадан унинг сўзи:

Замона мени ҳалок этди, лекин мен уни ҳалок этолмадим ва иккни янги нарсанинг<sup>9</sup> ёмон кирдикорида баҳтли бўлдим.  
Замона мени ўз ўқ-ёй билан отди ва қалбимга

қадалиб, уни икки бўлакка бўлиб юборди.  
Унинг ярми Сижистон улуши, ярми эса Хурросон  
улуши бўлди.

Унинг сўзи:

Ёшлик ўтиб кетди, лекин мен шод бўлмадим,  
маҳбуб [мендан] узоқлашди, мен хурсанд бўл-  
мадим.  
Замона ана шу сен кўриб турганингдек, қани  
менга айтчи, мақтаган нарсам учун сенга ўзим-  
ни фидо қила оламанми?  
Эй саййидим, сендан поумид бўлиб, исминг усти-  
га: «[Ундан] нажот топмайсизлар»,— деб ёзиб  
қўйдим.

Унинг сўзи:

Қато<sup>11</sup> [қуши]нинг тўп [бўлиб учиши] қаноти-  
нинг айбордлигиданми?  
У менга саховатини кенг қиляпти, мен эса унга  
ташаккурини кўпайтиряпман.  
5 Кошкийди у билан учрашиш иштиёқида бўлга-  
ним кишимни учратсам, кунлар [бизни] ажратиб  
юборди, орамиз асрга тенгдир.

Совуқ қорли кун ҳақида унинг сўзи:

Қовоғи солиқ, юзи маъюс, изғирин совуқ билан  
тавсифланган бир кун,  
Унда ёққан қор худди саҳродаги титиб қўйилган  
пахтага ўхшайди.

Дараҳтлар ва ой нури ҳақида унинг сўзи:

Бизга майни [қуйиб] айлантир, ахир қуйишнинг  
ўзи ҳайратлидир.  
Уни айлантириб [бизга] яқинлаштири ва [биздан]  
четлат!

Унга қўшилган бўлсин  
Шудринг суви қўшилган турли-туман райҳонлар.  
Ой нуридаги соялар билан нақшланган дараҳт-  
ларни кўрятсанми?  
Ер чиройлилигидан худди йўлбарс териси [унга]  
тўшалганга ўхшайди.

Уржузадан унинг сўзи:

Юлдуз тулуъ этишида титраб турған симобга ўхшайди, ой эса камайиб қолганда олтин тогора-  
нинг ярмига ўхшайди.

Ой ҳақида унинг сўзи:

Осмонда булутлар гулдираши орасида яшириниб турған ойни кўряпсанми?  
Кўлоб сувда ғарқ бўлган олтии қалқон каби қадди билан айланиб турибди.  
Еки унинг ниқобидаги гўзлар юзи ҳаё билан секин-аста юряпти.

Чилқон ҳақида унинг сўзи:

Чилқон азиятидан шайхга шикоят қиласман, унинг оғриги туфайли кечани уйқусиз ўтказдим.  
Унинг яраси сабабли [бир жойда] боғланниб қолдим, чунки у келиши билан мени кун бўйн ўтқазиб қўйди.

Угра [лохиша] ҳақида унинг сўзи:

Товоқдаги угра худди яримқоронғуликдаги тонг-  
га ўхшайди.  
**6** Унинг барглари қават-қават [бўлиб], худди қоғоз каби ялтираб турибди.  
Латофати ва танасининг нозиклиги сабабли уни [сувга] ғарқ бўлаётган ялтироқ тухум ёки кўтарилаётган [қуёшнинг] бир бўлаги деб ўйладим.  
Келтириб қўйилгандан кейин, уни ғазабнок кишининг овқат ейншидек едим?

Меваларга зарар етказувчи совуқ ҳақида унинг сўзи:

Совуқ мевага зарар келтиради ва одамзод [доим]  
ундан хатарда яшайди, дейдилар.  
Мен уларга айтдим: парвардигорим ризқ берувчи  
бўлишда давом этаркан, оғат ва заарларга  
парво қилмайман<sup>12</sup>.

2. АЛ-АМИР АБУ ИБРОҲИМ НАСР ИБН АҲМАД АЛ-МЕҚОЛИЙ, тангри унинг шон-шуҳратини давом эттирасин.

Хурросоннинг ягонаси, унинг тўлин ойи, қалби ва фахридир. Жамики асли насаби шарафлилар, камо-

лотга эришган олий жаноблар, табъи карамиллар орасида араб ва форс адабиёти ва подшоҳликка хос адабиётда ҳеч ким унга тенг келадиганни кўрмаган. Унинг шеърлари [бадиий] гўзал, уларни [шоир] кам изҳор қиласа ҳам, дурлари у бор мажлисда йиғинб олинади ва унинг ажойиб [мисралари] унинг оғзидан тортиб олинади, гўё [мана бу] сўзи каби:

Душмандан эмас, тангридан қўрқ ва яхши билгинки, ниманики у ҳукм қилмаса, сенга у ет-  
майди.

Агар сен [уйда] ўтириб қолсанг ҳам, насибанг сенга душманлик қилмайди, қачон насибанг ўзи душманлик қиласа, сен душманлик қилмаслигинг керак.

Унинг сўзи:

Бахиллик ва сахийлик каби қабиҳлик қабиҳликда йўқдир, ҳар бир хислат ҳам ўтиб кетади. Камтарлик билан бўлган бахиллик куч-қудратга аралашган сахийликдан яхшироқдир. Ҳаётим билан онт ичаманки, алой аччиқдир, баҳил [эса] маломат қилинган, ҳақоратланган [ва] жирканчлидир.

Унинг сўзи:

Сенинг ҳаётинг билан онт ичаманки, етказаётган [ёмон] қилмиши учун сенга узр юзини ўгираётган кишининг ўзи ҳозирги вақтда ўша ишни қил япти.

Гўё бир қорин бандасики, [овқатни] еб қўйиб, уни ёувчилардан узр сўрайди, ваҳоланки, у киши ҳозиргина уни еб туриби.

Абу-л-Аббос ибн Тоҳир ибн Зайнаб<sup>13</sup> [вафотига] аталган марсиядан унинг сўзи:

7 Фаҳр қуёши, олий мартабалар ва гўзал фазилатларнинг тўлин ойи Абу-л-Аббос вафоти ҳақида менга хабар қилишди.

Уларга айтдим: қалбим эзилиб кетди, сизлардан ўтиниб сўрайман: у [ўлган]ни Иби Тоҳир демай қўяқолинглар.

Унинг сўзи ва унинг қиссаси [бор эди]:

Замонадан ажабланаманки, у мени ақлсиз, нодон  
кишилар билан синаб кўради.  
Баланд қасрларда яшаганимдан кейин, пастак  
кулбаларга тушиб қолганлигимга улар мени ҳа-  
сад қилишади.  
[Бу] худди бургут ўлимтиқ тепасида турганида  
унга ит ва қора қарға ҳасад қилгандай.

[Шароб] ичишдан қайтиш ҳақида унинг сўзи:

Замонлар давомида майни қаттиқ чанқаган ки-  
шининг ичишидай ичдим, энди эса қийналиб ича-  
диган бўлиб қолдим.  
Косада эмас, кўпгинаси менга кифоя қиласди,  
унинг йўқлигида, қолганини [ичиш] заарали  
эмас.

Қандайдир бир дўсти ҳақида унинг сўзи:

Ҳадя қилиш ва ҳимматда сени сахийликнинг мағ-  
зи деб ҳисобладим ва [шу] ҳисоблаган нарсам-  
га ожизликни киритиб юбордим.  
Сен ўйлаганимдай олий жанобликнинг мағзи  
[экансан], лекин ёғи ажратиб олинган ёнгоқ мағ-  
зи [экансан].

Даҳҳазора<sup>14</sup> деб аталган бир чўри ҳақида унинг сўзи:

Нур кўринди ва қумри намоён бўлди, у ўз таран-  
нумида булбулга жавоб қиласди.  
Вақт ва дунё ёқимли эди ва лекин Даҳҳазорадан  
айрилиш ҳаётни аччиқ қилиб юборди.

Унинг сўзи:

Агар баҳтсизлик сенга оғирлик қиласа, сабр қил  
ва [сенга] умр кўмакдош бўлса, у [баҳтсизлик]-  
нинг ўтиб кетишига амин бўл.  
Бошинг сабр шохи, сабр эса катта бир дараҳтдир,  
дараҳт шохи бор экан, унинг мевасига мунтазир  
бўлишади.

3. АШ-ШАЙХ АЛ-ИМОМ АЛ-МУВАФФАҚ АБУ  
МУҲАММАД ҲИББАТУЛЛОҲ ИБН МУҲАММАД  
ИБН АЛ-ҲУСАЙН, тангри унинг шон-шуҳратини да-  
вом эттирасин.

У табиатнинг тили, уммат қалъаси ва миллат қуёшидир. Бошлиқлар, раҳнамолар, имомлар, хос ва омилар орасида унинг ўрни энг шарафлидир, унинг фазилатларининг энг ози ва хислатларининг энг кичкинаси ҳам шеър билан зикр қилишдан юқорироқдир.//Лекин мен ушбу китобимни унинг исми билан зийнатлайман ва унинг зикрига диққатни жалб қиласман. Унинг [қуидаги] байтларини менга айтиб беришганди, уларда унинг шон-шуҳрати тиљининг қиммати баён этилган:

Бошлиқ адиллар одати каби ўз ҳаваслари ҳақида унинг сўзи:

Унинг иштиёқида жонимни қурбон қиласман, чунки унинг гўзаллиги ишқида ўлимнинг яқинлашашётганини кўриб турибман.

Ўзим асируман, қалбим эса унинг ишқида боғлаб қўйилган, ажабо, шундай инсонгаки, асири асири қиласади.

Унинг сўзи:

Уларнинг қўрқинчдан қочиб кетаётгани менга намоён бўлгач, «нафири-нафири»<sup>15</sup> деб қичқира бошладим.

Унинг ҳаммолни койиб [айтган] сўзи:

Доим совуққа ва қуруққа моил табиатли бир ҳаммолки,  
Совуқлик [толеи] юлдузи у туфайли бахти, иссиқлик [толен] юлдузи эса бахтсиздир.

Унинг қандайдир ҳоким дўстига ёзгани:

Эй яхши хислатлари менга баҳор ёмғирини, кўриниши эса тўлин ойни эслатадиган ҳоким.  
Ўйлайманки иштиёқим алансаси унинг атрофида шуъла сочди, ҳатто унинг ҳимояси унга ғазабни [вақтинча] қарз берган.

#### 4. АБУ САҶД АЛ-ГАНЖРУДИЙ<sup>16</sup>.

У Нишопур аҳлиниңг бешта [машхур] табақаси: фақиҳлар, адиллар, шоирлар, деҳқонлар ва ялангоёқлар орасида зикр қилинади. У [табақа]ларнинг ҳаммасидан ҳам мұқаддам туради, илгорлик ва олдинга сакрашни ўзидан қўймайди. Ушбу китобим бу жумла-

ларнинг ҳаммасини ўзига сиғдира олмайди, фақат унинг фазлини баён қилувчи шеърларидан айрим на- муналар [келтираман], гўё унинг ғазалда [ёзган шу] сўзи каби:

Қачон у ўгирилиб, тикилиб қараса, кўз косаси камалак ўқларини отади ва у ўқлар нишон усти- да пайдо бўлади [яъни нишонга тегади]. Думбаси қум тепага ўхшайди, [ҳар томонга] эги- либ юриши сабабли қадди мулойим навда ва ка- ноп ини унинг белига ўхшайди.

Унинг сўзи:

У ғамза қилиб, кокиллари ва қовоғи билан ошиқ белини синдириб юборди.  
Сочларининг ўримлари худди алиф [ҳарфи]даги ҳамзага ўхшайди.

9 Унинг сўзи:

Еноқ чизиқлари орасидаги хол ва қора сочдан бир хат тортилибдикি,  
У худди юзасида битилган [хатлар] ва нуқталар жилваланиб турган китоб хатига ўхшайди.

Унинг сўзи:

Сенинг бўстон жамлайдиган нарсани бирга олиб юрадиган гулдай юзинг менга ором беради.  
Менинг учун унинг нарғиси, атиргули ва энди кў- кариб келаётган мўйловлари райҳони [бўлса бас].

Қизил тол [даражти] ҳақида унинг сўзи:

Қизил толга бир назар ташла, агар уни ёмғирдан кейин кўрсанг, боғлар орасидаги Қизил ёқут, ҳиллираб турган зумрад барглар ва сочиб юборилган шудринг дурлари деб ҳис қила- сан.

Қор ҳақида унинг сўзи:

Бугунги кунни кўрмаяпсанми, унинг қорли булут- лари пайдо бўлди ва дафъатан қор ёға бошлади.  
У [қор] ғазабдан парча-парча оқ кўпикларни

[оғзидан] сочиб турган кулранг туяларга ўхшайди.

Яна [қор] ҳақида:

[Шундай] бир қор яхики, унинг мен учун фил суюги устида эгилиб турган жойи [ясалган], Ер юзасида биз учун унинг ойнак ва шишалари [ясалган].

5. АБУ-Л-ҚОСИМ АБДУССАМАД ИБН АЛИ АТ-ТАБАРИЙ, тангри уни раҳмат қиласин.

Нишопурда түғилган ва шу ерда яшаб, кифоя қилярлик даражада [кишилар] соясида яхши тарбия олди. Адаб усуллари ва шахобчалари соҳасида асрлар ягонаси бўлиб етишиб чиқди, [адаб] мевалари варайхонларини [ўзида] жамлади ва баён сеҳри бўлган ўз насрини жаннатларнинг бир бўлаги [бўлмиш] назмга қўшди, унинг ёши улғайиб, [ақли расолиги] ва навдасининг [доим] яшнаб туришидан замона алданди.

Ҳозир у пойтахт [Нишопур]да рисолалар [муаллифлари бўлмиш] котиб аъёнлар қаторида, тангри уни [офатлардан] сақласин. Мана булар унинг китобатдаги қадамининг муқаддамлиги ва балоғатдаги истеъоддининг кенглигидан ҳикоя қилувчи китоби нусхасидан фасллардир. Бу [китоб]ни адаб Абу Али ал-Ҳусайн ал-Марварудийга<sup>17</sup> ёзган. [Бу вақтда] у Нишопурда яшагандан кейин Журжонга чиқиб кетган эди:

10 Устод чиқиб кетди, тангри унинг шон-шуҳратини давом эттирсин, қалб эса шавқ қаноти билан унинг томонига учиб кетди, ундай эмас, қалб у билан бирга кетди. [Бу] худди ал-Азизнинг қавмлари манзилларига келиб қолгани кабики, улар юклари орасида нима борлигини билмасдилар<sup>18</sup>. Ҳамма водийлардан унинг саломатлиги шамолини ҳидлаб кўраман ва ҳар бир ўткинчи орқали унга ўзимнинг саломимни йўллайман. Мен бу ерда унинг фироқи ўқининг нишониман ва унинг иштиёқи занжирига боғланганман. То уни кўргунумча, саломат яшайлик, агар ҳаётни унинг ҳаёти билан чўзмасак, у ҳеч кенгаймасин. Тангри бизнинг кунларимизни унинг соясидан сероб қиласин, уни яқинлаштириб, бизни баҳтли қиласин ва у туфайли лаззат фурсатларидан бизни баҳраманд этсин. Ана шунда яшаш ажойиб, замон ёш йигит ва у билан учрашиш юракларга [ёздаги] муздай ва у саломатликдир. Замон бизни охират билан поклашини тангри эслатиб ўт-

ган. Осмон зангори либосда, шамол нафасларни намлайди, боғлар эзорларни<sup>19</sup> намлайди, булут эса тугмаларни ечади. Осмон гўё келиндай жилоланади ва гўё биз унинг сочиб юборилган қатраларимиз. Адирлар атрофини миннатдорлик билан хушбўй қиласди, қаерга борсак, ўша ерда шудринглар олтиндай ва қаерни айлансан, ўша ерда [улар] дурдай, фазода эса улар кумуш. Тоғлар ўзларининг қорли оқ кокилларини ташлаб юборган. Саҳролар баҳор матосининг чиройли либосига ўралиб олган. Фақат улфатчилик учунгина [бу ерда] жой бор, фақат ошиқ учунгина ҳадиссираш бор. Косалар эски кўзалар билан бирга бизнинг орамизда айланиб турибди, улар ақиқнинг эришига ўхшаяпти, у мушк каламуши ва биродар ёноғидай кулиб турибди. Кўкраклар ошиқлар кафтидан ёрдам сўрайди, тушган шудринглар шохлар билан ўйнашяпти, шохлар чиройнига нозиклик қўшилиб кетган, кўза заргар оёққа тақадиган тақинчоқни маҳкамлаб қўйгани каби қопқоқ билан жароҳатланган:

Агар унинг [оғзидағи] муҳр бузиб ташланса, у бинафша ҳидини тарқатади, чироқни ҳам ёритиб юборади ва заъфаронни нурли қиласди.

Фақат у [Абу-л-Қосим] адабининг бўстонлари, фазлининг гўзалликлари, хулқининг хусусиятлари ва табиатининг мукаррамликлари ҳақида узундан-узоқ каломларгина нақл қилинади. Анави [юқоридағи]лар унинг насридан намуналар, булар эса назмнинг энг гўзалларидир:

Жамоли унинг мушки билан нақшланган, ёноғи қалби қони билан бўялган [маҳбуб]дан Қовоқлари шамшири нарғисданлиги, [унинг] белбогини бинафшадан ясалганига ишонч ҳосил қилингач, узр сўрайди.

Унинг қасидасидан:

Танаси хушбўй қанча [гўзал] қизларики, улар нозиклик ва ёшликтининг энг яхши [даври] ҳисобланадиган гуллаган ёшликда. Уларни мен кечаси зиёрат қилганман, ваҳоланки тунги саёҳат ва [тунги] азм қовоғимдаги машаққат ва қовоқларимдаги иккита тифни ошкор қилди.

## 1 Қасидадан унинг сўзи:

Улар Ҳайфода пайдо бўлишди ва кўзлари шамширини қўшиндаги фитна туфайли ақлдан озган [киши]нинг кўкрагига қадашди.  
Шоҳ тепасидаги бир қуёш, у ердан туриб юракларни боғлаб қўйди, э воҳ қалбим [шу] қуёш туфайли шоҳ тепасида [бўлиб қолди].  
Узоқ вақт уни знёрат қилиш учун [қалбим] қовоғимдан ғойиб бўлди, қовоғимнинг шамшири қиличимнинг тифидир.

Унинг сўзи, тавҳид<sup>20</sup>, танҳолик ҳамда китоблар билан дўст бўлиб, одамларга аралашибдан четлашиш [ҳақидаги] қасидасидан:

Осоиншта [ҳаёт] ҳуллаларини<sup>21</sup> кийиб, уйимнинг қоронги бурчаги билан улфат бўлдим, [бу] уясиз қато [қуши]нинг улфатчилигидир.  
Тамъани ўзимга қалқон қилмайман, хайр-эҳсон сўраб қўлимни чўзмайман ва оғир юқ кўтарадиган ёш туюга мурожаат қилмайман.  
Кафтим бармоқлари учи совуқ есин деб, кўзам матосидан жубба<sup>22</sup> ва кўйлак кийиб оламан.  
Агар бирорта суҳбатдошни кўнглим тиласа, ҳирс билан илмлар шон-шуҳратигагина йўлиқаман, холос.

Китоб билан ишонганим ҳолда бирга ўтирганимни, сен инкор этадиган фаслларни ва маъниларни эшитаётганимни кўрасан.  
Сиррим машҳур эмас, учрашгандা қовоқ солишим жаҳлдан эмас ва менда ёлғон йўқ.

Унинг сўзи, қитъадан:

Қанчадан-қанча нодонларки, ўзича менга турли хислатларни қисбат берди ва улар билан мени нуқсонли деб ўйлади.  
Мен уларга жавоб бердим ва фалокатлар қўли ўқ-ёйдаги узун тиғинни юраклар томонга қаратди.  
Агар замона мусибати менга ёрдам бергандан эди, у мени айшу ишратда кайф билан ўйнаб турганим ҳолда учратган бўларди.  
Қачон замона гуноҳлари зулм билан бўйнимга ёпишиб, мени тарқ этса, у [бўйни] калталик қиласади.

Унинг сўзи қитъадан:

Ёшлик сенга куч-қувват бағишилади, лекин ақл-сиз бош ўйин-кулги ва хушчақчақликда унга ором бермади.  
Демак сен қарилек шартларидан зарар кўргаганинг учун [дунёдан] тезда ўтиб кетдинг.

## 6. АБУ ҲАФС АМР ИБН АЛ-МУТТАВИИИ АЛ-ХОКИМ.

«Ал-Иатима» китобида унинг энкри, фасиҳ [таржи-маи] ҳоли, тутган ўрни ҳақида баён этилган ва бокира шеърларидан келтирилган эди<sup>23</sup>. Мана бу ўрин эса у китоб [«ал-Иатима»]ни ёзиб бўлганимдан кейин унинг ақлимга келган сеҳри ажойиботлари, бадийлик-ларининг малиҳлари ва ҳайратомуз маониларининг ягоналари учундир://Ушбу китобни улар билан зийнатлашга ҳожат йўқдир.

Мана булар унинг муқаддам ўтганларга [қўшимча] сўзларидан, худди [шу] айтгани каби: Қимнинг олтини кўпайса, унинг кибрлиги ҳам кўпаяди. Унинг сўзи: Қасамларга риоя қилиш имоннинг васиқалари-дандир. Унинг сўзи: Муҳаббат ҳирс-ҳавоси кўп нарсадир, май лазиз [нарса]ларнинг энг лазизидир. Унинг сўзи: Иккиси орасидаги холислик [бир нарсага] эга бўлиш ва уни сарф этиш кабидир. Унинг сўзи: Қўй териси каби қишлиқ нарса йўқдир.

Унинг бадний шеърларидан, ғазалда [айтилган] сўзи:

Эй мени [ўзига] ходим қилиб олган ходим, дунё  
мен учун тамом бўлди.  
Сен зулм билан тўkkанинг қонлар қанча бўлма-  
ди, ахир мен хизматкор бўлиб қолдимми ёки ҳа-  
рамнинг бичилган ходими бўлиб қолдимми?

Унинг сўзи:

Эй менинг дўстим, ҳуснда замонасининг яктоси  
бўлган киши иштиёқида мен ҳам замонанинг яго-  
наси бўлиб қолдим.  
У шундай бир [хилча] новда, лекин унинг лаб-  
лари нурнинг табассумидир, у бир тўлин ой, ле-  
кин у ингичка бели туфайли камайиб бораётган  
оидир.

Унинг сўзи:

«Аҳдинг кўзёши тўкиб йиғламоқда, туриш жо-  
йингни эҳтиёт қил,  
Кўзларингга нима бўлдики, қон тўккандан кейин  
ёшни аёвсиз тўқапти»,— деди [маҳбуб].  
Мен унга дедим: «Бу менинг ҳузуримдаги юпа-  
тиш учунми ёки овунтириш учунми?  
Лекин кўзёшим бутун умр давомида йиғи билан  
қўшилиб келган».

Унинг сўзи:

Улар ташлаб кетишиди, қовоқларим эса улар ке-  
тидан икки юзимга кўзим нуридан икки турли  
[ёшни] тўқди,  
Ҳатто кўзларим ёш тўкишдан бош тортиди, мен  
эса кўзсиз йиғлаб ёш тўкишда давом этдим.

Унинг сўзи:

Олтинсимон май [тўлдирилган] қадаҳларинг эр-  
та тонгда кулмоқда, тонгги булат ҳузурингга  
шикоят билан келди.  
У [булат]даги чақмоқ табассум билан йиғлаб  
кулмоқда, у кўрингандан гўё шикоят қилувчи шукр  
айтаётгандай.

Мушкли тол<sup>24</sup> гули ҳақида унинг сўзи:

Тур, деҳқончиликдан етишган [нарсани] олиб кел,  
сенга эса тўла қадаҳ [тутилади].  
13      Ёки сен тол гулинни кўрмаяпсанми? У мувофиқлик  
гулининг худди ўзи.

Яна ўша ҳақида унинг сўзи:

Наҳотки тол гулларини кўрмаяпган бўлсанг, улар  
очилганда, кўзга мувофиқ [ёқимли] гуллардир.  
Улар мушукнинг кафтларига ўхшайди, лекин улар  
сочилганда ҳамма томонга мушк сичқонлари<sup>25</sup> тар-  
қалиб кетади<sup>26</sup>.

Равож ва Миср лўяси ҳақида унинг сўзи:

Қандай яхшики, сенинг олдингга равож кўк Миср  
лўясига аралашиб келибди, қандай яхши қўши-  
лиш-а.

Гўё забаржад билан безатилган бармоқларики, уларга фил суюги каби билаклар бириттирилган.

Исмалоқдан қилинган [овқат] ҳақида унинг сўзи:  
Ошпаз касаллигимда пиширилмаган бир овқатни олиб келган эди, унга дедим:  
«Бизга бундан бошқа нарса пишириб келолмадингми, таассуфки бу чўктирилмаган түя ва уни исмалоқ деб аташади»<sup>27</sup>.

Улуғ султон [Маҳмуд] — буюк тангри унинг подшоҳлигини давом эттирсин — ҳақида унинг сўзи:

Султон қароргоҳи зиёратчилари сахийлик билан [тўла] шон-шараф боғига келишаётганини кўриб турибман.  
Унинг ҳузурида қанчадан-қанча хоҳловчилар пешоналари учун мурувват мажлисларида сажда қилиш имкониятлари [мавжуд].

Олтита қуш орасида [уларни] таърифлаш ҳақида унинг сўзи:

Эй парвардигор, агар тун мужассамлашса, қора қарғанинг ўзи бўлиб қоларди.  
Биз у [тун]ни ўтказдик, шаробимиз эса хўрз кўзи каби тоза, софdir.  
Бу [шароб] билан товус каби гўзал, вафодор хипча бел [маҳбуб] шошиб [айланаб] туради.  
Шундай хонандамиз борки, унинг куйлаши ҳеч ихтилофсиз булбулнинг ўзи.  
Ҳатто унга тол шохидаги кичик қушча жавоб берётганини эшиздим.  
Тонг лочини қаноти олдидаги ўнта катта патини ва қаноти остидаги яширин патларини ёзганини кўрдим.

Ушбу китоб муаллифи ҳақида унинг айтгани:

Абу Мансур сўзларида шундай лаззатлики, чанқаган [кишига] у [сўз]лар зилол сув ўрнини бо- сади.

14 Унинг назми бадинйликларини ривоят қилсан, чанқофимиз босилади, агар унинг назмини бир кун ривоят қилмасак, сувсираб қоламиз.

Унинг сўзи:

Кишиларнинг маҳшар [куни]да<sup>28</sup> ҳимоячиси бор, менинг эса машҳарда шарофат қилувчим йўқ. Фақат пайғамбар қилиб юборилган набий ал-мустафо, сўнгра шофеий мазҳабига<sup>29</sup> эътиқодимгина [менинг ҳимоячимдир].

## 7. АБУ МАНСУР ЯҲЕ ИБН ЯҲЕ АЛ-КОТИБ.

Уст-боши фазлга тўла, ҳақ-ҳуқуқи билан котибдири. [Яхши] хусусиятларининг зўрлиги уни ал-Амир Абу-л-Фазл ал-Меколий<sup>30</sup> — буюк тангри унинг шон-шарафии давом эттирсин — билан дўстлаштириди, унинг нуридан ўзига олов олди. У шундай дейди:

Қачон миниладиган уловдан маҳрум бўлинганда, у сенинг биродарингга хабар қилди, улов минган кишига янги хабарнинг ўзи уловдир. Одобли билан дўст бўл, шунда сен жоҳил билан дўстликда [бўлгани] каби оёғинг остида тойғоқ жой кўрмайсан.

## 8. Унинг ўғли АБУ-Л-ВАФО МУҲАММАД ИБН ЯҲЕ.

Ёшлигининг гуллаган ва замонаси имкон берган [вақт]да адаб гўзалликларини эгаллаб наср ва назмда санъаткор бўлиб етишди ва фазлнинг ҳамма қирраларини ўзига олди. Унинг санъаткорона [айтилган] шеърларидан. Ал-Амир Абу-л-Фазл—тангри унинг шон-шарафии давом эттирсин — ҳақида унинг сўзи, қасидадан:

Суод ёки Рабоб<sup>31</sup> [хизмати]дан кўра арбоблар хизматини [адо этиш] мен кабиларга биринчи баҳтдир.

Бу билан мен сахийлигига булутлар сахийлиги ҳам баробар кела олмайдиган кишилар — Мекол авлодларини<sup>32</sup> кўзда тутяпман.

Улар мендан замона сустлигини ювиб ташладилар ва менга [инъомлар] ато этдилар, ахир мен ҳалок бўлган эдим-ку<sup>33</sup>.

Улар менга баландликларга [кўтарилиш] йўлини кўрсатиб беришди, ҳатто олий мартабаларнинг ҳар қандай эшигидан кириб бордим.

Кимки Убайдуллоҳни<sup>34</sup> мадҳ қиласа, у олий мартабаларда ҳеч қайғусиз чақмоқтош билан олов ёқади.

У ипни шундай маҳкам ушлаб оладики, у [ип]ни

узиб юборишидан ҳеч нарса унга хавф-хатар бўлмайди.

Ундан бошқа эмас, у туфайли мен бадавлат бўл-ялман, худди ал-Хузобли бир йигит бойиб кетгани каби.

Тангри унинг давлатини давом эттирсин ва унинг қўллари ҳаётнинг энг лаззатли меваларини териб олаверсин.

Бахт-саодат унинг ҳар бир ҳайитда табриклаб, то ҳисоб-китоб куни [қиёмат] гача уни табриклишни қўймасин.

- 15 Абу Абдуллоҳ ал-Ҳусайн ибн Али ал-Бағавий ал-Котиб<sup>35</sup> бу [шоир] га шундай ёзган экан:

Эй Ибн Яҳе, Яҳёниг фазлини [сенда] кўриб турибман, чунки узоқ вақтгача [отанг] Абу Яҳе ҳамроҳинг бўлган эди. Унинг муҳаббати қалбимга аралашиб кетган, бу худди сувнинг муздай майга аралашиб кетгани кабидир.

Абу-л-Вафо унга [шундай] жавоб қилибди:

[Эй] Абу Абдуллоҳ, сўз устаси бўлиб қолдинг, биз ҳаддан зиёд яхшиликка эришдик. Қандай яхшики, булут ўғли узум қизи [май] га уйланибди, карамлилик биродари унинг маҳрини ғофил кишига тўлаб қўяқолсин. Сўзларинг қалбимга шундай ёқимлики, улар муҳаббатни унутишга мажбур этиб, ғам-қайғуни даволади.

У яна [шундай] деган:

Кўзёши ёмғири ёшлиқ аҳду паймонини сероб қилди, яйлов кунларини эса баҳор ёмғири сероб қилди. Қанчадан-қанча йилларни ойма-ой ўтказиб юбордим, ҳатто жумодо [ойини]<sup>36</sup> рабиъдан<sup>37</sup> фарқлай олмадим.

У деган:

Амирга ва менинг кишим бўлганга айт, у менга жавобни қайтарсан:

«Сен таъна шамширини қиндан чиқарганингда,  
менинг танамни ҳолдан тойдирдинг».

У деган:

Марваррузда ёғин пайтида анча вақт қолиб кетдим, унга ўхшаш жойда эр киши туришининг чўзилиб кетиши хатарлидир.

Қачон бўлмасин момақалдироқ хабарчиси бизга «қочинглар» деб хабар қилса, у ердаги деворларни ёмғирга сажда қилиб турганини кўрамиз.

У деган, амирга<sup>38</sup> аталган бошқа [қасида]сидан:

Ёшлик иши қандай яхшики<sup>39</sup>, агар кечалар бахтсизлигининг оқиб келиши бўлмаса, унинг яхшилиги қандай бўларди.

Гуллаган ёшлигим шохининг даврлари янгилашиб, соялари қанот ёзди, қўлим унинг меваларини териб оляпти.

Соҳибжамолни зиёрат қилиш учун қушни чиқармадим, таъна қилиш ва кетма-кет қичқиришлар мени учишга мажбур қилолмайди.

Унинг тахтиравонисиз бирор уй олдидан ўтиб кетсан, шерлар уйлари мени қайтишга мажбур этади ёки унинг тўлин ойини кўраман.

Саодат ва унинг нурини ўз бахтимда кўряпман, бахт эса Яманда тўқиладиган. йўл-йўл матодан [тиклиган] кийимнинг энг иссиқ қисмидадир. Эй қуёш иссиғи билан ҳақоратланган куннинг парвардигори, иштиёқим мени уни зиёрат қилиш

га чақирди, у эса мунтазир бўлиб турибди. У сурма қўйган қўзлари билан мени кутиб олди, меъжари<sup>40</sup> эса худди тўлин ойнинг зулматда боғлаб қўйилган тишига ўхшайди.

У мени ҳурматлаш учун мен томонга қадам босса, оёқларига таққан узукларига сочи хизмат қилиб туради.

Тонг ундан ўзиб кетаёзган қанча кечаларки, қато [қуши] бош бармоининг ярми уларга қисқаликни қарз берган.

[Амир] хурсандлик кўйлаги остига бизни тўплаб қўйди, худди гули ғунчасига тўпланган атиргул каби.

Ёдимдан кўтарилиб қолган замонлар сувга қондирилсин, кўзёшлари [улардан] ўзиб кетганини кўрмаганмисан?

Э воҳ, бу қандай йигитки, замонасида ёшлардан унга тенг келадигани йўқ, унинг ҳақидаги хабарни билганлардан сўра. Ҳожамиз Убайдуллоҳ билан учрашишдан бошқа [нима ҳам бор], бу амир, анави эса ажойиб бир ҳаётдир.

Бу [қасида] жуда узундир.

9. УНИНГ БИРОДАРИ АБУ САЛМА, буюк тангри унга мададкор бўлсин.

Отаси йўлидан борди ва биродарига тақлид қилди. Ал-Амир Абу-л-Фазлнинг — буюк тангри унинг шоншуҳратини давом эттирсин — котиби бўлиб, унинг хулқини ўзига ўзлаштириб олди, унинг йўлидан юрди ва унинг фазли саҳифаларини айтиб берувчи бўлди. У шундай киши эдики, унинг хати [Абу-л-Фазл] хатидан фарқ қилмасди, унга қарға қарғага ва хурмо хурмога [ўхшагандек] ўхшарди. Унинг хатлари қатори шеърлари ҳам [мавжуддир], гўё ғазалда [ёзилган шу] сўзи каби:

Унинг қаддипи виқор билан ўсиб келаётган навдага ва қўзига ўхшатган кишига маҳбуб зулм қилди.  
Навданинг гули тўкилгандан кейингина у сахийлик қилиб [мева беради].  
Унинг жамоли ҳар вақт боқийдир.

Абу Аъло ал-Басрий<sup>41</sup> унга сиёҳ ҳадия қилишни сўраб ёзганда, унинг талаб қилған нарсасига яхши жавоб қайтарибди, шеър билан ёзилган [жавоби]дан:

Баъда [сўз шулки], сенга сиёҳни юбордим, у тун зулмати ва [камина] қулнинг совғасидан хабар берувчиидир.  
Агар қоғозда бирор нарса содир бўлган бўлса, унинг қоралиги ҳақ нурини ал-Ҳажад зулмати билан бирга қоғозга кўчиради.  
Муҳаббат ҳаққи онт ичаман, агар кўзимнинг қораси ва қалбим мағзи ҳузурида бўлганда, унга муносиб тушган бўлардим.

17 10. АБУ-Л-ФАЗЛ ИСМОИЛ ИБН МУҲАММАД ИБН АЛ-ҲАСАН АЛ-КАРОБИСИЙ.

Машҳур фақиҳлардан ва шоирларнинг энг фақиҳларидан, унинг кийими илмга тўла, ақл ва фазилат ун-

га хос тавфислардандир. У жуда чиройли қилиб [шундай] деган:

Сен ёқимли ҳаёт кечиришни хоҳлайсан, лекин замонанинг айланиши балолар келтиришини сен кўрмаяпсан.

Бу дунёда секин-аста юришинг қамоқдир, қамоқдаги мashaқатли кун жуда секин ўтади.

### 11. АБУ МАСЬУД АҲМАД ИБН УСМОН АЛ-ХУШНОМИЙ, тангри унга мададкор бўлсин.

Нишопурнинг яхшиларидан, унинг фозилларидан ва шоирларидан биридир. Сўзлари нафосатли, зариф ва тафсилли жумлаларга бойдир, худди шу айтгани каби:

Шундай бир жоҳилки, мени ҳақоратлашда ўжарлик қилди ва менинг мартабамга риоя ҳам қилмади.

Мен сукут қилиб, унга парво қилмадим, камтарлик менга ўхшаганларни зийнатлайдиган нарсалардандир.

Икки жагим орасида кесгир шамшир [тил бор], лекин тангрининг нажоти уни қинга солиб қўйган.

Унинг сўзи:

Эй ҳокимлик шон-шуҳрати мағурурлантириб қўйган ҳукмдор, шу [мағрурлик] туфайли халқа зулм қилдинг ва йўлдан тойиб кетдинг. Бундан қайт, шон-шуҳрат кетидан [манасбдан] четлашишнинг хорлиги юради, ҳукмдорликнинг хушбўй атри унинг бодига вафо қилмайди.

Унинг сўзи:

Эй олий мартабалар ривоятчиси [бўлган] хожа, у [матрабалар]дан сен узоқлашолмайсан. Олий жанобликнинг ҳақиқийси сенинг қўлингда, сендан бошқанинг қўлидагиси эса ўтқинчиdir. Сен замонанинг гуноҳ [ишлар]ига узрлисан ва сен улуғлик лиbosларига тикилган безаксан.

Унинг сўзи:

Соч оқини нур деб атаган ва у [оқ] виқорни бекитиб туради, деб ўйлаган кишига [шундай] дейман:

«Мен учун виқордан кўра ранги тонг ва қатронни эслатадиган соч яхшироқдир».

## 18 Унинг сўзи:

Қачон у [май]ни бир ўзим сұхбатдош дўстсиз ичиб ҳақоратлаганимда [шундай] дедим: «Унинг йўқлиги соғлом сұхбатдошдан мени маҳрум этгани учун қадаҳимни ўзимга дўст ва сұхбатдош қилиб олдим.

## Унинг ғазалда [айтилган] сўзи:

Агар Абу-л-Фатҳнинг<sup>42</sup> юзи намоён бўлса, тулуъ этиб турган тўлин ойга муҳтож бўлнимайди. Тангри унинг қадди қоматини сақлаб турмаганда ва у сажда қилишга эгилганда, шубҳасиз синиб кетган бўларди.

## Унинг ҳикмат билан [айтилган] сўзи:

Замона мусаффоликдан маҳрум бўлгандан кейин, замонангда ҳаётнинг мусаффо бўлишига ишонасанми?

Бу дунё одамларидан вафони умид қиласанми, ахир вафодан қудратли ҳеч нарса йўқ-ку.

Озиқ тиши оғриган бир йигит ҳақида унинг сўзи, у [йигит] Абу Саъд ибн Халаф<sup>43</sup> билан тортишиб юради:

Эй ҳусн қибласи ва шаҳар [аҳли]нинг фитнаси, сенинг [яхшиликдан] хабар берувчинг шикоят қилди, сен эса унга оғриқдан шикоят қилдинг. Юзинг эрталабки қуёшга, агар у тулуъ этса, мойчекак ва салқинликка зарап келтиради.

12. АБУ-Л-ҲАСАН МУҲАММАД ИБН АШ-ШАИХ АБУ АЛИ АЛ-ҲУСАЙН ИБН МУҲАММАД ИБН ТАЛҲА, буюк тангри улар иккисига мададкор бўлсин.

Ҳар томонлама қарамли, ҳар тарафдан шарафли, адаб, фазл ва олни жанобликда энг шуҳратлидир. Ҳозир унинг ёши йигирмага етмаган, лекин шеърлари машҳур санъаткор [шоири]лар шеърларидан устун туради. Унинг отаси ҳақидаги қасидаси хаёлимга келди, агар буни ал-Бухтарий<sup>44</sup> ёки Абу Фирос ал-Ҳамадо-

ний<sup>45</sup> айтганда, [ундан] зиёда қилолмаган бўларди.  
Унинг аввали:

Тақдир бевафолигини айблайман ва ундан ўтиб кетган нарсанинг қайтиб келишини талаб қила-  
ман, лекин тақдирниг ўзи айбловчиидир.  
[Утиб кетган] кунлардан улар билан қайтадан учрашишни орзу қиласман, мана бу алдамчи нафс-  
ларнинг хоҳишлариидир.

Тақдиримдан шикоятим, уни ҳақорат қилаётга-  
нимдан [шикоятимдир] ва кўзларимга жаҳл қи-  
лишим ундан ўпкаланаетганимга [жаҳл қили-  
шимдир].

[Менинг учун] қайғу чекиш етарли, чунки ён то-  
монда денгизни кўриб турибман ва мен учун  
Рай ҳовузига бўлган ташналик алоҳидадир.

Озод ва мусибатга дуч келмаган кишилардан аж-  
ралиб қолмаганим, менинг қайғуларимни енгил-  
лаштиради.

Химматим жозибали бўлиши учун ўзимдаги нар-  
сага ишонаман, осойишталигим учун шавқнинг  
жозибадор ёмғирлари [бор].

Тангри бизнинг қароргоҳимиз бўлган дунёни,  
бизнинг аҳбобларимиз ва севган кишиларимиз  
бўлган қавмларни [ўз] ҳимоясида сақласни.  
Шамишири ўткир кишилардан қанчаси [тангри]  
ҳимояси билан нози пеъматда яшаяпти, уларда  
шеърга муносабат ўзгариб кетди.

Шу [қасида]дан:

Янги узилган атиргуллардан [тиклиган] либос-  
лар унга муҳайё, хушбўй мушкдан унинг муат-  
тар ҳиди ўғирлаб олинган.

Ушандан:

Эй уй, балки эй тўлин ойнинг зулматдаги гардиши,  
сени булатлар сувга қондирмади, балки менинг  
кўзёшим қондирди.

Уша зотлар эмасмики, уларни [тангри] уйини  
зиёрат қилиш учун ориқ, қоринлари бўртиб чиқ-  
кан [отлар] ҳолдан тойдиряпти.

Иштиёқ менга хиёнат қилиб азоб берди, фақат  
қўйилиб турувчи кўзёшигина мени сақлаб қолди.  
Бўлиб юборувчи парвардигоримиз халқни бўлиб  
юборишга ҳукм қилган, тўпловчи [тангри] уни

бир жойга тўплашини истамайман.

Ушандан:

Улканинг энг узоқ жойларига ўзимни ураман ва мен ҳаёт муддатининг энг узоқ [иуқтаси]га са-  
хийлик билан урувчидирман. Замонанинг теварак атрофи тишлари ва ҳукм  
чиқарувчилар кескир шамширлари мендан кулиб  
турибди.

Ушандан:

[Шундай] бир саҳроқи, фақат саробгина унинг  
сувидир ва кетаётган отлиқларгина унинг қат-қат  
туманлариdir. Уловларимиз болалар ўйнайдиган ёғоч қиличлар  
каби тепалик устида ялтираб туради, тепалик эса  
ўйнаб туради.

Ушандан:

Шайх ар-раис томонга [бориш учун] саҳроларни  
кесиб ўтдик ва сувсиз чўллар бўлмиш даштларда  
кездик. Биз билан эгар-жабдуқ, эгар устига қўйилади-  
ган ёстиқ, катта ва кетма-кет қадам ташлайди-  
ган зотли отлар бирга борарди. Қайғурган хурсанд бўлсин, орқада қолган олдин-  
га ўтиб кетсин, [яйловда] ўтлаётган омон бўл-  
син ва талаб қилган зафар қозонилсин. Ҳожатлар амалга ошсин, хоҳишлар қўлга кири-  
тилсин, умидлар рўёбга чиқсин ва мақсадлар ба-  
жарилсин деб [у томонга юрдик].

20 Ушандан:

Етишиш энг узоқ бўлган ниятлар унинг учун энг  
яқин ниятдир, энг узоқ масофада бўлган нурли  
юлдузларни зикр қилишни ҳам қўябер, [бу унинг  
учун ҳеч гап эмас]. У душманларга ҳарфлари шамшир тифи ва найза,  
сатрлари эса шерларнинг кафти бўлган қанча  
китобларни ўқиб берди. Унинг ёрдамлари ёмғир ёғдириб, ерларни кўка-  
ламзор қилди, у [ер]лар ҳусни бузилмайди, суви  
қуримайди ҳам.

Сахийлиги учун яйловда ўтлаётган ҳайвонларнинг энг чопқир зотлари унга [интилади] ва энг мустаҳкам қадамлар орқада қолиб кетади.

Қасидани [шу] сўзи билан тугатган:

Эй, карамиллар қуёши, сен энг юқори уфқда тулуъ этиш ва тўлқинлар тепасида қуёш бўлишдан тўхтамадинг,

Сен бутун атрофни кўкаламзор қилишда давом этдинг, сенинг сахийлигинг билан қурғоқчилик йиллари ҳам албатта [экинлар] кўкариб кетади.

### 13. АБУ ЮСУФ ЯЪҚУБ ИБН АҲМАД ИБН МУҲАММАД, тангри унга мададкор бўлсин.

Унинг табиати адаб билан уйғунлашган, фазли тили билан замона нутқ сўзлайди, замона ўзидағи нафратли [ишлар]га қарши йўл-йўриқ бериш учун чиндан ҳам уни сабабчи қилиб қўйди ва унинг мавқеини кўтариш учун унинг ҳақида қайғурди. Чунки кўзга кўринмай юриб шуҳрат қозонгандан кейин энг юқори мартабаларга етишган ал-Ҳажжож иби Юсуф<sup>46</sup>, Абдулҳамид иби Яҳё<sup>47</sup>, ал-Маҳдийнинг<sup>48</sup> котиби Абу Убайдуллоҳ ал-Ашъарий<sup>49</sup> ва Абу Зайд ал-Балхий<sup>50</sup>, Абу Саъид аш-Шабибий<sup>51</sup>, Абу-л-Фатҳ ал-Бустийлар<sup>52</sup> каби адиллар орасида унга тақлид қилиш лозим бўлган [киши] дир. Унинг мавқенга ал-Бухтурийнинг [шу байти] жуда мосдир:

Кунлар ваъдалари унда [мужассамлашган], тангридан шу ваъдалар бажарилини хоҳиш қила-  
ман.

Иби ал-Румийнинг<sup>53</sup> [қуйидаги] сўзи ҳам шун-  
дай:

Аттор мушкни тош устида жамики хорлаш билан азоблаб янчайтганини кўрмаяпсанми?

Тақдир қилмишлари уни ниҳоясига етказганда,  
жаббор унинг манзилига [уқубатлар] туширди<sup>54</sup>.

У [яъни Абу Юсуф]нинг гўзал насрый [асарлари] ва бадиий шеърлари [кўпдир], худди ушбу китоб муаллифи ҳақидағи [мана бу] сўзи каби:

Эй мавлойим, менинг қимматимни ҳақиқатан ортиридинг, даражамни юқориладинг ва шон-шрафни менга мерос қилиб бердинг.

Мен эса сенга миннатдорчилик қила олмадим,  
ахир узр [айтиш] ойдинроқ-ку. Наҳотки, қулга  
муруват қилган мавло миннатдорчиликка муҳ-  
тох бўлса.

У [яъни ас-Саолибий] нинг «Сиҳр ал-балоға» кито-  
би орқасига [Абу Юсуф шундай] ёзиб қўйган экан:

21 «Сиҳр [ал-балоға]»нгни ёзиб, одамларни сиҳрлаб  
қўйдинг ва [бу билан] замонанинг бўйнига шода  
тақиљди.  
Маъниларни [ечишда] сен энг улуғсан, қадр  
қимматинг буюклигига бизнинг шоҳидларимиз  
бор.  
Дунё фалокатларидан ҳаммани ҳимоя қилдинг  
ва сен ҳозир асринг аҳлининг Жоҳизисан<sup>55</sup>.

Ҳижоб<sup>56</sup> ҳақида [шундай] деган:

Эй карамлиликнинг ҳамма [тури]да илгор ва  
шон-шуҳратнинг энг юқори нуқтасига эришган,  
Агар биздан юзингни беркитадиган бўлсанг,  
ажабланарли эмас, қуёш ҳам булатлар томони-  
да яшириниб туради.

У ҳажв қилиб деган:

Менга Абу Ҳасан карамли киши, дейишди, мен  
дедим: иборадаги «мим» ҳарфи «ҳо» бўлиши ке-  
рак<sup>57</sup>.  
Уни шон-шуҳрати учун ҳажв қилаётганим йўқ,  
балки [одамлар] тош отаётган итни кўриб [ҳажв  
қилаяпман].

У деган:

Тангри умримга барака бермасин, чунки Абу  
Амрга қариндошлигим мени хурсанд қиласди.  
У шундай соф тупроқки, ариқда сув оқмаган  
вақтда у билан таяммум<sup>58</sup> қилдим.

У деган:

Бир новвойга ал-Мубарраднинг<sup>59</sup> грамматикаси-  
ни ва Ҳалил ибн Аҳмаднинг<sup>60</sup> чиройли китобла-  
рини кўрсатдим,

Ибн Сиррининг<sup>61</sup> «Туш» [китобини], Муҳалҳил-  
нинг<sup>62</sup> хатини, Жаҳмнинг<sup>63</sup> «Тавҳид» [китобини],  
кейин Муҳаммаднинг<sup>64</sup> фиқхини [кўрсатдим].  
Унга ал-Кумайт<sup>65</sup> ва Жарвалнинг<sup>66</sup> шеърларини  
ўқиб бердим, ал-Гариз<sup>67</sup> ва Маъбаднинг<sup>68</sup> кўйла-  
рини айтиб бердим.  
[Бу айтган]ларим менга фойда бермади, фақат  
«оқ юмaloқ қўлда [жизиллаб] овоз чиқариб ту-  
радиган «[нон]ларни олиб кел», деганим [фойда  
берди], холос.

Риёкор ҳақида [шундай] деган:

У ўзини одамларга Масиҳ ибн Марямга<sup>69</sup> ўхшаш-  
лар билан қариндошлигим [бор] деб кўрсатади,  
кийими ичиди эса алдамчи ва ундан ҳам хоинроқ  
[яшириниб турибди].  
Унинг кийимининг тортилиб туриши сизларни ал-  
даб қўйдими? Бу бир дон, унинг тагида эса ту-  
зоқ бор, эҳтиёт бўлинглар.

У деган:

Шон-шарафимнинг ҳаддан зиёдлиги, қадримнинг  
баландлиги ва [эгаллаган] ўрнимнинг юқорили-  
ги сабабли, улар тепамга чиқиб олишмади.  
Тутун оловнинг энг тепасида бўлади, кўп вақт  
отлиқлар салласи тепасига чанг ўрнашиб олади.

22 У деган:

Мен бир ҳунарга гирифтор бўлдимки, бундай ҳу-  
нар баҳтсизликдир.  
У ҳунар, лекин у баҳтсизлик билан бирлаштириб  
қўйилган.

У деган:

Мансабга интилиши сабабли, унга етишишни у  
орзу қиласи, лекин бу ерда мансаб учун [унинг]  
хеч қандай асоси йўқ.  
Бу худди қувватсиз кишининг бокира қизга уй-  
ланишни орзу қилиб, [у қизнинг] уддасидан  
чиқолмагани ва қўшмачиликка мойил бўлиб қол-  
гани кабидир.

У деган:

Сизлардан кимки тўлин ойга ўхшаган ва қуёшли эслатадиган ўйнақи кийик боласига ошиқ бўлган бўлса,  
Мен фақат қўлларидан нақш ва оғзидан дур  
[сочилиб турган] адаб соҳибкори ошифиман.

#### 14. АБУ МУҲАММАД АЛ-ҲАСАН ИБН МУҲАММАД АЛ-ҲАРБИЙ.

Зоҳидлик ва ибодатда унинг ҳақида мақоллар тўқилган ва икки юз йил давомида Нишопурда қабри зиёрат қилиниб, зикри улуғ тангридан ҳожатларни право қилишини сўралаётган ва у ердаги шаҳидларнинг энг умри боқийси бўлмиш Аҳмад иби Ҳарб авлодидандир.

Абу Муҳаммад йигитлик охирининг фазилатларига, ёшлик биринчи даврининг заифлигига, мақбул бўладиган шеърга ва лаззатли адабга [эга бўлган] ҳолда ўспириинлик либосини кийди<sup>70</sup>. У ас-Соҳиҷ<sup>71</sup> васф килган баъзи бир фозил сухбатдошлар кабидир. [Ас-Соҳиҷ] айтган эди :«Агар хоҳласанг, у ибодат қилувчининг тасбеҳи, ёки агар севсанг, у ҳалок этувчи олма ёки яранлансанг, у роҳибининг қалқони ёки агар из қолдирсанг, у ичувчининг саломидир». Малиҳ шеърларидан унинг сўзи:

Эй фазли бутун ҳалқа барбод бўлган ва у туфайли сўровчилар истаган нарсасига эришган.  
Жоним сенга фидо бўлсин, элчига раҳмдил бўл,  
ахир элчининг [олиб келган нарсасини] етказишдан бошқа ҳеч [иши] йўқ.

Наврўз ҳақида унинг сўзи:

Эй Машриқ аҳлининг энг бахтли қуёши<sup>72</sup>, ҳамалнинг<sup>73</sup> тепасига Қуёш келиб тўхтади.  
Наврўзининг тулуъ этиш шарафига май қадаҳнинг [тўлдириб] ич, у дўстликни ранг-бараанг қиласди.

Қасидадан унинг сўзи:

Эрта тонгда чанг кўтарилиб, умрнинг қўнғир туялари ҳаракатга келди.  
23 Ё тангри, агар уларнинг видолашиби вақтини кўрганингда, ёноқларда кўзёшини қуйилиб [оққанини] кўрган бўлардинг.  
Албатта улардан кимдир нимчасини пора қилга-

нини кўрардинг ва албатта биздан кимдир кўк-  
ракларини пора қилганини кўрардинг.

Унинг сўзи:

«Соқолни қўйиб юбор»,— дейишди ва унинг юзи-  
да зулмат пайдо бўлди, ўтиб кетган нарса қайтиб  
келмайди деб тасалли бер.  
Уларга жавоб қилдим: «Қоронғилашгандан кейин  
юзнинг гўзаллиги зиёда бўлгач, қандай қилиб  
тасалли берилади.  
Юлдуз қоронғида чиройли бўлади ва тўлин ой  
у [юлдуз]лар билан фақат қоронғуликдагина кў-  
ринади».

Ушбу китоб муаллифи ҳақида унинг сўзи:

Нишопур атрофлари нур сочди ва хурсандлик  
хабарчилари пайдо бўлди  
Мавлойимиз Абу Мансурнинг қайтиб келиши би-  
лан. [Унинг] иззат икроми, олимлиги  
Ва давлати тўхтамай, замонлар давомида абадий  
қолсин.

15. АБУ-Л-ФАЗЛ АҲМАД ИБН МУҲАММАД АЛ-  
УРУЗИЙ АС-САФАР [номи] билан машҳур.

Адабда энг олдингилардан, китоб хизматида тўқ-  
сон [йил]ни ўтказган, умрини илмлар мутолаасига ва  
Нишопур адилларига дарс беришга сарфлади,— у ях-  
ши фазилатлар ва ёқимли [хусусиятлар]ни ўзида ас-  
раганди. Ўзининг шўхлиги ҳақида [шундай] деган:

Девонда бир қоронғиликдаги ой юқори кўтарилди  
ва ўзига насиб этилган баҳт юлдузларини тортиб  
чиқарди.

Унинг хати энг гўзалми ёки ёноғими, унинг ни-  
гоҳ ташлаши энг йўлдан тойдирувчими ёки лаф-  
зими?

Етти [қароқчи] юлдузлар номини бир байтда жам-  
лаган [шеърини] менга айтиб берганди:

Замона унга бир ожиз юлдуз билан ёрдам берин-  
шини белгилашга қодир бўлган эй зот, худо ҳа-  
қи [замон унга] ёрдам беради.  
Арш парвардигорига жоҳилликни шерик келтир-

манглар, у юлдузларнинг бир меъёрда ҳаракат  
қиласидиган қилиб [яратди].  
[Бу юлдузлар] Уторид [Меркурий], Зуҳра [Венера],  
Қуёш билан Зуҳал [Сатурн], ягона Муштарий [Юпитер],  
Миррих [Марс] ва Қамар каби-  
лардир.

Менга [шу шеърини] айтиб берганди, тангри уни  
раҳмат қиласин:

Соф яхши кумуш бўлгани учун тангри уни тош  
қалб [киши]га топширди.  
Ҳатто олов [кумуш]ни минг машаққат билан ва  
минг марта чиқариб олса ҳам,  
24 Қоядан минг марта қаттиқ бўлган нодон кафтига  
тангри уни [сақлашни] топширди.

#### 16. АБУ БАКР АҲМАД ИБН АЛИ АС-САБГИЙ.

Нишопурнинг ал-Буюототи [қишлоғи] аҳолисидан  
[бўлиб], адаб ва зарифликни [ўзида] жамлаганди.  
Шеърлари сингиллиги билан унинг руҳига муносиб ке-  
ларди ва [кишилар] билан муомалада у [одамлар]  
пўстини шилиб оларди. Ёшлигининг гуллаган даврига  
қадам қўйганда, унинг адаблари асбоби қирқнлди<sup>74</sup>.  
Унинг дўсти фозил, зариф Абу Мансур Али ибн Аҳмад  
ал-Жаллоб ал-Котиб — буюк тангри унга мазадкор  
бўлсин — ўзининг [шу] сўзи билан унга марсия [ёз-  
ганди]:

Улим хабарчиси Абу Бакр — у шундай [зот]  
эдики, тақдир уни ҳалокатга учратиб, фазл кў-  
зига ўз ўқини отди — ўлими хабарини берганда,  
Қалбим ҳасрат ва қайғудан пора-пора бўлди, мен  
унинг ўзи учун йиғламадим, балки ёшлиги туфай-  
ли кўзёши тўқдим.  
Ажал фириб бериб унга ҳужум қилди ва ўлим  
соати ўз чангали билан унинг тенгдошларига  
ташланди ва уни ҳалок этди.  
Ҳалокат унинг томонидан биз томонга ҳам йўна-  
лишига ва бизни ҳам бало масканига ва унинг  
ёнига қўйишига оз қолди.  
Тангри унинг қабрига эрталабки ёғирни ёғдири-  
син ва охират уйига қайтиб боришини карамли  
қиласин.  
Эй менинг дўстим, фалокатга сабр [керак], ҳар  
бир тупроқдан яратилган киши, ўз тупроғи билан  
албатта учрашади.

Абу Бакрнинг малиҳ [шеър]ларидан унинг сўзи:

Абу Бакр эрталаб қадаҳ билан шошиб югурди  
ва атиргул ҳамда миртани суғарди.  
Сен ўзингда олиб юрганинг орномусингни кўза  
билан тос орасида йўқотдинг.  
Ёш кишининг айши айшдир, дин эса Абу Нувос-  
нинг<sup>75</sup> динидандир.

Унинг сўзи:

Шеърим назмини кўрган кишини тангрим раҳмат  
қиласин ва унга ишора қилганим учун дуойимни  
қабул этсин.  
У: Эй парвардигор, унинг ҳирс-ҳавосидан мени  
сақлагин ёки уни севган кишини [ўзингдаи] чет-  
лат, дейди.

Ўзини ал-Лосикийядан деб даъво қилиб ва Ибн Бобак<sup>76</sup> шеърларини ўзиники қилиб [юрган] раплик бир инсон ҳақида:

Мен Лосикийман деб юрган кишининг онаси тў-  
кувчига эрга теккан бир қон оловчидир.  
Менинг шеърларимдан [деб] айтиб юрган нарса-  
ларининг ҳаммаси Абдуссамад ибн Бобак шеър-  
ларидандир.

25 17. АБУ МАНСУР ИБН АБУ АЛИ АЛ-КОТИБ,  
буюк тангри унга мададкор бўлсин.

Нишопурнинг котиб адилларидан ва расм-русумда  
уларнинг энг таниқлиси, унинг хати чиройли ва шеър-  
лари китобий, форсча шеърини таржима [қилиб] айт-  
ган [мана бу] сўзи каби:

Сиёҳдан қаламни олган ҳар бир киши ҳам [бу]  
қурол билан улуғликка етишмайди.  
Ахир ҳасса ушлаб юриш мўъжиза эмас, у [ҳас-  
са] қалбининг аждаҳолиги мўъжизадир<sup>77</sup>.

Форсчаси:

Сиёҳдан қаламни олган ҳар бир киши ҳам жа-  
ҳонни касалликдан даволадим деб билавермайди.  
Ҳасса ушлаб юриш мўъжиза эмас, аждаҳо қил-  
ган нарсанинг ҳаммасини ҳасса қилавермайди<sup>78</sup>.

Ўртоқларидан бирига шеър ҳақидаги китобни бериб туришни сўраб [шундай] ёзган экан:

Сенинг насрларингдан илгари юборган ажойиб  
бадиний байтларингни ўқиб чиқдим.  
Мен ўзим бутун аъзоларим ва нимаики қўлим-  
да — ҳаммаси сенинг уйингдан келган элчига фи-  
додир.  
У [байт]лар ва бошқаларидан нимаики саралаб  
олаётган бўлсанг, булар сенини, танлаб олишни  
хоҳлаётган нарсангни қўлга киритавер.  
Муҳаббат аҳлига олий жанобликларнинг улкан  
дараҳти бўлишда давом этдинг, ҳосилингдан ян-  
ги узилган меваларнинг хушбўйлиги уларга фой-  
да етказяпти.

Девонни бошқараётган қандайдир бир хизматчини  
табриклаб айтган [шеъри]:

Эй мажлислар ва раҳбарликнинг тўлин ойи, манъ  
этиш ва буйруқ бериш учун девонда тулуъ эти-  
шинг сенга муваффақият келтирсин.  
Юмушлар сени табриклайди, чунки сен уларнинг  
фаҳрисан ва қўлга киритган нарсаларнинг туфай-  
ли сенинг қадринг қадрларнинг энг юқорисидир.  
Айёмлар сен билан зийнатланган, чунки сен улар-  
нинг безагисан ва аср [кун ботиш пайти] билан  
онт ичаман, сен [ҳар бир] аср ва шаҳарнинг фаҳ-  
рисан.  
Улуғликнинг баҳорги кўкаламзор манзилида дои-  
мо жойлашиб олдинг, энг яхши умр [кўриш]да  
айёмлар сенга мададкор бўлсин.

**18. АБДУРРАҲМОН АД-ДАВФИЙ АЛ-ФАҚИҲ, бу-  
юк тангри унга мададкор бўлсин.**  
Мадҳда [шундай] дейди:

26 Ҳовлинг худди жаннатлар боғи ва сенда энг  
охирги умидлар қўлга киритилади.  
Олий жанобликнинг энг юқори чўққисини эгал-  
ладинг ва сен у ерда Қуръоннинг биринчи сураси  
кабисан.  
Фазлингнинг ҳаддан зиёдлиги туфайли бизнинг  
орамиизда йигитларнинг гўзаллар учун энг ёқим-  
лиси бўлиб қолдинг.  
Агар сенинг кетма-кет келувчи яхшиликларнинг

саналса, замона қўли қилган жиноятларни биз яшириб кетган бўлардик. Раҳмон томонидан доимо [келиб турадиган] мевалари абадий бўлган нарсаларни сен кўрмайсан.

Юзинг чиққан янги тукларини юлаётган ҳақида [шундай] деган:

Ёногидаги чекка соқоллари ўз чегарасидан ўтиб кетганини  
Ва юзининг ҳуснини олиб қўйганини кўргач, азоб берувчи юлиб олиш билан унинг учини тугатди.

Унинг қасидасидан:

Дарахтларнинг келинлари нур ва гуллар билан безаниб, сенинг ҳузурингда намоён бўлди.

Ҳар вақт улар саҳар шамоли элчиларини қучгандан, сенинг мақтовга сазовор хислатларнинг безаниб [нурга тўлади].

Кушлар овозларини такрорлагандага, гўё сенга мусиқий оҳанг билан мақтаётгандай бўлади. Кечалардаги ёмғирларнинг овози, гўё сенинг бутун атрофга сочилган сахилигинг нишонаси дир.

## ЗАВЗАНЛИК [ШОИРЛАР] ЗИКРИ ВА УЛАР ШЕЪРЛАРИНИНГ МАЛИҲЛАРИ

### 19. АБУ БАКР МУҲАММАД ИБН АҲМАД АЛ-ЮСУФИЙ.

Адаб ва фазлда уларнинг ягонаси, назм ва насрда уларнинг энг машҳури. Завзан уни Ернинг турли ўлкаларига ва турли мамлакатларга улоқтириб ташлади, адаб билан шуғулланиш унинг йўлдоши, меҳмони, дўстти ва улфати [бўлди]. Ибн Янфаъ<sup>79</sup> ўғлининг тарбиясида ва ас-Соҳиб ва бошқалар ёрдамида унинг аҳволи ўзгарди. Фурбатда [яшаш] муддати узоқ чўзилди. Кейин ватанга ўз истакларига эришмаган ҳолда қайтиб келди. Ҳаёт танглигидан қабр танглигига ўтишга шошилмади, икки танг нарса орасида ҳеч қандай эркинлик топилмади.//Буюк тангри раҳмати унга кифоядир. Мана булар унинг сўзлари ва рисолаларидан фаслардир:

Фасл: Нима учун билмаганимга ҳайрон бўлдим.

Ёйилган мушкми ёки ҳиди тарқалган кофирми ёки қутидаги муҳри бузилган атирми ёки қисмларга бўлиб юборилган [нарса]нинг бир бўлагими ёки висол гўзаликларими? Гўё булар [ҳаммаси] шодага терилган яхши фазилатлардир, гўё уларнинг тақдирни аттор [қўлида] ва уларнинг кечалари саҳар пайтларидир.

Фасл. Биз бугун боғдамиз ва боғсиз замондамиз, дараҳтлар соялари йўлбарслар билан тўла, биз улар орасида [бўлишни] хоҳлаймиз, гўё уларни босиб тушадиган ва яхши сўзлайдиган нағмачи чўрилар орасида бўлишни хоҳлаганимиздай.

Фасл. Овқат ва шириналлар васфида: саҳроф кумушдан ташқи терисини шилиб олди ва [уни] совутиб, тузлагандан кейин, ўнта-ўнта қилиб, овқатлар билан безатилган хонтахта устига навбат билан қўйди, сен уни аралаштирилган жавоҳир деб ҳисоблайсан. Эй, саййидим, қиздирилган фолузаж<sup>80</sup>, ушатилган ширин нон ва унинг олдида қўлга «чўзил» дейиладиган қотулий<sup>81</sup> [нони], асалий<sup>82</sup> кийминни [кийишни] осонлаштирадиган асалли нон ҳақида тавсифлар менинг тавсифларимдан мулоимроқдир — писта [каби] фирузадан кўз солинган, бодом мағзи билан [устига] кумуш ранг берилган, «ҳоҳловчилар унга ўхшашни қўлга киритиш учун бир-бирлари билан рақобатлашадиган»<sup>83</sup> [нон ҳақида] гапири. Уни омил [қул]ларгина ясайдилар.

Фасл. Шундай тутатқиларки, мажлисда тутаб турди ва [шундай] эски майки, доривор гиёҳлар унинг олдида ҳеч нарса эмас.

Фасл. Очиқ ҳавоки, набототнинг кўплигидан ёмғир ёғаётгандек ва гулларки, силкиниб туриши туфайли назар солиб тургандек.

Фасл. Аммо, кўзнинг касал қорачиғлари, қарашларнинг ўқлари, ёмғирни шилиб олган боғ, ҳақиқатан [бунга] у ҳақли ва сиҳрли нафасларки, мен уларнинг бўйин эккан қулиман. Мен бандоҳ маҳрумман, бандоҳ фаровонлик, ҳузур ҳаловатидаман, фаровонлик айш-ишратини тарқ этдим, тош кўумир каби [нарса] ва қиндан чиқарилган шамшир тиғи устида кечани ўтказдим. Э воҳ, кошкийди сенинг ҳузуринингда гуноҳкор ва ёвузлик қилувчи бўлишдан кўра, унутувчи ва унтилган бўлиб қолсам, кошкийди қуш мени чанг солиб олиб кетса, овоз мени янчидан ташлаяпти. Бу [овоуз] мени учун мана бу тиянинг энг баланд [овози]дан жирканчлидир. Унинг мени хорлаши санъат билан ишланган шамширнинг қилган ишидан ортиқроқдир.

**Фасл.** Тангри уларни менга аҳл қилиб кўрсатди, улар фазилатга аҳл бўлишганди.

**Фасл.** Мен тоқат қилаётганим муҳаббат энг қаттиқ тошни ҳам бўлиб юборади, бошимдан ўтган елкаларни бўшатиб юборган мусибатлар, [ёноқлардаги сочлар]ни оқартириб юборган тўсиқлар ва суюкларда асар қолдирган оғир меҳнатлар қимирламайдиган тоғни қўпориб юборади, инсонлар учун оқибат тақдир [шундай], яхши сабр оқибатлидир.

8 **Фасл.** Бир шаҳарки, у ахлоқи жиҳатдан атири [сақланадиган] чарм халтали кажавача ва гўзаллиги билан рамазон ҳайити.

**Фасл.** Унинг учун унга ҳокимият берган нарса каби энг яхши нарса йўқдир, у қўлга киритишга урингани каби нарса учун энг қобилиятилдири, у шукр [айтиш]га энг муносиб деб билгани у сазовор бўлган нарсасидир.

**Фасл.** Бу, бунга ўхшаш унинг дўстидан мени маҳрум қилмасин, у мени бошида хурсанд қилган эди, унинг дўсти қайтишда ҳам хурсанд қилсин.

Мана булар унинг шеърларининг энг яхшилари ва дурларидир. Унинг сўзи, қасиданинг аввали:

Маҳбубим ташлаб кетгандан кейин кечалар қоралигини жудолигим оқлигига алмаштирудим.

Ушандан:

Фурнинг бирдан келган булутлари ал-Узайб билан Бориқ ўртасидаги маҳалламизни ёмғирнинг чучук суви билан сугорди.

У [ер]ларнинг туар жойларини бойитди ва боғларини рози қилди, қатралар шапалоғи билан лолалар ёноғини ичди.

Ийносий маҳалласини, Авонис қароргоҳини, Роёт марказини ва Аёниқ яйловини [сугорди].

Эй уларнинг кунлари, қанчадан-қанча одобсизлар ва мунофиқлар,

Эй уларнинг кечалари, қанчадан-қанча вафодорлар ва мувофиқ келувчилар [бўлмади].

Ушандан:

Мен ҳалокат оғзи учун йигиб олинган шириналликман ва замоннинг ҳамма муносабатларини тотиб кўрдим.

Ушандан:

Сенинг зикринг менинг ҳамроҳим әканлигиниги-  
на ўладим ва сенинг тимсолинг кечалари менинг  
зиёратчим бўлганда гина ухладим.

Ас-Соҳибга бағишилаб, уни зиёрат қилиб ва муваф-  
фақият билан табриклаб ёзган қасидасидан унинг сўзи:

Тангри олий мартабалар эгасига бахт [эшигини]  
очсин ва замона унга янги ёшликни қайтарсан.

Ушандан:

Тақдир ўз қўшинини юборди, биз ҳам у каби  
тангри даъвати билан қўшинларни жўнатдик.  
Эй замона таянчи, кечалар ҳамма юраклар таян-  
чини тарк этишга оз қолди.  
Ҳодисотлар эскирган [нарса] юқори бўлиши учун  
унинг янгиланишини хоҳлади ва уни мустаҳкам  
қилди.

Бошқа қасидадан унинг сўзи:

29 Салом у [маҳбуб]гаки, кўзларим нигоҳ назари  
билан ишора қилганда, унинг ранги бўялгандай  
[чиройли] бўлиб қолади.

Ушандан:

Уни кифоя қиласлик даражада зиёрат қилдим ва  
унда фазлнинг ягона экани ва фазилатга интили-  
шининг [унга] мослигини кўрдим.

Ушандан:

Унинг ҳузурида фазилат талаб қилган киши сув  
берганинг ажрига эришади, гуноҳ қилган киши  
эса афвни қўлга киритади.

Ушандан:

Агар санчилишга мажбур қилинмаса, саботли  
шамшир ва найза жангда кўп [бекорга] ишлати-  
лади.

У ҳажв қилиб айтганда:

Шеърларнинг энг яхшиси танланмайдиган бўлиб қолди, одамларнинг энг жоҳили у [шеър]ни танқид қилувчидир. Шеърларимизни ажратувчи [киши]лар нақад<sup>84</sup> [қўйлари ўтлайдиган] яйловдаги паст одамлардан авлороқдир.

У деган:

Естиқларнинг мажлислардаги жойи лаимларнинг карамлилардан ажратиш учундир. Карамли уларни икки оёги билан босиб кетади, улар эса лаимлик орқаси билан босиб ўтадилар.

У деган, бошқа [шеъри]дан:

У менга фироқ балоларидан [шундай] бир ҳукмдорликни юкладики, у ҳеч итоат этмайди ва унга тоқат қилиб ҳам бўлмайди. Ҳалақит берувчи рақиб, сўзга кирмайдиган дўст, ҳайратда қолдирадиган ҳусн ва тоза кўзёши, Севувчи қалб, оқувчи кўзёши, ошиқ жон ва олиб кетилаётган руҳ. Тақдиримизнинг ҳар икки ҳолини: чопагон зотли [от]ни ва энг яхши зотли [от]ни тангри сероб қиласин.

У деган:

Иккита нарса, одоб аҳли уларнинг айбланмаслигига келишганлар: Шаробга рухсат берувчи ва китобни сўраб олувчи.

30 20. АБУ ЖАЬФАР МУҲАММАД ИБН ИСҲОК ИБН АЛИ АЛ-БАҲҲОСИЙ.

Завзанинг зийнати, зарифлар зарифи ва руҳ райхонидир. Узининг узун соқолини ҳажв қилиб [шундай] дейди:

Эй соқол, юзимдан пастга осилиб тушдинг, қабиҳлиги учун уни ташбиҳ қилишга ҳам ожизман. Узайиб кетса ҳам, мақсадига эриша олмади ва узунлиги сабабли соқол бўлолмади, унда фақат аҳмоқлик бор, холос.

Албатта унинг донини сахрого намоён қиласан,

мен ундан жирканишимни тангри яхши билади.

Уни ҳажв қилган қандайдир кишининг юзидағи холни ҳақоратлаб, [шундай] дейди:

Шумлик ва ламлика Абу Тоҳир энг учига чиқ-  
қан, у ислом, ақл ва диндан тамом узоқдир.  
Унинг юзида бурни яқинида бир хол [бўлиб,]  
худди гўнг устига қўниб турган пашшага ўх-  
шайди.

Юқорида зикр қилинган Абу Бакр ас-Сабғий [ва-  
фоти]га марсия [ёзган], ундан қитъа:

Эвоҳ, раҳматлик бир ёш йигитки, ёш [умри]ни  
чўза олмади.

Қабрида у ҳижоб билан яширинган Қуёш каби  
[ётибди]. Ундан, ғазалда [ёзилган]:

Энг севимли киши узоқлашиб, мени ташлаб кет-  
ди ва мен ундан кейин ажабланиб, ҳайратда қол-  
дим.

Қоғозга ўз ғазалимдан дурларни тиздим, икки  
юзимга эса кўёшимидан юқутларни [тиздим].

Ундан:

[Одамлар] ёш чиройли кийиклар билан қўши-  
лишяпти, лекин ўз уйимда кийиклардан бирорта-  
сини кўрмаялман.

Ким яқинлик қилишдан раҳмат топган бўлса, ме-  
нинг хурсандлигим ва роҳатим кафтимда ва [ов  
учун тайёрлаган] тузогимдадир.

Энг яхши [шеър]ларидан қовун васфида айтгани-  
дир, унинг сўзи:

- 31 Шундай бир меҳмонки, ўз муздайлиги билан ме-  
нинг олдимда мағрурланиб турибди, терисининг  
қўполлиги мени ажаблантироқда.  
Тери орасида оғир ва калта, сариқлиги эса юзи-  
нинг кўриниши билан жилваланиб турибди.  
Ундан хушбўй ҳид тарқалиб, унинг олдида кезиб  
юрибди, унга бўлган шавқ ҳаддан зиёд севишда 1  
ўлган жонларни тирилтиради.

У томонга шошиб қўзғолиб, ифратини буздим  
ва унинг ширинлиги асалидан тотиб завқландим.

Унга рақиб бўлган [киши] қурган бино ҳақида  
[шундай] деган экан:

Абу-л-Аббос ўз уйида бино қурибди, тангри унинг  
умрини у [бино]да чўзмасин.  
Сахийлик [деган]да у уйқуда, лекин баҳилликда  
у жонланиб [туради].

Адабдан нолиш [ёмонлиги] ҳақида у деган:

Мен [шундай] демоқчиман, сўзниг энг яхиси  
унинг рост бўлганидир, аҳёнда ростни ёлғонга  
олиб боришади.  
Илм, адаб ва бойлик тўплаш учун интилиш ҳеч  
қачон бир жойда жамланмайди.  
Бойлик ортириш учун ўзга юртлар кез, агар уни  
қўлга киритсақ, унда зийнат, фарх, баҳтсизлик  
ва наҳслик, адабда эса охират.

Ундан, сафарга чиқишдан олдин [ёзган]:

Карвонлар билан бирга эрталаб сафарга отлан-  
дим, кошки билсан эди: карвон билан бирга қай-  
тиб келаманми?  
Қачон қариндош-урӯзларим днёрини эсласам,  
кўзёши қуюн-қуюн бўлиб оқади.

У деган:

Ҳодисотлар мени ғам-қайғу денгизлари тўлқини-  
га улоқтириб ташлаганда, дедим:  
Эй нафс, эҳтимол, тангри тезда менга хурсандчи-  
лик бўлишига ҳукм этса.

Аҳмад ал-Хашнолий<sup>85</sup> ҳақида [шундай] деган:

Адабли ва мулоим [бир киши] йўқлиги учун  
ундан узоқлашиб кетдим, оғир кунларда ёрдам  
берувчи биродаримга жоним фидо бўлсин.  
Унинг [номи] билан машҳурлик, олий жаноблик  
ва буюклик тарихга ёзиларди, агар унинг олий  
жаноблиги чегарасига етмаганда, таърих ёзилма-  
ган бўларди.

Чорак тош [масофа]дан туриб [унга] шикоят қи-  
лардим, энди қандай қиласманки, орамиз минг  
тошдан иборат.

Турк ғуломи ҳақида [шундай] деган:

- 32 Турклардан [бўлмиш] ҳали туморлари ечилма-  
ган, шерларни овлайдиган бир кийик боласига  
мубтало бўлдим.  
Кўзларининг торлиги туфайли менга ер юзи тор  
бўляпти, унинг қора жингалак соchlари менинг  
соchlаримни тўкиб юбормоқда.

У [шундай] деган, қасидадан:

Майни тарк эт дейдиган нодон маломатчига ито-  
ат этмайман,  
Мақсадим юзинга рўмол ўрайдиган [қиз]нинг икки  
қўлидан май ичишдир.  
Еки пастки либоси тугунлари бўшатилган ёш ки-  
йик боласи қўлидан [май ичишдир].  
Тангри номи билан онт ичаманки, денгиз бўйида  
кўза ушлаб тургандан ҳам қайтмайман.

## 21. АБУ БАҚР АҲМАД ИБН МУҲАММАД АЛ-КУ- ХИЙ.

Завзанлик фозиллардан ва уларнинг шоирларидан  
бири. У ернинг фақиҳлари Исрофил<sup>86</sup> ал-Ғазнавийни  
ўзларига бошлиқ қилиб олганда, улардан шикоят қи-  
либ [шундай] дейди:

Бизнинг шундай фақиҳларимиз борки, уларнинг  
ёмонликлари ниҳоятда мустаҳкам, агар улардан  
бирор яхшилик содир бўлса, ундан [дарров] нус-  
ха олинади.

Унинг қасидасидан:

Мол-мулкка эга бўлган [закот ва қарзларини]  
адо этувчи бир қанча кишилар [бўлди], уларнинг  
мол-мулки мустаҳкамланиб, ўзи енгиллашиди.

Яъни «ақор» [мол-мулк сўзи] ташдидли бўлиб, «ақ-  
кор» [хушбўй гиёҳ]га айланди, ўзи эса муваддин сў-  
зидан [ҳамза олиниб] енгиллашиб қолди.

## 22. АБУ ЯҶЛО АЗ-ЗАВЗАНИЙ.

Завзанинг фозил ва зарифларининг машҳурлари-  
дан. У [шундай] деган, қитъасидан:

Хурсандчилик [вақти]да сенинг фазлингни доим  
тилга олгандим, қийинчилликда менга бир назар  
ташла.

У [шундай] дейди:

33 Эй олий жаноблик ҳамроҳи, сўраган нарсамни  
менга бергин ва юборган элчимнинг вазминлиги-  
га эътибор берма.

Чунки қийин кунларнинг зарур [нарса]лари  
аҳёnda оғир [аҳволдаги] кишиларга қаратилади.

### 23. АБУ-Л-ҲАСАН АЛ-АБДУЛУКОНИЙ

Ўз малиҳ, зариф шеърлари билан дунёни қамраб  
олган ва «ал-Иатима» китобида қайд этилган Абу Му-  
ҳаммад ал-Абдулуконийнинг отаси<sup>87</sup>. У [Абу Муҳам-  
мад] шеърларини тилидан қўймаган иккита подшоҳ  
билан менинг танишлигим бўлганди, булар Хоразмшоҳ  
ал-амир Абу-л-Аббос Маъмун ибн Маъмун<sup>88</sup> ва ал-  
амир қўшин бошлиғи Абу-л-Музаффар Наср ибн Носир  
ад-динидир<sup>89</sup>, тангри улардан рози бўлсин ва уларни  
рози этсин. Унинг отаси Абу-л-Ҳасанга келсак, у Зав-  
зан қишлоқларидан Беҳдоzin [деган] қишлоқ ҳақида  
[шундай] дейди, у [шеър]дан охирги байтини зариф  
деб топдим, мана у:

Беҳдоzinни айбга оид нарсалардан омон, шараф-  
ли қишлоқдан деб билдим.

Лекин унда яшайдиганларнинг маломати туфай-  
ли у азизликдан таҳқирланишга юз тутди.

Унда ишёқмас, қўпол, пас асли қуруқ [кишилар]-  
дан бошқани кўрмайсан.

Ундан ва унинг аҳолисидан ажабланма, қурт  
ипак мато ичидалиги ҳеч бок эмас.

Уятсиэлик ҳақида [шундай] дейди:

Бир киши бизга яхшилик қилди, агар уни тани-  
майтган бўлсак, тангри асрасин.

Балки унга зарифлиги кифоя қилса керак, чунки  
ким бизга ёмонлик қилса, биз уни қирқиб таш-  
лаймиз.

### 24. АБУ АЛИ ИБН АБУ БАКР ИБН ҲАШБУЯ АЗ- ЗАВЗАНИЙ

Абу-л-Қосим ибн Абу Мансур унинг [шу шеърини] менга айтиб берганди:

Ёшлигимда сочимнинг оқариб қолишидан у ажабланди, гўё у мендан олдин оқ сочини кўрмаган. Унга дедим: «Таажжубни қўй, бу замон ёш болалар сочини ҳам оқартириб юборади».

Яна унинг [шеърини] бошқа кимдир менга айтиб берганди:

34 Ақлларнинг калталигидан [дунёга] келмаганимиз, балки шум тақдирлар уни ўғирлаб кетган, Бошлиқнинг ҳузурида ижара олувчидан бошқа [ҳеч ким] бўлмагандан кейин, қандай қилиб орзуларимизнинг амалга ошишини ундан умид қиласмиш.

25. АБУ-Л-ҲАСАН АЛИ ИБН АБУ АЛИ ИБН ЖАҶФАР АЗ-ЗАВЗАНИЙ, ИБН СИЙСАНБАР номи билан машҳур.

Ўзининг ягоналигини исботловчи маънода сўз юритарди, ҳар бир инсон унинг [бадний] санъати ҳақида гапирадиган [кишилар] бобига киради. Унга ўхашшлар Абу Бакр ал-Қуҳий ва бошқаларни зикр [қилгандай] айтиб ўтилди:

Мўйсафидни соч оқи билан васф қилмоқчи бўлиб, ашябу [«оқ соч»] деган бўлсанг, қариллик учун [шу] айб кифоя қилади. Агар қиёс қилиб, «шонб» [«мўйсафид»] деган бўлсанг<sup>90</sup>, бу ҳақиқий қиёс бўлади, лекин бу [сўз] ҳам айб жумласидан ҳисобланади.

Яъни инсон камчилиги бўлган айбларнинг аксари араб тилида «афъалу» [шаклида] келади. Масалан, аъмо [кўр], аъражу [чўлоқ], аъвару [бир кўзли], азраъу [кўк кўз], аҳвалу [филай], ақраъу [кал], асаму [соқов], абхазу [кўзи ўйиб олинган] ва авқасу [калта бўйин].

26. АБУ АЛИ АЛ-ҲУСАИН ИБН АҲМАД РАЗФИЛ.

Ундан:

[Юртма-юрт] кезишдан нималарга йўлиққанимни тангрига шикоят қилмоқчиман,

Ундан ҳаддан зиёд севган [ошиқ] топган нарса-  
дан бошқа нарса топилмайди.  
[Булар]: фироқ, ҳажр, иштиёқ ва ғурбатдир,  
тангри ҳақи, қалб улар орасида тақсимланган.

Ундан:

Менинг ҳимматим само юлдузи тепасида, лекин  
холим нам тупроқ остидадир.  
Агар ҳолатим ҳимматимга ёрдам берган бўлган-  
да, кўрган нарсангдан бошқасини кўрган бўлар-  
динг.

Ундан:

Эй айни фазилатлар [бўлган] Абу-л-Фазл, мен  
сенга қарши ёлғончиман, ундан ташқари етук  
эмасман.  
Қуёшга тикилиб қараган киши албатта ундан кў-  
зини ўғириб олади, чунки у қалқон тутиб олма-  
ган.

### **НИШОПУР АТРОФИДА ЯШАГАН БОШҚА [ШОИР]ЛАР ЗИКРИ**

#### **27. ТОҲИР ИБН АБДУЛЛОҲ АЛ-БАЙҲАҚИЙ.**

Юқорида зикр қилинган Аҳмад ибн Усмон ал-  
Хашномийга ёзгани:

- 35 Эй ибн Усмон, эй яхши хулқлар карамлиси, танг-  
ри сени жамики балолардан асрасин.  
Сен фазл, донолик, зарифлик ва ҳамма [яхши]  
хислатларда яратилганларнинг ҳаммасидан юқори ту-  
расан.  
Бугун ўз кўзим билан сени кўриб, уларнинг  
«Яширилган нарсалар ибодатхоналарда [бўла-  
ди]» деган сўзи ҳақ экан [дедим].

#### **28. АБУ-Л-ҲАЙЖО АЛИ ИБН ҲАМДОН АЛ-ҲА- ВОФИЙ.**

Аш-Шайх ал-Имом ал-Муваффақ — тангри унинг  
шон-шарафини давом эттирсин — ҳақида [шундай]  
деди:

Агар ал-Муваффақнинг бармоқлари учи денгиз бўлганда, [бутун] ер аҳолисини [туҳфаларга] ғарқ бўлишига унданаган бўларди. Агар унинг яхшиликларини дунёга сочиб юборганингда фақат яхши хулқ ва сифатларгина униб чиққан бўларди.

Завзан аҳолисини [ҳазил]-мутониба қилиб, дейди:

Эчкисоқол<sup>91</sup> [қўйиш шундай] одатки, у билан муруват аҳли ҳурматга сазовор ва зариф бўлиб қолади.

Лекин Завзан аҳолисида табиий одатлар [бўлиб], Хувоф аҳолиси учун [улар] табиий эмасдир.

## 29. АБУ-Л-АББОС МУҲАММАД ИБН ИБРОҲИМ АЛ-БОХАРЗИЙ.

Узи яшаган ўлка юзида порлоқ юлдуз эди, ўз шеърларига қаттиқ берилганди, Абу-л-Қосим Али ибн ал-Фазл ал-Қойини — тангри уни раҳмат қиласин — менга шундай деган эди: Менга Абу-л-Аббос ал-Бохарзий ал-Котиб ўз [шеърини] айтиб берганди, [буни] у аш-Шайх ал-Амид Абу-л-Қосим Мансур ибн Муҳаммад ибн Касирга — тангри унинг шон-шарафини давомли қиласин — Фазнада ёзган эди:

Доно амир ас-Саййидга айт: сен ҳалқларга бош бўлдинг ва ҳамма амирларни босиб тушдинг. Агар подшоҳлигинг вазир ибн вазир ибн вазир билан кенгайиб, ё ёйилиб кетишни хоҳласанг, Сен учун энг ишончли аш-Шайх ал-Амид Мансур ибн Муҳаммад ибн Касир [кифоядир]. [У билан] девон фахрли ўрин ва бошлиққа эга бўлади, айвонда эса фахрли ўрин — тахт бўлади.

Мамдуҳнинг исми, отаси ва бобосининг исмини бирга зикр қилиш шеър гўзаллигида яхши санъатdir, агар бунга [мамдуҳ] куниясини зикр қилиш мувофиқ келса, бу сенга етарлидир, худди шоир ал-Асмаъий Бухорода аш-Шайх Абу-л-Хусайн Муҳаммад ибн Касир<sup>92</sup> — буюк тангри уни раҳмат қиласин — вазирликка кўтарилиганди, [қуйидагича] айтгани каби:

Вазирлик тахти Абу-л-Ҳасан Муҳаммад ибн Касирга тегишлинип, сен эса касир [кўпчилик] эмассан, [ягонасан].

36 Куния, исм ва отасининг исмини жамлаб, Касир ва яна Касир сўзини тажнис қилгани жуда яхши бўлган. Ал-Бохарзий эса куняни зикр қилишда [уни] ташлаб кетди, бобо исмини зикр қилишда санъат ишлатди. Али Асмаъий сўзи санъаткоронароқ ва нозикроқдир. Шунга ўҳшаганлардан Абу-л-Қосим ал-Алимонийнинг аш-Шайх ал-Жалил Абу Али Муҳаммад ибн Исо ад-Домғонийтага<sup>93</sup> аталган қасидасидаги сўзидан ёқимли-ригини эшитмаганман. У Мамдуҳнинг ўша ерда машҳур бўлган шаҳрини зикр қилади, [шоир] исми, куняси, отасининг исми ва шаҳрини келтиради<sup>94</sup>. Шу ва шунга ўҳшаган кўзга ташланадиган шеър санъати, унинг шакллари, гўзалликлари ва маънолари ҳақида менинг юз бобдан иборат китобим [бўлиб], уни бошлиб қўйганман, лекин кейин тамом қилолганим йўқ. Агар тангри қўллаб-куватласа уни охирига етказиш умидидаман. Уннинг ҳақида эмас, назмда қисқартмасликни умид қиласман ва буюк тангридан санъат сирида унга иноят қилишини истайман.

Абу-л-Аббос зикрига қайтилди. Абу Али ал-Ҳасан ибн Абу-т-Тайнб менга ҳикоя қилиб, [шундай] деганди: «Абу-л-Аббос Фазнадалиги вақтида шу икки байтни ёзган эдим:

Тангридан сени тезда кўришни ва висолинг да-  
рахтининг қуримай қайтиб келишини сўрамоқда-  
ман,  
Токи сендан ажralиш юракларни пора-пора қил-  
ган касал учун сен даволовчи ва табиб бўлсанг.

У мана шу байтлар билан менга жавоб қайтарди:

Сақловчи тангридан дўстни сақлашни илтижо қи-  
ламан, у шеърларни назмга тизганда Ҳабибни<sup>95</sup>  
эслатди.  
Туғилишидан шомликлар табиати билан машҳур  
ва адабликда ироқликлар зарифини кийиб олган.  
Бошлаб бериш ва охирига етказиш билан у му-  
руватни кенг ёйди, иштирок этиш ва бўлмаслиги  
билан биродарликни мусаффо қилди.

Уннинг отаси туфайли [олган] куняси унга ҳақи-  
қийдир, кундан-кун бу [куния]да у янглишликни  
зинёда қилиб турибди.  
Эй Молин аҳолиси, у билан фахрланинг, агар у  
бўлмаганда у ерда адаб ғариб бўлиб қоларди».

[Абу Али] яна менга унинг ҳажвда [ёзилган] қитъаларидан [қўйидагини] айтиб берганди:

Унда на фазл, на ақл, на адаб, на ҳаё, на дин ва на имон йўқ.  
Агар нонга унинг айбларидан битилганда, оч бўлса ҳам ит ундан емаган бўларди.  
Еки сувга унинг [ёмон] хулқларидан бирор нарса қўшилиб қолган бўлса, чанқоқ бўлса ҳам муймун ундан ичмаган бўларди.

Ундан ташаккур ва муруватнинг кўплиги учун афв сўраш ҳақида:

- 37 Шошилма, бу муруватдан кейин имкон бўлмайди, сен, эҳсон қилганинг устига эҳсон бўлмайди. Сув миқдоридан ошиб кетса, ҳалокатга олиб боради ваadolat чегарасидан ўтиб кетса, душманлик бўлади.  
Бармоқларнинг бешта бўлиши мукаммаллик, агар ўндан зиёд бўлса, бу ортиқчалик нуқсондир.

### 30. АБУ АЛИ АЛ-ҲАСАН ИБН АБУ-Т-ТАИИИБ АЛ-БОХАРЗИЙ, буюк тангри унга мададкор бўлсин.

Тангри унинг фазилатларини кўпайтирган ва яхши сифатли қилган йигитдир. Юзи чиройли, солеҳ неъматлар уни эҳтиёт қиласи; хулқи азим, камтарин одоб уни зийнатлайди; назми балоратли, санъаткорона ҳикматли сўзлар уни қамраб олган ва насри бадиий [бўлиб], ҳаммаси порлоқ гўзал [мисра]лардир. Мен унинг тизилган дурларини босиб тушувчи нарсалардан ва бутун қалбларни эгаллаб оладиган назмларидан ёзib олгандим, [мана бу] турли санъатда [айтилган] лафзларидан жумлалар:

Инсон учун эҳсонини тақрорлаш қандай яхши. Сабрсизликни ёпинчиқ қилиб олма ва хотинлар учун намуна бўл. Ақли уни у ўйламаган нарсалар билан бойитган қандай баҳтли. Унга кифоя қиласи нарса билан қаноатланган киши ҳақида ўйла. Туҳфа бадалига ҳақоратлаш пасткашликдир. Яхшиликни бошлаб, кейин давом эттирган киши баҳтидир. Тақво ундан шикоят қилган киши баҳтсиздир. Меҳнат чанглларида изтироб чекма, ғазаб тишлари билан сени албатта парчалаб ташлаймиз. Ким тақвони ғамлаб олса, энг ишончли тутқични ушлаб турган бўлади. Ким майнинг қизиллиги билан ўзини иситса, совуқда чопонсиз яланғоч қо-

лади. Манзаралар ва ўтириладиган жойларнинг энг кўримлиси ўтирганлар кўзи югириб турган нарсадир. Касаллик оғир мусибат натижаси, роҳат эса истироҳат мевасидир. Мусибатларга сабр қилиш Абу Жаҳл тарвузидан ҳам заҳарлироқдир. Либоснинг эскилиги бахтсизлик шиоридир, кийимнинг чиройлилиги иззат аломатидир. Бутун ҳаёти давомида дунёда фойда етказмаган киши одамлар умри муддатини ҳам қисқартирган бўлади. Олий нав май ёшликининг гуллаган даври учун аланга, таомдан кейин эса салқинлик ва саломатликдир. Маҳбусдан қовоқ солишнинг бадний бўлиши талаб этилмайди. Сассиқпопишак табиб бўлганда, уясини ёқимли қилган бўларди. Кимга яхшилигинг тегмаса, у бошқага хизмат қиласди. [Киши] табнати арzon нарсага ҳирс қўяди, қиммат нарса ҳақида [фақат] галиради. Фалоний мени ушлаб қолмаяпти, мен ўзим [орқада] қоляпман ва мени ташлаб кетмаяпти, мен ўзим қочиб кетяпман. Фалоний ваъдаларимга хилоф қиляпти ва душманларимга яшааш имкониятини туғдиряпти. Ҳаққоний сўздан [бошқа] ҳеч нарсанинг ва уйдан бошқа жойдаги ризқни хоҳламадим. Шавқни васф қилиш билан шуғулланмайман, чунки Амр<sup>96</sup> куч-қудрати туфайли улуғ бўлди ва муҳаббатни икки томондан шарҳ [қилмайман], чунки у кўз олдимда субҳдай намоёндир.

Фасл. Тангри тақдиримиз туфайли замонамизни жонлантирсинг, унда шеърнинг баҳоси тушиб кетди, котиблик ғам-қайғуси пайдо бўлди, илм байроби эгилди,  
38 //ақлни таъқиқ этиш ўрнатилди, сахийлик мавжудлиги нодир бўлди, қалблар эшиги бекитилди, солинган гиламлар йиғиб қўйилди, қозоннинг қадри кўтарилиди, ёзилган дастурхонлар фойдасиз қолди, давом этиб келлаётган қариндошликлар йўқقا чиқди ва фисқ бозори тикланди.

Унинг бадний шеърлари ва ажойиб [сўз]ларидан бир суфий ғулом ҳақида унинг сўзи, унга етишолмаган эди:

Унинг суфийлиги жонимни унга бағишилади ваттабам унинг андозасидан олинган.

Тикувчи Ғулом ҳақида унинг сўзи:

Тикувчимизга «Эй асримизнинг гўзалликда ягонаси» [деб] махфий айтиб қўйинглар. Ҳижрон сабрим кийимларини пора-пора қилди,

висол ипларини топиб, [уни ямасин].

Зийнатланган бир ғулом ҳақида унинг сўзи:

Зийнатланган, уни ҳусн ва эҳсон безантирган,  
шаклда унга ўхшашиб инсон йўқ.  
Унинг ҳаммоми ҳароратда жаҳаннамга ўхшайди,  
лекин Ризван<sup>97</sup> сенга хизмат қилиши учун, қачон  
сен [ҳаммом]га келасан.

Унинг маъноларининг нодирларидан, камон ўқи  
 билан ёй ораси ҳақида фикр қилиб айтган сўзи:

Бир тўлин ойни, камон ўқига ўхшашиб [бир қисми,  
яъни қоши] қарзга берилган, унинг ҳажрида ҳи-  
лолга ўхшаб эгилиб қолдим.

Қачон видо тонгги неъматга ўхшашини кўрсанг,  
заволга яқинлашиб қоласан.  
Нафас олишни чўздим ва инграшни кўпайтирдим,  
ҳолимнинг ёмонлигидан [шу] ҳолга тушиб қол-  
дим.

Ўқ-ёйлар мана шундай, қачон уларга камон ўқ-  
лари фироқи юкланса, оҳ-войни чўзишади.

[Юзини] соқол бўлишига яқинлашган биринчи тук-  
лари қоплаган [йигит] ҳақида шундай дейди:

Эй тўлин ой, сен ҳусидан камолатинг чегарасига  
етдинг,  
Ой тутулиши қоронгилиги сен учун хавфсиради  
ва бунинг белгилари кўринниб турибди.  
Замона кўзи бўлмиш холинг билан учрашишим  
жамолингдан четга тортди.  
Юздаги тукларинг пардалари билан холингни бер-  
китиб қўйганига қандай уэр айтасан?

-39  
[Юзини] биринчи туклар қоплаган хаттот ҳақида  
унинг сўзи:

Унинг икки чеккасидаги зулфи юзи чиройнга ту-  
шиб, ўнг томондагиси малиҳроқ бўлганда, дедим:  
«Ундан бошқа ким малиҳ хат ёзиши мумкин, шуб-  
ҳасиз унинг ўзигина энг малиҳ ёза олади».

Отаси вафот этиб ҳаддан зиёд қайғурган гўзал қиз  
ҳақида унинг сўзи:

Гўзал бир дурдона, отасининг вафоти сабри ҳуснини тамом қилибди, у эса йиглаш ва қайгу чекища.

Унга дедим: «Сабр қил, етимлик сенинг қимматингни оширади, ахир дурнинг етими [ягонаси] энг қимматли ва энг нодири эмасми?»

Қадаҳ ушлаган ашулачи чўри ҳақида унинг сўзи:

У олтинсимон майни ушлаб турганини кўриб, кун бўйи ўйладим:

Унинг қўлидаги олтинсимон май энг чиройлими ёки олтин билакузукми?

Унинг сўзи:

Умримнинг ёшлик даврини шароб билан ўтказмоқчиман, қариликдан олдин ичишни тарқ қилиш пастликдир.

Улимимдан олдин молимнинг ортиқчасини бериб юборяпман, молини мерос қолдирган, менингча, маломат қилинади.

Қалбни ғам-ташвишлар эгаллаб олмасин деб, ақлим лашкарларини эски май билан ҳайдаб юборяпман.

Қариликдан олдин зоҳидликни ихтиёр қилмайман, чунки нондан олдин кўкатлар [ёйиш] шумлиkdir.

Бутун умрбўйи илмни истамайман, чунки умр [абадий] давом этмайдиган бир нарсадир.

Шаробни койиб [айтган] сўзи:

Эй соқий, менга у [шароб]ни ичирма, зеро қиёматда оёқдан олинишидан қўрқаман.

Бир шаробнинг мастилиги ёмонликни қўзғотади, ундан [бўладиган] ёмонликларни фарқ қил ва менга бошқа нарсани ичир.

Яъни менга тоза сувни форсча қироҳни ичир демоқни. Сариқ мўйловли ғулом ҳақида унинг сўзи:

Хукмдоримнинг мушкли мўйловларида сариқлик пайдо бўлибди, ошиқлар жим бўлиб, душманлар уни ёмонлашиди.

Агар мўйлови сарғайиб қолган бўлса, ажабланарли эмас, унинг кенг яйлови қип-қизил, сугорадиган сувлари эса олтинсимон [шароб]дир.

Унинг сўзи:

- 40 Қалбларимизни ғазабга тўлдирдинг ва ҳар вақт тентакликнинг ҳаддан зиёдлиги туфайли аҳмоқ бўлиб қолдинг.  
Агар бугун менинг тепамда ўлтирган бўлсанг ҳам, кўпинча кечаси тагимда ухлагансан.

Унинг сўзи:

Шундай бир йўл озуқалари учун соҳибимиз борки, [овқатни] тегирмондан едиради, лекин майни воронкадан ичиради.  
Агар униқида меҳмон бўлсак, юзи ўзгариб кетади ва қачон уни меҳмон қилсак, қуёшга ўхшаб нур сочади.

Унинг сўзи:

Аҳмад мени кун чиқишдан олдин даъват қилди  
ва кечқурунгача ушлаб турди.  
Қачон келсам, у мени ўз ҳузурида кечқурун қуёшдай нон ва калхат тухуми билан овқатлантиради.

31. АБУ ЖАТЬФАР АҲМАД ИБН АЛ-ҲАСАН ИБН АЛ-АМИР АЛ-БОХАРЗИЙ АЛ-ХАТИБ.

Доно қози, ўз ноҳиясининг<sup>98</sup> бошлиғи Абу Саъид Худдош ибн Аҳмад ҳақида [шундай] дейди:

Мен учун кифоя қиладиган иккита иш бўлиб,  
улар динимнинг қуроли ва дунёймнинг давомли бўлишидир:

Тангрининг ягоналигига холис ишонишим ва бу дунёда Худдош ибн Аҳмадга муҳаббатимдир.

У дейди:

Тиршозни чуқур муҳаббат билан эсга олиб соғиняпман, унинг одоб водийларига муҳаббатдан бошқа менда ҳеч нарса йўқ.  
Унинг тоғларидан эслан насим шамоли ва ундаги ҳамма нарса мени учун дунёдан ҳам севимлироқ.

У дейди:

Пайғамбар ҳаққи ва [унинг] васийлиги ҳаққи,

даний маросимлар ҳаққи ва қибла ҳаққи,  
Эй менинг хоҳишим, мени муродимга етказ ва  
бўсадан бошқа нимани истасам, унга [етказ].

## ХУРОСОН ДИЕРИНИНГ БОШҚА КИШИЛАРИ

32. АБУ НАСР АҲМАД ИБН АЛИ ИБН ҲАФС АЛ-АМРАВИЙ, тангри унга мададкор бўлсин.

41 Туснинг ягонаси ва [пешонасидаги] қашқаси ва Навқонининг ҳусни ва нуктадонидир. Фазлни ҳар томондан қамраб олган чексиз адаб//ва муруватни атрофи билан эҳтиёт қилувчи шон-шараф эгасидир. Унинг фазлларига мени яқинлаштирувчи шेърларидан ёзib олганман, ғазалда [айтилган ушбу] сўзи каби:

Буралган чекка сочлар кўз нурини сиҳрлаб қўйди,  
хулқонинг ошиқоналиги халққа фитна солди.  
Юзи тепасидаги иккита чекка сочи худди тонг  
отаётгандаги қоронфиликнинг қанотига ўхшайди.

Уни чектириш учун чилим кўтариб келган бир йигит  
ҳақида унинг сўзи:

Икки ёноғи қизил [йигит] ошиғи томонига чилим  
билин югуриб келди.  
Пуфлаш билан унинг уддондаги муанбар удини<sup>99</sup>  
тарқатди.  
Унга атиргул суви [қўшилган], юзи гулидан му-  
наввар бўлган деб ўйладим.  
Шавқ билан уни табриклаб, унга ҳеч инкор қилиб  
бўлмайдиган сўзни айтдим.  
Наддингнинг эсиши юзинг тепасини қоплаган  
мушкка қарама-қаршидир.  
Икки ёноғингдаги атиргул ёмғирда қолган му-  
саффо қизининг ўрнини босади.  
Ёноғи қип-қизариб, ҳусnidаги яширин нарсанни  
намоён қилди.  
Ундаги қизил ёқутдан [бўлган] садафда [лабла-  
ри орасида] дурлар намоён бўлди.

Унинг сўзи:

Қора қалансува<sup>100</sup> остида менинг тўлин ойим бор-  
ки, унинг ҳусни қараш ва фикрларимни ўзгарти-  
риб юборди.  
У [ой]нинг нурида бир бон [дараҳти]ки, шохи-  
нинг гули дурлар [бўлган] ақиқ гул косачалари-

дек бизга намоён бўлди.  
Уртасида баландлик тепасида жавзо юлдузлари  
порлаб турибди, унинг энг юқорисида менинг тў-  
лин ойим.

Унинг сўзи:

Бинафша кийимли [қуёшдай] тез ботиб кетди,  
унинг бўстони ҳам, ёнон ҳам бинафшадир.  
Бинафшадан чонон кийган бир шох менга кўрини-  
ди, туймалари орасидан гўё тўлин ой порлади.

Агар унинг икки биродари Абу Умар Ҳафс ва Абу  
Абдуллоҳ Мұҳаммад ибн Али ибн Ҳафсларнинг — тангри  
улар иккисига мададкор бўлсин — шеърлари мен-  
да бўлганда, албатта ёзган бўлардим. Улар фазл,  
адабнинг энг янгиси, қарамаликнинг энг тозаси ҳа-  
қида фикр юритадилар. Агар қўлга киритганимда, [бу  
ерга] қўшган бўлардим ва/[бу билан] китобимнинг  
бўш жойларини бузмаган бўлардим, буюк тангри хоҳ-  
лаганда.

### 33. АБУ АЛИ АЛ-ФАЗЛ ИБН МУҲАММАД ИБН АЛ-ҲУСАЙН АТ-ТАБАРИСТИЙ.

Туснинг аслзода йигитларидан, уларнинг яхшилик  
ва фазилатини ўзида мужассамлаштирганларидан,  
назм ва насрда навдаларининг янгилиги ва ёшлигининг  
қабул этиши жиҳатидан уларнинг энг доноларидаидир.  
У отаси Абу-л-Ҳусайннинг — тангри уни раҳмат қил-  
син, ўринбосари — [отаси] ўз диёри пешонасида оқ  
қашқа эди, адаб, шеърият ва фиқҳни [ўзида] жамла-  
ганди, у дунёдан ўтди, лекин [Абу Али] каби ва би-  
родари Абу-л-Қосим каби [киши]ларни ўринбосар қи-  
либ кетган киши ўлган эмас. Абу Али шеърларидан  
[қўлимга] тушганларининг баъзиларини ёзиб олган-  
дим, унинг [мана бу] сўзи каби:

Муҳаббати билан менга жафо қилганга ўзимни  
фидо қилдим, лекин унинг шавқида кифоя қилар-  
ли [жафо чекканим] йўқ.

Унинг оғзига назар ташладим, лекин у [оғиз]ни  
кўролмадим, ҳатто унинг оғзига тикилишим ўзи  
унга озор беради.

Агар унинг узуги белига камар қилиб қўйилган-  
да белининг ингичкалигидан унга етган бўларди.

Яна:

Тўлин ой юракни асир қилиб олди, унинг эрта

тоңгда тулуъ этиши кўзларимни хурсанд қилди,  
ботиш пайтида эса, э воҳ юракка!  
Агар у ҳажр шамширини [қиндан] чиқарса, ҳол-  
ларимнинг сўниши унинг аҳволи ўзгаришидақ  
азоб чекади.

Яна ундан, ҳажвда [ёзилган]:

Унинг айбларини Амр [исми]даги «вов» ҳарфи  
каби тилга олиб бўлмайди деб ўйланади ва унинг  
ҳақидаги ибора ҳам қисқадир.  
Уни Зайддан [сўзи]даги «нун» ҳарфи каби ибо-  
ра билан мадҳ қилинади, дейдилар<sup>101</sup>.

Ундан, замона шикоятида:

Бу замона ажойиботларидан тоқатим тоқ бўлди,  
у қабиҳга ён босиб олий жанобга ҳамла қилади.  
Олий жанобни бу [замон]да қашшоқ ҳолда кўра-  
сан, ҳар қанча ҳаракат қилмасни, унда фақирлик  
азобидан бошқа нарса йўқ.  
Ҳар қандай ланим эса фаровонлик ва ноз-неъмат-  
да. Замона ишлари ана шундай ўлчовда кет-  
мокда.  
Олий жаноб фазлда ўз фахри ва мартабасини  
ана шундай қўлга киритади, [бу] эса фаровонлик  
ва қашшоқлик эмас.  
Бу [замон]да қанчадан-қанча қашшоқлар, ва қан-  
чадан-қанча бойлиги бору фазли йўқ бадавлат-  
лар [яшамоқда].

Ундан, қасиданинг насиб<sup>102</sup> ҳақида:

43

Уйқуни тарк этиб, уйқусизлигим учун уйқудаги-  
дан жудолигимга йиғламоқдаман.  
Икки кўзидан тангга касалликни берди ва кўзи-  
ни менинг уйқумга алмаштириб кетди.  
Гажагининг буралиши мени букиб қўйди ва га-  
жаги юрагимга безовта бўлишни ўргатди.

Шу қасидада мамдуҳга [шундай] дейди:

Унинг мақтовга сазовор сўзлари кунларга ёзиб  
қўйилса, ҳеч йўқолиб кетмайди.  
Агар камбағалнинг қўли олий жаноб кишини уш-  
ласа, хайру саховотни водийда [бўлса ҳам] йи-

ғиб олади.

Мужтаҳидларнинг ҳаммаси унинг ҳузурига йўл  
кўрсатишни истаб бутун атрофдан келиб.  
Истаган нарсаларини унинг қўлларидан олдилар  
ва унинг саҳийлиги уларни хурсанд қилиб қай-  
тарди.  
Саҳийликда у хатти-ҳаракатни ҳаддидан ошириб  
юборади, ҳатто унинг қўллари ҳадяларни душ-  
манларга бериб юборади.

#### 34. АБУ-Л-ҚОСИМ УМАР ИБН АБДУЛАЗИЗ АС-САРАХСИЙ, лақаби ал-Жакарзий.

Тангри яратганиларнинг энг зарифларидан, завқли сұхбатда уларнинг энг ҳаловатлиси, дўстликка лойиқларнинг энг лазизи ва улар орасида жиддийликнинг энг юқори даражасидаги каби жиддийлик билан атиргуллар боғи каби ҳазилни, тонг насимидан ҳам латифроқ ҳаёсиз сўзлар айтишни ва тонг пайти каби [ёқимли] шеърларни [ўзида] жамлаганидир, [шу] сўзи каби:

Ҳаёсиз сўзлар айтувчи ҳақида нима дейсиз, унинг энг катта ташвиши [жинсий] яқинликдир.  
У яратилганидан буён дунёда онасилинидан бош-  
қа нарсага йўлиқмади.

Унинг сўзи:

Бир жамоа кишилар [томон]дан шамол эсган эди, улар билан дўстлашдим ва тинчланишга муштоқ бўлган кучимни топдим.  
Унга ажабландим ва қайғу чекиб, дедим: кошки мен уларга яқинлик қилган халқлар менга яқинлик қиласалар эди.

Унинг сўзи:

«Соқол қўйгин»,— деган эдилар, мен дедим: «Шошилманг, бизнинг сўзимиз турличадир.  
Ой тамом тўла бўлган эди, энди эса меваси териб олинган хурмо шохидай тугаб кетяпти».  
Мен кўр эмасман, лекин унга ҳазиллашиб яқинлик қиласаман.

Дўстларидан бирига Ҳиротдан келтирган совғани ҳадя қилиб ёзган экан:

Эй одобининг гўзалликлари мени шон-шараф чо-  
понига ўраган фозил киши,  
Сени кўролмайдиганларнинг орқасида қифтий-  
ларнинг мингта олати, сенга фиста ва қубит<sup>103</sup>  
[ҳадя қилиб] табриклайман.

Аш-Шайх Ҳажжож иби аш-Шайх Абу-л-Аббос ал-  
Исфаронийнинг<sup>104</sup> Нисодаги даҳлизи шифи қулаб ту-  
шиб, буни ёмонлик аломати деб турганда, унга [шун-  
дай] деган экан:

Нитоқ<sup>105</sup> билан маҳкам боғланган баҳт сенга ке-  
либ, боқий шон-шуҳратинг ҳақида бизга хабар  
берди.

Эшигинг олдида олий мартабалар учун ажойиб,  
ҳашаматли буюк бир равоқни мустаҳкам қилиб  
қур.

Унинг баҳайбатлиги санъатини мустаҳкам қил ва  
лойдан [ишланган] равоқни тахтравонли шаклга  
солиб ишла.

Битгандан кейин, [бир-бирига] бириккан ва қў-  
шилган ҳолатда чиройли қилиб суваб кўркам қил.  
Лойдан [ясалган] равоқнинг қулаши баҳтга эга  
бўлган эди, ҳар қандай пештоқ қолипи ҳам ана  
шундай вайрон бўлади.

Бир дўстига ҳадя билан бирга шундай ёзиб [юбор-  
ган] экан:

Чумоли кўтарган нарсаси миқдёрига зўр бериб  
ҳаракат қилса, қул эгалик қилган нарсаси учун  
зўр бериб ҳаракат қилади.  
Қодир бўлганимда, бира тўла иккита Фарқад-  
ни<sup>106</sup>, Қуёшни, тўлин Ойни, Айюқни ва фалакни  
ҳадя қилган бўлардим.

Ўртоқларидан бирини рўза тугаган куни [меҳмон-  
га] чақириб ёзган экан:

Рамазон ойи нозил бўлган меҳмондир, демак пи-  
маки ҳалол қилинган бўлса, меҳмоннинг ҳурма-  
ти учундир.

Кимки рўза тугаган куни бошқа киши уйида но-  
нушта қилса, энг кучли фил унинг орқасида бў-  
лади.

### 35. АЛ-АМРАКИЙ АЛ-МАИҲАНИЙ.

Шеърлари ва энг сахийлиги [билин] машҳурдир.  
Унинг сўзи:

Агар саломат яшашни хоҳласанг, нимаини сени қайғуга солиб, амалга ошмаса, [ундан] воз кеч. Агар ризқни талаб қилсанг, сенга келган нарса билан қаноатланиб, одамлардан тамаъ қилишини қирқиб ташла.

Хожатингни тангридан сўра, ундангина сўра ким-ки гадойдан сўраса, уни қўлга киритолмайди ва йўл-дан тояди.

45 Ахир сен ҳам, одамлар ҳам бир хил қулсизлар, [тангри] кимга хоҳласа, беради ва кимга хоҳласа, манъ қиласди.

### 36. АБУ БАКР АН-НАСАВИЙ АЛ-ФАҚИҲ.

У Муҳаммад ибн ал-Қосимдир. Бир заргар ғуломга айтган сўзи жуда зариф ва маъноликдир, унинг ҳақида шундан бошқа [нарса] эшитмадим:

Бир заргар кийик боласига юраклар боғланиб қолди, унинг муҳаббати юрак қорачиғида қаттиқ ўрнашиб олди. Кошкйиди унинг оғзидаги сурнай бўлиб қолсам, ҳар сафар чалганда, оғзини ўпиб турардим.

Ундан, яна ўша ҳақида:

Чиқиб келаётган тўлин ойга мубтало бўлишдан олдин соғлом, озод қалб әгаси эдим. Ёмби бўлиб қолишга ва шу заргар дўконида қуянлишга рози бўлиб қолдим.

### 37. АБУ МАНСУР ҚОСИМ ИБН ИБРОҲИМ АЛ-ҚОНИЙ БУЗУРЖМЕҲР лақабланган.

Икки тилда<sup>107</sup> бадиий [ижод этувчи] машҳур шоир, шуҳратли сulton [Маҳмуд] — буюк тангри унинг подшоҳлигини давом эттирсин — шоирларидан. Қишининг чўзилиб кетиши ва баҳорнинг секин [келиши] ҳақида [шундай] дейди. Бундай маънода [ёзишда] фақат угина ажралиб турари ва ташбиҳда ҳар қандай яхши [нарса]дан ҳам яхисини қўллаган:

Чўзилиб кетган совуқ атиргулнинг [кўкаришига] тўсқинлик қилди, гўё баҳт наҳеда ғойиб бўлиб кетди. [Гул] баҳор қори остига яшириниб олди ва унинг ҳусни товуснинг жўжалари тухум ичиди яшириниб турганига ўхшаб қолди.

Ундан, ҳажвда бадиий [айтгани]:

Сизлар баҳиллик қилдингиз, мушриклар қозонла-  
рига ўт тегмаслигини орзу қиладилар.

Яна ундан:

Емон ишлар қилиб, ўзингга яхши мақтовлар ке-  
лишини хоҳлашингни кўрдим.  
Меҳмонлардан олдин икки қўлингни юvasан, гўё  
[бу билан] улардан икки қўлингни ювиб қўйган-  
дай [бўласан].

**38. АБУ ЖАҲФАР МУҲАММАД ИБН АБДУЛЛОҲ  
АЛ-ИСҚОФИЙ.**

Адиб, котиб, гўзалликларга мўл шоир: «Кўнгил  
очувчи китоб» [асарим]даги сўзларимни тушуниб ол-  
ган. [У] наргис барги каби барғдир, кўзи [гўё] чаш-  
ма, назми эса унинг [мана шу] сўзи билан [айтилган-  
дай]:

Бир наргиски, унинг қадди забаржаддан икки қа-  
рич ҳажмда қирқиб олинган.

Унинг янги барги кумуш пуллардан, кўзи эса ку-  
муш чашмадан шакллантирилган.

Ўзининг атиргул ҳақидаги [шеърини] менга айтиб  
берганди:

Атиргулдан сўрадим: сен туфайли бизга кўп  
ёмонлик етадиган йўлни ҳеч хаёлингга келтирган-  
мисан?

Жавоб берди: ранѓда, мулойимликда ва насим  
шамолидай эсишда маҳбубни эслайман, гўё ун-  
дан узоқлашишда унга ўхшаганим каби.

Ўзининг шу билан ажралиб турадиган маънодаги  
[шеърини] менга айтиб берганди:

Тангрига ва фаришталарга ишонаман, кофирилик-  
дан бошқа нарсага эга бўлганим учун мен буюк-  
ман.

Жоним сенинг ҳимоянгда, [уни сақлашга] менинг  
қудратим етмайди, лекин арпа кофурни сақлаб-  
туришини кўриб турибман.

Мана бунда ҳам шу маънонинг айнан ўзи:

Жонимни сенга фидо қилдим, ваҳоланки у сенинг жонинг олдида азиз эмас, чунки у [сенинг нафсинг] ниҳоятда азиздир. Қимматбаҳо ипак мато ўз вақтида бир сиқим седанани йўқолиб кетишдан сақлади.

Ундан, соч оқи ҳақида:

Сочим оқига энг яхши гиламин ёзиб бердим, у бошимдан бошқа жойга ўтиришни ёқтирмади. Шунда ўзимга-ўзим айтдим: уни қайтарма, соч оқи учун бош каби қанча курси керак.

Ўзининг [шу шеърини] менга айтиб берганди:

Тангри лутфи карамлари ичида хавфнинг муҳимлиги латифликда кифоя қиласи бўлса керак. Лутфнинг санъати менинг учун тангри вазифаларидан [бўлмиш] бир вазифадир.

### 39. АЛ-ҚОЗИЙ АБУ АҲМАД МАНСУР ИБН МУҲАММАД АЛ-АЗДИЙ АЛ-ҲАРАВИЙ.

«Ал-Иатима» китобига унинг зикрини киритган эдим, лекин икки сабабга кўра унинг ҳаққини адо этолмагандим ва қадрини тақдирлай олмагандим. Биринчидан, ўша вақтда у билан орамизда танишлик воқе бўлмаганди ва унинг [тутган] ўрнининг юқорилиги билан//фазлининг буюклиги туфайли уни билишга муваффақ бўлмагандим; иккичидан, у вақтда унинг назми гўзалликлари ва насли бадииятлари менда оз ва ноёб бўлиб, [уларга] эҳтиёж туғиларди. Сўнг «ал-Иатима» китобини [ёзишдан] фориғ бўлганимдан кейин, унга [етишишга] мусассар бўлдим ва у билан учрашишга имкон туғилди. Орамизда адабий муносабат, илмий танишлик ва ғарибликни ҳурматлаш ҳоли пайдо бўлди ва бу яқин қариндошчилик ёки энг яхши ҳурматлаш, жонларнинг [бир-бирига] қўшилиши ёки энг яқинлашиши эди. Олий жаноблиги буюклиги ва карамининг нозиклиги мени шунчалик қамраб олдики, бу белимга ғөирлик қилиб, кучим унга етмай қолди. Унинг каломи ажойиботлари ва тизилган дурларидан қўлим билан тўпладимки, улар қора тунда ҳам ажралиб туради ва золим замона улар билан фарқ қилинади. Мана энди ушбу китобимни унинг насли ва назмининг ёрқин нурларига топширдим, зоро улар [инсон] гуруҳларини йўлга солиб, синганларни тузатсинлар, агар буюк танг-

ри хоҳласа, куч ва қувват ундаидир. Унинг насрй қаломидан парчалар, латифалар ва донолик билан [айтилган] сўзлар.

**Фасл.** Қўлим ваҳй келтириб, кўзим ўчириб турган бир пайтда ёздим, уйқусизлик мени олиб кетди ва мен қоғозни кўтаролмай қолдим, аламни тавсифлаш учун қаламнинг [учини] тезлай олмайман.

**Фасл.** Тангри аш-Шайхга мададкор бўлсин, менинг кўзим оғриган ҳаво иссиқ, аш-Шайх билан учрашиш хурсандликдир. Лекин айниқса кўр учун қийин эмас, ўтирадиган жой паст, улов секин юради, ёзнинг қиздириши чангни қўзғайди ва жонимни эритиб юборади.

**Фасл.** Унинг қули хизмат эвазига ҳаётни севади ва давлати яхшиликларини тил билан тарқатади, унинг ҳадяси мадҳ ва мақтовдир, қалб эса унинг муҳаббати ва дуосининг дебочасидир.

Ўртоқларидаи бирини янги [очилган] ягона атиргул билан табриклаб ёзган экан:

Аш-Шайхга — тангри унга мададкор бўлсин — ягона атиргулни ҳадя қилдим, унинг зикри худди [шу гул] ҳиди каби хушбўй бўлаверсин ва унинг замонаси [шу гул] фазли каби зариф, қариндошлари аҳволи унинг асли каби ям-яшил, душманлари юзи унинг ранги каби сариқ бўлаверсин. Қайгу олиб ташланди, қалб хурсанд бўлди, адаб ўрнига қўйилди, хурсандлик ҳадя этилди, дўстлик расм-руссумларига даъват этилди, ман қилинган маъруф [нарса]га буюрилди ва мафтун бўлишига амр қилинди. Туннинг равоқи туширилди ва белбоги ечилиди, тонг ўз либосини ёзди ва байробини дафъ қилди, ҳаво энг яхши кўринишини олиб, яшил чойшабни ёзди. Шудринг [ерни] намлади, насим [шамоли] ҳўллади, булат [ёмғирини] ёғдиримоқда, субҳнинг тишлари табассум қилмоқда, биз эса қалбимиздаги нарсани ошкор қиляпмиз ва хурсандчиликлар қаноти билан учмоқдамиз, бошга атиргулни қўйдим//ва қадаҳлар билан бирга айландим. Торлар тамоман оҳанг нафрати билан ва тамоман наъра оҳангни билан, тамоман шароб хурсандлиги билан куйланди, ҳар бир ақл эгасининг фигнаси ва ҳар бир тавба қилганинг [тавбасидан] қайтиши [бор], ҳар бир зикр қилинган [нарсанинг] этишмовчилиги, ҳар қандай тез ташланган назарда ҳасрат ва ҳар бир ўтган даврнинг маст қилиши [бор].

Унинг Бағдоддан ёзилган мактубидан: Буюк тангри аш-Шайх [умрини] боқий қилсин, мактубим сабрим шавқининг йўқ қилиб, ёноқларимга ўйнаб турган соч оқини қўйинб юборди<sup>108</sup>.

Ёшим улғайгани учун сочим оқаргани йўқ, лекин [дунё] ҳодисотлари туфайли соч оқартирадиган [нарсаларга] йўлиқдим.

[Мен чеккан] ташвишлар тоғ тошига дуч келганда, унга азоб берган бўларди. Шу нарсадан ажабланаманки, мен сочга дуч келсам, у уни оқартириб юборган экан. Унинг мактуби етиб келди, ёмғирли боғ ва тарқалган гулдор матолар қайтадан туширилди. Унинг сўзлари аччиқ кунларда фойда беришини билдим, бу лутнинг жаласи остида боққа фойда йўқ. Илдизлар қуввати ва шоҳларнинг гўзаллиги ортаяпти:

Ҳилол каби [нарса] намоён бўлди, [лекин] то ой ёритмагунча кечанинг кўриниши у билан узоқлашмади.

Тангрига мақтов бўлсинки, бу худди иккита [нарса]: адирлар ва бурдларнинг<sup>109</sup> учрашгани ва иккита атиргулнинг қўшилгани кабидир. Бундан ташқари шикоят ачинарлилиги уни оқиб турган кўзёшига ва ловуллаб турган чўққа ташлади. Билдимки, у энг вафорд ва севимли соғ бошлиқларнинг бошлиғи. Тил ҳақиқатан қалбнинг махфий тутган нарсаларини нақл қиласи. Ҳар бир идиш ўзидағи нарсанни оқизади. Мұҳаббатнинг ростлиги сўзнинг аниқлиги билан аниқлади. Боғнинг кўкаламзорлиги биринчи баҳорги ёмғирларнинг таъсири билан чиройли бўлади.

Қадимги ҳакимлар айтганларидан:

«Эр кишининг тили юрак хизматидандир».

Мен у билан кўз, уйқу, кўкрак ва юракдан бошқа [нарса] эмасман. Тинчлик шаҳри<sup>110</sup> ва ислом пойтахти зикр қилинди. Агар синаш ҳақида сўзланмаганда, сўз қисқа қилиш [ҳақида] хўрак овқатлардан узоқроқ эмас. Эшитилган ва кўрилган орасидаги масофа аниқланмайди. Пешона ҳақиқатдан сени афсуслантириди ва [бундан] яқинда хабардор қиласман. Эҳтимол уд [дараҳти]нинг мазаси энг аччиқдир ва уд сен хоҳлаганинг шавқлар нидолардан ҳам яшилроқдир, ҳа шундай. Кейин уловларни тўхтатиб қўй ва сирларини ошкор қўлма. Уларнинг кийимларини ўзларига ўтказиб юбординг. Аббадан орқасида қишлоқ йўқ, Мен Баффодда ажратувчилар ижмоъ<sup>111</sup> фикри туфайли ва [юртидан] ажралганлар жамоасидалигим сабабли аянчли

ҳолдаман. Лекин ижмоъ таълимотига суюнмаймиз ва асли аслига асосланмайди. Мен бу ерда Ҳиротни у [Бағдод]га қиёс қиласман, балки уни [Бағдоддан] юқори қўяман:

9 Эй тангри, ер юзига малоҳатни зиёда қилдингми ёки севувчи раъйиними, билолмадим, билолмадим.

Шамс ал-Куфот<sup>112</sup> — буюк тангри уни раҳмат қилсин — вазирликка қайтадан кўтарилиши олдида унга [atab] ёзган мактубидан [бир] нусха. [Бунда] шеър ёзишин мақсад қилмаган:

[Сен] тушгоҳдаги қуёш ва тун оғушидаги тўлин  
оисан,  
Чанқоқлик ҳароратидаги сув ва ерга [ёққан] ём-  
ғирсан.  
Адирда кулиб турган булут ва шудринг эркала-  
ган атиргулсан.  
Йўл учун [сув] тўлдирилган саноч ва ишқ билан  
жафо чеккан қалбсан.  
Кўзнинг эркаланиши мудрашдир ва унинг софли-  
ги ундаги хаснинг узоқлашишидир.  
Санам атрофидаги безакларсан, сен туфайли ман-  
зиллар ҳимоя қилинган,  
Аҳду паймонлар байроқ билан хавф-хатарсиз, за-  
мона ишонч билан баҳтли бўлмоқда.  
Қасалниклар оқибати даволангән ва фақирликни  
бойлик қамраб олган.  
Инсонни сахийлик кузатиб юради ва балолар оқи-  
бати тарқатиб юборилган.  
Жирканчлик ўрнида муҳаббат [келмоқда] ва  
яшаш жойини ҳаё кузатмоқда.  
Ҳақоратни розилик маҳв этмоқда ва кафт қим-  
мати ҳадялар билан сахийлик қилмоқда.  
Музокаралар ақл билан [бўлмоқда] ва раъйга  
хато ёрдам бермоқда.  
Муваффақият ёрдам берди ва [у] олий мартаба-  
га кўтарилди.

Шулар ва шуларга ўхшаш ҳикматли сўзлар [аба-  
дий] қолган ҳикматларга айландики, улар жонлар ва  
табъяларни ҳайратда қолдиради, кўз ва қулоқларни  
хурсанд қиласди. Буларнинг ҳаммасидан аш-Шайх ал-  
Жалил<sup>113</sup> замони яхшиланди ва унга шундай ном кел-  
тирдикли, унинг маъноси йўқолмади:

Бу қандай чиройли замонаки, бу билан унинг бошлиғи фахри ва иқболи жило бериб турибди. Бундан олдинги замона узр сўрар эди, [бу] унинг вафосини ошкор қилиб, узрини қўйиб юборди. Вазирликни ҳақиқат қилувчи эгаллади ва унинг ҳамда ўзининг қадрини баробар шарафли қилди. [Шамшир] тифига дастаси мос келди деб айт ға уфқда унинг тўлин ойи нур сочди деб айт.

Тангрига мақтовлар бўлсинки, дарахтни мева билан зийнатлади, буржни ой билан безади, ўрмонга шерни ўргатиб қўйди, руҳни жасадга ҳадя қилди. Мавлоимизнинг улуғлиги — тангри унинг умрини узоқ қилсин — бошлиқ болиш расми билан дўстлаша олмади, катта ва кичикларга ҳурматни жойига қўёлмади. Лекин расм бўлган табриклашлар ўзаро тенг ҳадялар бериш ва баб-баравар қабул қилиш билан [бўлади]. Аммо хизматкор бошлиғи билан, кетма-кет турган юлдузлар туркуми ҳилоллар ва тўлин ойлар билан [бўлади]. Одат [шундайки], унда келиш [бор]. Яна: иродага қарши турдинг ва саодатга ёрдам беролмадинг. Дуо боғланиб, тарқатиб юборилган, мақтов эса назмга тизилиб, сочиб юборилган. Шу жумлага амал қилдим ва шу томонгаadolатли бўлдим. Натижаси соф муҳаббат бўлган ва тўқилиши ҳақиқий вафодорлик бўлган сўзларни қайтариб олдим:

Боғлар юзларига хушхабар келди, [ёмғир] ёғдириб турган уфқдаги булат уларни кулдириб юборди. Сенинг ҳузурингда улар учун ризолик кўзидан бошқа ҳимоя ҳам, воситачи ҳам йўқ.

Мана булар унинг шеърларидан малиҳ ва зарифлари: қандайдир сұхбатдошига қасида ёзган экан, ундан:

Ёздим ва сенинг зикринг билан мен жонланаман,  
лекин шукр қилишдан қалтирайман.  
Куйловчининг хурсандлиги ва шодлиги, соқийнинг эса шошилиши ва чаққонлиги [бўлиши керак].

У нарсаики сувсиз чанқоқни қондиради, ваҳдолани, сен сувсан, биз эса чанқоқмиз.  
Бас менинг юзим ва надоматим [олдинга] ошиқади, вақтим ва тўшагим эса орқада,

У билан ўйнашгани бир йигит ҳақида [шундай] деган экан:

Бир кийик боласики, қовоқларининг илиқлиги ба-  
шариятга илиқлик ҳадя этади.  
Ёноғидаги атиргул гўзаллиги уятчанлик атиргул-  
лари орасида тарқалиб турибди.  
У билан марҳамат қилиб то ой [кўтарилгунча]  
инкита ошиқ ўйнадим.  
Зафар юзини кўргандан кейин, юзининг гўзалли-  
ги ортиб кетди.  
Ошиқнинг наъра тортиши каби наъра тортдим:  
оининг ойи, оининг ойи.

Ундан:

- 51 Ҳар вақт икки томондан диққат билан унга на-  
зар ташлаганингда, юрак алангаланиб кетади-  
ганга ўзимни фидо қиласман.  
Ёноғининг атиргули кўзни ўғирлаб олади, унинг  
кўзи эса юракни ўғирлаб олади.

Ундан, нарғис ҳақида:

Шундай нозикки, ўён-буёнга ташланганда, уни  
насим шамоли билан ҳаракат қилаётган новда  
деб гумон қиласан.  
Менга қадаҳ билан ишора қилған эди, уни ичиб  
юбордим, сен эса унинг икки ёноғидан [май] ич-  
япти деб ўйладинг.  
Менинг олдимга [маҳбуб] нарғис гулдастаси би-  
лан яқинлашган эди, қўлида юлдуз [ушлаган] ой  
деб ўйладим.

Яна ундан, сариқ атиргул ҳақида:

Үйғотган кишимга диққат жалб қилганимни ва  
тонг зулмат орасидан ёришаётганини эсингдан чи-  
қардингми?  
Май билан сариқ атиргул [ушлаб] сен томонга  
шошиб келиши юзидан яхшилик сезилиб турган  
бир кишини,  
Тепасига олтиқиррали олтиндан қўйилган жом  
қўйилган сирланган идишни эслатади.

Яна ўша ҳақида унинг [шеъри]:

Эй ғулом, майни айлантириб тут, чунки биз кўрпачалар тўшалган мажлисда баҳор оғушидамиз. У [мажлис]нинг сариқ атиргуллари нур сочиб туриди, улар гўё забаржад билан куб шаклига келтирилган олтин қадаҳларга ўхшайди.

Кор қўшилган ичимлик ҳақида унинг [шеъри]:

Сендан маҳрум бўлмайин, тур ўрниигдан ва менга шундай қаҳвани ичиргинки, агар қўёшга олиб чиқилса, унинг нури хиралашиб қолсин.  
Олтин устига кумушни сочиб юбор, само ерга ўз кофурини сочганини кўрмаяпсанми?

Ундан, бинафша ҳақида:

Бинафша зиёрат қилувчига намоён бўлди, қалблар сирининг элчиси ва зиёратчиси [номи]дан унга марҳабо.  
Гўё у билан наққош дебожнинг ҳаво рангидан менга қуш суратини қирқиб бергандай [бўлди].

Ундан, форс тилидан таржимаси ҳақида:

Чақалоқнинг овқати онасининг сути, аш-Шайхнинг овқати эса соф май эканини кўрдим.  
Жомдан ўриндиққа кечқурун қайтиб кел ва жомдан тонгда жудо бўлиб, ўриндиққа [кел]<sup>114</sup>.

52 Ундан, юзига янги соқол чиққан мутриб ҳақида:

Шундай бир кийик боласики, унинг назар ташлаши юракка сеҳр ҳеч қилолмайдиган нарсанн қинлади.  
Унинг ёқимлилигининг маст қилишини ва ёнондан атиргул териб олиннишини ҳеч унутмайман.  
Барбат<sup>115</sup> унинг қўлтиғига боғлаб олинган, кошкйди барбати боғланганича [қолса].  
Чалишда ва овозда мўътадил, худди ёноқ ва соқол кўзга бирга ташланганидай.

Ундан:

Эй йигит, қачонгача ва қачонгача ўз имкониятингни қисқартирасан?  
Мен сен билан қутулиб кетаётган ўлжа кетидан қараб тургандайман.

Юзингнинг гўзаллиги доим ўзингда қолади деб  
хисоблама.

[Юз] чизиги сен нимани билган ва қилган бўл-  
санг шунни қилади, мана у етиб келди.

Бағдодга дўстларидан бирига [шу шеърини] ёзиб,  
атиргуллар [очилган] кунларида даъват қилган экан,  
[лекин] дўстининг нард [ўйнаш] билан машғуллиги  
[хабари] етиб келибди:

Биз ан-Нажимийда худди бесоқол рози қилган-  
дай кундамиз.  
Наботлар гуллаган, ҳаво ёқимли, шудринглар ру-  
тубати мўътадил.  
Мансур<sup>116</sup>, хайрий [гулхайри], атиргул ва бинаф-  
шалар орасидамиз.  
Юзимиз муаттар нарсалар сақланадиган идишдан  
[олинган] боғ каби гўзал.  
Урта ҳаяжонланиш [бўлса], қовурилган нарса ва  
газак бўлса.  
Майимиз косада оловга ўхшаб ёниб турса, хонан-  
дамиз эса назар солиш сеҳргари, хумор кўз ва  
қоракўз [бўлса].  
Хоҳласа у куйласа ва агар хоҳласа, нозу ишва  
қиласа.  
Атиргулни нардан яхши бил ва бизга кел, хур-  
сандлик қилайлик.

Ундан, соқолини қўйиб юборган кўса ҳақида:

Эй эчки соқоли билан гердайиб юрган киши, биз-  
га гулни тоғолча тиканига алмаштириб берибсан.  
Биз билан юлдузга ўхшаб суҳбат қилардинг, эн-  
ди ваҳший бўлиб, кўса қиёфасига қайтибсан.

Ундан:

Тангри ўтиб кетганларнинг ва кетганларнинг ҳи-  
моячисидир, муҳаббат қалби улардадир.  
Эй шўрнинг қургур, улар ўтиб кетган бўлса, ишма  
бўлибди.  
Иш шундаки, мен улардан кейин яшаб юрибман.

Ундан:

Сукут қилишим сўзлашдир, сўз эса сукутдир, мен-

даги тамаъ [шундайки], у билан яшайман ва  
ўламан. Руҳим учун сен билан яқинлашишдан бошқа ро-  
ҳат йўқ, юрагим учун эса сенинг севгингдан бош-  
ка овқат йўқ. Сабрим оз, ташвишларим эса кўпdir, сен баҳил-  
сан, замона эса ўтиб кетади. Висолинг мен учун сув, қалбим ҳут бўлгандан ке-  
йин, сендан бошқа ким учун яхшироқ сабр қила  
оламан.

Яна ундан:

Юзи ягона тўлин ойга ўхшаш зот тўққизил ранг-  
ли калта камзулда яқинлашиди. Тўққизил анбар бозори касод бўлсин деб, у тўқ-  
қизил [камзулда] сув ёқасига шошарди. Эрталаб бизга келгин, гул устига гул, гул устига  
гулни кўрасан.

Унинг қасидасиндан:

Шарққа оид ширин хулқларки, уларнинг нозик-  
лиги ва поклиги бир-бирига мутаносиб.  
Улар таъна, улар кўзёши, улар май ва улар ҳа-  
водир.

Ушбу китоб муаллифига у [шундай] ёзган:

Агар китобларим ва фикрларим етарли бўлган-  
да, сенинг [номинг] билан кўпайган бўларди.  
Унда суякларимни қалам, кўзим қорачинини қо-  
ғоз ва қонимини сиёҳ қилган бўлардим.

40. АБУ-Л-ҚОСИМ ТОҲИР ИБН АҲМАД АЛ-ҲА-  
РАВИЙ.

Алоқа ходими. Буюк тангри уни раҳмат қилсин,  
Нишопурда ҳадсиз адаб, чиройли хаттотлик, малиҳ  
шеърлар [соҳиби], ўз тенгқурлари орасида фазилатда  
ягона эди. Ўзининг [шу шеърини] менга айтиб бер-  
ганди:

54      Унинг юқори мартабасини бошланиш [даврида]  
бўлишини эъзозла, унинг мартабасининг кўтари-  
либ кетиши дўстининг нуқсони билан бўлади.

Менга яна ўз [шеърини] айтиб берганди:

Агар олий жаноб кишилар сахийлик учун фурсатдан фойдаланган бўлсалар, уни манъ этиш ва тўхтатиш учун ҳам фурсатлардан фойдаланадилар.

Агар оқ қўллар зикр қилинса, у вақтда сенинг қўлинг фақат пеc билангина оқаради.

Қандайдир ҳамшаҳари унинг [шу шеърини] менга айтиб берганди, мен эса уникилигига шубҳа қилдим:

Келажак учун [бир қанча] кафиллар [бор], сен эса унга толиб эмассан, кунларнинг ҳукмлари ўтиб кетди, сен улардан ғолиб чиқдинг. Бу дунё сендан бошқага эмас, хавф-хатарлар ва уларнинг оқибатида нималарга дуч келишингни кутиб тур.

Равоқинг узун, баҳтинг кўтарилган, қўшининг мадад олган ва юлдузинг ярқираб турибди.

**Мана булар унинг рисолалари фаслларидан қимматбаҳо тошлардир.**

Қимки денгизнинг тошганига, қуёш нурига, мушкнинг ҳид сочишига, субҳнинг ёришганига шукр қилган бўлса, фойдасиз, такаллуф ва нажотсиз хатти-ҳаракати билан қайтган бўлади.

**Фасл.** Аш-Шайхнинг мактуби қисқарди, ғам-ғуссани узоққа чўзи, сабрни қисқартирди, қалбга тафаккурни, айш-ишратга эса қудратни мерос қолдирди.

**Фасл.** Унинг мактуби етиб келиб, гўзал боғ, мавжуд ишонч, келаётган хурсандликлар ва ёқимли нознеъматдан ҳикоя қилди.

**Фасл.** Рухсатни кутдиму фақат тўсиқнингина кўрдим, ўтганларнинг ҳуқуқларига яқинлашишга интилдиму қоқилган узрларидан бошқа нарсани қўлга киритмадим. Саййидимиз Муҳаммадга, унинг хонадонига ва саҳобаларига тангрининг саловати ва саломи етсин.

#### **41. АБУ МАСЬУД УСАМ ИБН ЯХЕ АЛ-ҲАРАВИЙ.**

Ҳиротнинг энг яхшиларидан, унинг удаво ва фузалоларнинг ягоналаридан [бири]. Ўзининг [шу шеъри]ни менга айтиб берганди:

Одамлар мени боғ ҳосили билан табриклишяпти,  
мен унинг ёмғирли, сернам бир бурчагида ўрна-  
шиб олганман,

Бойлигим кам бўлгандан кейин, боғларнинг мева-  
си менга фойда бера олмайди.

Чақмоқтош билан олов ёққанда, ёнмаган бир дўсти тилидан [ёзган шеъри]:

Чақмоқтош меҳнат [қилинганд]да ёнмагач, арз  
қилдим ва уйимдаги ходимларнинг ғийбатларига  
дуч келдим.

55 Шамширим тифи жанг куни тойиб кетмайди, чақ-  
моқтошим эса юқорида чақнайди.

Зиёрат қилиш ҳақида унинг [шеъри]:

Эй мавлойим, юрагим чўғ бўлиб ёнмоқда, кўз-  
ёшим эса икки юзимга оқиб тушмоқда.  
Сени шикоят қилиб кутиб олишга тоқатим йўқ,  
мавжуд шикоят билан қасам ичишга сени ишон-  
тирмайман ҳам.

#### 42. АЛ-МАҶРУФ ИБН АБУ-Л-ФАЗЛ АД-ДАББОФ АЛ-ҲАРАВИЙ.

Ҳиротда муқим яшаган Абу Али ал-Ҳусайн ибн Му-  
ҳаммад ал-Қотиб ан-Насафий унинг Бўшанж ва унинг  
аҳолисини ҳажв қилиб [ёзган шеърини] менга айтиб  
берганди:

Тангри табаррук жойлар аҳлини сувга сероб қил-  
ган бўлса, Бўшанж заминини сероб қилмасин.  
У ернинг тартибсизлиги шатранж тахтаси каби-  
дир, тангри уни ҳароб қилсин.  
У ер бузук эр ва хотинларга тўлиб тошган, улар-  
нинг энг карамлиси зангининг тогаларидан...<sup>117</sup>

#### 43. АЛ-УСТОЗ АБУ ЗАКАРИЕ ЯҲЕ ИБН ИМОД АС-СИЖЗИЙ.

Ҳиротда муқим яшаган эди, буюк тангри уни раҳ-  
мат қилсин, у жуда машҳур [бўлиб], зикри унинг тут-  
ган ўрнига диққат жалб қилган кишиларнидан кўпроқ  
кезиб юради. Едда олиб қолиш ва ҳикоя қилиш  
илемда бир тимсол эди ва адабдаги фазилати билан  
ўз табақасидаги кишиларнинг ягонаси эди. Менга ет-  
казишларича, у ўз ишининг бошланишида шеър [ёзиши-  
ни] қасб қилганди, ҳатто тангри унинг қадрини кўта-  
риб, аҳволини юқорилатди. Унга бир қиссани тақдим  
қилишди, унда [шундай дейилганди]:

Эй олим, сен шу кунда оламнинг қибласисан.  
Бир ошиқ фахр билан юриб келдида, маъшуқни  
ўпид олди.

Доимо фатво беришдан тұхтамагур, бизга бир фатво берчи: [бўсани] олган ўлимга маҳкумми?

Унинг тагига [шундай] ёзиб қўйибди:

Эй зарифликнинг [қилган] ишига рухсат берилганини ҳақида сўровчи,  
Ошиқнинг маъшуқни ўпиши уни қатл этишни  
вожиб қилмайди.

56 Аш-Шайх ал-Имом Абу Тайиб Саҳл ибн Муҳаммад ибн Сулаймонга — тангри ундан рози бўлсин — [шундай] деган экан:

Тангри Нишопурни ўз булутлари ёмғирин билан сероб қилсан ва Имомуддин Саҳлга эса ўзининг қуювчи ёмғирини хос қилсан. У яшаган днёр бутун мамлакатлар олдида мағрурланади, дунё ҳам унинг яхши хулқи билан мағрурланади.

Унинг энг машҳур ва энг кўп тарқалган шеъридан унинг сўзи:

Дунёни муваффақиятсизлик учун бир ташвиш деб ўйлайман, иқбол учун эса у менинг ҳузуримда бир ҳалокат. Муттақийлардан бирор киши йўқки ҳузур-ҳаловат билан қабрда хотиржам чўзилиб ётган, Дунё ботиллигидан нажот топган ва [ҳамма нарсани] билувчи ҳақ [тангри] раҳматига сазовор бўлган бўлса.

#### 44. АБУ АЛИ АЛ-БЎШАНЖИЙ АЛ-ФАЛЖАРДИЙ.

Ҳаж қилгандан кейин деган экан:

Минодан саййидларимга ёздим:  
Мен ғоятда хурсандман.  
Мана булар Макканинг текисликларими?  
Мен бу ерда туриб уни равшан кўряпман.

У деган:

Бўшанжда бир ҳурматли ҳоким бор эди, агар уни бирор саҳройи кўриб қолса, қалтираб кетарди.

У ўтиб кетди ва ўзидан кейин бир йигитни ҳоким қилиб қолдирди, агар у бичилган ходимга қўри-ниб қолса, йўқ бўлиб кетарди.

#### 45. АҲМАД ИБН МУҲАММАД ИБН АЛ-АШЬОС АЛ-БЎШАНЖИЙ.

Жаҳлдорлиги билан араб, туғилган жойига [асо-сан] бўшанжлик, [яшаган] ватанига [қараб] туслики-дир. Менинг ҳузуримга кирганда унга мамдуҳ куния-сини, исмини ва отасининг исмини бирлаштирган бир байтии айтиб бергандим. У ўз дўсти Абу Юсуф Яъқуб ибн Аҳмадга — у ушбу китобда зикр қилингандардан бири — мана шу [шеър] ни ёзган экан:

Аҳлу [олам] манзилидан четлашиб, жисмим ва-  
тандан узоқлашган бўлса ҳам,  
Ўнг қўлим Абу Юсуф Яъқуб ибн Аҳмад мурувва-  
тига сазовор бўлди.

#### 57 46. АБУ АБДУЛЛОҲ АЛ-ҲУСАЙН ИБН АЛИ АЛ-БАҒАВИЙ<sup>18</sup>.

Ганж Рустоқнинг фахри эди. Рисолалар ёзишда энг яхшилар ва шеърни муфассал дурга тизишда ўтиб кет-ганиларнинг ҳаммаси орасида унга ўҳшагани [етишиб] чиқмаган. У ас-Саҳибининг шу айтгани каби эди: «Ко-тиб шоир бўлгани мени ажаблантиради, шеърнинг ке-зив юргани ҳам мени худди шундай ажаблантиради». Мен [ас-Саолибий] тангри изни ва хоҳиши билан унинг насрини [асарлари]дан энг яхшиларини, шеърла-рининг муқаддам, малиҳларини ёзиб олганман:

Фасл. Аш-Шайхнинг мактуби етиб келди ва уни кў-  
зимга қўйдим. Кўзимга эса латтача суртилган дори қў-  
йилган эди. У [хат]ни оча бошлаган эдим, гўё кўзимга  
қўйилган латтани очгандай бўлдим ва замонани ўйлаб  
кетдим: кунлар ажойиб, замона нодонлик, ҳаёт кўр-  
кам, тақдир кўзи эса пастга қараган.

Фасл. Мен унга тонг насимига ўхшаш саломни, аш-  
Шаҳр анбарини, янги узилган наргисни, Табаристон  
лимонини, янги узилган атиргулни ва ёқимли ҳаётни  
тақдим этдим.

Фасл. Кошкийди у ўз инъоми билан менга сахийлик қилган каби ўз каломи билан ҳам сахийлик қилса, бу-  
лутлари сабабли мени миннатдор қилгани каби қа-  
ламлари мевалари билан ҳам миннатдор қилса ва чек-  
сиз эҳсони билан бойитгани каби бармоқлари ажойи-  
ботлари билан ҳам бойитса. Ана шунда унинг тавсиф-

лари ҳавода тўғри мутаносиб ва чақмоқли булутлари ҳамма ҳолатда ҳам ҳақиқий ёмғирли бўлган бўларди.

**Фасл.** Унинг мактуби [шундай] лафзлар билан етиб келдики, унинг олдида ҳаво қалинлашиб кетади, унинг ҳузурида ҳирс-ҳаволар тўхтаб қолади ва унинг ёнида чиройли ҳуснлар қабиҳлашиб қолади. Дажлага назар ташлаб, унинг узоқлашиб кетишини кўрдим, Фуротга [назар ташлаб], хулқини эсга олдим, Даҳно ўртасида туриб, унинг кўкарганини тасаввур қилдим.

**Фасл.** Вақт мим [ҳарфи]нинг оқ [тешиги]дан ва лаимнинг кўкрагидан ҳам тор бўлиб кетди.

Мана булар унинг шеъридан мадиҳларики, худди шу сўзлари каби:

Агар замонам менга зулм қилган бўлса, бу унинг фазл ва шон-шараф аҳлига зулм қилишидек ёмон хислатдир.

Ё мен юпун кийимда бўлиб, ой оқшомда, май со-пол идишда, дур эса садаф ичидা [бўлган].

Газнанинг тоғли йўллари ҳақида унинг сўзи, қаси-дадан:

Бир тоғли йўлки, мен унда гўё бургут вайронаси-даман<sup>119</sup>, у мени фалакда учишга мажбур эт-моқда.

58 Гоҳо мен ўзимни ас-Симок [юлдузи] устида кў-раман, гоҳо ас-Симокнинг тагида кўраман.

Бошқа [қасида]дан унинг сўзи:

Қовоқларим ғам-қайғулари [ҳадсиз], улар қал-бимдаги ғам ва қайғулардан пайдо бўлган. У [ғам]лар чақмоғи шавқ ўтидир, момақалдиро-ғи оҳ-зорим, ёмғири эса тўкилган қонимдир. Уларнинг ери ёноғим саҳни, у эса бутунлай ҳо-силсиздир, ҳосилсизлик билан ажабланавер, у тўхтовсиз оққан ёмғирдан деб гумон қилинади.

Замона ва унинг аҳлини койиб [айтган] сўзи:

Замона бутунлай адолатсизлик ва жафодан [ибо-рат], ҳаммаси ҳақоратловчи ва хорловчилардир. Улар орасида лаим хулқидан бошқаси йўқ, чақ-

моқтошлари олов бермайдиган баҳлдир. Шон-шараф уни ҳажв қилувчилар учун ҳалол, мол-мулк эса унга умид қилувчиларга ҳаромдир.

Соч оқи ва [уни] бўяш ҳақида унинг сўзи:

«Сочни зўрма-зўраки бўябсан»,— деяпсан, мен айтай: «Ҳа шундай, [одамлар] кўзидан яширедим».

«Биздан-ку [оч оқини] яширдинг, уни тақдир кўзидан ҳам яшира оласанми?»— дедилар.

Қасидадан унинг сўзи:

Эй дунёнинг обод жойлари ва унда яшовчи халқлар сахийликда улар худди булувлар сахийлигидай тўлиб-тошган.  
Мен бутун оламда яшаб кўрдим ва мана сен сенинг вайрон бўлган уйингдаги ҳолатда турибман.

Бошқа [қасида]дан унинг сўзи:

Нодонлигим туфайли уловлар орқасини қийнаб, сахролар бағридан шон-шараф ва олий жанобликини қидирдим.  
Агар замонам менга мадад бергандা, олий мартабаларга эришишдан қудратсиз ва орқада қолувчи бўлардим.  
Шон-шарафнинг оқ кийими фақат кечаларнинг қора кийимларини кийиб, ухламай бедор ўтганнагина [муяссар] бўлади.  
Олий мартабани қўлга киритиш учун ас-Суҳба ал-Фарқод<sup>120</sup> устида қанчадан-қанча кечаларни бузовлар ўтлатиб ўтказмадим<sup>121</sup>.

#### 47. АБУ САЪД АҲМАД ИБН МУҲАММАД ИБН ЖАМОЛ АЛ-АМИДИЙ.

Буғдой ҳадя қилишни илтимос қилиб [шундай] дейди:

- 59 Эй инъомлари аҳли илмлар ва [аҳли] китобларга баробар тинимсиз бўлган жаноб, Аввалги [ҳарфи] замма бўлган ҳадяни инъом эт<sup>122</sup> ва хорланган ходимга юбор.

Ўтин илтимос қилиб [ёзгани]:

Эй унга фидо бўлинадиган шайх, сен ёмон ишлар ва бахтсизликдан сақлаб келгансан, Совуқнинг ҳаддан ошгани туфайли мазний деб

аталган нарсанинг тескарисига<sup>123</sup> инҳоят мұхтож  
бўлиб қолдик.

Унинг ҳазил-мутойибадаги [шеъри]:

Огоҳ бўл, бу бузуқлик бир неча қисмдир, одам-  
ларда шаҳватга берилни,  
Баъзилар сиёҳдон асбобини севса, баъзилар қа-  
лам асбобини севади.

Унинг жиддий [айтгани]:

Эй ўлим лашкаридан чопиб қочаётган, тўхта, қа-  
ергача қочиб борасан?  
Нуҳдан ҳам кўпроқ яшаганман деб ҳисобла, ле-  
кин тангрининг қудрати билан унинг тўфонининг  
ҳалок этишидан нажот топиб бўладими?<sup>124</sup>

#### 48. АБУ БАҚР АЛ-АНБАРИЙ АС-СИЖЗИЙ<sup>125</sup>. У [шундай] дейди:

Абу Насрга ва ундаги бутун одамлар ошиқ бўл-  
ган хулқа ўзимни фидо қиласай.  
Унинг ҳақида худди дур каби қанча мадҳларим-  
ни [айтдим], унинг эрта тонгдагидай нури олам-  
га маҳфий эмас.  
Ҳар қандай ёмон сўзлар билан.унга ҳасадгўйла-  
ри [ҳасад қиладилар] ва унинг [яхши] маъни-  
ларини ўғрилар ўғирлаб оладилар.

Унинг [мана шу] сўзидан бошқа қизини күёвга бер-  
ган кишини табриклаб айтилган [шеърни] ҳеч эшиш-  
маганман, бу нодир [нарсалар]дандир:

Ҳур карамли [қизнинг] ҳурматига сазовор [йи-  
гит] топиб, унга никоҳ қилибсан.  
У [йигит]дан бошқаси ҳозирги кунда дунёда у  
[қизга] тенг келолмайди.  
Сен фақат осмон қуёшини унинг ҳилолига никоҳ-  
лаб қўйдинг, холос.  
Мақталган ишларнинг ўнгини чапи билан қўшиб-  
сан.  
Агар кўзинг яқин орада унинг шербаччаларини  
кўрса, албатта қувонади.

Ундан, соч оқи ҳақида:

Соч оқвнинг зулмидан тангрига шикоят қиласман, мен учун ундан кўра чўнтағимнинг бўшаб қолиши машаққатлидир. У юзимнинг чиройини ўзгартириб юборди ва жаммики айбларимни ошкор қилди.

Аркони давлат ва пойтахт айёnlари, [давлат ишига] мутассариф бўлган ва ундан [кетгандар] ва насаби билан унинг хизматида бўлганлар зикри. Уларнинг назмлари нурларидан ва насрлари меваларидан энг яхшиларининг танлаб олинганлари.

49. АШ-ШАИХ АЛ-АҲМАД АБУ САҲЛ АҲМАД ИБН АЛ-ҲАСАН АЛ-ҲАМДУИЙ, тангри унга доим мададкор бўлсин.

Насаби билан бошлиқ [бўлган], раҳбарлик озуқаси, ер юзи тўлин ойи, фазилат қўёши, подшоҳлик таяничи, адаб денгизи ва карамнинг баланд тоғидир. У тутган ўрини буюк вазирлик [мартабаси]дан ҳам юқори [бўлган] киши эди, бу [вазирлик] эса буюкликка етишиш учун поғонадир. У [вазирликдан] қочарди, вазирлик эса уни хорларди, у вазирликни туртиб юборса, вазирлик унга ёпишиб оларди, вазирликда ёшлик кунларининг ўтиб кетганига кўз қирраси билан назар ташлади, уни яхшилаб, тўғри йўлга солиб, тузатди ва мускаҳкамлади. Сўнгра ундан нафратланди, ҳатто устоз Абу-л-Қосим ибн ал-Ҳурайш — тангри уни раҳмат қилинг — унинг ҳақида шундай деган эди:

Ҳалок бўлган вазирликни фазлинг билан шарафли қилдинг, у фалокатга йўлиққан эди, сен тиклаб қўйдинг.

Мазлуманг ҳожатини чиқариб, унга адолат қилмагунингча, уни сабрли бўлишга ундашда давом этдинг.

Унга бажонидил ёрдам қил, шунда тинчликни қўлга киритасан, чунки сен гуноҳини ўтганингдан буён, у ҳаяжонда.

Унинг фазлига хос [нарсалардан] ва шон-шарафнинг ажойиботларидан: у Рай ва Жиболнинг бошқа шаҳарлари ҳокими [бўлган]. Бу [Жибол] худди Ироқ каби кенг мамлакатдир. Шоҳлар унга хизмат қилгандар ва бошқалар унинг ерини ўпгандар. У дунё зийнати ва унинг дабдабаларидан узоқлашиш ва охират учун керак нарсаларни кўпайтириш ҳақида [шундай]

дайди, ваҳоланки зоҳидларнинг энг зоҳиди буни айтганда ҳам, ундан зиёда қиломаган бўларди:

61 Май фасоднинг бошланиши ва пировардида [гуноҳлар] эшиклари дарвозасидир. Уни тўхтосиз давом эттириш йўлдан адашиш асоси ва унга меҳр қўйиш [диндан] қайтиш бошидир. Умр бир айланиб ўтиб кетувчи нарса, сенга йику орасида келиб кетади. Кимки фасодга миниб олган бўлса, у ҳақиқий йўл ва эътиқоддан тойган бўлади, Э Абу Саҳл, эҳтиёт бўл ва охиратга кетишдан олдин тавба қил. Камтарлик ва надомат либосини [ўлимга] нидоқилинмасдан олдин кийиб ол. Тилинг сўзлашдан қолиб, юрагинг заифлашишидан олдин, Қалбни ҳидоят нурига қарат, шиддатли [кунлар] асари уннадир. Гўё мен билан сен олий навъ [улов]лар ўрнига у [фойдали иш]лар бўйинларига миниб олганмиз. Қиёматга яхши озуқадан фориғ, холий [бўлган] ҳолда қайтиб борасан. Нидоқилувчи сени чақириб, савол [берганда], жавоб қандай бўлади? Жамики обод ерлару саҳроларда мен учун Эътиқодим соғлиги орқали тангрига бўлган катъий ишончимдан бошқа [ҳеч нарса] тайёрланмаган. Шарофат қилувчи савол-жавоб вақтида уммати [гуноҳини] ўтиш пайтида чақирсан.

Мана шу ерда яхшиликка амр қилувчи нафс, қўлга киритганини сахийлик билан [берадиган] қўл, денгизда унинг шўрини кетказиш учун лойқасини тозалайдиган хулқ, карамлилик суви қўшилган очиқ чехра тамом бўлди. Сен унда унинг муҳаббатига иштиёқни жамлайдиган яхши табиат саҳифасини ўқийсан; у ўзининг дўстлиги ва яқин тутилиши билан фикрларини ўзига улфат қилиб олади.

Унинг шон-шарафи ва аҳду паймонининг яхшилигидан далолат берувчи шеърларидан унинг сўзи:

Бирор одатни бирор кишига ўргатган бўлсанг, уни йўқотолмайсан, бу болани кўкракдан ажратиб ташлашдан ҳам оғирроқдир.

У [одат]га модомики тирик экансан, сабр қил, уни ҳеч йўқотолмайсан, бу жафолардан бирни ҳисобланади.

Унинг санъат жиҳатидан малиҳ [бўлиб], Абу-л-Фатҳ ал-Бустийни орқада қолдириб кетадиган шеъридан. Еруғлик бермайдиган чироқ ҳақида унинг сўзи:

- 62 Эй менинг чироғим, тун сенга коғирлик зулми ва умид қилгани кишининг пушаймони билан зулм қилибди.

50. АШ-ШАИХ АЛ-АМИД АБУ МАНСУР ИБН МУШКОН<sup>126</sup>, тангри унинг шон-шарафини давом эттирасин.

Котиблар замона тили ва одамларнинг садри бўлса, бу [шонир] уларнинг садри ва тўлин ойи, фазо чашмаси ва рисолалар девонининг қўёшидир. Подшоҳлар подшоҳининг<sup>127</sup> тангри унинг салтанатини давомли қилиб, шон-шарафи ва мавқеини сақласин — котиби бўлган, садрларнинг энг балоғатлиси ҳақида ўйлаб кўрган мисан? Ҳатто унинг қадр-қимматидан паст турадиган шеъриятда ҳам тангри унинг мартабасини юқори кўтарган ва унинг хотираси ортиқча [кучли] бўлганида, лафзларнинг энг ёқимли ва сўзларнинг равшанлиги унга энг муносиб бўлган олий балоғатни ато этган эди.

Аср аҳолисидан кимдир сувни васф қилиб [шундай] дейди:

Бу қандай чиройли сувки, [гўё] тонг шамоли яшил калта камзул этагининг бурилган [жойлаши] ни унга ёпиб кетибди.

Бу Ибн Мушконнинг Машриқ подшоси [номи]дан имзо чекиб [ёзган] лафзи кабидир.

Баҳор таассуротини байтларда васф қилиб, у [шундай] дейди:

Субҳ бўстонлар сирларини ошкор қиласи варайхонларнинг эсиши жонларни тирилтириди. Бое шамоли Ибн Мушконнинг сultonлар садри ҳақидаги китобларини менга ўқиб беряпти деб ўйладим.

Юзини янги чиққан соқоллар билан безаган, ёноғининг кумушни пур сочиб, қимматбаҳо тош юзини безаган

ёш, малиҳ йигит ҳақида у [шоир] яна [шундай] дейди:

Назар солиши йўлдан оздирадиган, кўриниши  
ғам-қайғули учун заҳарли тарёқ [бўлган] бир  
қийик боласики,  
Унинг юзини ажратиб турган икки чеккасидаги  
соқолининг хати гўзалликда Абу Наср<sup>128</sup> ибн  
Мушкон хатини эслатади.

У яна шундай дейди:

Қимки ал-Аҳмад Ибн Мушконнинг гўзал юзини  
кўрган бўлса, Муштарийнинг Қавс буржида [ту-  
ришини] ёмонлади.

Ким унинг одоби ва буюклигини мутолаа қилса,  
у Жаънат мақомида турган бўлади.  
Парвардигорим уни доимо Ой [ва] Қуёшдай қил-  
син, хажразлиқ унинг дўсти, авслик<sup>129</sup> уни қабул  
қилувчидир.

Ибн Увайс<sup>130</sup> каби машҳур [шоир] бўлганимда  
ҳам унинг буюклигини тавсиф этишга мен ожиз-  
лик қиласман.

63 Мана булар унинг сultonга аталган рисолалари  
фаслларидан энг ажойиб ва порлаб турганлари.

Фасл. Ўз раъйини фақат тўла ишончли бўлгандагина  
сўзлаган ва олов [ёқиши] тўла билгандагина  
ёқкан киши ақллидир.

Фасл. Ҳар бир. ҳолатда замон тасарруфининг бел-  
гиси бўлиб, унинг бажарилишини кечиктирмайди ва  
[замон] ҳаққи бўлиб, уни охирига етказмай қўймайди.

Фасл. Лақаблар сифатлардир, агар у [сифатлар]  
ҳақиқат ва олот бўлса, у олотлар шода ва марварид-  
лардай [ростдир], агар ёлғон бўлса, гувоҳ беришлиқ-  
да [ёлғонга] баробар бўлиб қолади.

Фасл. Агар тангри бирор ишнинг [бўлишига] қа-  
рор қилса, унинг сабабларини осонлаштиради, аҳволи-  
ни яхшилайди, унинг учун зарур нарсаларни тайёрлайди  
ва унга қарши адолатсизлик ва тўсиқларни барта-  
раф қиласми.

Фасл. Қариндошлиқ воситаси диндаги вожиб [нар-  
са]дир, чап [ёмонлик]нинг ҳаддан зиёд хор бўлиши,  
ўнг [яхшилик] учун қувватдир.

Фасл. Филофдан сугирилган шамшир ва ёрдам би-  
лан [келган] баҳт каби кенг тарқалган [нарса] йўқ.

Фасл. Ёрдам беришдан ҳам афзалроқ бир қанча

ман этилган [нарсалар] борки, қисқалиги уни маломат қилади, орқага суриш эса уни хиралаштиради.

**Фасл.** Туғма табиатлар ҳоҳишининг қучлилиги, [уларнинг] рўёбга чиқиши ваҳималар туфайли узоқлигини нақл қилади.

**Фасл.** Кимки ёмон ният билан тузоқ қўйган бўлса, унинг ипига илиниб ҳалок бўлади, ёмон макр-ҳийла фақат уни [ўйлаган] кишини ҳалок этади.

**Фасл.** Ажал тақдир ҳукми асосида жорий бўлади, уни олдинга суриш ёки орқага суришдан [тақдир ҳукми] бош тортади.

**Фасл.** Тадбир билан [иш тутиш] даражасига етмаган кишининг раътига қулоқ солиш, эҳтимол, шундай халилликка олиб келиши мумкинки, қувловчи унга етолмайди ва шундай заарар келтирадики, унинг чопқиротини ушлаб бўлмайди.

**Фасл.** Биродарларни яхши йўлга солиш ҳали муоммадаги эркинлик қадрини ўжарлик ва исён чегарасини ўтиш пайтларидаги нарсаларидан маҳрум этишни ўргатишдан ишончлироқдир.

**Фасл.** Агар кўп аскарлар орасида ногаҳон ихтилоф пайдо бўлса, уларнинг кўпчилигига зиддият туфайли иттифоқлик кетади. Агар озгина аскар келиша олмаса, уларнинг орасида фасод ва ножӯяликдан бошқа нарса вужудга келмайди, улар осойишталик ва эҳтиёжда ҳеч келиша олмайди.

**Фасл.** Ҳақиқий ҳукмдор шундай кишики, у ўз хизматининг кўплигини тан олмайди, орифлар ҳаққини ва оғир кунларда ноз-неъматни ҳимоя қилади, //фитна тугатилиб, осойишталик тушган пайтда, адоват фалокатидан саломат қолиш учун фурсат бўлганда эҳтиёткорлик ва ҳурмат пардасини йиртиб ташлайди.

**Фасл.** Кимни тангри ўз дини ишларидан бирортаси-га кафил қилган бўлса, унга ўз кароматидан жуда катта баҳт ато этган ва ўзининг кўпчилик қулларидан кўра уни фазилатлоқ қилган бўлади.

**Фасл.** Подшоҳнинг борлиги мол-мулк ва кишилар биландир. Муруват вақтида қалбларни [ўзига] жалб қила олиш мол-мулкни мустаҳкамлашдан авлороқдир. Мол-мулқ, баҳтсизликларни даф этиш, қурол ва фалокатлардан қутулиш учун таянчdir. Нафақа қилиш пайтида уни ушлаб турган киши журъатли эмас, ушлаб туриш жойиз бўлганда, уни сарф қилиб юборган киши эса ақлли эмас, аммо подшоҳлар мол-мулкларини тўплаганларича тўплайдилар ва қурол-аслаҳалари билан қўлга киритганча нарсаларни ҳалокатли жанг майдон-

ларида шуғулланганда ўз яқинларига лозим ҳукм асосида бўлиб бериш учун қўлга киритадилар.

Фасл. Тангри қуръонни қалблар нури, кўкраклар шифоси, қиёмат ва тирилиш куни ўз дини аҳллари учун ушлайдиган энг мустаҳкам ҳалқа қилиб қўйди. Ўнда ўтиб кетган ҳалқларнинг хатолари ва чеккан мусибатлари ривоятлари ва қадимги ҳалқларнинг яхшилик ва ёмонликлари хабарлари баён этилган. Бандаларининг бахтлари бошқа умматлардаги мақталган нарсаларни танлаб олиши ва уларда мазаммат қилинган хислат ва хулқлардан четланишлари учун [қуръон туширилди].

Мана бу [юқоридаги]лар унинг насрларидан ва мусфассал сўзларидан намуналардир. Унинг шеър айтишдан четлашиши ҳақида айтган [шеър]идан бир парча:

Шеърни тарқ этганимдан кейин у мени четлатувчи қилиб суриб қўйди, четлашган ҳақида четлашган [тили]дан гапир.

Абу-л-Қосим Абдуссамад ибн Али ат-Табарий — буюк тангри унга мададкор бўлсин — унинг устоз Абу-л-Ало ибн Ҳассулга<sup>131</sup> тангри унга мададкор бўлсин — ёзган қасидасидан менга айтиб берганди. Уйлашимча, Абу-л-Қосим уни [Ибн Мушконники] деб гумон қилган:

[Эй] инсонлар жамоли, олий жаҳоблик бир уловки, сенинг ўнг қўлинг уни етаклашга эга бўлди. Одамлар гуруҳи бошқаларда бўлмайдиган фазилатни сенда кўргач, сени мажбуран юрtingдан ҳайдаб чиқарди.

Қарғалар одати шундай: агар ўзларининг қора [ранг]лари орасида оқиш гулранг лочинларнинг оқ рангини кўриб қолса, [ундан] жирканади.

Ал-Ҳоким Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Баҳҳосий менга унинг [шу шеърини] айтиб берганди:

Фалаклар юлдуzlари уларда сузуб юришда давом этаркан, Шарқ мулкига Масъуд<sup>132</sup> бахт келтираверсин.

Унинг ялтираган шамширлари ёки қора байроқлари гарб мамлакатларини кетма-кет фатҳ этаверсин.

Атрофида [ҳаёт] шохлари ва уд хурсандчиликлари яшнаб турган ноз-неъматда бўлаверсин.

Бошқа бир киши унинг жанг олдида енгилиб, мадад сўраб турган гулом ҳақидаги [шеърини] менга айтиб берганди:

Тўлип ой стилди ва у сўраган ёрдамини олган, сулҳ  
ва тинчликни кўзда тутган эди.  
Кўз ташлашнинг ўзи бир қўшин бўлиб, бизнинг  
кўшинларимизнинг унга ўхшаб қолишига умид  
боглаши бизни ажаблантириди.  
Қандай қилиб у [кўз ташлаш]ни ғафлатда қол-  
дирдинг ва қадр-[қиммати] унга қарама-қарши  
бўлган мадад сўрашни орзу қилдинг.

Яна ундан:

Меҳмондорчилигининг талаб қилиб, сенга зулм  
қилдик.  
Меҳмондорчилик ва йигитликда баҳиллик бўлмас-  
лиги керак.  
Қодир бўлмаганинг нарсани сотиб олишини сенга  
таклиф этдик, ялқов кишидан [яхши] хулқлар юз  
ӯгиради.

51. АШ-ШАИХ АЛ-АМИД АБУ САҲЛ МУҲАММАД  
ИБН АЛ-ҲАСАН, тангри унинг шон-шарафини давом  
эттирасин.

Қалбни жамол ва камолоти тўлдирувчи бир садр-  
дир, тутган ўрни ва ҳиммати улуғликда бир-бирига ўх-  
шагани каби сурати чиройига мутаносибdir, фазилат-  
лари ва қўллари серобликда бир-бири билан мусобақа-  
лашиб туради, худди насли билан назми баднийликда  
тортишгани каби. Унинг лафзларидан ёдимда қолган-  
ларидан Абу-л-Қосим ал-Меколий ҳақида менга [ёз-  
ган] хатида шундай деган: у ҳаракат жонининг оғир-  
лиги, роҳатбахш ҳавонинг музлаб қолгани, дарахт соя-  
сининг иссиғидир. Унинг руқъада [айтган]<sup>133</sup> сўзи:  
Тангри бизни [у ер] билан қайта учраштирасин, насими  
қандай ёқимлигу неъмати қандай лаззатли. Пойтахт  
зикри ҳақида унинг сўзи: Йўловчиларнинг тушадиган  
жойи, кишилар билан учрашув ўрни ва орзулар қибласи.

Шеърларининг сеҳрларидан. Қасиданинг насиб [қисми]дан унинг сўзи. Бу шу маънода жуда кўп айтилган-  
ларнинг энг яхшиси ва энг чиройлиси. Чунки у бир  
қанча байтларда сочилган нарсаларни бир байтда жам-  
лаган ва энг яхши тартиб бериб, шундай деган:

Иккита дур: лафз ва кўзёшини насрга солдим ва иккита дур: шода ва олд тишларни назмга тиздим.

## 6 Ҳиндистонлик ғулом ҳақида унинг [шеъри]:

Биз қора [занги] менинг юрагим қорачиғида ҳозир, лекин у кўз қорачиғидан ғойибdir.

Узининг Ҳамрийядан [олинган] қитъасини менга айтиб берганди:

Ҳаводаги нурга ўхшайдики, ундан кўзлар ўзини  
химоя қилади.  
Кўзада у бачадондаги бола [каби бўлса], бошга  
[чиққанда] у жиннилиkdir.

Унинг қасидасидан:

[Эй маҳбуб], мени муҳаббат ҳақида ўйламай  
қўйди деяпсан, эҳтимол, менинг ҳолимни ўз ҳолингга қиёс қилган бўлсанг.

Унинг Шамсийя [номли] қасидасидан:

Ажабланаманки қаламлар кўк [қамишлиқ]да ишилатилимади, [одам] қўли билан бармоқлари [ушлагач], ҳаракатга келди.  
Агар одамлар сўз ёки ҳарфлар бўлганда, [сўз ва ҳарфлар] «ҳа» бўлиб, қолган одамлар эса «йўқ» бўлиб қолган бўларди.

Завзанда ўлган Ҳумайд номли бир чақимчи инсон ҳақида унинг [шеъри]:

Қабр аҳлларига Ҳумайд қўшни бўлиб келгандан  
кейин, уларнинг шўри қуриди.  
Агар тангри ҳузурида чақимчи тирилганда, у ерда [қабрда] гилар орасида олов ёққан бўларди.

52. АШ-ШАЙХ АЛ-АМИД АБУ-Т-ТАИИИБ ТОҲИР ИБН АБДУЛЛОҲ, тангри унинг шон-шарафини давом эттирсин.

Қалби кенг бошлиқ фазилатни сотиб олишда тўхтамаган [кишидири]. Олий жаноблик қўли уни харид қилган, унинг ҳақидаги фикрлашлар аниқ ҳукмга мө

йил бўлган ва Рай замини унинг нури билан ёришгандир. Узоқ вақт рисолалар девони ва бошқа шарафли амалларни бошқарди. Унинг шеърлари ғоятда ҳаловатлидир, худди [мана бу] сўзи каби:

Агар ҳодисотлар ниҳоясига етса, уларнинг озигина  
узоқлашиши хурсандликни келтириб чиқаради.  
Қанчадан-қанча қайгулар кетма-кет келиб, ўтиб  
кетди ва қанчадан-қанча оғатлар ошкор қилингандан аён бўлди.

Унинг сўзи:

«[Юзида] тук чиқиб қолибди»,— дейишган эди,  
уларга жавоб бердим: «Юзда бир аломат бўлиши  
зарурдир».

Энг нурли ой ҳам намоён бўлганда қоронғи кечанинг зулматига ўралиб қолмайди.

## 67 Унинг ҳажвда [айтган] сўзи:

Абу Саъд ибн Ҳамдон ҳалқ ва хулқнинг энг ёқим-сизидир.

Буниси — соч фарқидаги оқ, униси хулқда ўзини катта тутишдир.

## 53. АШ-ШАЙХ АБУ-Л-ҲАСАН МУҲАММАД ИБН ИСО АЛ-ҚАРХИЙ<sup>134</sup>, тангри унинг шон-шарафини давом эттирасин.

Тарқалиб кетган яхши сифатларни [ўзида] жамлади, фазилат шодаларини назмга терди, қарамилик гарданини эгаллаб олди. Маълум бўлишинча, ўтиб кеган сulton Абу-л-Қосим [Маҳмуд] — тангри ундан рози бўлсин ва уни рози этсин — подшоҳлиги билан подшоҳларнинг энг аълоси бўлгани каби раъий билан ҳам уларнинг энг аълоси бўлган эди. Чунки у қалблар сирларига тавфиқ кўзи билан назар ташлар, мақсадлар нишонига фазли ўқи билан отарди. Унинг тадбири фақат қатъйлик мавқесига сарф этиларди ва унинг раъий фақат адолат йўлида тўқиларди. У аш-Шайх Абу-л-Ҳасанни — тангри унга мададкор бўлсин — ўз мажлисининг чироги, суҳбатининг калити, қалбининг меваси, руҳининграйхони; суҳбатдошининг хазиначиси қилиб олди ва суҳбатдошлари орасидан унга хос қилиб ажратди, чунки у фозиллар ва кубаролар орасида худди шоҳлар ва амирлардай эди. Унинг фазилат тили билан айтилган шеърларидан ёзиб келтирдим,

[мана бу] бадний сўзидаи, у билан [бошқалардан] ажралиб туради:

Кўнгил донасида, ёноқда, икки кўзда ва шавқда ёқут маъдани ғалаба қозона бошлади:  
Икки кўзим кўп йиғлаганликдан қип-қизил, юзим сап-сариқ, қалбим эса кулрангdir.

Ҳилол ва Сурайё ҳақида унинг сўзи:

Гўё нур сочувчи Ҳилол намоён бўлди, Сурайё юлдузи эса ёруғлик гардиши устида тўхтади.  
Бошида қимматбаҳо жавоҳирлар билан безангани тож [кийган] бир подшоҳим, ўз шон-шарафи билан ўзидан кейингиларга нур сочиб турибди.

Улуғ Султон [Маҳмуд] ҳақида — тангри унинг мулкини давомли қилсин — унинг сўзи:

Эй одамлар саййиди, бир ходим ўз шеърида сени унга вожиб бўлгандай қилиб қандай мадҳ эта олсин.

Мадҳдан унинг [хотирасига] келаётган нарсага [ходим] рози эмас, ҳатто яшириниб ётган нарсалар ҳам уни қаноатлантирумайди.

Соч оқариши билан ёшлик нодонликларини тарк этиш ҳақида унинг сўзи:

Ақлим нафсимга ишора қилгандан кейин, ўйин-кулгини йиғиштирдим.

Соч оқининг тушиши мени ўзи ишора қилган нарсага жирканиш билан безади.

Майга, унинг соқийси ва ичувчисига интилишини тўхтатдим.

Ўйин-кулги кўз олдимга келиши билан, қўлларим уни ичишдан мени қайтарди.

Эй нафс, ҳали ҳам ҳамшишаликни ўзингга лозим деб биласанми? Нишопур мадҳида [айтилган] қасидадан унинг сўзи:

Киши Бағдод ва Куфада нима ҳунар қила олади.  
Нишопур ер юзида инсон инсон орасида [бўлгани] кабидир.

Ҳеч ёлғони йўқ, у бизга Хуросонининг кўзи бўлиб туолади.

Агар киши мамлакатлар кетидаи мамлакатларни  
ташлаб кетадиган бўлса,  
Улар олдида Нишопурни шоҳ деб, қолганларни  
эса фарзинлар деб тасаввур этади.

Расмлар чизилган ҳаммом ҳақида унинг сўзи:

Бир уйга ажабланаманки, унинг ичидаги саҳрого  
қўйиб юборилган ваҳший ҳайвонлар кўзингга  
ташланади.  
Тезда кийик боласини овлай бошлайсан, гўё у  
ўрмон ичидаги юраётгандай [бўлади].  
Кушлари сени тизилиб кутиб олади, улар худди  
уясида йўнаб турганга ўхшайди.  
У фазоси кенглиги ва ҳавоси билан, ернинг сай-  
қал берилганлиги ва анжомларининг ажойиблиги  
билан ёқимлидир.  
Сен эса хилват, ёқимли [жойда] маза қилиб юву-  
нишга мафтун бўласан<sup>135</sup>.

54. АШ-ШАИХ АЛ-ОРИЗ АБУ-Л-ҲАСАН МУСО-  
ФИР ИБН АЛ-ҲАСАН, тангри унинг шон-шарафини  
давомли қилсин.

Иигитлигим, ўрта ёшлигим, кексалигим ва ёшим-  
нинг интиҳосида қалам ва шамшир аҳлларидан фазл  
эгалари, замонанинг ягоналари, ер [юзи]нинг ўлдуз-  
лари ва садрларнинг тўлин ойларидан жуда кўпини уч-  
ратдим. Буюклида ундан бошқа зот номи билан қа-  
самёд қилиб бўлмайдиган тангри номи билан онт ича-  
манки, табиатда карамлилик ва адаб мужассамлаш-  
ган, сўзида ва феълида чиройлилик жамланган, фазли  
шодасида риёсат асбоб-анжомлари ва сиёсат омилла-  
ри тизилган, назми ва насли самараларида лаззат би-  
лан хушликнинг ёнма-ён бўлгани у каби [одам]ни кўр-  
мадим. Қасамни бузишдан қўрққаним ва гапимнинг  
ростлиги [ёлғонга] чиқмаслиги учун шу кунларда унга  
еъзган [қуйидаги шеърим] сенга кифоядир:

- 69 Эй, чиройли [хислат]лар ва улуғлик унда қўши-  
либ кетган ва қалблар унга боғланиб қолган зот,  
Унинг яратилиши худди хулқидай, хулқи унинг  
лафзларидай, шеъри эса унинг исмига мосдир.  
Жисмимнинг озуқаси унинг ўнг қўли саховати-  
дан руҳим озуқаси эса назмининг бадиийлиги-  
дандир.  
Доим саодат ва зиёдаликда бўлдинг, замона шам-  
шири ва тифидан омон қолдинг.

Шу вақт ва соатнинг ўзидаёқ — у мана бу байтларни ёзив жавоб қилди:

Замонанинг ягонаси уни тинглашни истаган як-  
каю ягона имомга фидо бўлай.

У ўз куниясига муносиб доимо ғалаба қозонди<sup>136</sup>,  
руҳ ҳам унинг жисмида бўлиши билан фахрла-  
нади.

Одамларнинг емишлари унинг китобларидир,  
улардаги зарифлик унинг кўрининиши гўзаллиги-  
дандир.

Унинг улушига тушгандан буён қип-яланғоч фа-  
зилатлар унинг назми туфайли келинлар зебу зий-  
натларини кийиб олди.

У менинг фойдали ҳожатларимни чиқарар ва за-  
рарли озиқ-овқатлардан мени қутқарар эди. Менга  
ҳайратда қолдирадиган руқъаларни ёзди, мен ҳам унга  
ёздим:

Энг балофатли садрлардан, айёмлар ва замонлар  
нуктадони [бўлмиш] мавлоно Абу-л-Ҳасан Мусо-  
 фирм.

Гарданимни азоб-уқубатлар юкидан енгиллашти-  
риб, олий жаноблик ва нозу неъмат юки билан  
оғирлаштирдинг.

[У нарсалар] сени инсонлар орасида машҳур эт-  
ган, сенинг маъниларинг эса шеърлар ва ақллар-  
да терандир.

Менга сеҳр, май варайхон каби бир шеър етиб  
келдики, у билан сени халқ орасида дам солгансан.  
Таңри ғам-қайғулар қўли билан ҳалок бўлган  
[яхшилик] қылувчи бир бандасини сенга қайтар-  
синки,

У сенинг сўзларнинг билан яшаганди, у [сўзлар]  
унинг баданинга қайтадан [кириб] келган жон ка-  
би бўлганди.

У қисқа бўлмаган руқъада жавоб берди:

Эй ақл аҳлининг садри, эй замона ягонаси, се-  
нинг мартбанг сўз ва тил қудратини заифлаш-  
тириб юборди.

Шундай назмларни ҳадя этдингки, унинг латофати  
баданимга жон ва қулоғимга ором баҳш этди.

У мендаги ўлган хотираларни қайтадан тирил-

тирди ва менда замон учун пок [киши] мақоми  
пайдо бўлди.  
У мендаги ташвиш ва қайғу ўрнини кетказди, ҳа  
шундай, у мени халқ орасида [ёқимли] одам қи-  
либ қўйди.

70 Муҳаббатинг соғлиги мени ҳуснга аҳл қилади,  
фазлинг чегарасининг поёнсизлиги эса мени ка-  
рамли қилади.  
Гўзалликка эга бўлиб ва чексиз илмларни ифода  
қила туриб, мени мадҳ этишинг шарт эмас эди.

Мен унинг зикрини давом эттириб дедим:

Энг яхши ҳаётда бир боғда бўлганим ҳолда [ай-  
таман], тангри шундай кунларни сероб қилсинки,  
уларнинг чиройини  
Ибн Мўътаз<sup>137</sup> шеърига, Ибн Муқла<sup>138</sup> хатига,  
Масъуд<sup>139</sup> давлатига ва Мусофири хулқига ўхша-  
таман.

Шунга ўхшаш [мавзуда] яна менинг шеърим:

Бир хипча бел [гўзал]ки, у тангрининг ўз банд-  
асига [юборган] фитналаридандир, чунки унга  
оламлар гўзаллиги берилган.  
Гўё эрталаб унинг кўзида — Бобил, икки лабида  
эса Ахвоз намоён бўлгандай.  
Ва гўё ар-Раис Мусофирининг имзоси унинг юзи  
қирғогида унга нур сочиб турибди.

Яна менинг [шеърим]:

Само бизни булутлар ёмғири билан суғорди, эй  
ғулом, сен бизни ток навдаси билан суғор.  
Сахийлик, улуғлик ва илмларда ягона [бўлган]  
ар-Раис зикри билан майни ичайлик.  
Қачон бўлмасин Мусофири улуғлигининг хабарла-  
ри сафар қиладиган бўлса, улар юлдузларни на-  
моён қиласди.

Яна:

Эй, мавлоим Абу Ҳасан Мусофири бадний аён  
сўзлар билан тавсиф қилишни сўровчи,  
Унинг зикри — мушк, қўли — ёмғирли булут,  
хулқи — боғ, оғзи эса дурдир.

Бунга ўхшашлар кўп. Унинг [мана бу] сўзи хоти-раси самарасидандир:

Ешлигим давом этиб, сочнинг туни тонг отишинга рухсат бергани учун<sup>140</sup> қавмим мени маломаг қилди.  
Мен дедим: «Тонг [отиш] олдидан бир лаҳза лаззатланиш учун мени маъзур тутинг, чунки тонг кун қизнифидан дарак беради».

Унинг сўзи:

Молим кўплиги билан сахийлик қилсан ҳам, китоб масаласида баҳиллик қилсан ҳам, менга фарқи йўқ.  
Бу шунинг учунки, мен у [мол]ларни қўлга киритиш учун ёшлигимни энг яхши даврини сарф этдим.

71

Ундан:

Хатдаги сиёҳинг менинг кўз олдимда сиёҳ эмас,  
балки кўзим қорачиғи ўрнини босиб турибди.  
Чунки сенинг севимли мактубинг мен учун энг хурсанд қилувчи суҳбатдош ва энг яхши озуқадир.

Унинг сўзи:

Илмни ниҳоятда хоҳлайману, лекин унинг поёнига етишини уddyалай олмаяпман.  
Бошлаган киши билолмагани учун «қабиҳ» деб аталган нарсани билолмаслик билан ўзимни тўхтатдим.

Ўзини ва дўстларидан бирини койиб [шундай] деган:

Дўстинг дийдорини ва фаровон ҳаёт лаззатини хоҳлайсанки,  
У [ҳаёт] куйловчи чўри ва нозик соқий қўлидан қадаҳ [кўтариш] билан [бўлса].  
Сенинг ташвишинг эрталабки кайф билан кечқурнги кайфни бирга қўшиш.  
Ҳур кишига зулм қилиб ва уни хорлаб [йигилган] мол дўзах ўтидир.

Менинг заифлигим қавмлар таомлари ва [турли] гуруҳлар емишлари [сабаби]дантир. Сен маҳлуқлар хизматида нафснинг ишонган ва-килисан. Ўйин-кулги ва майнинг мастилигидан ҳеч ўзингга келмайсан. Насиҳатга ёки дўстнинг сўзига қулоқ солмайсан. Бу ҳамма фисқ-фасодларни менинг дўстим деб ўйлама. Сен йўлдан тойған эдинг, бошқа йўлга тушиб ол.

### 55. АШ-ШАИХ АБУ-Л-ФАТҲ МАСЪУД ИБН АЛЛАЙС, тангри унинг шон-шуҳратини давом эттирсин.

Ингитлиги чопонини фозил шайх ақли билан кийган ва ёшининг гуллаган даврида энг камолотли, етук одобни әгаллаган эди. Буюк султон [Маҳмуд] — тангри унинг подшоҳлигини давом эттирсин — ҳузурида муқаммал илтифотни қўлга киритди ва унинг холис ишончли қишиси ва ходимларидан ва рисолалар девони аъёнларини кўтариб юрувчи ва энг акобир элчиларининг акобирларидан эди. Мана булар [унинг] узун [нарсалари]дан қисқачаси ва жумлаларининг нуктадонлариандир. Унинг насли гул ва гўзалликдан кулиб туради, назми эса олимлик ва дурларни ўзида жамлайди.//Мана бу жавоҳирлар қисқа фасллардан [иборат бўлиб], нурлар ва меваларни ўзида жамлаган:

**Фасл.** Рӯҳнингроҳати майда, кўз қорачиғи гўзаллар ўзида, ўтнинг қуввати эса ҳақиқий дирҳамлардадир.

**Фасл.** Хуморлик давоси маҳбубнинг бўсалари ва донолик билан айтилган сўзлардир.

**Фасл.** Дунё гўё маъшуқ сўлаги, ҳар вақт ундан чанқоқ бостиришни кўпайтирсанг, унга чанқоқлигинг янада ортаверади.

**Фасл.** Кимки подшоҳларга хизмат қилган бўлса ва улар унга хизмат қилмасалар, унинг уди қуриб, баҳт юлдузи ботиб кетади.

**Фасл.** Подшоҳнинг тухфаси худди булат кабидир, агар у юришини қанча секинлатса, саҳовати шунча ортади.

**Фасл.** Кимки бошлиқлар мансабидан бошқа мансабни ўғрилаб олса ва душманларни бўйсундирса, у шон-шуҳратни эмас, молни талаб қилган бўлади.

**Фасл.** Кимки қаноатсиз бўлса, унинг аҳволи ёмонлашади ва ҳилоли хиралашади.

Мана булар унинг шеърларининг малиҳларидан нур

сошиб турганлари, гўё [шу] сўзида:

Кечасининг зулматида маҳбуб мени зиёрат қилди, унинг кўзларини май бўшаштирган эди. Гоҳо [киши]нинг икки кўзини мудроқ босгандা ҳам, карамиллардан [юзага келган] нарсаларни қўлга киритади.

Унинг сўзи:

Эй кўз қиррасидан назар ташлаб, ўқларни отувчи, икки ёноғинг гулини ўпиш мен учун даводир. Кўзингга ажабланаман, қандай қилиб менинг дардим унда яшириниб қолдю сенинг олдинги тишларинг қандай қилиб менга даво бўлиб қолди.

Унинг сўзи, қитъадан:

Хурсандчилик бошлиғи бўлганларга қўшилдим ва ўриндиқ тепасида ётдим. Тутатқи булутидан атиргул суви сепилган мажлисда [бўлдимки], [Унда] тўлинойлар қўлидаги косалар юлдузлари бизга тулуъ этиб турарди.

Унинг сўзи:

Икки ёноғинг атиргулида анбар хол чақимчилик қилди, сен эса ғурур ва таннозликни ошириб юбординг. Таннозликни зиёда қилаётганинг ҳақиқат бўлиб қолди ва менинг сенга итоаткорликни зиёда қилаётганим ҳам ҳақиқат бўлиб қолди.

73 Бир табиб ғулом ҳақида унинг сўзи:

Ҳаракатларида дараҳт шохига ўхшаган бир табиби, унинг иштиёқида руҳимни [қурбон] қилиб юбордим. Менинг ҳузуримга табиб шунинг учун келдик, мен уни озгини [бўлса ҳам] кўриш мақсадида касалликни қўмсаган эдим. Унга таажжубки, табобати билан касалликни тузатди, назар солиши билан эса соғни касал қилиб қўяди.

56. АШ-ШАЙХ АБУ БАКР АЛИ ИБН АЛ-ҲАСАН  
АЛ-ҚУҲИСТОНИЙ.

Фазилат кишиси ва унинг тасвири, карамлилик чашмаси ва унинг манбаи, адабининг кенг водийси ва унинг кўли, гуноҳкор замонанинг узри ва унинг зийнатидир. Машриқ юрти уни суриб чиқарди, ҳодисот ва фалокатларга дучор қилдики, гўё у Хизрнинг халифа-си ва ер кўзига [тушган] оқ бўлиб қолди. У тақдир бевафоликларига таъсирни зиёда этувчи бир шамшир, узоқларга ҳидни тарқатувчи мушк ва у денгиз сувики, қадаҳга қўйилса ширин бўлади. Мен гўё ҳозир у билан биргаман ва гўё наср ва назмда унга илҳом бериляпти ва унинг адабиётини дengиздан ботириб олиняпти.

Унинг ажойиб лафзларидан хотирамда қолганларининг озгинасини ёзиб [қолдиряпман]. Улардан унинг сўзи: Ким бир нарсани талаб қилиб, жиддий киришса, [уни] топади, ким эшикни қоқса ва қаттиқ туриб олса, [албатта] ичкарига киради.

Фатҳларининг кетма-кет бўлиши ҳақида унинг сўзи: Мана бу фатҳларки, нафслар ва таъблар уларга ўрганиб қолган, кўз ва қулоқлар эса уларга кўнилиб қолган. Уларнинг ғаройиблиги ҳайратда қолдириш эмас, ажойиблиги эса ажаблантирали эмас. Бир бино тавсифида унинг сўзи: бу устунлар худди шайтонларга ўхшатиб ўрнатилган. Унинг ҳикоядаги сўзи: Подшоҳга нидо қилиб [шундай] дейишган экан: мусулмон бўлмагунча, саломат бўлмайсан ва имон келтирмагунча, омон бўлмайсан.

Мана булар унинг шеърларининг бадиийларидан, [вазир Маймандий ҳақида]:

Менга назар ташламаганингдан буён қадр-қимматимни белгиладинг, менинг кўз ўнгимда Шамс ал-Куфот энг яхши назар ташловчиидир.

Сен эшитганинг ёқутлар ҳам худди шундай қуёш кўзининг тошга тушган таъсири лутфидандир.

Аш-Шайх ал-Амид Абу Саҳл ад-Ҳамдуий — буюк тангри унинг шон-шарафини давом эттирасин — ҳақида унинг сўзи:

Э воҳ, бу қалбга нима бўлди, у ҳеч тинчланмаяпти, ахир у яхши кўрган одамни севиб қолганини билади-ку!

Буст ва Балх муҳаббати иккинчи муҳаббатидир, ғазналийка [бўлган] бу муҳаббат нима деган нарса!

74      Учта [нарсага ишониш] бор, ҳақиқийси битта

[тангрига ишонишдадир], иккитага [ишониш] ҳақидаги сўз монийлар [таълимоти]га<sup>142</sup> тегишили-  
дир. Албатта исломга итоат этган кишига насроний-  
ларнинг уч нарса [ҳақидаги таълимоти] тўғри  
келмайди<sup>143</sup>.

### Уша [шеър]дан:

Ҳайҳот, бу замон сен кўриб турганингдай эгил-  
ган бир шоҳ, паст-баланд қийинчиликдир.  
Тангрига ва ундан кейинги зот [Муҳаммад]га  
ҳам айтаман, сўнг Аҳмад ибн ал-Ҳасан ал-Ҳам-  
дуайга [ҳам айтаман].  
Унинг сахийлиги учун ташаккурим унга ибодат  
қиласди, ривоят қилинишича, озод киши олий жа-  
ноб кишининг қулидир.  
Олий саҳифаларда ўраб яширилган нарсаларни  
буюк тангри у туфайли ошкор қилди.

### Ушандан:

Тангри ва унинг оятлари билан ҳеч истисносиз  
ҳаққоний онт ичаманки,  
Агар уни Шуайб<sup>144</sup> қизи билганда, унга: «Бу энг  
мустаҳкам ишончли [киши]» деган бўларди.

### Бошқа [шеър]дан унинг сўзи:

Дунёдан фойдаланиб қол, чунки унинг вақтлари  
тез ўтиб кетади, йигит умришинг муддати бир на-  
фасдир, сен уни узайтиргни.  
Ҳаётдан яхши улушни [олишга] шошил, [отил-  
ган] ўқ ҳеч қачон қайтиб ҳам келмайди, ушланиб  
ҳам қолмайди.  
Хурсандчилик вақтларини шодлик билан ўтказ,  
улушингни [олиш] учун уйқудан уйғон, чунки  
ғафлатда бўлган кишига ризқ йўқ, дейдилар.  
Бугун эртанинг ташвишии чекма, эртанги кун  
ҳақидаги гапни тарқ эт, у билан банд бўлиш тен-  
таклиkdir.

Руҳ бир чироғ бўлса, май унинг ёғидир, мендан  
[билиб] олки, яхши фикр албатта ўрганилади.  
Сенга [чин] қалбимдан башорат қиляпман, айт-  
ган нарсаларим Қатода ва Анас<sup>145</sup> тилидан ай-  
тилган [пайғамбар] ҳадислари эмас.

Бошқасидан унинг сўзи:

Сен, сендаги ҳамма нарсалар ёшларга манъ этилгандир, ваҳоланки, йиллар ададининг озгинаси-  
нинг ҳам [қайтиб келишига] шубҳаланмайман.  
Худди Яҳё кабики, унга ҳамма ҳикматлар ёшлик-  
да берилган эди, Ибн ан-Нажибга ҳам [ёшлик-  
да] шундай яхши сифатлар [берилганди].

Бошқасидан унинг сўзи:

Отанг сени осмонлар тепасида катта даражалар-  
га кўтарди, у тангрига яширин ва ошкора даъват

75

қилмоқда.  
[Бу] худди Мусо парвардигорга Ҳорун туфайли  
даъват қилиб, «у билан қудратимни кучайтириш ва  
уни менинг ишларимга шерик қил» [дегани] ка-  
бидир.

Унинг шеърларидан энг зариф саналганларидан  
унинг сўзи:

Унинг ишқи мени мўйсафид қилди ва қўллаб-  
қувватлади, шунинг учун мени «оқсоқол шайх»  
деб атайдилар.

Умар ибн Абдулазиз ал-Жакарзийга иштиёқ бил-  
дириб ва уни меҳмонга чақириб [шундай] ёзган экан:

Эй ой юзли ва эй юзи ой, узоқ вақт бу [олий жа-  
нобликнинг] буюк даражасидан маҳрум этилдим  
ва [шундай] давом қилди.  
Водийимдаги чанглардан нимаики бўлса юқори  
кўтарилиб, улуғ бўлди, Абу Бакр [ва] Умарга  
иштиёқим зиёда бўлди.

Унинг ҳузурида тайёрланган қўймоқ ҳақида [шун-  
дай] деган:

Шиддатли, ғазабнок совуқ ва қиши мавсуми ёмон-  
лигини қилиб турган бир кунда хурсандлик ҳам  
йўқ, улфатчилик ҳам йўқ.  
Баданимиз совуқга яқинлашмаган бўлса ҳам,  
қорнимизда очлик ҳукмрон эди.  
Ғулом товани олиб келиб, ёниб турган чўғ [ус-  
ти]га қўйди, қоринда эса очлик чўғи ёнарди.  
Дур каби тухумларни келтириб, унинг устида ча-

қа бошлади, ёғ эса улар орасида шовқинли овоз  
[чиқарарди].  
У [товардан] нур сочиб турган қуёш гардишига  
ўхшатиб чиқариб олинди, у худди олтин югурти-  
рилган кумушга ўхшарди.

### 57. АЛ-ҚОЗИЙ АБУ-Л-ҲАСАН АЛ-МУҲАММАД ИБН АЛ-ХАЛИЛ ИБН АҲМАД АЛ-БУСТИЙ.

Адиблар ва олимлар орасида у бир байроқ, сахий-  
лик ва муруватда эса олимдир. Бир оз вақт Фазна  
хатиби<sup>146</sup> бўлган эди. Кейин Буст ва ар-Раххаж [ша-  
ҳарлари]га қози этиб тайнинланди. У ҳозир ана шу  
икки [шаҳарда] отаси ва бобоси бўлганидай [қози  
бўлиб турибди]. У қози ибн қози ибн қозидир. У ерда  
карамли ва фазилатли, маскани кенг, табиати чирой-  
ли, ақл-заковати кучли [киши]. Бунга унинг ҳақидаги  
ёқимли хабарлар, унинг ёрқин таассуротлари ва [шу  
сифатларни] ўзида мужассамлаштиргани гувоҳлик бе-  
ради. Мен [у билан] узоқ муддатли дўстлик ва ғур-  
батда бирга яшаш ҳолатига [муяссар] бўлдим, қалб-  
ни қалбга қўшдим. Фазнада кўп вақт учрашиб соғ  
дўстликда бўлдик. Адабга муносиб ишларда ёнма-ён  
бўлдик, бир-биrimizga наср ва назмда ёзишиб тур-  
дик.

Ундан Бустнинг сифати ва мақтовлари ҳақида сў-  
ралганда, [Буст] бу бўстондир деяётгани ва шонрнинг  
[қўйидаги] сўзини келтирганини эшиғдим:

Унинг бармоқлари учини ўп, [улар] бармоқлар  
эмас, балки ризқнинг калитларидир.

### 76 Шунга қофиядош қилиб у айтди:

Унинг санъатларини зикр қил, улар санъатлар  
эмас, балки бўйинга [тақилган] шодалардир.

Унинг зикрига қайтаман, қитъадан:

Эй нозу неъмати менинг қўлимда турмаган за-  
мона,  
[У] чалкаш насим шамоли ва заъфар ранг қуёш  
нури кабидир,  
Унинг ёқимлилиги уйқусиз кишининг қовоғи йўлиқ-  
кан мудраш каби,  
Еки ал-Муаммал ибн Халил ибн Аҳмад хулқи ка-  
бидир.

У менга айтиб бергани ўз [шеъридан]:

Замонанг мададкор бўлди, сен [ҳам] мададкор бўл, ўз насибанг билан қаноатланиб, тўғри йўлдан юр. Ишинг тугашига ишонч ҳосил қилганингда, у [замона] уни енгиллаштирди. Ниманки ўтиб кетган бўлса, гўё у [бўлмади] ва ниманки бўладиган бўлса, гўё у [ўтиб] кетди.

### 58. АЛ-ҚОЗИЙ АБУ-Л-ҚОСИМ ОЛИЙ ИБН АЛИ ИБН АБДУЛЛОҲ АШ-ШЕРОЗИЙ.

Буюк тангри унга умр истиқболида фазллар мажмуасини ато этди ва ёшлиги гуллаган даврда камолот гўзалликларини унга сингдирди. У асли шарофатли ва ирқи қарамли {бўлиши} билан бирга адаб, фақих, шоир, хатиб, сulton ишларида қалами фасиҳ ва тили ориф [киши] эди. Гўё Абу-л-Фатҳ Кушожим ўзининг [шу] сўзида уни кўзда тутган эди<sup>147</sup>:

Камолот эгаси ўзини кўздан сақлайдиган айбга  
муҳтоҷ бўлмаган.

Мен унинг нуридан ўзлаштириб олгандим. Унинг ниҳоятда гўзал байтларидан айтиб беришни илтимос қилдим ва уларни ушбу китобга [киритишга] тайёрлаб қўйгандим. Лекин у нусха йўқолиб кегди, [чунки] фалокатлар ўқи хазиналарга кўнгил қўйди. Мана бу унинг сultonга аталган дурдона қасидасидан менинг хотираамда қолгани:

Сенинг подшоҳлигиниг кунлари халқ учун байрам [кун]ларидир, баҳт-саодатнинг мустаҳкамлиги эса халққа қайтувчиdir.

Агар халққа подшоҳ бўлишда давом этаверсанг, ер бир боғ, осмон эса баҳор ёмғириди.

Эй шон-шарафи туфайли шон-шарафлар инқирозига учраган ва сахийлигининг мустаҳкамлигига бутун олий ҳимматлилар итоат этган зот,

Бу баҳт элчилари сенинг раҳнамо бўлишинг учун дунё қалитлари билан ҳузурингга келди.

Агар бу зиёратчилар сенинг ҳузурингга олдиндан келмаганда, дунё ҳодисотлари яқнилашиб қолганди.

Сени буюклик билан мақташган ва сатҳини кенгайтириб бораётганинг, доим мустаҳкамланаётган подшоҳлик билан қувон.

Замонага нима хоҳласанг амр қил, чунки у сенинг буйруингни тингловчи, итоаткор қулингдир.

## 59. АЛ-ҚОЗИЙ АБУ-Л-ФАЗЛ АҲМАД ИБН МУҲАММАД АР-РАШИДИЙ АЛ-ЛУҚАРИИ.

Шона-шарафи мукаммал, табъи карамли, хулқи азим, тили фасих, ҳиммати покиза, адаби тўла ва нутқи аён [кишидир]. Ў Ҳорун ар-Рашид<sup>148</sup> авлодидан бўлиб, Сижистонда қози ва Ғаршистонда вазир бўлган. Утиб кетган сulton [Маҳмуд] билан мӯъминлар амири ал-Қодир биллоҳ<sup>149</sup> — буюк тангри улардан рози бўлсин — орасида элчилик ҳам [қилган]. [Сulton] у билан доимо алоқада бўлди, уни бошқалардан афзал тутган панд-насиҳатларда ва ўзига таъсир кўрсатгани яхшиликда унга доимо суюнди, ҳатто у [шонир] ҳаққонийлик коидаларини [йўлга] солди ва нажоҳ тизгинларини [ўзига] итоат эттириди. У мақталди, ҳурматга сазовор бўлди, шуҳрат қозонди ва Қозилар тожи ва Билимдонлар зийнати [деб] лақаб олди, мӯъминлар амири [ундан] рози бўлди. У [шундай] дейди:

«Сахийликда тежамкор бўл, сен инсофли, адолатлисан, инсофли киши жабр қилмайди», — деган эдилар,

Уларга жавоб бердим: «Мен инсон наслиданман, улар учун улуғликда байроқ [бўлиш] умумий нарсадир».

Тангри номи билан онт ичаманки, бобом ар-Рашид ва ундан аввал ал-Мансур<sup>150</sup> бино қилган нарсанни мен мустаҳкамлайман.

Менга ўз [шеъри]ни айтиб берганди:

Замона йигит билан худди чавгон<sup>151</sup> ўйновчи тўп билан ўйнагандай ўйнайди,  
Ёки қўлни юқори томондан бирдан узиб кетадиган кучли шамол ўйинидай [ўймайди].  
У [замона йигит]ни баҳт ёки баҳтсизлик томонга бир дам олиб кетади.  
Замона моҳир мерган бўлса, инсон бир сўфитўргайдир.

Унинг Балхда хонлар<sup>152</sup> [ҳукмронлиги] кунлари ҳакида [ёзгани]:

Олий жаноб кишиларнинг ҳаммаси ҳайратда қол-

гани гүё улар ва уларнинг жағлари мастили-  
гини кўриб турибман. Яратилганиларнинг энг афзаллари Балхда турк-  
лар қўлида асир бўлиб қолдилар. Мажусийлар, яҳудийлар ва насоролар мусулмон-  
лардан солиқ йигиб олаётгандай [ҳолдадир].  
Турклар худди улар устига лочинлар каби [қўниб  
олган], улар хавфининг ҳаддан зиёдлигидан [му-  
сулмонлар] тўхтатувалоқлардир<sup>153</sup>.

Аш-Шайх Шамс ал-куфот ҳақида унинг [шеъри]:

Агар сўрасалар: «Ҳозирги замонда ким энг улуғ,  
энг сахий ва ким энг карамли,  
Ким энг олим, ким энг таъсири, ким фарзлар  
ва суннатларни [адо этувчи]?»  
Ажабланардик-да, ҳаммамиз бирдан жавоб бер-  
ардик: «Абу Қосим Аҳмад ибн ал-Ҳасан».

#### 60. АШ-ШАИХ АБУ-Л-ҲАСАН АЛИ ИБН МУҲАМ- МАД АЛ-АРБОЪИ.

Замонасининг ягоналари ва вақтининг фозилларидан ўспирин чопонини фазлининг ўрта ёшликлигига<sup>154</sup> кийгизди. Асл насиби шарафини табиатининг карамлилиги билан, насрининг гўзаллигига эгалигини назмининг устунлиги билан бирлаштириди. Унинг отаси аш-Шайх Абу Абдуллоҳ — тангри унга мададкор бўлсин — шарафли сайнид сulton, буюк подшоҳ, неъматлар эгаси [Маҳмуд]нинг — тангри унинг мулкини давом эттирсин — Хуросондаги энг ишончли кишиларидан. У Нишонур, Тус ва Хуросоннинг бошқа бир қанча шаҳарларида у ерларнинг назорат ва алоқа ишларини бошқариб турибди.

Абу-л-Ҳасаннинг шеърларидан менга айтиб берганларини ёзиб олгандим. Унинг аш-Шайх ал-Жалил Абу-л-Қосим Аҳмад ибн ал-Ҳасан ҳақида — тангри уни раҳмат қилсан-у иккинчи марта вазирликка кўтарилганда [айтган] сўзидан:

Сен ўринини эгаллагач, вазирлик юқори даражага  
кўтарилди, ишлар тугунларининг очилиши қан-  
дай яхши!

Бу кетма-кет амалга ошган ишларнинг роҳатини  
кўр, бу кетма-кет келган баҳтларнинг даврини  
сур.

Вазирлик муҳим мансаб, у сенинг иштиёқингга

мос яратилган, худди сен ҳам унга муносиб яратилганингдай.  
Унинг ишлари сендан бошқалар қўлидан келмайди, сизнинг бошқаришингиз уни сояда қолдириб, камситиб кетади.  
Олий жанобликлар билан дўстлашиш [сенга] қайтиб келди ва сенда бошпана топди, [энди] у ўз ўринини ташламайди.  
Ҳақиқатда бу вазирлик сендан олдин разил кишилар унинг учун қасамёд қилишган вазирлик эмас.

Менга шикоят тариқасидаги байтларидан айтиб берган, улардан:

Агар сен жоҳил бўлсанг, сени юқори кўтараман,  
деб замонам мен билан шартлашяпти, эй замонам,  
сен шартлашувчини йўқотдинг, [дедим].  
[Эй] сиёҳдонларимиз, кошкйди зулуклар бўлиб  
[қонимни сўриб олсангиз] ва [эй] қаламларимиз,  
кошкйди сизлар шартлашувчи бўлиб қолсангиз.

Яна менга ўзининг [шу шеърини] айтиб берганди:

79 Эй парвардигор, қулнинг дуосини ҳақ бил, дуойимга раҳм қил ва танҳолигимдан халос эт.  
Шеърда Лабид<sup>155</sup> [каби шоир] қийналиб тургани замонадан шикоят қилса, унга раҳм қил.  
У [Лабид] қўтири терисидан шикоят қилган эди, мен эса терисиз [яланғоч] замонада қолиб кетдим.

Яна ундан:

Бутун ҳаёт йўқ бўлиб кетяпти, бутун ноз-неъмат тугаяпти.  
Замона қанчадан-қанча фақиҳлар овқатини ва ҳукмдорлар хазинасини зўрлик билан юлиб олди.  
Қанча марта унинг юзи менга озгина кулиб боқди, [кулиб боқиши] тугагач, мени четга суринб қўйди.

Яна доноси энг шарафли шайх<sup>156</sup> — тангри унинг агадийлигини давом эттирсин — ҳақидаги қасидасидан:

Осмонгача етдинг, энди [шу билан] кифоялан,

мақтовни қўлга киритдинг, энди меъёрида иш тут. Толеимдан қулаб тушган нарсаларни кўкларга кўтардинг ва аҳволимдан нимаини фасодга йўлиқ-кан бўлса, сен кузатиб қўйдинг.

Унинг насрый сўзларидан [Маймандийга] вазирлик [лавозими] билан табриклаб ёзганлари: жуда мос тушадиган ҳужум, хушбўйликни қамраб олган бир фазилат, [ҳатто] сувга ҳам ҳужум қилган кучли [одам], осмонга бас кела оладиган авлод, пешволик билан зиннатланган шон-шараф садри, тўлин ой билан жилоланиб турган ойдин кечака, мамлакатни бошқариб турган ва унинг ёстиғини ақл-идроқ билан қўйган саййид. Кўраётганим ҳақиқатми ёки ёлғонми? Эшитаётганим ростми? Агар ҳақиқат бўлса, у баҳтли одамнинг толеидир. Агар яхши туш кўрган бўлсанам, у яхши бўлиб чиқади. Сен нимани хоҳлаган ва ипни юборган бўлса, сен уни қўлга киритдинг<sup>167</sup> ва яхшилаб олдинг. Шукур айтдингми ва у ерда сажда қилдингми? Кейин у сени ташвишга солди ва сенга мурувват қилиди. Эй замона, эй [замона], шарафли [одам]ни [суреб] чиқардинг. Кўриб турибманни, дунё муаттар, у ям-яшил бўлган эди, кўриб турибманни, осмон ёмғирли, ваҳоланки, унинг юлдузлари чараклаб турган эди. Фазилат чақмоқдай кулиб туриди, ваҳоланки, жаҳли чиққан эди; илм қўёшдай юзини очиб туриди, ваҳоланки у кўмиб юборилган эди. Замона итоаткорлик этиб сулҳ тузди, ваҳоланки, у урушдан иборат эди. Давр ёмонлик билан ярашди, ваҳоланки, у урушқоқ эди. Давлат олий жаноб киши туфайли курсанд бўлиб кулди, ваҳоланки, у ғам-ҳасратда эди. Мамлакат саййиди сабабли фойданни қўлга киритди, ваҳоланки, у [доим] зарар кўради. Мавлойимиз айтади: киноя билан айтилган ва ошкор гапирилган парса нима, касалга қараш ва [унинг] тузалиниши [нимади]? Шундай, бу донолик ҳаёти, уни ой ёритиб турди, куйларнинг зарбига қулоқлар изтироб чекади, ошиқнинг даҳшати кечаси келадиган хаёллардан нажот топиш ва банда сўзининг дудуқланиб қолиш сабабидандир. Тушкунликдан кейин [Маймандий] ғалаба қозонди, тўхтаб олгандан кейин яна юқори кўтарилиди. Баҳт унга қайтадан келиб [қўнганини]/ва шон-шуҳрат унинг ўзига хос бўлиб қолганини у кўрди. Мен айтаман: «Тепамизда баҳт юлдузи тулуъ этган фалакка марҳабо, бугунги ва ундан кейинги кунларга марҳабо. Ўз ваъдасига бизни муюссар қилган ва мавлойимизни

подшоҳлик тахти ва садрига ҳаёт ва қудрат мулкига ворис қилиб, ман этиш ва амр қилиш тизгинини [унга тутқазган] тангрига ҳамду санолар бўлсин». У ердан [уни] хоҳлаган жойига ўтқазиб қўя олади. Мехнаткашлар учун мукофот ана шундай ажойибdir.

## 61. АБУ БАҚР АБДУЛМАЖИД ИБН АФЛАҲ АЛ-ФАЗНАВИЙ.

Кўплаб яхшилик ва фазилатларга эга бўлган, шарафли ва мақтовга сазовор хислатларини [ўзида] жамлагандир. Утиб кетган сulton [Маҳмуд] — тангри уни раҳмат қиласин — уни ҳурмат қиласиди ва уни соҳиблар [ичида] афзал кўрарди, Тусга баридлик<sup>158</sup> лавозимига тайинланган эди. Ҳозирги пайтда у рисолалар [девони] котибларининг аъёнлари орасида [уларни] тартибга солувчи ва энг муҳим ишларни бошқарувчидир. Унинг шеърлари равнақ ва шавқ уйғотади, гўё мана бу сўздайдай:

Баҳор ҳуснига ва унинг ёмғирига назар ташла,  
у шоҳларни яшнаётган дурлар билан безамоқда,  
Гўё осмон булуллари қайғудан кўзёшини тўкяпти,  
боғлар эса улар ҳолидан куляпти.

Бошқа маънода унинг сўзи:

Ривоятчим шеърларимни айтишда қисқартириб юборибди, агар бўлганимда, уларни дафтарларга [ёзиб] тартибга солиб қўярдим.  
[Шеърларим] айбларидан мен хотирамга келтирмаган нарсани [ўқиган] киши хотирига дуч келишидан қўрқиб.

Ҳикмат ва яхши ваъзлар ҳақида унинг сўзи, қитъадан:

Бойлиги билан одамлар орасида кеккайиб юрган кишига айт: бойлик ҳеч нарсага арзимайди, унинг ҳалок этишидан сақлан.  
Нафси [ундан] жирканган ҳолда қаноатли бўлишга ўргат, қайси бойлик унинг сўровчисига итоаткорлик билан вафо қилган.

Унинг сўзи:

Ақл-идрок аҳлларига менинг сўзим фасиҳ ва гапим рост эканини тушунтири.

Лекин мен абадий сукут сақлаб, сабр билан жа-  
роҳатланган қалбни даволаяпман.  
Менда ҳажв қилишга арзийдиган душман ҳам,  
мақташга лойиқ дўст ҳам йўқ.

Унинг сўзи:

Бир қанча вақт мен одамларни билмаганим учун  
уларни мадҳ этишни мақсад қилган эдим, энди  
эса у [ишларимдан] тавба қилдим.  
81 Уз ишончларимни пушаймон билан ҳимоя қиляп-  
ман, чунки назар солиб қараб, мақтовга рағбати  
йўқ [кишини] кўрмадим.

Унинг сўзи:

Замона ҳар қандай пасткашга ёрдам бераетгани  
ва ҳар қандай олий жаноб одамни имтиҳондан  
[ўтказишига] қасд қилаётганини кўргач,  
Қалбимга айтдим: сабрни маҳкам ушлайвер, чун-  
ки бу замона зинокор [бузуқлар] замонасиdir.

Унинг сўзи:

Юзинг менинг олдимдан узоқлашганда, кўзёшли-  
рамни худди чўлпон юлдузлардай ҳис қиласман.  
Қуёш ғойиб бўлганда, кечанинг юлдузлари само-  
уфқида пайдо бўлиши ҳам худди шундайдир<sup>159</sup>.

Унинг сўзи:

Корони кечанинг тўлин ойи, ақл идрок юлдузи,  
улуглик осмени, ифтихор қуёши Абу-л-Хайрга  
салом.  
[Шундай] кишигаки, қалбимни синааб кўрсам, у  
мендан бошқаники эканлигига ақлимда бирор да-  
лил топмадим.

Унинг сўзи:

Тепалик ва пастлик ерларда кечаси кезиб юрган  
кишига дейман: «Мамлакатларнинг фазилат эга-  
си бўлган аъёнларига бир қараб,  
Абу-л-Фазл ибн Мекол томонга отлан ва ундан  
бошқаларни тарқ эт, қаерда Абу-л-Фазл, ўша ер-  
да ҳамма фазилатлар [мавжуд]».

## 62. АБУ МУҲАММАД АБДУЛЛОҲ ИБН МУҲАММАД АД-ДУҒОБОДИЙ.

Асрнинг ажойиботи ва Уториднинг ягонасиdir. У ҳам ёш [ва] мулойим новдадайдир. Агар уни шеъриятида шаҳрининг мўъжизаси десам, муболаға қилиб гапирмаган бўламан. Унинг ҳақидаги хабарлардан: у «ал-Иатима» китобини бутунлай ёдлаб олган, ўткир табъ, кучли хотира, ажойиб зеҳн ва нодир фаросат эгасидир. Бадий хотираларни қидириб топди, яхши фикрлар мевасини териб олди. Шундай қилиб у шу асрнинг илфор шонирлари табиатини ўзига ўзлаштириб олди, буюк ижодкорлар йўлидан кетди, бадий, махфий маънниларга ўралиб олди. Агар хоҳласа, ас-Сарай<sup>160</sup> ва ал-Холидий<sup>161</sup> билан ва агар хоҳласа ал-Баббағо<sup>162</sup> ва ас-Салломийлар<sup>163</sup> билан нафис ва ишончли лафзлар [масаласи]да баҳслаша олади. Агар шод-хуррам бўлса, куйлайди ва курсанд қиласди; агар ҳурмат қиласа, мақтайди, ажаблантириб, ҳайратда қолдиради. Ҳозирги кунда у пойтакт [Нишопур]да рисолалар девонида шарафли ишлар учун қўйилган.

Унинг ғазалда [ёзган] шеърларидан. Қасидадан унинг сўзи:

- 82 Чумолилар юзидаги туклар улар ҳуснини безаган ва [шунинг учун] улар қалблар донлари учун заифидирлар. Уларга заиф қалблар берилган, лекин қандай қилиб [бу қалблар] ўрмалашга қодир бўлдилар?

Шу маънодаги унинг сўзи, бошқа [шеър]дан:

Бундай ёноғдан қоч, чунки унга қалблар муҳаббати чақимчиликни нақл қилган.

Бошқасидан:

Сенинг касалҳол кўриниб турган қовоғингда ҳеч иллат йўқ, унинг шамшири [киприклар] биз унга ҳадялар келтирганимизни сезиб турибди. Инсон [насли]дан бўлмиш бир оҳуки, уни шерлар орасида хавф-хатар билан учратдим, тун унинг холи рангида эди. Ундан менинг ниятим фақат ёноғининг атир гули, чеҳрасининг барқ уриши ва [сўлаги]нинг муздек сувидир.

Унинг сўзи:

Унинг мушкин гажаги икки ёноғининг ёниб турган ўти устида қандай турганини ва нима бўлишини  
Ва аланга устида муаллақ туриб, унинг оғзидан май ичаётганини унугиб қўйибди, [ана шундай] жиннилилк билан фириб берди,

Султон ҳақидаги шеъридан, қасидадан унинг сўзи:

Дин низоми Маҳмуддан кейин подшоҳликни бошқариш ғолиб шоҳ Масъудгadir.  
Агар Довуд ерини ёмғир зиёрат қилған бўлса,  
ўрнига қўйилган киши мана шу Султон ибн Довуддир.  
Ер юзи подшоҳларининг қуёши унинг вориси ва авлоди бўлган киши тириkdir, у йўқолмаган.

Шу [қасида]дан:

Шамшир Масъуд ибн Маҳмуд қўлида экан, ҳеч ким подшоҳликни эгаллашни тамаъ қилолмайди.  
Баҳодирлар ўлим косаларини тўлдириб, бўйни узун чиниқсан отлар кишинашининг нағмасига [жўр қилиб] ичирдилар.

Ўшандан:

Яхши ишлар умри узун ва ёмғир агадийдир,  
душманлар умри ва висолга этишиш қисқадир.  
У [Масъуд]нинг икки қўли бутун азиз инсонлар қўли устидадир ва овланадиган сайдиллар лаблари остидадир.

83 (Бу [маъно]ни Абу-л-Фаёз ат-Табарийнинг<sup>164</sup> [қуийдаги] сўзидан олган:

Шундай қўлки, уни [доим] қўл устида ва лаб остида кўраман).  
Баракатли тангри ўз қўли билан боғланган шарафли тождаги подшоҳлик туфайли сени қандай гўзал қилибди.

Қўл [сўзи]ни зикр этишда унинг қадами тойиб кетди, чунки исми азиз ва буюк тангрига [қўл] нисбати берилмайди, ваҳоланки, [тангри] ўзини у билан сифатламаган. Қўлни [тангри] ўзига нисбат бермаган бўлса,

унинг ифодаси ҳам очиқ-оидин бўлмаган бўлади. Бас шундай экан, «Тангрининг қўли» деган кишининг сўзи жойиз эмас<sup>165</sup>. Ибн Нуботанинг<sup>166</sup> [қўйидаги] сўзи учун ундан шикоят қилинганди ва шу сўз учун у айбланган әди:

Агар у сенинг унинг учун яшашингни хоҳлаган бўлса, эй аршга миниб олган [тангри], унинг хоҳишларини баракали қил.

(Ҳеч ким аршга миниб олиш ҳақида демаган нарсани у [шонир] айтди. [Тангри аршда] қарор топгани [истивои] жойиз, чунки у ўз зикрини шарафли қилиб, бу билан ўзини васф этган. Баъзилар бу [сўзни] истило қилишни баён этганлар ва шоирнинг [шу] сўзига муҳтож бўлганлар:

Бишр қиличсиз ва қон тўкишсиз Ироқда жойлашиб олди).

[Юқоридаги] шеърга қайтилди:

Зотли от қизил қонга беланган шамширларнинг тиғларига қондан суғрилиб чиқиши қайтариб бериади.

У [шамшир]ларни булут ўғли [ёмғир]дай соғ деб хаёл қиласан, гўё уларга узум қизи [май] араштирилгандай.

Уларнинг тиғлари бир жойда қарор топмай, баҳодирларнинг пешонасидан бошининг тепасигача кезиб юради.

Ушандан:

Масканинг кенг, чиройли, тоза бир боф бўлса, унинг мен ниҳоятда чиройли куйловчи бир буллуман.

(Буни Абу-л-Қосим аз-Заъфаронийдан<sup>167</sup> олиб, озгина унга қўшган:

Қушлар сахийликда сени тараннум этсалар, мен улар орасидаги ягона булбулман).

Подшоҳлигинг тўртта нарса билан ажralиб туришда тўхтамасин: омонлик, баҳт, мустаҳкамлик ва абадийлик.

Сен подшоҳликдан худди дараҳт шохини [ёқишигага] ўт, балки унинг танасига сув [зарур бўлгани] каби абадий ажралмассан. Сен дин, дунё ва ҳар иккисининг аҳли, улуғлик, олий жаноблик, жасурлик ва сахийлик учун яшайвер.

Унинг аш-Шайх Абу-т-Тайиб Тоҳир ибн Абдуллоҳ — тангри унга мададкор бўлсин — ҳақидаги қасидасидан, унинг аввали:

- 84 Кўзларингдаги касалликлар ҳалок этувчи зиёратчилар сабаблидир, қаний айтчи менга: қандай қилиб [зиёрат этишга] найранг қила оламан?

Ушандан:

Кўнғир туялари йўлга тушганда, қовоқларидан сел бўлиб оққан кўзёши билан суҳбатдош бўлган муҳиблар [ҳолинга]вой.

Улар сизлардан яхшилик қўлга киритмадилар, фақат муҳаббат йўлида шаҳид бўлиш фазилатини қўлга киритдилар.

Гўё ҳар иккисини қўйиб турган ёмғир ивитаётган кўзёшим ва унга ёрдам берәётган ёмғирли булатга нидо қилдим:

Сиз иккингиз аш-Шайх ал-Амидни сахийликдаги алдаши эмассиз, [унинг] сахийлиги булатларки, уларнинг жаласи бойликдир.

Мавлойимиз ва саййидимиз қўли ўсимликлари шон-шараф ва фазилатлар бўлган қанча боғларни этиштирмади.

Ушандан:

Мартабасини қўлга киритмоқни орзу қилганга айт: ҳар бир пиёда ҳам оёқ билан тез кетолмайди. Унинг давлати остида қўйиб турган булат, мавжур ириб тошиб турган сахийлик денгизи, ўткир шамшир ва қалин ўсган гиёҳлар.

Кифоя қиласидир. Агар унинг бармоқлари қаламларга ўтириб олса, кескир қиличлар ва қорача хизматкорлар уники.

Эй давлатга миниб олган, одамларнинг сендан бошқа ҳаммаси бу подшоҳлик давлатида кафилга олингандир.

Кулинг бўлмиш замонага фалокатлари мени чет-

лаб ўтмб кетишини амр қил, чунки замона бош-  
қарувчи буюрган нарсани [бажаришга] итоаткор-  
дир.

Тупроғингни ўпиш билан оғзимни ўз саҳоватинг-  
га эга қил, чунки бу тупроқни ўпиш иқболдир.  
Саломат бўл, чунки сен энг юқори уфқдаги тўлин  
ойсан, фахрлан, чунки сен сахийлик ёноғидаги  
холсан.

Сендан бошқалар йўлдан тойган бир пайтда, сен  
олий жаноблик булоғисан, сендан бошқалар са-  
роб бўлган бир пайтда, сен сахийлик дengизисан.

Абу-л-Қосим ат-Тоий ал-Қотибга унга қилган  
ваъдасини эслатишни сўраб [шундай] ёзибди:

Муҳаббатинг соғлиги ва аҳдинг соғлигига бош-  
қа замонгача вафодор бўлган Иброҳим эмасми?  
Сенинг даъват этишинг ҳолдан тойдириб чарча-  
тувчи даъватdir, марҳамат қилиб [уни] менга  
парвардигоринг ҳузурида эслат.

### 63. АБУ-Л-ҲАСАН МУҲАММАД ИБН АЛ-ҲАСАН АЛ-БАРМАҚИЙ.

Илм ва адабдан кўплаб фазилатлар ва гўзаллик-  
ларни узум ва янги пишган хурмо орасида жамлади.  
85 Тили ва қалами фасиҳ эди. У пойтахт [Нишопур] рай-  
ҳонларидан эди. Узоқ вақт у ердан ҳалифа//ал-Қодир  
биллоҳ — тангри ундан рози бўлсин — ҳузурида элчи  
бўлиб турди. Элчиликни яхши бажарди ва ибораларни  
ўрнига қўйди. У ҳозир ҳиндларга тегишли вақфлар  
мутаввалийсидир. Унинг шеърлари ихтиёrsиз қулоққа  
кириб боради, [мана бу] сўзи каби:

Агар сочимга оқ тушган бўлса, мўйсафиidlк ҳур-  
матига сазовордир ва илм аҳллари сочининг оқи  
 билан табаррукдир.

Соч оқидай нарса у [бош]да ҳаракат қилар экан,  
унинг гуноҳларини гўзаллар кечирадилар.

Ундан:

Сурма тортилган икки кўз эгаси [гўзал], у [кўзла-  
ри] ўқи билан юрак қорачигига отмоқда.  
«Лом»нинг ярми унинг икки ёноғини ҳаяжонлан-  
тирган бўлса, «сад»нинг ярми унинг икки мўй-  
ловини ташвишга солди.

Унинг ҳажвда [ёзгани]:

Абу Бакр ибн Ҳамдон асл-насабсиз ва фазилат-сиздир. Гўё тангри уни ажойиб ва бахил қилиб яратган. Агар унинг башарасини кўрган бўлсанг, ундан кутулиш билан уни лаънатлаган бўлардинг. Аҳмоқликдан нима хоҳласанг [унда] кўрасан, жаҳлдан нима хоҳласанг [унда] кўрасан. Хачирга [мингани] никоҳсиз туғилган болани кўрасан, ҳеч тухфа [бермаган] паст кишини кўрасан.

#### 64. АБУ-Л-ФАТХ АЛ-МУЗАФФАР ИБН АЛ-ҲАСАН АД-ДАЛИГОНИЙ.

Тойтахт [Нишопур]нинг мансабдорларидан ва аъёнларидан бўлганди, адаб, фазилат, яхши назм ва насрга қайтиб келмоқда. Нишопурда шон-шарафни бўйнига осиб олди ва охиратгача шарафли бўлишини тўхтатмади. Ҳутталда бир неча ойдан бўён қўлини тиззасига қўйиб ўтирибди. Менинг тавсифи, аҳволи, санъати ва юриши турлича бўлган икки юзта ғуломнинг хушмуомалалиги ҳақидаги китобимни ўқиб чиқсан.

Ўзининг карромлик бир ғулом ҳақидаги [шеърини] менга айтиб берганди:

Оқ оҳуки, унинг уяси [мен учун] хонақоҳ, юзи эса устун бўлиб қолган, хоҳишум ўша ерда зоҳидлик қилишдир.

У менга ваъдаларини узоққа чўзиб юборгач, унга дедим: муҳаббат дини [йўли]да ваъдадан бошқа

нарса билан ибодат қилмадингми?

У деди: «Муҳаббат ҳақидаги ваъдалар билан мендан қаноатланиб қол, сўзимнинг бирлигига имоним ҳақдир».

Шамс ал-куфот [Абу-л-Қосим ал-Маймандий] — тангри ундаи рози бўлсин — менга айтиб берган эди. [Бунда] уни ғийбат қилиб [ёмонлаган] ва унинг [зарарига] ишлаган душманларининг ҳалокати ҳақида [Маймандийга] ишора қилган:

Замона сен кўриб тургандай бузилиб кетди, ё у [йиртқиҷ] бўри ёки ўтқир қиличдан бошқа нарса эмас.

Агар бу [бўзилиш] мусибат келтириш учун ҳамма қилса, у тишлаб олиш ва яичиб ташлашдан той-майди.

Анави сенга етказган мусибатидан завқланяпти,  
уларнинг чангаль ва тишини қолдирма.  
Пашшаларга ширииликларни қўйиб бер, улар  
сендан азобни четлатади.

Унинг аш-Шайх ал-Амид Абу Саҳл ал-Ҳамдуий —  
тангри унинг шон-шарафини давом эттирсин — ҳақи-  
даги қасидасидан:

Эй қамар, эй тўлин ой, отам номи билан онт ича-  
ман, тулуъ этишингга қачонгача интизор қиласан.  
Эй унда гўзаллик тўпланган, унинг яшил ранги<sup>168</sup>  
шундайки, гўё менинг улушим у туфайли қисқа-  
риб кетган.

Ишқ биринчи марта назар ташлашдир, ошиқнинг  
қонида назар солиш қанча кезиб юради.

#### Ўшандан:

Олий жаноблик унинг ҳамма нарсада келадиган  
ва кетадиган яхши ишларини мақтайди.  
Ал-Ҳамдуий икки қўлиниңг ёмғир тегмаган сахий-  
лиги билан кифоя қиларлидир.

#### Ўшандан:

Вазир учун унинг ташвиши етарлидир, ташвиш-  
лар туфайли у қулоқ ва кўз бўлиб қолди.  
Қачон аҳвол қоронғилашиб қолса, ўзининг юзи  
билан у [қоронғулик]ни ёзиб юборади, унинг ёр-  
қин фикрлари

Худди ўткир ўқ каби қатъийдир, улардан пўлат  
шамшир қайтиб кетади.

Одамлар орасида хайр-эҳсонларни экиб юборади  
ва уларнинг ташаккуридан унга мевалар териб  
берилмоқда.

Уни зиёрат қилувчи замона кирдикорларидан  
қўрқмайди, унинг ҳодисотларидан ҳимоя этиши  
яқинлашиб бўлмайдиган тоғдир.

Эй ҳар томонлама карамилик билан бойиган  
[киши], мен тухфангга муҳтоҷ фақирман.

Шундай ҳолатим борки, уни адо этиш сен учун  
қулай, осондир ва унда [ҳеч] хатар йўқ.

Қачон бирор киши у [ҳожат] учун Амр бўлиб қол-  
са, саййидимиз аш-Шайх унинг учун [халифа]

Умардир<sup>169</sup>.

Кабутарлар ғув-ғувлаб турган, насим шамоли эсган ва гуллар очилиб турган бир ҳаётда доим бўлдинг.  
Унинг ҳавосида чанг йўқ ва унинг мусаффолигида ифлослик йўқ.

**У [шундай] деган:**

Бошлиқ ва унинг ажойиб ўғлидан умидимни уз-  
дим, Уларни девор томондан урдим, чунки улардан ҳеч  
фойда йўқ.  
Уларнинг саховатидан биратўла икки қўлимни  
ювдим.

**У деган:**

Ҳаёт сирлари сўниб бораётган жараёнда раҳм-  
дилнинг ҳосилсиз ери ва букир аёлнинг эгилиши  
ҳақида бизга [ёзиб] қолдир.

**65. АБУ НАСР АҲМАД ИБН МУҲАММАД АЛ-ХОЛИДИЙ.**

Ажойиб адаб, шеърлари гўзал шонир, Фазнада му-  
қим яшаётганлардан. У [шундай] дейди:

Сиҳат-саломатлик, фароғат, менга кифоя қилар-  
лик озиқ-овқатлар ва балоғат мени қамраб олгач,  
Мендан олдин ўтиб кетган нарсалар учун қайғу-  
чека бошладим, бошим эса миясиз бошдай [бў-  
либ қолди].

**У дейди:**

Фазилатга эришишдан [қолиб] ухлаётганга айт:  
уйқу орасида қолиб кетиши нимаси?  
Яхшилил қил, чунки сахийлик ва карамлилилкка  
интилган қулгина олий жанобдир.

**Ундан:**

Бизнинг қозимиз иблисдир, щармандаликларда  
унга ўхшаш иблиснинг йўқлиги [бунинг] гувоҳи-  
дир.  
[У] гўё бир парча темир ёки бир палаж, бод чи-  
қариш жойи эса магнитнинг ўзидир.

## 66. АБУ-Л-ФАТХ АЛ-МУЗАФФАР ИБН СОЛИХ АР-РОЗИЙ АЛ-МУДИР.

Райдан султон [Маҳмуд]нинг — тангри унинг ғала-  
баларини давом эттирсинг — байроқдор сұхбатига [Ғаз-  
нага] келиб қолганлардан ва пойтахт хизматига мута-  
саариф бўлганлардан биридир. [Маҳмуднинг] олий тан-  
танали юришида Райдан чиқиб кетиши олдидан у ерга  
келган сел ҳақида у [шундай] деган:

Тоққа ўхшаб, сарғиш қизил рангда келди, гўё  
меҳмондорчилиги билан хушбўй сариқ атирлар-  
ни сочиб юборди.

88

Дунёни ўтиб кетувчи [сел] кечаси бизга етиб кел-  
ди, тунда келган зиёратчини тангри ҳақоратла-  
син.

Фурсатни ғанимат билиб, у кечаси саёҳат қилди,  
чунки денгиз йўлдан тойиб кетган эди.  
Агар умидвор подшоҳнинг жўнаб кетиши бўлма-  
гандა эди, селлар тунда саёҳат қилишга жасорат  
қилолмаган бўларди.

## УШБУ КИТОБ ХОТИМАСИ

Турли тартибдаги, тарихан бир-биридан тафовут  
қиласидиган, ҳуқуқлари муқаддам ёки кейин ўтганликка  
[далолат] бермайдиган қавмлар зикрини қўшиш билан  
[хотима] тўлдирилади. Улар тўрттала қисмнинг ҳар би-  
рига [тааллуқли]. Уларнинг баъзилари кейинчалик мен  
билганларим ва улардан [баъзи] қавмларини, уларни  
ўз ўрнида зикр қилишни фақат шайтонгина ёдимдан  
кўтариб юборган. Ушбу фаслда уларнинг хаёлга кел-  
ган гўзалликларидан жамладим ва ажойиботларининг  
латифларини оғиздан-оғизга ўтиб юрган малиҳ [шеър-  
ларининг] ҳаловатлиларини ёздим. Улар [юқоридаги-  
ларга] кўмак бўлиши учун охирда тақдим этиляпти ва  
бу билан ушбу китоб мукаммал бўлади, тангри тавфиқ  
вотийсидир.

## 67. АБУ МУҲАММАД ЛУТФУЛЛОҲ ИБН АЛ- МУОФО.

У дейди:

Уларнинг қарамогида яшаган зотлар ўтиб кетди  
ва улар карамли, шарафли бошлиқлар [эди].  
Мен орқада қолиб кетдим, гўё уларнинг юzlари  
қуриб қолган арпа нонидай эди.

У дейди:

Мен хоҳлаган нарсам мендан қочиб кетади, нимани мен хоҳламасам, у менга келади. Кимни мен ёқтирсам, бўйин товлаб, мендан нафратланади ва мен ёқтирган кишим тилчамга қалмоқ [бўлиб қолади]. Замона гўё мени қасос олиш учун қидираётгандай, уни фақат менинг вафотимгина хурсанд қила олади.

89

У яна шундай деган:

Чумоли бир йилга [етарли] таом ғамлаган бир вақтда, шер ўзининг бир кунига [етарли] овқатни ғамлайдими?<sup>169</sup> [Кейинги] байт Абу-л-Аъло ал-Мааррийники<sup>170</sup>.

#### 68. АБУ-Л-ҚОСИМ АЛИ ИБН МАСАРРА АЛ-БАФДОДИЙ.

У дейди:

У [маҳбуб] менинг муҳаббатимни бекорчи нарса деб ўйлади, сен ўйлаяпсанми, ҳолдан тойган қиёфамни у асоссиз нарса деб билди. Хаёл мени зиёрат қилди, хаёл, фақат хаёлгина мени топа олади. У [маҳбуб хаёли]да юлдузларни санаб кечани ўтказдим, у эса пардалар орқасида аҳволини неъмат билиб кечани ўтказди. Ундан муҳаббатимга шикоят қилган эдим, деди: ўтроқ яшовчилар сўзни безаб гапирадилар.

Унинг сўзи:

Минглаб ҳодисотларга ҳаётим [дуч келди] ва минглаб келишмовчилик ва карамлиликдан кейин улар билан улфат бўлдим. Бало мен учун ягона навъ эмасди, лекин ҳозирги кунда менга қарши унинг навлари [кўпайиб кетди].

#### 69. МУҲАММАД ИБН АҲМАД АШ-ШИРАЖИЙ.

Адиб, фақиҳ, зариф, ҳазилкаш шоир:

Эй икки дўстим, ал-Қаффасгача мен билан қолинг ва ал-Барадонда тую эгарларини бўшатинг [яъни тўхтанг].

Диндаги фиқҳни ўрганишдан мени халос қилинг,  
ўзимга кифоя қиларлик илмим етарлидир.  
Мени гўзаллар юзлари, най ва удларнинг овози  
билиан сероб қилинг.

У дейди:

Хурсандлик саройлари, бўйга етган қизлар, сеҳр-  
гарлар, найчиларни улоқтири,  
Дафтарлар, сиёҳдонлар, [буларни соладиган]  
халталар ва жадвалларни ташла.

Дўстларидан бирини меҳмонга таклиф қилиб ёзган  
екан:

Бугун уяга кириб яширинадиган кун ва бугун ўт  
ёқадиган кун.  
Уйин-кулги ва базм куни ва эски майни ичадиган  
кундир.  
Буларнинг ҳаммаси бизда [муҳайё], яқинларинг  
билиан марҳамат қил.

#### 70. АБУ-Л-ФАЗЛ АҲМАД ИБН МУҲАММАД АЛ- КОТИБ.

Фазилатдаги вазни оғир, шеърнитда руҳи мулойим  
[киши]. У дейди:

Бир қул сотувчи олдинга кирган эдим, унинг ҳу-  
зурода юзи гўзал, бўйни узун, қоракўз ғулом  
[турибди].

- Бу ғулом сотиладими? — дедим унга.
- Унинг айби бор ва бу [айб] яширин тутила-  
ди, — деди.
- У [айб]ни изҳор қил, — деган эдим, «Уни ха-  
фа қилиб, қўяман», — деди.
- Айби билан [олишга] розиман, кийик боласи  
қочиб кетади, — дедим.

У дейди:

У ёноғидаги кокили тагида тонг отиб турган [қо-  
ронғи] кечага ўхшаб турган [эди], мен дедим:  
Тўлин ойки, унинг буржларидан [бира] Ақраб  
[чаёндир], Ақраб буржи ой [устида] кезибди.

#### 71. АБУ-Л-МУЗАФФАР АБДУЛЖАББОР ИБН АЛ- ҲАСАН АЛ-БАЙҲАҚИЙ АЛ-ЖУМАҲИЙ.

Яхшиликларга бой, мулойим, адабли, шеърлари ма-  
лиҳ. Кифоя қиласири [ҳаёт] соясида яшапти, сulton-  
ning хизматини ўтамоқда ва [кишилар билан] дўстлик  
муносабатларида бўлиб турибди. Қандайдир бошлиқ  
ҳақидаги [мана бу] сўзи каби [шеърлар] айтади:

Абу Саъдга парвардигоримиз шайхлар орасида  
ачиган шайхликни албатта кўмаклашсин.  
Агар мен ваколат ишига тайинланган бўлганим-  
да, унинг икки юзидан ошхоналар учун сирка тай-  
ёрлаб олган бўлардим.

Унинг сўзи:

Абу-л-Аббоснинг юзи мунча ҳам қаттиқ, қиёмат  
куни унинг қора бўлиши қандай яхши.  
Ким унинг даврида унга умид боғласа, истагига  
эриша олмайди, сўнг қўлга кирита олмаган умид-  
лари билан эртанги кунидан қўрқади.  
Шарқ подшосига айт, девонда ёзилаётган бу нар-  
са қандай совуқ.  
Агар халқлар орасида Анушервон<sup>171</sup> адолати ёйи-  
лишини хоҳласанг, у [Абу-л-Аббос] нинг қўлинини  
сиқ.

91

Унинг сўзи:

Абу Саъднинг ҳузурига кирдим ва мен у билан  
соғлом бўлмаган дўстлик муносабатида бўлмоқ-  
чиман.  
Унинг олдида қайғу эзган маҳзун [киши] атро-  
фида ҳайрон бўлиб турган котибларни кўрдим.  
Менга карамали малоикалар шайтони ражим ат-  
рофида ўтиргандай туюлди.  
Унинг девонида ҳурмат-эҳтиром, лекин эски йир-  
тилган жуббалари лаим учун тўймалаб қўйилган.  
У менинг ҳақоратимга калтаксиз дуч келишини  
такрорлашим мен учун оғир, азият берувчиидир.

Унинг сўзи, қасидадан:

Мудраш олдидан бир-бири билан қўл берниб, қу-  
чоқлашиб кўришиш ҳақидаги кечаси кезиб юрган  
хаёллар менинг иккни кафтиладидир.  
Алдамчи висол учун хурсандликни истамайман,  
садоқатли [кишидан] айрилиш сабабли йиглашни  
тўхтатмайман.

Қўлим билан унинг қўлини қаттиқ сиқиб туриман, лекин кўз ўнгимда унинг меҳрибонлиги фосиқдир.

Қайғуларга нима бўлдики, бутун ишқ йўлида ақлдан озганларга улфат бўлиб олди, жамики ҳаддан зиёд севган ошиқлар қалбига оғир юк бўлди.

## 72. АБУ МАНСУР АЛИ ИБН АҲМАД АЛ-ЖАЛЛОБ.

Ёш йигит, фазилат ва адабда қадами олдинга босган. Нишопур ва Райдар рисолалар девонида котиблик қилди, [ишида] санъаткор эди, у хизмат қилди ва унга ҳам хизмат қилишди. Унинг ўз дўсти Абу Бакр ас-Сабғий марсиясига [ёзган] байтларини [юқорида] зикр қилиб эдим<sup>172</sup>. Ҳозир эса унинг ёноқдаги хол ҳақида менга айтиб берган [шеър]ини ёздим:

Унинг холини узлуксиз хоҳиш қилганимдан, ёноқни кўзёши билан қанчайин сероб қилдим.  
Гиёҳлар [чиқиши] секинларди, токи мен унинг ёноғини сувга сероб қилиб, ўз ҳолимни қуритмаганимда.

Бир уйчаки, унда қора [хол], у худди чумолининг иккита ёсминдаги<sup>173</sup> иккита изига ўҳшайди.  
Қандай қилиб ёноқиниг гиёҳини айблайман, ахир у менинг кўзёшимдан [кўкарган] ва қовоғим [уни] эккан.

Унинг сўзи:

- 92      У ёшариш учун қарилликни ҳар хил гуллар билан гулдор қилиб бўяди.  
Иўлдан озиш ва ҳаддан зиёд севиш учун ёшликнинг гуллаган давридан бошқа ҳеч нарса йўқ.

## 73. АБУ САҲЛ АЛ-ЖУНАБАЗИЙ АЛ-ҚОТИБ.

Валинеъмат улуғ султон — тангри унинг мулкини давомли қилсин — рисолалар девони котибларидан, ҳатто адаб ва фазилатда унинг ҳақида мақолалар тўқиллади. Унинг шеърлари гўзаллик, латифлик ва зарифликни жамлайди, гўё ал-Ҳоким Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Баҳдосий менга айтиб бергани [мана бу шеъри] каби. У деган эди: «аш-Шайх ўзининг бу [шеъри]ни менга айтиб берганди»:

Еш гўзал қизга фидо бўлайн, у зулм қилиб, мени ўз жамолидан маҳрум этди. Ҳилол унинг оёғига билакузук бўлишдан бош тортди. Қайғумни даволаш учун мени зиёрат қилишга ваъда бериб эди, лекин унинг фикри ўзгарди.

[Абу Жаъфар ал-Баҳҳосиӣ] яна менга [шу шеърни] айтиб бериб, деган эди: «У менга ўз [шсърини] айтиб берган»:

Тез шошиб зиёрат қилган зиёратчи аёл сувга се-  
роб қилинсин, тун сувсиз саҳролар далаларини  
зулмат либосига ўради.  
Шундай бир кечадаки, унда тарқалган дўстлик-  
лар бирлаша бошлади, йиғилган ғам-қайғу ва  
хафаликлар эса тарқалиб кетди.  
У [кеча]нинг аввалини [май] ичишга, ўртасини  
кайфга, охирини эса қўшилиш ва құчоқлашишга  
ажратди.  
То субҳ соchlарини қизартириб, намоён бўлгунга  
қадар, гўё у уфқида сазақ<sup>174</sup> [ўйини] учун олов  
ёқиб қўйгандай эди.  
«Мени тарқ эт»,— деди у, кўз эса йиғидан тин-  
масди,  
Э воҳ, кошкийди субҳнинг оқ [нури] яратилма-  
ган бўлса.

74. АБУ ТОЛИБ МУҲАММАД ИБН АЛИ ИБН АБДУЛЛОҲ, АЛ-БАҒДОДИЙ АЛ-МУСТАВФИӢ [нис-  
балари] билан машҳур.

Менга хабар қилишларича, у Воситлик [бўлган], ас-Соҳиб ва [бошқа] машҳур кишилар хизматини ўтаб, ёшлигида уларнинг оловидан фойдаланган. Ху-  
росонга кўчиб келиб, бу ерда қаригунча девон [ишли-  
рини] адо этди. У адиб, котиб, ҳисобчи, карамли, фо-  
зил [киши] бўлганди. У енгилроқ кар [бўлса ҳам] мухофазоти кучли эди. У Нишопурда кўзга кўринниб,  
фазли қуёши тулуъ этди. Менга ўзининг [шу шеъри-  
ни] айтиб берганди:

Э мавлоим, сенинг ҳузурингда мен ташлаб қў-  
йилган бўлсан, сендан бошқалар ҳузурида кўз  
қорачиғидай [азизман].

93 Фулот [Пўлат] исмли бир бошлиқ ҳақидаги [шеъ-  
ри]ни менга айтиб берганди:

«Фулодни мақта, у билан баҳтли бўласан, чунки олий жаноб киши олий жаңобларга мурожаат қилилади», — деган эдилар. Мен дедим: «Унинг сахийлиги сизни мағрурлантирасин, чунки лаймликда у устоддир. Агар у симоб бўлганда [ҳам] мен томонга оқиб келмаган бўларди-ю, қандай қилиб оқиб келсин, ахир у пўлат-ку».

Унинг амир Ҳасанак -- тангри уни раҳмат қилсан -- ҳақидаги [шеъри]:

Замона ўз аҳволида сен учуп бир қирғоқни очиб қўйди, қабул қилиб олган нарсанг билан бирор кун мўътабар бўлсанг эди. Ақл кўзи билан Ҳасанакка назар ташла, жамики балоларниг булулари унинг ерига ёмғир [ёф-дирганини] кўрасан. Кимки ўз салтанатида одамларга қаҳр-ғазаб қиласа, у салбга тортилади, тошбўрон қилинади ва бу иккисидан кейин боши қирқилади.

Бир неча йил муқаддам парвардигори ҳузурига риҳлат қиласди. Унинг аслзода, адаб ўғли бўлиб, пойтактда девон ишларини бошқармоқда, Абу Фолиб кунияси билан аталади.

### 75. АБУ АДИЙ АШ-ШАҲРЗУРИЙ.

Унинг шеърлари девонга тўплланган, ундан [қўйидагиларни] танлаб олдим. Унинг сўзи:

Эй сайдидим, ваъдангни қўлга киритдим, умидвор [киши]га унинг васиқа бўлгани кифоядир. Лекин мен одамлар каби ҳар қандай шошилувчи-га қалби боғланганман.

Унинг сўзи:

Баъзан бир киши минглаб паҳлавонларини мағлубиятга учратарди. Баъзан минг [киши] бир кишига зарар етказа олмаганини кўрганиман.

Унинг сўзи:

Сен сувга ўхшаб ҳамма кишиларни суғорасан ва баъзан инсон сув билан шарафли бўлади.

## 76. АБУ МАНСУР МАҲМУД ИБН АЛИ АЛ-МУҲАЛЛАБИЙ АЛ-АМОНИЙ.

Абу-л-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Ҳожибий Журжонияда менга ҳикоя қилиб, [шундай] деганди: «У [шоир] сомонийлар кунларининг охирларида котиблик қилганди, //мен [эса] Бухорода бир жамоа муҳаррирлар ва девон соҳиблари билан рисолалар девонида таҳрир қиласдим.

Бу вақтда девон бошлиғи Абу Али Муҳаммад ибн Исо ад-Дамғоний эди. [Бошқалар] орасида биз билан Абу Мансур ал-Муҳаллабий ҳам [бор эди]. У қавмларнинг энг билимдони эди. Бизнинг орамизда Абу-л-Фаворис Найсубурий [номи] билан танилган бир киши ҳам бор эди. Унинг хати хунук, табъиғализ, кўп ёзарди, адаби етишмасди, шеърга қўл уради ва бу [соҳа]да шармандаси чиқарди. У Абу Али [ад-Домғоний]ни мақтаб [шеър] ёзди, лекин бу билан унинг ва қавмининг устидан кулади. [Абу Али] уни ҳажв қилишни, хати ва балофатини тавсифлашни ал-Муҳаллабийга буюради. У бир қанча байтлар айтади, улардан:

Шундай котибки, хатлари менга Қуръонни эслатади ва мен таажжубда қоламан.  
Сўзлари: «Юракларимиз пора бўлди»<sup>175</sup>, деса, хати «Абу Лаҳабининг қўллари қурисин»<sup>176</sup>, дейди<sup>177</sup>.

Абу Али унинг сўзидан ҳайратда қолди ва унга тухфа беришни амр қилди. Ал-Муҳаллабий Абу Алидаги Абу-л-Фаворис хатини тавсиф қилишга бўлган соҳишини кўргач, Абу Алига хитоб қилиб, [Абу-л-Фаворис] ҳақида деди:

Эй мажлисдаги саййидлар саййиди, Абу-л-Фаворис хатини кўрмаяпсанми?  
У гўё супурги билан ёзаётгандай, унинг «мим» [ҳарфи] пучуқ бурунга ўхшаса,  
«Жим»и тепадиган хачирнинг оёғига, «син»и эса гўнгқўнғизнинг оёқларига ўхшайди.  
«Вов»и ҳариса<sup>178</sup> пиширувчининг чўмичига,  
«лом»и эса зинданнинг йўлига ўхшайди.  
Уни бирор вақт қовоғини солмаган ёки мудроқиши каби боши эгилмаган ҳолда кўрмайсан.  
Уқувчи фаҳми билан туморни<sup>179</sup> ўргатади. Ёки ярим ўйлаш билан,  
Ёки васваслик денгизи қаърига гарқ бўлиб шеър айтади, у гўё иблислар тоифасидан [яратилган].  
Уни тишлаб ололмайдиган оғиз бурчагига ташлаб

юбор, котиблардан кимки [у билан] ўтирса, шўри  
қурисин».

[Абу-л-Ҳасан ал-Ҳожибий] деганди: Абу Муҳаммад  
Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Узайр<sup>180</sup> Бухорда ва-  
зирикка тайин этилганда Абу Мансур ал-Муҳалла-  
бий уни икки байтда мадҳ этган, [вазир] эса унга минг  
дирҳам ҳадя қилган, мана ўша икки [байт]:

Ўйлайманки, тангри ҳамма яхши нарсаларни  
яратди ва уларни [ўз] фазилати билан ҳамма за-  
рарлардан четлаштириди.

Ва улар ҳаётини Узайр хонадонига худди Узайр-  
га<sup>180</sup> ҳаётини қайтаргани каби қайтарди.

Бошқа [бир] киши ал-Муҳаллабийнинг [шу шеъ-  
рини] менга айтиб берганди:

Одамлар дунёда тўртта нарсага ҳаддан зиёд бе-  
рилиб кетдилар: ейиш, ичиш, кийинниш ва хотин-  
лар билан юриш.  
Булар ҳаммаси ҳақида ўйлаб кўрсан, оқибати  
тезакка, сийдикка, ташландиқ [нарсалар]га ва  
шармандаликка [олиб бораркан].

Ундан:

Агар йигитнинг юк ортиладиган оти ҳолдан то-  
йиб қолган бўлса-ю у битта бўлса, унинг ҳамро-  
хи, соғлом бўлишга интилса ҳам, касалdir.

## 77. АБУ МАНСУР ИБН АҲМАД ИБН САҶД АС-САҶДИЙ.

Аш-Шайх Абу-л-Ҳасан Мусоғир ибн ал-Ҳасан —  
тангри унга мададкор бўлсин — менга унинг [шу шеъ-  
рини] айтиб берганди:

Дўстингни имконинг борича ҳурмат қил, уни ҳур-  
мат қилишда давом этаркансан, сен карамлисан.  
Агар унинг ҳурматини йўқотсанг ва уни тарқ эт-  
санг, унинг дўстлиги сени тарқ этади ва сен ма-  
ломат қилинасан.

Ундан, дўстни койиш ҳақида:

Кема денгизларда сузади, мен эса уни сен [то-  
мон]дан қоя ва тошларга суздирман.

Эй ҳанзалнинг<sup>181</sup> шарбати, хулқингнинг ёмонлиги-га зўр билан тоқат қилаётганимни тангри билади.

Ундан:

Эй бойлик тўпловчи, қачонгача у билан баҳиллик қиласан, азбароини худо, у билан абадий таъмагир бўлиб қоласан.

Маййит ўзи билан бойликни олиб кетадими?  
У тўплагандан бошқага тегишли эканини ўйлаб кўрмайсанми?

Шу тартибда ёзганлардан кимнингдир сўзи:

Эй бойлик тўпловчи, эй [сенга] етиб бўлмайдиган, [ризқни] етказувчи раззоққа ишонмайсанми?  
Кимки мол билан ўз-ўзига баҳил бўлса, у билан ворисларга қаҳрни сахийлик қилиб тақсимлаган бўлади.

#### 78. АБУ-Л-ФАРАЖ АҲМАД ИБН АЛИ ИБН ХАЛАФ АЛ-ҲАМАДОНИЙ.

Фазлни, наср гўзаллиги ва шеърият малоҳатини ниҳоясига етказган. Отаси ҳақида [сўзлаганда]<sup>182</sup>, унинг сеҳрини босиб ўтиш, оғиздан-оғизга ўтиб юриш сифати жиҳатидан гўзалликда энг юқори мана бу иккӣ байтини зикр қилган эдим:

- 96 Агар шеър назмида сен машҳур бўлганингда, менинг аждодим Яъруб<sup>183</sup> ва Йёдлар<sup>184</sup> бўлмаган бўларди.  
Варақаларга сажъларни ёзиб ташлаяпсан ва улар кабутарлардир, торларни сўзлатяпсан ва улар жонсиз [нарса]лардир.

Мана бу бошқа [шоир]никими эслаб қололмадим. Кейин аш-Шайх Абу Бакр — таигри унга мададкор бўлсин — бир қанча вақт ўтгандан кейин менга айтиб берганди. Қалбим қорачигидагини ёзиб қолдирдим, гўё унинг [шу] сўзидай:

Юзимдаги соқол оқи мени уялтироқда, агар [оёқларида] оқ билакузуклари бўлмаганда, қора отлар мақталмаган бўларди.

Соч оқи белимни букди, лекин жасоратим мустаҳкамланди, агар ёй эгилмаганда, ўқ [теккан жойини] тешиб ўтолмас эди.

Унинг [шу] сўзидаи:

Қанчадан-қанча ток ва новдаларниг узумини нақл қилмадик, [хумга] қуйилган шаробимиз муҳрлаб қўйилган.

Ҳаром қилинган [нарса] икки баробар кўпайсин учун атайлаб унинг онаси ва қизига уйландим.

Унинг ягона, ниҳоятда бадиий қасидасидаги [шу] сўзидаи:

Агар мулойим қумтепани, тарбияланган гўзал ҳуснни зикр қилсан, мени койима, [эй маҳбуб]. Чодирлари орасида ҳаётимни, болалик муҳаббатини яхши рози қилганим каби ўтказаётганим манзилларни [зикр қилсан], Дўстнинг иштиёқи бўлмагандан, қушнинг арок<sup>185</sup> шоҳига хатиб бўлиб қўнаётганини кўрмаган бўладинг.

Ей овоз чиқаряпти ва у ғойиб бўлиб кетди, ахир унинг ўқидан ажралиш қийин эди-ку. Ҳирс-ҳаво шарафи учун подшоҳларни мақташга абадий тақдим қилганимиз<sup>186</sup> сенга абадий кифоя қиласди.

Шошилма, йигитнинг ҳимматли, бирор нарсага интигувчанлигини кўрмайсан, уни фақат ўйин-кулгида кўрасан.

Аммо мени ғоят севиш туфайли бошимни йўқотган ҳолда кўрасан ва мен ошиқлар раъии мусибат эканини кўрдим.

Ёшлик кексаликка қолиши учун, қанча кунлар осмонини беркитиб кетдим.

Найзалар тигини қўрқоқларга ташлаб кетдим ва беш қисмдан иборат лашкарларнинг уриб турган қалбида у [тиғ]ларни эгдим.

Биз йўлга тушгандик, қушлар галаси эса шунқорларга ташланганди, улар баҳодирларнинг машаққатли мавқеларига умид боғларди.

Улар бизни кундузниг қуёшидан сақлади ва жазира маисиқ кетидан чодирлар тикилгандай бўлиб қолди.

Уларнинг олий жаноблигини баҳодирона тақдирлансан, у [баҳодир]лар туфайли кўз ва қалблар озиқлантирилсан.

Отам карамлилар шаҳду [шакари] бўлган мукаррамликда уларнинг насибасини тўла адо этган эди.

У менинг [отам], агар болалар аслзода насабдан ҳисобланса ва агар мен фахрланган бўлсан, у туфайли олий насабдан ҳисобланаман. У денгиз каби дурларни пайдо қилди, ёмғир каби боғларни кўкартириди ва мушк каби ҳид сочди. Илдиз ва шоҳнинг ҳар иккиси яхши нарса, уларда маломат қилинадиган бир ишни кўрмайсан.

Бошдан кечирган аҳволи ҳақидаги [шу] сўзидан:

Эй икки дўстим, малла, оқ қашқаси бор [от] ни келтиринг, чунки мен [турган] жойимга малол келиб қолдим.

Хорланган шаҳарда туришни, агар тақдирга ишонсанам, ўлим соати деб ўйладим.

Жанг учун найзани, [яна] найзани ва қилич ҳамда шамширни танлаб олдим.

Косаларнинг мендан [айланиб] ўтишига ижозат беринг, мен тунги саёҳатга улфат бўлдим ва май [ичиш]ни тўхтатиб турибман.

Ашуалардан мени чақириб олинг, магар шамширлар овозидан бошлар ёрилмоқда.

Шуниси хайрлики, юзимнинг паст қисмини беркитиб, таҳқирланиб яшаяпмиз, агар ўлсак, карамли бўлиб [кетамиз].

Қасидадан унинг сўзи:

Нафасларим билан сувлоқлар томчиларини қуритдим ва у [сувлоқ]ларга тинмай қуювчи булатли кўзёшимни қолдирдим.

Тез юрувчи қалб билан тахтиравонда кездим, кўзёши эса водийларда селдай оқарди.

Кокилларим бўёғини қўшним аёллар ёқтиришмади, улар бу [бўёқ] билан оппоқ бармоқларни зийнатлаган эдилар.

У [аёл]ларга ажабланаманки, қалбаки нарсани менга раво кўрмайдилар, ўзларини эса фақат қалбаки нарса билан бўяйдилар.

Тиғлар оқ [нур]ини ошкор қилганда, у тиғлар менинг қатлим учун ростланганини кўрдим.

Сочим оқини [бўяган] рангларимдан чиқариб ол, у гўё оқ тиғлар филофларидан суғурилгандай бўлади.

Бошқа [қасида]дан унинг сўзи:

Вазирнинг меҳрибонликларига ташаккур, чунки у хавф-хатардан қайғу чеккан жонларни тирилтириди.

Агар менда эҳтиёжлар қолиб кетганда, уларни қўлга киритиш учун у [вазир]нинг сахийлигини тинимсиз кутган бўлардим.

Менинг ҳаёйим [қийинчиликлар]ни баён қилишга қодирлигимни инкор қиласпти ва нафсим эришган нарсалар уларга азоб чеккан ҳолда эришилганини ўйлашимга [қаршилик кўрсатяпти]. Мен нима қилаётганимни сен [яхши] биласан, илтимосларнинг хўрлаши мени ўраб олди, ҳадя берувчи сифатида сахийлик қилиб у [хўрланиш]дан кутқар.

Агар йигит ўз феъл-атвори билан илтимос [қилиш]да ўзиб кетган бўлса, у ҳузурига борадиган киши энг яхши тўхташ жойидир.

Унинг сўзи:

Умайя мени сахий бўлиб қолганимга маломат қиласпти, унинг маломатига дарду алам таслим бўлиб қўшилади.

Қўлимда бор нарсанинг [кетишига] ва олачипор илон тешигини ташлаб чиқаб кетишига тўсқинлик қила оламанми?

У [илон] ўз танасидаги ғазабини ҳадя қилиб юборса ва дирҳам унинг икки кўзида буюк бўлиб қолса, [қаршилик қиласманми?]

Демак олий ҳимматликни қўлга киритишида у авлороқ ва сахийликда унинг ўрни карамлироқdir.

Унинг сўзи:

Менинг бармоқларим бор, улар бой бўлади ҳам, ҳалок бўлади ҳам, гўё бу булутларнинг кўтарилиши ва ўлимнинг келиши.

Фақат камбағалнинг ашуаларидан ёзиламан ва фақат қиличининг силкитилишидан юрагим сикилади.

Ундан, зоҳидлик ҳақида:

Коронги зулматида ва кундузнинг нурида қудратли соқчининг каромати [мавжуддир].

Фалак айланиб турди, қутб тўхтаб турди, юлдузлар [ўз] ихтиёрисиз ҳаракат қиласди. Осмон таги йўқ ер тепасида таянчсиз турибди. Ер юзи дарахтлар барглари [ билан қопланган] чиройли боғларнинг нафис гиёҳлари билан тов-

ланиб турибди. Унинг ичадиган [нарсаси] битта, ранглари эса турли-туман: сариқ ва анор гуллардан [иборат]. Илми мустаҳкам [кишилар]нинг ҳаммаси бу қудратли тангри санъатиданлигига гувоҳлик беришган:

У бутун махлуқотни яратувчи ва уларга ризқни ёйиб қўювчи, подшоҳлик подшосидир. Унга ўҳшатилган, шерик қилинган ва ёнма-ён кўйилганлардан энг юқори турувчи ягона ҳакимдир. У шундай зотки, бирор ишдан хавфсираганимда «э парвардигор, оғатлардан мени сақлагин»,— дедим.

Хавфсираган ва қўрқсан нарсаларим тугагандан кейин, мастилик ва қайсаарлик [ҳолати]га қайтдим. Эй замона оғатларидан ғофиллар ва тақдир ҳу-

жумларининг кишилари, Бу диёрда аввал ҳам [одамлар] тўхтаган ва яшаган, қани у диёр аҳллари.

Уткинчи замонда [яшаган] подшоҳлар қани, қаерда? Улар излари асарини ҳам қолдиришмади. Ҳар бир мардонавор, итоат эттириш ва манъ этиш ҳақида буйруқ берувчи ва беҳисоб қўшин эгалари Бир оз таҳт сўрадилар, бошлиқ бўлдилар ва ҳукмронлик қилдилар, кейин тунги суҳбатдошлар учун ривоят бўлиб қилдилар.

Уларнинг кумуш ва олтинлардан тўплаган хазиналари уларга абадий ҳаёт бермади. Ҳисоб-китоб куни уларни сақлаб қоломади, лекин у [хазина]лар юкини улар гуноҳларига қўшиб олиб кетдилар.

## 79. АБУ-Л-ҲУСАЙН АЛ-ҲАСАНИЙ АЛ-ҲАМАДОНИИ.

У ас-Соҳиб [иби Аббод]нинг набираси Аббоднинг отаси. У Ҳамадонда шарафли, нуфузли ва давлатмандлардан эди, худди Яҳё иби Үмар ал-Алавий Бағдодда [бўлгани каби]. Адаб ва шеъриятда у ерда худди ар-Розий ал-Мусавий ва ал-Муртазо ал-Мусавийлар каби эди. Ас-Соҳиб у билан қариндошлигидан фахрланарди

ва у билан муносабатини шарафларди. У муруватда бошлиқларнинг энг улуғи ва ўз юки билан энг қудратлиси эди. Унинг фозил адид сұхбатдошлари ундан ажралмасди ва унинг құллаб-құвватлашидан четда қолмасди. Улардан қайси бири күнгли хоҳлаган бирор овқатни сұраса, [ал-Ҳамадоний] ошпазларга уни тайёрлашни ва тамоман ҳозир қилишини буюрарди. Ун иштаха билан ердилар. Уларга бир куни дебди: «Бизга келинглар, кунни мұкаррам қилиб ўтказамиз». Улар дебдилар: «Қайси бир кунники, саййидимиз унда муруват қылмадилар». У дебди: «Карамлилик жиҳатдан әмас, балки ток новдаси<sup>816</sup> жиҳатдан [кунни] мұкаррам қиласыз» — «Буни қандай қылмоқчисан», — дебди улар. «Карамлилик фазилатлари, манфаатлари ва хайрлик томонларига ғарқ бўлиб, ток новдасининг қуруқ шоҳларини ёқамиз; сикбож<sup>817</sup>, хом узум шарбати ва пишган узум шарбатидан тайёрланган ҳалво, булоқ сувидан ичамиз ва майизни чегаралаб ўтамиз».— «Бу раъия хоҳиш йўқ», — дедилар улар. [Шоир] буларнинг ҳаммасига буйруқ берди. Уларнинг куни яхши ўтди. Унинг байтларини олиб юрардим, йўқолиб кетди. Улардан ёдимда қолгани шам кўтариб турган чўри ҳақида унинг сўзи:

Оқшом [құлнда] шам билан у мағуруона би-  
нинг олдимизга келди, унинг [шам] билан тури-  
ши худди маёқнинг учига ўхшарди.  
Гүё шам билан у ошиқларини ҳалок әтаётгандай  
әди ва оловни қонга алмаштириб, тож қилиб ки-  
йиб олғанди.

### Қасидадан унинг сўзи:

Унинг орқага сурини, сабаб кўрсатнишига ва ви-  
соли сувининг ҳижрон билан лойқаланиб кетиши-  
га токат килолмаймиз.

Агар күнлар ўзининг яқинлашишига баҳиллик қылган бўлса, тунлар уни хаёлга келтиришга ёрдам беради.

100 Уша [байтлар]дан:

Нафс унинг ёмон ишларини ундан ҳайдайди ва қалб ҳаддан зиёд гўзаллигини унга хоҳиш қиласди. У яқинлари билан ноз-неъматда ўтказган қанча кунлар бўлмади, унинг ҳаёти ёшлигининг гуллаган ва янгидан бошлананаётгаш давридадир.

Ушандан, ас-Соҳибга бағишлиған қасидасидан унинг сўзи:

Агар мен унинг ўзига яқин тутаётган кишиси бўлганимда, албатта уни сопол идишга солардим  
ва унинг шохлари кўкариб чиқарди.  
Ҳатто гоҳо унинг Фотималари ва гоҳо Зайнабла-  
ри уни пайғамбар [даражасига] кўтаришган бў-

ларди.  
Бир банда учунки, у сенга шундай зот [аёл]лар-  
ни инъом қилди, улар менинг қўлимни ҳадяларга  
тўлдиришди ва мени насабим бир бўлган киши-  
дан фарқ қилишди.

Ҳайит олдидан [қўйидаги шеърини ёзиб], бир то-  
воқ кумуш ва унга подшоҳлар ишлатадиган ниддни<sup>188</sup>  
бирга қўшиб, ас-Соҳибга [юборган экан]:

Ҳайит равоқингга келиб, нурингдан нур олиш  
учун сени зиёрат қилди.  
Мен ҳадя қилганим ниддни қабул қилиб ол, бу  
аттор сенинг ахлоқингдан ўғирлаб олаётган нар-  
садир.  
Идишни зариф нарсаси билан бирга олиш можиб-  
дир, у билан товоқни ўз идишларингга қўшиб қўй.

Бунинг жавоби ниҳоятда зариф эди. У йўқолган  
[нарса]лар қаторида йўқолиб кетди, чунки фалокат-  
лар ўқи иштиёқи қимматбаҳо нарсаларга [тушади].  
Агар уни топсам, ушбу варақ ҳошияснга қўшиб кета-  
ман, буюк тангри хоҳласа.

#### 80. АБУ-Л-ҲУСАЙН АТ-ТАҒЛИБИЙ.

Аш-Шайх Абу Бакр — тангри унга мададкор бўл-  
син — менга [қўйидаги шеърини] айтиб бериб, дегани-  
ди: «Ибн Абу Аллон ал-Аҳвазий менга Абу-л-Ҳусайн  
ат-Тағлибийнинг қасидасидан кичкина [парсалар] ҳа-  
қидаги [шу байтлар]ни айтиб берганди:

Агар кўз қирраси билан энг баланддаги кичкина  
юлдузга назар ташласанг, у юлдузлар тепасида  
[турган бўлади].  
Бешта бармоқнинг энг кичиги узук тақишига энг  
лайқатлиси дидир.  
Найзанинг энг кичик боғланған жойи унинг тифи  
олдида бўлиб, бу ҳалок этувчи тифнинг бошлани-  
шидир.

Динор ҳам худди шундай, унинг ҳажви кичик бўлса ҳам, у қиммат нарсадир, унинг доим дирҳамдан юқори турганини кўрасан.

Бошқа бир [киши] менга унинг кўса мутакаббир ҳақидаги [шеърини] айтиб берганди:

Бир мутакаббирки, ўзининг қандай шакллантирилганини ҳали қуёшга солиб кўрмаган. Агар қуёш унинг юзига тушса, ўз кибрлигига минг [марта] пушаймон қилади.

#### 81. АЛ-ХАЛИЛ ИБН АҲМАД АЛ-ҚОЗИЙ АС-СИЖЗИЙ.

Фозил қозилардан ва уларнинг машҳур адиларидан. Унинг шеърлари фақиҳларга хос, [мана бу] сўзи каби:

Кексалик ёшликтан ёқимлироқдир, уни [оққа] бўялиши билан маломат қилма. Буниси [соч қораси] қарға бўлса, униси лочинидир, ахир лочин қаргадан яхшироқ-ку.

Унинг сўзи:

Кимки менга ҳаддан зиёд жафо кўрсатган бўлса,  
мен унга [шундай] қилмадим.  
Ундан оладиган ўчим шуки, унга мулоийм бўлиб,  
уни ҳижолат қиласман.

Унинг ҳазил билан [айтилган] сўзи:

Агар икки кўз ҳушёрликдан ухлаб қолган бўлса,  
шубҳасиз унинг милки мускуллари кучсизланиб  
қолган бўлади.  
Ким ақлли бўлса, бод [чиқаргани]га узр сўрайди,  
кимки нодон бўлса, у [ўзини] соқолининг ўртасида [ҳис этади, яъни кеккайган].

Жиддийлик билан [айтган] сўзи:

Ёним ўлим ва охиратдан хавфсираб ўриндиқ билан келиша олмаяпти.  
Кимки ўлим талвасасидан қўрқса, уйқу лаззати нима эканини билмайди.  
Экин экиниши ниҳоясига етди, шубҳасиз, экилган экиннинг ҳосили кам бўлади.

## 82. АБУ ДИРҲАМ АЛ-БАНДАФИЖИЙ.

Аш-Шайх Абу Бакр — буюк тангри унга мададкор бўлсин — унинг қитъасидан менга айтиб берганди:

Қачон мавлойимни улардан афзалроқ деганимда, фазилатли ҳисоблаган кишимни камситган бўламан.

Агар йигит шамширини бу ҳассадан ўткирроқ деса, у шамширини камситишни ўйлаб кўрмаган мисан?

Яна ундан:

Бу дунё ўткинчи бир ҳаловат эканини, у [ҳаловат] учун орамизда уруши [олови] ёниб турганини кўрмаганимдинг?

102 Агар у [ҳаловат] учун итоаткорлик либосинги билан рақобатлашсанг, ҳолдан тойишлик ҳалок қиласди,

## 83. АБУ МУҲАММАД ЯҲЁ ИБН АБДУЛЛОҲ АЛ-АРЗАНИЙ.

Бағдоддаги луғат мударрислари ва хаттотларининг энг яхшиларидан бири. Абу-л-Фазл ат-Тамими менга ҳикоя қилиб, деганди: «Бир куни у билан Баҳоуддавла<sup>189</sup> қароргоҳида бўлиб, у ернинг юқоридан Дажлага қараб турган минорасида малиҳ қорачадан келган бир йигит билан ўтириб эдик. Хурмо майидан ича бошладик. [Ал-Арзаний] бадиҳа шеър айтиб юборди, ундан:

Биз гўё эрталабки тонгга қараб турган минорадамиз, манзилимиз икки ас-Симок<sup>190</sup> билан ан-

Нажм<sup>191</sup> ўртасида [тургандай]. Пастимизда кенг шаҳар, булут қўллари унинг учун гулдор ва йўл-йўл матолардан ғунчалар тўқиб берган.

Дажла ўз кўпикларининг кетма-кет такрорланиши билан тартиб ўрнатувчи маҳкама турмасининг тўқиилган заижирига ўҳшайди. Қадаҳларимиз ўзида бор нарсанинг иштиёқи гирдобида айланяпти, демак улар яшаш жойидан маҳрумлигига нисбат берилган.

Агар Умр ал-Хабисда менинг тураг жойим бўлганда, узум новдаси сутидан тилларанг май келган бўларди.

(ал-Ҳабис Шом ёки ал-Жазирадаги жойлардан бири).

Лекин биз уйимиз на тоға ва на амаки бўлмаган шаҳарда бўлгани учун хорланамиз. Шундай, унинг ранги сенинг рангингни гўзал қиласи ва унинг ранг ва ҳидда мушкка ўхшашлиги зоҳир бўлади.

Бошқа [киши] унинг уйлангани, лекин ёқтиргмагани ва уни [ўзидан] узоқлаштириб, нарғисга ўхшатгани бир хотин ҳақидаги [шеърини] менга айтиб берганди:

Эй Абу Исҳоқнинг қизи, сен нарғисемисан? Ҳақиқатан сиз ҳар иккى шахс [отанг ва сен] ҳам лапанглаб турасиз.

Иккى оёғинг яхши, бош оқ, юзинг сариқ, жисминг эса орнқидир.

#### 84. АВҲАД АЛ-МАЛИҚ АБУ ТОҲИР АЛ-ХУСАЙН ИБН АҲМАД ИБН ҲАССУЛ.

Устоз Авҳад ал-Малиқ лақаби билан юртилади, у вазирлик учун тарбияланган ва унинг ўрни вазирлар ўрнидир. У ал-Устоз сафий ал-Малиқ Абу-л-Ало амакисининг ўғли. У луғатда балофатли, шеърларида лафзи ҳайитдаги хоҳишларга яқин ва қатъий назмга тизилгандир, [мана бу] сўзи каби:

Ичмоқчиман, фақат баҳорни ќечиктиրмай қабул қил ва ҷарчашни таъна қилувчини қўйиб юбор. Узоқ сақланган майни менга ичир, у гўё ёниб турган оловдай бўлсин.

Боғлар тилларига назар сол, булутлар меҳрибонлиги кетма-кет ҳаракатга тушиб қолди.

Боғлар дараҳтлари гуллаб, оқ-кулранг нуқталар [тушған]га ўхшайди.

Шамол дўстлар ва севувчилар учун шифо бўладиган ҳаракат билан у [боғ]лар томонга эсиб, яқинлашиб келмоқда.

Гўё янги узилган бир нарсаки, кузатувчи кўзининг бир лаҳза [назар солишини] сен унга ҳадя қилгансан.

Варақлар хурсандчилик билан шохлар ҳимоясида ухламай кечани ўтказаётган чўриларга ўхшайди. Мени ифлос қилувчи нарсадан қутқариб, кийик боласига [қўйиб юбор], кўзёшларимни ёғаётган булутлардан халос эт.

Унинг [шу] сўзи каби:

Шундай бир йигитки, мени кезиб юришга ташлаб қўяди ва норозилиги туфайли менга тимсолнигина ҳадя қиласди.  
Гўё Сурайё унинг зирағидаги нурга кафил бўлиш учун пастга тушгандаи бўлди.

Унинг рисолаларидан:

Мавлойимни зиёрат қилишдан ёмғирлар мени қайдарди, у [мавлойим] бармоқларининг ато этиши ва денгизининг ҳадялар билан мавж уриши, саҳийлигининг сероб қилиши, карамлилик ва ҳаё жиҳатдан тўла қондирилганини [ёмғирнинг] ўзгинасиdir. Сўнгра у яна мени шундай нарсадан сақлаб қолдики, биз унга яқинлик туфайли оғир хавфу хатар ва қўрқинчлар ўрнашиб олган лашкаргоҳда әдик, у ерда отларга ишебатан филларнинг гарданлари кўпроқ тўхтаган эди

Бошқасидан:

Мавлойим ҳовлисида шохлари осилиб турган ва новдалари қўримаган умидларни экдим, лекин ундан фақат жамоатдан орқада қолиб кетиш ҳосилини йиғдим, улар хизмат ва итоаткорликда мен билан маълум чегарагача югурмадилар ва моҳирликда менинг ўқим каби отолмадилар.

Бошқасидан:

Тангри паноҳ берсин, унинг саховатидангина ёрдам сўрайман, магар тупроқ чайнашга муҳтоҷ бўлган бўлсам ёки у менда мақтовдан бошқа [нарсани] сезган бўлса ёки шамшир тифи фуурлигимни меҳмонга чақирган бўлса ҳам.

Бошқасидан:

Болалик хоҳишлиари ҳозирлигига ва йигитлик [даражти] новдаларининг яшнаб туришига ишондим.

#### 104. 85. АЛ-ҚОЗИЙ АБУ АЛИ АБДУЛВАҲҲОБ ИБН МУҲАММАД.

Илғор киши, илми ниҳоясига етган, чўнтағи эса қуруқ, қўлга киритиб бўлмайдиган [фазилати] эҳтиёт қилинган, этаги ҳеч ифлос бўлмаган, унинг куни ва туни олий жанобликда бир хил бўлган. Зоҳидлик, художўйлик ва тамадан четда туришда унга ўҳшашни Нишопур кўрмаган. У аҳёнда илғор адиллар [тарзида] шеър айтарди. Худди мана бу сўзи кабики, бунин ал-Ҳоким Абу Саъид Абдурраҳмон иби Муҳаммад иби Дўст<sup>192</sup> — тангри унга мададкор бўлсани — менга айтиб бериб деганди: «Менга у ўз [шеъри]ни айтиб берган:

Ешлик айёмлари билан дўстлашдим, у ўз айёмлари билан менга яқинлашдию, ўтиб кетди. У менга мерос қилиб кўлмак соч оқини қолдириди, худди ўтиб кетган тундан кейин келган субҳаби».

[Абу Саъид ибн Дўст] айтган эди: «У менга яна ўзининг [шу шеърини] айтиб берганди:

Қийинчилик туфайли қандайдир азият чекканишининг шикоятидан нима [фойда]. Йигит учун энг яхши нарса сабрdir, чунки сабрхурсандчилик калити»<sup>193</sup>.

86. АЛ-ҲОКИМ АБУ АЛИ АЛ-ҲАСАН ИБН МАНСУР ИБН АЛ-АЛО АД-ДАРОБИЖАРДИЙ АН-НАЙСОБУРИЙ.

Ёш жиҳатдам ҳокимларнинг йигитларидан, илм ва фазилатда уларнинг машойихларидандир. Гўё ал-Бухтурий ўзининг [шу] сўзи билан уни назарда тутган:

Агар ёшликтаги донолик диққат билан қарайдинг киши ақли билан кузатилса, у сочи қора кекаликдир.

Унинг адаби серҳосил ва шеърлари гўзалдир, худди ғазалда [айтилган] мана шу сўзлари каби:

Унинг пешонаси тепасида дур билан боғланган мушк занжирлари қуёшдай нур сочиб турибди.  
Агар ақиқ тагига лаъллар тизилса, қовоқлар ёқутлари олтин устига сочилиб кетади.

105

Унинг сўзи:

У ўтиб кетган жойдан сен ўтадиган бўлсанг, тупроқ майдаланган анбарга айланниб Атрофга ёқимли ҳид таратиб турган деб ўйлайсан, гўё унга абири<sup>194</sup> билан кучли ҳид сочувчи мушк қўйилгандай.

Унинг сўзи:

Қачон улар кетнига бир-бирларини даъват этиб, видолашгач, кулраш түяларни ҳайдовчилар уларни тез юргиза бошладилар.

Ўша бекатларда йиғлаб юрдим ва улар қадами-  
нинг изларини юзларимга сурдим.

Баҳор ҳақида унинг сўзи, қитъадан:

Сенинг уйда туриб қолнишинг узоққа чўзилиб кет-  
ди, фазо саҳнига сайд қилишга азм қил.  
Боғлар ҳусни ва уларнинг ёқимли ҳиди учун ў-  
нингдан тур, улар орасидаги мушк ва абири ҳид-  
лаб кўр.

Уларнинг бадиний гўзаллиги ажойиб бўлиб кетиб-  
ди ва улар худди жаннатнинг ранг-баранг кийим-  
ларидан кийиб олишгандай.

Уларнинг ҳидлари тарқалиб кетган ва гиёҳлари  
қалбга ёрқин нур ва хурсандлик баҳш этган.

Куз ҳақида унинг сўзи:

Замона ранглар гўзалликларини жамлаб, хурсандлик ва мавсум ёқимлилигидан кулиб турибди.  
У ҳавони қўзғотиб юборгани учун, ҳаво мастга  
ўхшаб уён-буёнга чалғимоқда.

Тун пардаси атрофга худди ҳижрон бекатларига  
ёйилгандай ёйилиб кетган.

Замона ҳусни ва унинг ёқимлилигига, дараҳт-  
ларнинг турли ранглар билан безаниб олганига  
назар ташла:

Қизнл [ранг] орасидан сариқ ранг унинг тепаси-  
да худди ақиқ соғ олтин билан қоплангандай  
[нур сочиб] турибди.

Анави шоҳлар эгилиб, севишганлар видолашиб  
кунида қучоқлашиб турганига ўхшайди.  
Барглар ҳаво уфқида муҳаббат туфайли ақлдан  
озиб кезиб юрганлар қалби каби чалғиб учиб  
юрибди.

Шамол энг яхши вақт ва замонларда боғларга  
ўз сочадиган нарсасини ҳадя қилган.  
Бу ҳаёт ўзининг турли томони билан қандай  
ёқимли, ҳодисотлар кўзлари у туфайли юмилиб  
қолсин.

## 87. АБУ-Л-ҲАСАН АЛИ ИБН МУҲАММАД АЛ-ҲИМЯРИЙ.

Нишопурдаги катта амалдорлардан, адаб, фозил  
шонр. «Ал-Ӣатима»га озгина шеъри киритилган Абу  
Али аз-Зоҳир аш-Шонр ал-Балхий<sup>195</sup> ҳақида [шундай]  
дейди:

Шеърлари қўлбола бир дўстимиз бор, сафар ва мусофириликни у ёқтирамайди. Лекин унинг суҳбатдаги фазилати ҳаққини риоя қилиб [шу шеърни] унга айтдим.

Ғазалда унинг айтгани:

Қоракўз бир йигитки, кўзларни сеҳрлаб қўяди,  
қип-қизил ёноқ билан у мени йўлдан адаштир-  
япти.

Унинг саллагулларига бинафша яқинлашса, ме-  
нинг қалбимда дарду ғам тўлиб тошиб кетади.

У яна шундай дейди:

Абу-л-Фазл нуқсон биродари, нодонлик ва жаҳл  
амакисидир.

У одам боласидан [тарқалган] эшак, хачир уни  
кўтариб юради.

### 88. АБУ-Л-ҚОСИМ АЛИ ИБН АЛ-ҲУСАЙН АЛ-АЛИМОНИЙ.

Асли Райдан, лекин бошқариш [ишлари]ни тарқ этгач, Нишопурда муқим туриб қолди. Малиҳ, зариф шеърлар айтади, худди бир бошлиқни кутиб олиш ҳақидаги мана бу сўзи каби:

Қанча вақт унинг сафарида қалбим у билан бир-  
га юрган кишини қандай кутиб олсан экан.

Қалбим унинг борлигида унга хизмат қилгани ка-  
би йўқлигига унинг хизматини ўтайди.

Вазир ҳақида унинг сўзи:

Шайхнинг таржимаси ҳоли зикр қилинган саргу-  
заштдир, бизга қилган меҳрибонликларига та-  
шаккур.

Ҳар бир карамли учун унинг ҳузурида итларининг  
панжара [катак]даги ўрни каби ўрин белгилан-  
ган<sup>196</sup>.

### 89. АЛ-АМИР АБУ-Л-ҚОСИМ АЛИ ИБН АБДУЛ-ЛОҲ АЛ-МЕКОЛИЙ.

Ал-Амир Абу-л-Фазл — тангрى унинг шон-шарафи-  
ни давом эттиреин — ўғилларининг энг каттаси<sup>196</sup>,  
уларнинг энг адаблиси ва энг билимдонидир. У карам-

лиликда олий жаноб, табобатда олдинги [киши]дир. Унинг шеърлари рўёбга чиқмаган, чунки у ўзи уларни назар-писанд қилмай ва ўзи ҳақида ёмон фикр туғи-лишидан [сақланиб], уларни изҳор қилмайди. Хотирам ундан олиб қолгани шиддатли иссиқ ҳақидаги унинг сўзи:

Жазирама иссиқ бизни пиширияпти, ҳамма пишган нарса билан эса чивинлар овқатланяпти. Рўзага тайёрланган овқат ичига кириш учун иссиқ чегаралари ва заарлик уни пойлаб турибди.

107 Унинг ажойиб [шеър]ларидан ниманки топсам, буюк тангри хоҳласа, албатта ушбу китобга киритаман.

90. АЛ-АМИР АБУ-Л-АББОС ИСМОИЛ ИБН АБДУЛЛОҲ<sup>196</sup>

Яхшиликлари кўп, фазилатлари ҳаддан зиёд, ўзи карамли, табинати шарафлиидир. Қаёққадир чиқиб кетганда, отаси ал-Амир [Абу-л-Фазл]га — тангри улар ҳар иккисига мададкор бўлсин — шеър ёзган экан, ундан:

Агар мен айрилиқ тонгида эрта йўлга чиқиб, ал-Амирга хизмат қилиш учун отнинг олдида турган бўлганимда,  
Орзу умид хабарчилари албатта менга кўринган  
ва хурсандликнинг яширин суҳбатлари мени му-  
лойим кутиб олган бўларди.  
Лекин мен у [отам]нинг изнидан [узоқ] масофа-  
да турибман ва қалбим йўлга тушишга ошиқ-  
моқда.

91. АБУ-Л-ҲАСАН АЛИ ИБН АБДУЛЛОҲ АД-ДИЛШОЗИЙ<sup>197</sup>.

Пойтахт [Нишопур]да --- тангри у ерни ҳимоя қилсин — рисолалар девони котибларидан, чиройлиникда унинг юзи, юз аломати ва сочи бир-бирига мутаносиб. Унинг ёши сочига нисбатан афзалроқдир. У Нишопурдаги зодагонлар оиласидан. Бир ғулом аскар ҳақида [шундай] дейди:

Эй жанг жиддийлиги ва ҳазилини қамраб олган  
ва назар солиш шамширини яланғочласа, одам-  
ларни аспир қилиб оловчи,  
Икки кокили човган ўйини ёғочига ўхшаса, юзи  
унинг майдони, қалбларимиз эса унинг тўпидир.

## 92. АБУ МАНСУР АБДУРРАҲМОН ИБН САҶИД АЛ-ҚОЙНИЙ<sup>198</sup>

Аш-Шайх Абу Бакр — тангри унга мададкор бўлсин — унинг [шу шеърини] менга айтиб берганди:

Эй уйимга қадам қўйган кимса, мени кўролмай ўтиб кетдинг, агар уйда бўлганимда, қандай баҳтиёр, баҳтиёр бўлардим.

Агар ёнимда минг динорим бўлганда, унинг олдига минг динорни сочиб юборган бўлардим.

## 93. АС-САЛЛОМИЙ БУХОРОДА МУҚИМ ЯШАГАН<sup>199</sup>

Унинг малиҳ, зариф [шеърлари] бор, худди мана бу сўзи каби:

108 Ас-Салломий айтади: «Қайғум ажойиб, унинг энг кичиги қиёслашда энг каттасидир. Ундан биттаси шуки, мен бир чўри сотиб олган эдим, лекин ўзим унга хизматкор бўлиб қолдим».

[Мана шу] сўзи каби:

Ас-Салломий деди: «Агар маҳрум бўлган ва мискинни кўрмоқчи бўлсанг, У шундай кишики, тарвуз [пишган] пайтда унинг енги орасида пичоқ кўрмайсан».

## 94. АЛ-АСМАӢИЙ.

Уша ер [Бухоро]да муқим яшаган.

Аш-Шайх Абу-л-Ҳусайн Муҳаммад ибн Касир — тангри уни раҳмат қиласин — Бухорода вазирликка тайинланганда, ал-Асмаӣий [шундай] деган экан:

Абу-л-Ҳусайн Муҳаммад ибн Касир учун сен — вазирликнинг бошқарилиши кўплик қилмайсан<sup>200</sup>.

Бошлиқлар ва тинглаганлар бу [байт]га таажжуబланиб, унинг енгил қабул қилиниши ва матлаънинг қулав олинганига таҳсиллар айтдилар. Бир байтда куня, исм, отанинг исми ва [туғилган] шаҳарни зикр қилган кишилардан бири Абу-л-Қосим ал-Алимоний эди, у шундай деган:

Шуҳратли шайх Абу Али Муҳаммад ибн Исо ад-Домғонийга<sup>201</sup>.

Исм, отанинг исми, бобонинг исми ва отанинг боғоси исмини Абу-л-Ҳусайн ибн Балқин ўзининг Абу-л-

Фазл ал-Оризга Райда [ёзган] шу сўзида зикр қилган:

Кўриб турибмизки, подшоҳлик юз берган ва [уни] турлича тасарруф қилган ҳодисотлардан кейин, Зайд ибн Мұхаммад ибн Али ибн ал-Қосим байроғи остида қарор топди. Агар сени қатл этсалар, сен уларнинг уйларини Атия ибн ал-Ҳарс ибн Шиҳоб [ёрдами] билан вайрон қилган бўласан.

Бу ал-Асмаъни шеърларининг зариф саналганларидан унинг сўзи:

Эрталаб у билан учрашиш қалбимни гаровга олди ва баҳт келтирувчи ойга иштиёқим қўзғалиб кетди.  
Кўз ташлаши сарахсийлик, ички [тузилиши] марвлик, лафзлари бухоролик, қадди эса балхликникига ўхшайди.

#### 95. АБУ АЛИ АЛ-ҲУСАЙН ИБН АҲМАД АЛ-ИСФАРОИННИЙ.

Исфароиннинг ақлда, фазилатда, котиблиқда, зарифлик ва юлдузлар [сири]ни билишда энг яхши ва ягона [киши]ларидан. У дейди:

Эй шуҳратли шайх, азиз [киши] ўз манзилидан бошқа ерда хорланади.  
109 Туришим чўзилиб кетди ва мусофиричилик охирига етди, мұҳтожлик бошимга тушди, сен эса азизсан.

У дейди:

Чоршанба куни ҳалокат унга ҳалок бўлувчи кийминни кийгизганда, айтдим:  
Эй ўлим ҳокими [Азроил], уни мендан олдинг, энди уни эгаси [тангри]га қайтариб бер.

#### 96. АБУ НАСР АЛ-МУҲАЛЛАБИИ АЛ-ҚОИД.

Турилиши Исфароинлик шонир [бўлиб], келиб чиқиши жиҳатдан проқлинидир. Кўчманчин арабларга қўшилиб водийларни кезди, улардан [кўп нарса] олди, нотиқликда уларга ўшиашга ҳаракат қилди. Аш-Шайх ал-Имом ал-Муваффақ — тангри унга мададкор бўл-

син — ёшлик вақтида кетма-кет касалга йўлиққанда,  
[шоир] унга ёзган экан:

Дўстларимдан бири «У ўзини ўлим гирдобига  
ғарқ бўляпман деб ҳис этмоқда,— деганида, улар-  
га дедим:  
«Сизларга қийин, агар бир йигит ўлаётган бўлса,  
унинг ҳинд шамшири тифидай [ўткир] тили бору  
гапиришни секинлатиб қўйибди.  
Эй Ибн Мухаммад, агар ўз уйингдан ўлим билан  
фойиб бўлган бўлсанг, мен учун қанча чўнтақ  
йиртилади.

Фазлим райҳони билан [турли] иқлимларда улуғ-  
лик қўли зийнатлаган қанча ёмонлар оёқ ости бў-  
лади.

Дунёимда лаззатнинг ҳалок бўлганини кўрмадим,  
шодалар тўқиб юрувчи оҳулар [ҳали] мендан  
фойдаланишгани йўқ.

Фазилатим юлдузлари билан қуёш тиши ёлвираб  
турган киши бўлсам ҳам, улуғлик ўринидиги мени  
хурсанд қилмади».

#### 97. АБУ-Л-ҚОСИМ ҲИББАТУЛЛОҲ ИБН МУҲАМ- МАД АЛ-ИСФАРОИНИЙ АЛ-ФАҚИХ.

Бир аттор<sup>202</sup> гулом ҳақидаги унинг [шеъри]ни мен-  
га айтиб беришганди:

Караашмали қараши билан икки юзидағи човган  
ўйнайдиган ёғоч каби кокили жонимни овлаб  
олди.

Қандай қилиб унинг сифатларидан сақланишни  
ўйламаган эканман, аттор энг яхши ов қилар  
экан<sup>203</sup>.

#### 98. ИБН ҲИЛОЛ АЛ-АСҚАРИЙ.

Унинг қасидасидан менга айтиб беришганди:

Бон [дараҳти] шохлари остидаги шақоиқ<sup>204</sup> худди  
пашшахона остидаги келинларга ўхшайди.  
Дажла осмон каби зангор [бўлиб], кемаларининг  
унда [юриши] худди ҳилолларга ўхшайди.

#### 99. АБУ СОЛИҲ САҲЛ ИБН АҲМАД АН-НАЙСО- БУРИЙ АЛ-МУСТАВФИЙ.

Унинг шеърлар девони бўлиб, унда адабий девон  
ва ёзилган шеърлар мажмуаси ва илғор [нарса] лар-

нинг энг қадими санъати келтирилган. Ундан Абу Саъд ибн Армак ҳақида меҳржон<sup>205</sup> муносабати билан санъаткорона ёзилиб, имзо чекилган қасидадан [шуни] ёзиб олдим:

Ибн Армак олий жаноблик йўлидан юрди, агар у ердан Ҳотам юрганда, тўғри боролмаган бўларди.  
У ўзининг ас-Симок юқори чўққисини ва энг баҳтли юлдуз қирғоғини эгаллаб олган ҳиммати билан юқори даражага кўтарилди.

Ушандан:

Энг яхши нарсалар сенга ҳадя қилинди ва менинг ҳадям [бўлмиш] мақтовнинг ҳуллаларини<sup>206</sup> қўлим сенга ёзиб қўйяпти.  
Ҳадялар ўткинчидир ва улар замона аччиқлиги учун қояга [йўнилган] нақш боқийлигидек боқий бўлиб қолади.  
Еш зотли туяни бошқаларидан сақлаб, энг азиз ов [ҳайвонлари]га қўшиб қўйдим.  
Баҳт-саодат, саломатлик ва оғиятнинг давом этиши ва шон-шарафнинг абадийлиги учун меҳрижоннинг яхши ўтказ.

Энг яхши фазилатли одатлар ҳақида унинг сўзи, қасидасидан:

Қиши мени қашшоқликка дучор қилди ва бокира қизларга машғул бўлишни унудишига мажбур этди.

Ушандан:

Бекорчилигим илтимос қилган нарса [ишизлик] ва ётиш, жойим у туфайли қаттиқ бўлиб қолган қарз,  
Қандай замона, маҳбубдан ажралиш, қишининг совуғи ва қашшоқлик,  
Жам бўлиб, мени кузатишди ва ваъда қилинган жойда мени учратишди.

Бу [қасида] узун, ниҳоят осон ва шириндир, ҳақиқатдан унинг айрим қисмидан ташқари худди шундай бошқа бўлакларини ҳам ёзилиши керак эди. Унинг са-

зак ҳақидаги [шеъри]дан девон ходимларидан баъзи-  
си ҳақида:

Агар киши ўз фазилати ҳақида ҳикоя қилса, уни  
диққат билан тингланг ва «ҳақсан» денг.  
Гўё девоннинг топшириғини у бир ўзи бошқари-  
шини қўлга олган ва [иш] тартибга солинган.  
У Султоннинг ҳамма ишларини ақл билан бажар-  
ган ва ўз молидан яшириб қўйилганларини тамом  
қилган.

Ушандан:

У [иш]лар тадбирга белгиланмаганда, уларнинг  
излари йўқ бўлиб кета бошлаган бўларди.  
Аҳоли муҳтожликда қолиб кетган, уларнинг бош-  
лиги эса бутунлай фойдасиз бўлиб қоларди.

Ушандан:

Кишилар буғдойдан нимани янги деб санаган  
бўлсалар, уни ҳадя қилаётганларини кўриб ту-  
рибман, ундан буюк ва нозик нарса йўқдир.  
Ҳар ким имконияти миқдорига қараб бу сазақ  
расм-русумини жойига қўймоқда.  
Уларнинг хатти-ҳаракатларидан ўзимни тийдим  
ва тонгда ўзиб кетишдан тўхтадим.  
Агар жоним ихтиёrimda бўлганда, сизлар ҳузу-  
рингизда уни товоққа солиб сарфлаб юборган бў-  
лардим.  
Лекин мен истаган нарсам эришиб бўлмайдиган  
бўлиб чиқди, кучим етмайдиган нарсанинг оғир-  
лигини тарқ этдим.  
Ҳамиятимда [бировни] хорлаш йўқ, шунинг учун  
ҳам қоғозлар қисқарди.

Унинг баҳор ҳақидаги қасидасидан ва бунинг ал-  
Бухтурий шеърлари каби қофиялар билан боғланиб  
ёзилганини кўрасан:

[Баҳор] пайтини ўз жиддийлиги либосида кўр-  
маяпсанми, у муккайнib қолгандан кейин орамиз-  
га йигит бўлиб қайтиб келди.  
Қаерга пойафзал ва қадаминг теккан бўлса, ўша-  
ерга унинг яшил забаржадидан ёзилган [нарса-  
ни] жомга ўхшатасан.  
Гўё дунё ўз гўзаллиги учун нур ва гуллардан ти-  
зилган безакларга ўралиб олгандай.

Унинг [чиройли] кўриниши учун соф майни ич,  
қуш, торлар ва кўйларни тингла.  
Кунингни яхши ўтказ ва унинг шартига риоя қил,  
чунки сен кабилар ҳақиқат ва шартларга риоя  
қилувчиdir.  
Баҳорга келсак, у адирларни жонлантириди, туп-  
роқ юзи даҳрнинг турли кўринишидан табассум  
қилиб турибди.  
Ер гўё жило бериб, кулиб турибди, ҳаво эса унга  
ғайрликдан тинимсиз кўзёш тўкяпти.  
Неъмати учун шукр айтиб, эрталаб боқقا кел,  
худди мени неъматга эга қилганингда, сенга айт-  
ган ташаккурим каби.

Унинг меҳржон ҳақидаги [шеъри]дан:

Меҳржон сенинг ҳузурингга энг яхши вақтда кел-  
ди, у сенга аҳд қилган нарсасини албатта бажа-  
ради.

112 Жонда руҳни зиёда қиладиган кўйларни ва янги  
туғилган чақалоқ яхши кўрадиган ашулаарни,  
Ёқимли таъм, сариқ ранг уни зийнатлаган, мушк  
каби ҳид сочиб турувчи майни [меҳржон олиб ке-  
лади].

Дўстларидан бирига ҳожатманд бўлиб ёзган экан:

Эй ўз биродарлари ҳожатини адо этувчи ва эҳ-  
сони билан мақтовни сотиб оловучи,  
Эй бизга мушкуллик тушганда, уни ўз имкони  
билан ёзиб юборувчи,  
Ходими бир ҳожатни [чиқариш]ни сўрайдики,  
уни ушлаб қолиш учун тарозиси палласи босиб  
тушиши керак.

Қарилек кунлари ҳақида унинг [шеъри]:

Бугунги кун [кўчага] чиқиш куни эмас, уйда ўл-  
тириш кунидир.  
Иссиқ уйда [ўлтириш] куни, ипак либос кийиш  
кунидир.  
Кўйлаш ва ўйин-кулги куни, кўзадан [май] ичиш  
кунидир.  
Мана бу кунинг қарилек совуғининг нишонасидир.

Ундан, ҳисоб-китоб ҳақини расмий тайинлашни иш  
бошқарувчи [томонидан] кейинга сурилиши ҳақида:

Эй интизорлик узоққа чўзилгандан кейин, менга нисбатан яхшилиги кечикиб кетган шайх, Сени овунтирган гафлатми ёки кўмир тошларини ташлашни кечиктириш ниятими? Агар дараҳт экилиши тугатилган бўлса, қарзга сўрайдиган мева терувчиларга яхши эмас.

Ундан, меҳржон ҳақида:

Меҳржон куни билан шодланаман ва куйловчи чўриларнинг нағмаси остида [май] ичаман. Эй замона кўзи, замона кўзидан доим сақлан!

Ундан, мансабдан ағдарилган бир бошлиқ ҳақида:

Эй [mansabga] қайтиш учун улуғлигига қарши гувоҳлик берадиган жаноб садр, Агар ҳодиса бошингга тушган бўлса, унинг балосига сабр қил. Тўлин ой бир соат тутилади, лекин яна қайтадан жило беради.

3 Ундан, дори ичиш ҳақида:

Дорини ичибсан ва унинг ичиш билан ориятни кийиб олибсан, табриклайман. Тананг доимо сиҳатликда бўлсин ва унинг касаллик асарлари оғият топсин.

Ундан, форсчадан таржима:

Сув бизни туялар билан бирга оқизиб ташлаб кетди, тик қирғоқда ғарқ бўлмоқдамиз.

Ундан, хати хунук муҳаррир<sup>207</sup> ҳақида:

Муҳаррирнинг хати билан қаламини [тангри] қабиҳ қилисан, агар у ёзадиган бўлса, бармоқларига лаънат. Қаерда ахлат ҳақида баҳс қилинса, унинг қалами ўша ерда доғли изларни чиқариб ташлайди.

Ундан, ҳисобчиликни даъво қилган котиб ҳақида:

Эй ҳисобчиликни даъво қилаётган котиб, у чизган [нарсанг] нинг чиройлилиги билан манманликка мұносибсан.

Узингдан бу манманлиқни ташла, ахир сен қинтар<sup>208</sup> билан қартанинг<sup>209</sup> фарқига бормайсан-ку. Агар ҳисобни ёзишга киришсанг, унинг шаклини нуқталар билан боғлаб ёзасан. Орқасига наштарлар билан тавқиъ [лаънат] деб аталаған нарсанни [осиб олган] ҳунармандга ўхшайсан.

### 100. ҲАЙДАР АЛ-ХУЖАНДИЙ.

Узининг [шу] сўзи билан тарсаки ейишни хоҳиш қилған:

Савол остида хорлик [турганига] нафсим бовар қилгандан кейин, тангридан буни сўрамадим.

Оlamning энг афзали ва Одам фарзандларининг энг саййиди пайғамбаримиз Мұҳаммад — унга, хопадонига ва саҳобаларига тангрининг улуғлаши ва саломи етсин — ишонган нарсадан ўзини юқори тутишдаги нодонлиги ва аҳмоқлигидан таажжубланиб [юқоридаги байтни] ёздим. Унга ўхшашлар мақтовга сазовор. Тангрини зикр қилганда, на таборака ва таоло ва на азиз ва шуҳратли [сўзларини] айтмайдиган суфийларнинг жаҳл ботқоги ва паст ақлида [ҳисобланади].

Бу ҳақда унга айтишганда, [шундай] деган экан:

Қавмлар орасида дўстлик соғ бўлганда, мақтолар уларнинг биродарлигини бемаънилаштиришда давом этади.

114

### 101. АБУ-Л-ҲАСАН АЛ-ОҒАЖИЙ.

У форсча шеърлар [ёзишда] ва улар чавандозлари ичиди Сомон йўлидан ҳам машҳурроқ эди. Унинг шеърлар девони Хурросон диёрини кезинб юради. Эҳтимол, у [қуйидаги] сўзи каби ўз шеърларини араб тилига таржима қилгандир.

Одоб [ва ҳунар]даги мавқеимни билмоқчи бўлсанг — мен билан эса аллақачон куч-қудрат ва шон-шуҳрат олишиб кўрган — [Кимлигимга] чопқир от, қилич, арқон, нард, шатранж ва қалам гувоҳлик беради<sup>210</sup>.

Балх ҳақида унинг сўзи:

Бир шаҳарки, унинг исми «бахил» [сўзи] ҳарфларидан ташкил топган — бу Балх<sup>211</sup>.

У ердаги ҳаёт ҳам худди унинг исми каби «б»синг «т»га алмаштирилганидан [иборат], бу эса «талх»дир<sup>212</sup>.

## 102. АБУ БАКР МУҲАММАД ИБН АЛИ ИБН АҲМАД АЛ-АБДОНИЙ.

Ёшлик шинамлигини кексалик фурурига қўшди, насли бўлмагани учун фазл ва адабни мерос қилиб қолдирмади. Отаси Абу-л-Ҳасан эса — буюк тангри уни раҳмат қилсин — подшоҳ ва бошлиқлар ҳузуридағи обрўси билан бирга адаб боғи ва илмнинг ҳовузи эди. Абу Бакр Нишопурдаги [бошлиқлар] бошпана топадиган уй аҳлларидан эди, улар улардир. Унинг насабдаги шарафи касб этган шарафига [қўшилгандир]. Ўз иштиёқи ҳақидаги шеърлари малиҳ, латифдир ва замонага бўлган табиати оқибати ажойиботлар ва дурлардан иборатдир. Хотира [сининг бокира] қизларидан нурларни ёзиб олгандим, унинг қасидадан [олинган] шу сўзи каби:

Қуёшларки, уларнинг ботишида нуқсонлар бор эди, юрагимни отилгап ўқ билан ёриб юборди.  
Уларнинг сағриси менга шундай юкни юкладики,  
уни кўтаришдан қалбимнинг шўри қурисин.  
Қалбим ва жоним нидо қилди, сабрим эса таъ-  
на қилувчилар билан ўтиб, кетаяпман, деди.  
Эй кўзим, сахий бўл, баҳил бўлма, магар қалбим  
сабрда баҳил бўлганда ҳам,  
У [кўз]нинг ёшлари кўплиги жиҳатидан энг ша-  
рафли улуғ вазир қўллари билан одамлар ораси-  
да [сахийликда] баҳслашди.

Унинг бошқа [қасида]сидан:

Уларнинг эрталаб кетишини шеър билан куйла-  
шим, э воҳ, чўзилиб кетди, улар ташлаб кетган  
куни жоннинг қолгани ҳам [мени] тарқ этди.  
Ҳақиқатдан ҳам яшириб юрган сирим ошкор  
бўлган бўлса, ошиқлар сири [оқибат] мана шун-  
дай тарқалиб кетади.  
Муҳаммад мадҳини шеърда куйлашни чўзиб  
юборган бўлсан, кулранг кабутарлар хурсанд-  
ликдан ғув-ғувлади.

Унинг бошқа [қасида]сидан:

Қачон қатъий бир фикрда турган бўлсанг, хоин замонага алданиб қолма.  
Фазабланма ҳам, чунки сен фаришта билан ашулачи чўрини ажратадиганлар орасидасан.

### 103. АБУ-Л-ҲАСАН АЛИ ИБН МУҲАММАД ИБН АБДУНА.

У [шундай] дейди, қасидадан:

Муҳаббат туфайли тўкаётганим кўз ёшлари [сўзга кириб] гапиряпти, қалб эса ишқ алангасида ёнмоқда.

Агар менда уйқуни ёзадиган кўз бўлганда эди, маҳбубни кечаси тушимда зиёрат қилган бўлардим.

### 104. Мана булар АЛ-УСТОЗ АЛ-АВҲАД АБУ УСМОН ИСМОИЛ ИБН АБДУРРАҲМОН АС-СОБУНИЙ зикри бўлиб, [китоб] хотимасининг хотимасидир.

У, [яъни] у илғорлик ва ягоналика тақлид қилинадиганлардан ва хатиблар орасида олдинда борадиганлардандир.

Унинг шеърларидан [хотиримга] келгани, унинг сўзи:

Мусибати кам бўлган кишилар ҳаёти яхши бўлади, оғирлик ва мусибатга дуч бўлганлар эса яхши яшамайди.

Бу [биринчиси] фаровонлик билан юради ва умри хушчақчақ ўгади, униси эса қўрқинч ва меҳнатдан азоб чекади.

Дунё ва унинг зийнатидан четлашишга ҳаракат қил, дунёга ҳирс қўйиш қайғуга [йўлиқишидир]. У меҳнат гирдбларида ғарқ бўлади ва жирканч ва ғазабга дуч келишдан бошқа нарсани қўлга киритолмайди.

У [қийинчиллик]ни енгиллатиш йўлини парвардигордан сўра, у билан замона ҳодисотлари балоларидан нажот топасан.

У [тангри] энг яхши хоҳиши қилинадигандир, кимки яхшилик эгаси ва миннатдор бўлса, [тангри] унинг кароҳатлардан холий қиласди.

## УШБУ КИТОБ МУАЛЛИФИ [ШУНДАИ] ДЕГАН

Берган ваъдам уддасидан чиқдим ва зинмамга олган нарсани тўла адо этдим, «Татиммат ал-Иатима»

китобини ниҳоясига етказиб, мақсадимга эришдим. Чунки бу [китоб]га назм бадииятлари ва гўзалликларидан, наср латофатлари ва ажойиботларидан ўткирлиги ва нозиклиги билан қалбларни мойил қиласиганларини, унинг санъати ва ҳаловатидан севгилар ўрнида тўхтаб қоладиганларини жойлаштирдим.

Ҳозирги кунда «ал-Иатима» китоби бир сармоя [бўлса], ушбу китоб унинг жўжаси ва иловасидир, гўё [унга] фойда келтирувчи ва энг фойдали даромаддир. У қалбга энг мосдир, насими эса энг муаттардир. Тангрига ҳамдлар [бўлсинки], у бизга ўз неъматини аввалдану охирдан ҳисобсиз ёғдирди. Унинг наздида номақбул ва унга тўғри келмайдиган [ишларга] машғул бўлганимиз учун ундан [гуноҳларни] ўтишини сўраймиз. У [яратган] халқларнинг энг шарафлиси ва энг камолотлиги саййидимиз Мұҳаммад, унинг хонадонига ва саҳобларига [тангрининг] саловот ва саломи доимий, тўхтамай, то қиёматгача етиб турсин. Тангри [пайғамбарга] эргашувчилар ва уларнинг эргашувчиларидан рози бўлсин.



## **ИЗОҲЛАР**



<sup>1</sup> Нишопур шаҳри кўзда тутиляпти.

<sup>2</sup> Бу китоб «Иатимат ад-даҳр» аввалги уч қисми қўшимчасининг давоми бўлгани учун матида 106-санадан бошлаб рақам қўйилган. Биз 1-дан бошлаб кетишни лозим топдик.

<sup>3</sup> «Иатимат ад-даҳр», 420—421-бетлар, (ўзбекчаси 438—439-бетлар) У ерда Саолибий бу шоир ҳақида қисқа маълумот келтириб, шеърларидан намуналар берган.

<sup>4</sup> Баҳорда энг кўп ёғин бўлгани учун арабларда энг саҳий кишилар шундай ном билан аталиб келган, кейин бу ибора бошқа арабийнавис шоирлар шеърларинда ҳам қўлланган.

<sup>5</sup> Али ибн Абу Талиб — «чаҳорёrlар» деб аталган тўрт халифанинг сўнгиси (35/656—40/661), Мұхаммаднинг амакивачаси ва кўёви (Фотиманинг эри).

<sup>6</sup> Ҳусадийлар — Алининг ўғли Ҳусайн (6/627—61/680) тарафдорлари.

<sup>7</sup> Шийъалар — исломдаги икки йирик фирқа [тариқат]нинг бири, Али тарафдорлари. Шийъа сўзининг лугавий маъноси фирқа, гуруҳ, партия демакдир.

<sup>8</sup> Дирҳам (юнонча драҳма сўзидан) — арабларда кумуш танга ёки умуман танга пул; мис, кумуш ва тилла. Дирҳам оғирлик ўлчови ҳам бўлиб, Эронда 48 арпага, Туркияда  $\frac{1}{400}$  они [бир они уч қадақ]га тенг (Будагов, I, 558). Дирҳам оғирлик ўлчови сифатида ҳар вақт бир хил ишлатилимай, турли даврларда турлича қиммат ва маъноларга эга бўлган. Масалан, Сосонийлар даврида 4,25 га, XI—XII асрларда 3,15 га тенг бўлган (қар. Хинц, II—17-бетлар).

<sup>9</sup> «Икки янги нарса» (الجديدان) — ёки «иккита жуда янги нарса» (الجدان) — кечава кундуз, чунки бу иккиси ҳеч эсқимайди. Буларнинг бири иккинчисидан ажралмайди, шунинг учун улардан бирини «янги ёки жуда янги» деб аталмайди. Бундан икки янги [нарса] алмашшиб туар экан, фалон ишни қилмайман» деган мақол келиб чиққан («Мунжид фи-л-луға», 81).

<sup>10</sup> Куръон каҳф сураси, 20-оятдан.

<sup>11</sup> Като — какликка ўҳшаган қуш.

<sup>12</sup> Ас-Саолибий бу шоир ҳақида «Иатимат ад-даҳр»да маълумот беруб, турли жаирларда ёзилган 18 байтли шеърини келтирган («Иатимат ад-даҳр», 420—421-бетлар; «Иатимат ад-даҳр» ўзб., 438—439-бетлар).

<sup>13</sup> Абу-л-Аббос ибн Тоҳир ибн Зайнаб (вафоти XI аср боши) — ўша вақтда Нишопурда яшаган нуфузли кишилардан бўлса керак.

<sup>14</sup> Даҳҳазор — ўн минг демакдир.

<sup>15</sup> Нафир — уч кишидан ўн кишигача бўлган одамлар гуруҳи, баб-баробар жангга интилаётган одамлар тўдаси.

<sup>16</sup> Матида *الكنجروزى*. Буни «ал-Канжрузий» ёки «ал-

Кунжрузий» ўқиш мумкин. Лекин форсча «ганжруд» (хазина ариғи) маъносида бирор жойга инсабат берилган бўлса керак деб «ал-Ганжрудий» ўқидик.

<sup>17</sup> Абу Али ад-Хусайн ал-Марваррудий — «Иатимат ад-даҳр»да Хусайн ибн Али ал-Марварузий ҳақида маълумот берилган (85-бет; Узбекча таржима, 121-бет). У сомонийлар даврининг смесий арбоби бўлиб, Бухоро қамоқхонасида 318/930 йили ўлган. «Татиммат ал-Иатима» маълумотлари X аср охири ва XI аср биринчи ярмига тўғри келади. Шунинг учун бошқа бир адаб ҳақида гап бораётган бўлиши мумкин.

<sup>18</sup> Ал-Азиз — Миср подшоси вазири, қуръон ривоятига биноан у Юсуфни Миср бозорида савдогарлардан сотиб олиб, хизматкор сифатига кул қилиб тарбиялаган «Юклари орасида нима борлигини билмасдилар», яъни Юсуф пайғамбарни билмасдилар, уни бир кул деб ўйлардилар.

<sup>19</sup> Эзор — белдан болдирининг ярмигача ўраб турадиган бутун бир парча мато, яъни иштон.

<sup>20</sup> Гавҳид — ягона худони тан олиш.

<sup>21</sup> Ҳулла — икки қисмдан: тана пастини беркитувчи эзор ва тананинг юқори қисмини беркитувчи ридодан ёки уч қисм: кўйлак, эзор ва ридодан иборат бўлган тўла либос.

<sup>22</sup> Жубба — чакмонга ўхшаш устки кийим, чопон.

<sup>23</sup> «Иатимат ад-даҳр»да ас-Саолибий бу шоир ҳақида маълумот бериб, унинг шеърларидан 50 байт келтирган. Лекин у ерда шоир номи Абу Ҳафс Умар ибн Али ал-Муттаввий ёзилган (*Иатимат ад-даҳр*, 433—437; *Иатимат ад-даҳр* (ўзб.), 450—454-бетлар). Бу ерда эса Абу Ҳафс Амир ибн ал-Муттаввий ёзилган. Агар бу юқоридаги шоирнинг ўғли бўлганда ас-Саолибий буни қайд қилиб ўтган бўларди. «Иатимат ад-даҳр» ёзилганда ал-Муттаввий ҳали ёш шоир бўлган, шунинг учун ас-Саолибий у пайтда уни яхши билмай, хатога йўл кўйган ва ушбу асарини ёзиша ўз хатосини тузатиб кетаётгандир. Эҳтимол, бу кейинги хаттолар хатосидир.

<sup>24</sup> «Мушкли тол» (خلاف المسكى) — фурс тилида «мушкли бид» деб аталади. Баҳор бошларида унда майда бодомга ўхшаган нарсалар пайдо бўлади. Улар аввалида туқли бўлиб, ёқимли ҳид чиқаради. Гули мушук панжасига ўхшагани учун уни «мушук тол» (*«ѓўрба бид»*) деб ҳам аташади (Беруний, Сайдана, № 403, прим. 13, 14).

<sup>25</sup> «Мушк сичқони» (فارمسک) деб ўзидан мушк тарқатадиган ҳайвонга айтилади (Беруний, Сайдана, № 403, прим. 9). <sup>26</sup> Ал-Муттаввийнинг ушбу икки байт шеъри Беруний Сайдана»сигда берилган (№ 403).

<sup>27</sup> Бу ерда сўз ўйини: агар «ғам-қайғу тўхтатилди» (اسف) сўзлари қўшиб ўқилса اسفاناخ (исмалоқ) бўлади.

<sup>28</sup> Маҳшар — охират, қиёмат.

<sup>29</sup> Исломдаги тўртта асосий диний мазҳабнинг иккинчиси,

Унинг асосчиси Имом Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Идрис аш-Шоғенйидир (150/767—204/820). Бу мазҳаб Қўйи Миср, Ҳижоз ва Жанубий Арабистон, Шарқий ва Жанубий Африкада, Фаластинда ва айниқса Индонезияда кенг тарқалган.

<sup>30</sup> Абу-л-Фазл Убайдуллоҳ ибн Аҳмад ал-Меколий (вафоти 436/1045) — Нишопурда таҳт сӯраган машҳур меколийлар сулласи амирларидан, адиг ва шонр. Уз саройига жуда кўп олим ва шонирларни тўплаб, ҳомийлик қилиган. Ас-Саолибий ҳам унинг саройинда анча вақт истиқомат қилиб, ўзининг «Иатимат ад-даҳр» тазкирасининг саккизинчи бобини Абу-л-Фазл ал-Меколийга бағишилаган. У ерда унинг насрый ҳамда наzmий асарларидан анчайи на парчалар келтирганки, буларни бошқа манбаларда учратмаймиз («Иатимат ад-даҳр», 354—381; «Иатимат ад-даҳр» (ўзб.), 377—401-бетлар). Ўзбекча таржимага тузган изоҳда ал-Меколий ҳақидаги бошқа манбалардаги маълумотлар ҳам кўрсатиб ўтилган.

<sup>31</sup> Суод ва Рабоб — араб ривоятларида учрайдиган хотинлар номи.

<sup>32</sup> Мекол авлодлари (Меколийлар) — Нишопурда (XI аср бошында) ҳукм сурған меколийлар — амирлар ва адиллар сулоласи кўзда тутиляпти. Улардан машҳурлари: аш-Шайх Абу-л-Аббос Исмоил ибн Абдуллоҳ ва унинг иккни ўғли ар-Раис Абу Мұхаммад Абдуллоҳ ва ал-Амир Абу-л-Қосим Али олим ва адиллар, Абу Наср ибн Али ва юқорида изоҳ берганимиз ал-Амир Абу-л-Фазл Убайдуллоҳ ибн Аҳмад ал-Меколийлар Нишопур амири бўлишган.

<sup>33</sup> Матнда «саночлари бўшаб қолган киши эдим-ку» (وقد صفت و طابى). Бу жумла ўлдирилган, ўлган, ҳалок бўлган маъносини билдиради (Гиргас, словарь, 888).

<sup>34</sup> Яъни Абу-л-Фазл Убайдуллоҳ ибн Аҳмад ал-Меколий.

<sup>35</sup> Абу Абдуллоҳ ал-Ҳусайн ибн Али ал-Багавий ал-Котиб — бу шонр ҳақида қўйида маълумот берилган. Бундан бўён шу асарнинг ўзига киритилган шоирлар номи бошқа ўринларда учраса, изоҳда тўхтаб ўтирамаймиз.

<sup>36</sup> Жумода-л-уъло — араб ойларининг бешинчиси, Жумода-л-охир — олтинчиси.

<sup>37</sup> Рабиъ ал-аввал — араб ойларининг уччинчиси, рабиъ ас-сони — тўртинчиси.

<sup>38</sup> Абу-л-Фазл Убайдуллоҳ ибн Аҳмад ал-Меколийга аталган.

<sup>39</sup> Матнда «Ёшлик иши тангрига тегиштиди» (للہ در العبا).

Бу жумла ажабланниш ва мақтаниш учун ишлатилиб, «Ёшлик иши қандай яхши» деб таржима қилинади (Гиргас. Словарь, 27, 247-бетлар).

<sup>40</sup> Меъжар (مجزع) — аёллар бошини бօғлаб оладиган либос, бошга ўраладиган салла, бўйиндан айлантирилмайди («Мунжид-ғи-л-луга», 488-бет).

<sup>41</sup> Абу Яъло ал-Басрий — қўйида Абу Яъло аз-Завзаний деган шонр ҳақида маълумот бор. Эҳтимол, шу иккиси бирдир ва иккита нисба билан юритилгандир.

<sup>42</sup> Абу-л-Фатҳ — қайси Абу-л-Фатҳлиги номаълум. Абу-л-Фатҳ ал-Бустий (360/971—400/1009—1010) бўлиши ҳам мумкун. Лекин маълумот берилётган шонр Абу Масъуд ал-Хушномий ал-Бустийдан кейинроқ яшаган. Эҳтимол, ушбу асарга киритилган

Абу-л-Фатҳ ал-Музаффар ибн Салиҳ ар-Розий ёки Абу-л-Фатҳ ал-Музаффар ибн ал-Ҳасан ад-Домиғонийдир.

<sup>43</sup> Абу Саъд иби Ҳалаф — бу шахсни аниқлай олмадик.

<sup>44</sup> ал-Бухтурий Абу Убада ал-Валид иби Убайд иби Яхේ (206/821—284/897) — машҳур араб шоири (қаранг: Ханна аль-Фахурий, 24—39-бетлар).

<sup>45</sup> Абу Фирос ал-Хорис иби Саъид иби Ҳамдон ал-Ҳамдоний (320/932—357/968) — машҳур араб шоири. Ҳамдонийлар амири Сайф ад-давла уни қамоққа олган ва ўғли Саъд ад-давла (356/967—381/991) томонидан 36 ёшида қатл этилган. Унинг етти йил қамоқда ётиб ёзган «Румийёт» номи билан аталган машҳур шеърлари араб адабиётининг энг ажойиб саҳифаларидан ўрин олган ва араб шеъриятининг ўлмас дурдоналаридандир. Саолибий «Иатимат ад-даҳр»да Абу Фиросга алоҳида боб ажратган, унинг ҳақида мукаммал маълумот берил, турли жаңордаги шеърларидан келтирган ва «Румийёт»нин ҳам кириктган («Иатимат ад-даҳр», I, 48—103. Яна қаранг: Ханна аль-Фахури, II, с. 132—147).

<sup>46</sup> ал-Ҳажжож иби Юсуф (тахминан 661—714) умавий халифалари Абдулмалик (685—705) ва ал-Валид (705—715) давридан қўмондон ва Ироқ ҳокими (694—714).

<sup>47</sup> Абдулҳамид Абу Голиб иби Яхේ ал-Қотиб (вафоти 132/749) — машҳур котиблардан бўлиб, халифа Марвон иби Муҳаммад иби Марвон ал-Ҳакам (744—750)нинг котиби бўлган ва шу халифа томонидан хурросонликлар қўзғолони даврида қамоққа олинниб, қатл этилган.

<sup>48</sup> ал-Маҳдий — аббосийлар ҳалифаси (158/775—169/785).

<sup>49</sup> Абу Убайдуллоҳ Муовия ал-Ашъарий — халифа ал-Мансуринг (754—775) вазирин ва ал-Маҳдиининг (775—785) котиби. Қадимги араб шоиrlарини жуда яхши билган. Ар-Рабиъ иби Юнус унга ҳасад қилиб, унинг ўғли Муҳаммадни зиндиқийликда айблайди. Халифа Муҳаммадни чақиририб Қуръон ўқитади, унинг қириоти яхши бўлмагани учун уни қатл этади ва Убайдуллоҳни вазирlikдан четллатади («Мунжид фи-л-адаб», 342-бет).

<sup>50</sup> Абу Зайд ал-Балхий (235/850—322/934) — машҳур риторик, астроном, географ, тиљшунос ва файласуф (Ёкут, Иршод ал-ариф, I, 141—142).

<sup>51</sup> Абу Саъид Аҳмад иби Шабиб аш-Шабиби — X аср охирида Хоразмда яшаган шоиrlардан. Саолибий «Иатимат ад-даҳр»да унинг ҳақида маълумот берил, шеърларидан парчалар берган («Иатимат ад-даҳр», 242—243; «Иатимат ад-даҳр» (ўзб.), 274—275. Яна қаранг: «Берунийга замондош шоиrlар», 16—17-бетлар).

<sup>52</sup> Абу-л-Фатҳ Али иби Муҳаммад ал-Қотиб ал-Бустий (360/971—400/1009) — машҳур шоир, адаби ва котиб, ас-Саолибий унинг ҳақида «Иатимат ад-даҳр»да кенг маълумот берил, насрый ва назмий асарларидан намуналар келтирган («Иатимат ад-даҳр», 302—334; «Иатимат ад-даҳр» (ўзб.), 329—359-бетлар. Яна қаранг: «Берунийга замондош шоиrlар», 31—40-бетлар).

<sup>53</sup> Ибн ар-Румий Абу-л-Ҳасан Али иби ал-Аббос иби Журайж (221/835—283/896) — машҳур арабийкавис шоир ва олим (қаранг: Ханна аль-Фахури, II, 39—57).

<sup>54</sup> Яъни аттор мушкка жабр қилиб, тош устида янчаверганидан ўзи мушк ҳидини берадиган бўлиб қолди, демоқчи бўлса кепрак.

<sup>55</sup> Жоҳиз Абу Ҳусмон Амр иби Баҳр (вафоти 255/869) — машҳур араб олими, адаби ва ислом қонуншуноси (қаранг: Ибн Халикон, I, 338—339; Крачковский, II, 362—372).

<sup>56</sup> Ҳижоб — хотинлар эрлардан яшириниш учун юзини берки-

тиб юрадиган ёпқич. Ҳижоб ҳар жойда ҳар хил бўлган. Масалан, Урта Осиёда паранжи шаклида, баъзи мусулмон давлатларида тўр шаклида бўлиб, фақат юзини беркитган.

<sup>57</sup> Агар «карим» (қарамали) сўзидаги «мим» ҳарфи «ҳо» ўқилса «каримҳ» (ёқимсиз, жирканч) маъносига эга бўлади.

<sup>58</sup> Гаяммум — сув йўқ жойларда тоза түпроққа қўлни уч марта суртилади, кейин тупроққа суртилаган қўлни юзга уч марта сурти, таҳорат қилинади ва шу билан намоз ўқилади.

<sup>59</sup> ал-Мубаррад Абу-л-Аббос Мұхаммад иби Язид иби Абу-л-Акбар ал-Азди (210/826—285/898) — машҳур араб тилшуноси ва адаби. Бағдодда туғилиб, шу ерда вафот этган. Унинг «ал-Комил фи-л-адаб» («Адабиётининг тўла тўплами») номли асарида турли шеърий ва насрый асарларни ва ажойиб ибораларни жамлаган (Хания аль-Фахур, II, 207; «ал-Мунжид фи-л-адаб», 475).

<sup>60</sup> Халил иби Аҳмад Абдураҳмон ал-Азди (100/718—170/786) — машҳур тилшунос ва адаби, аруз системасига асос солтани. Басрада туғилиб, шу ерда вафот этган (Хания аль-Фахури, II, 225).

<sup>61</sup> Ибн Сиррин — бу шахс ҳақида маълумотга эга эмасмиз.

<sup>62</sup> ал-Мұхалқил Адий иби Рабиъ (ваф. 531) — исломгача яшаган машҳур араб шоюри. Асли Таглиб қабиласидан (Хания аль-Фахури, I, 60—63).

<sup>63</sup> Жаҳм иби Сафвон ар-Росибий ат-Тармизий ас-Самарқандий (вафоти 127/745) — Урта Осиёлик олимлардан. Жаҳмийд деган мазҳабни унга ишебат берилади. Умавийларининг ўзаро урушларида Ҳуросонда кўтарилган галаён даврида ҳалок бўлган («Мунжид фи-л-адаб», 143).

<sup>64</sup> Мұхаммад иби Идрис эш-Шофеъний (767—820) — исломдаги тўрт мазҳаблардан бирни шофеъний мазҳабининг асосчиси.

<sup>65</sup> ал-Кумайт иби Зайд ал-Асадий (60/679—126/743) — араб шоюри. Куфада музорийлар қабиласидан туғилган, шийъалар тарафдори бўлиб, шу мазҳабни ёқлаб шеърлар ёзган ва шу туфайлини бир ичча марта унинг ҳаётини таҳлика остида қолган (Хания аль-Фахури, I, 240—241).

<sup>66</sup> Жаврал иби Аве ал-Ҳутайъя (вафоти 53/679) — машҳур араб ҳажвчи ва қасидагўй шоюри. Ўз шеърларидан бирорадарлари, фарзандлари ва ҳатто хотинини ҳам ҳажа қилган. Уларнинг ҳаммасидан юз ўғириб, қабиладан-қабилага, ургудан-урӯққа кўчип юриб ҳаёт кечирган. Тили ниҳоятда аччиқ бўлиб, ҳамма ундан қўрқар ва ҳажвларидан қутулиш учун ундан ўзини сотиб олар экан. Шууга қарамай Жарвал шеърнинг кучли бўлган ва Аве шоюрлик мактабини яратиб кетган (Хания аль-Фахури, I, 153—157).

<sup>67</sup> ал-Гариз Абдурмалик (вафоти таҳминан 716) — маккаллик машҳур хонанда, ал-Гариз (иштиёқманд) лақаби билан шунҳрат қозонган. У араблардаги бешта буюк хонанданинг биттаси. Ёқимли овози билан қалбларин эгаллаб олган, уд, даф (донра) ва қазиб каби мусикий асбобларидан куйлаганда тинглаганларни йиглатиб юборган. Яманда вафот этган («Мунжид фи-л-адаб», 368—370).

<sup>68</sup> Маъбад — Умавийлар халифалари даврида Ҳижозда яшаган машҳур араб хонандаси (Хания аль-Фахури, I, 270).

<sup>69</sup> Масиҳ иби Марям — Исо пайғамбар.

<sup>70</sup> Яъни ўсенирингизгида шу царсаларга эришиди, уларни қўлга кирилди, демокчи.

<sup>71</sup> ас-Соҳиб Абу-л-Қасим Ибони иби Аббод (936 атрофи—995) — Бувайҳийлар сулоласининг машҳур вазири. Ўзиг адиб ва

шоир бўлиши билан бирга саройнга жуда кўп олм ва шонрларни тўплаб, уларга ҳомийлик қилган. «Иатимат ад-дахр»да ас-Саолибий унга алоҳида боб ажратган («Иатимат ад-дахр», III, 188—287).

<sup>72</sup> Шоир ўша даврдаги бирорта давлат арбоби ёки машҳур кишига мурожаат қилинти.

<sup>73</sup> Ҳамал — эски астрономияда ўн иккى буржининг биринчи, уни қўй шаклида фараз қиласидар; қўёш йили ҳисобнда биринчи ой номи (март—апрель ойига тўгри келади).

<sup>74</sup> У вафот этди, оламдан ўтди, демоқчи.

<sup>75</sup> Абу Нувос ал-Ҳасан (145/762—195/814) — машҳур араб шонри. Ҳамрёт (май ҳақидаги) ва ишқий шеърлари билан шуҳрат қозонган (қар. Ҳанна аль-Фахури, I, 301—322).

<sup>76</sup> Ибн Бобак Абу-л-Қосим Абдуссамад (вафоти 410/1019—1020) — журжонлик арабийнинг шоир, Бувайҳийларининг машҳур вазири Соҳиб иби Аббод саройнда яшаб, унинг яқини сұхбатдошларидан бўлган. Ас-Саолибий бу шоир ҳақида «Иатимат ад-дахр» учунчи қисмида ахборот бериб, шеърларидан намуналар келтирган («Иатимат ад-дахр», III, 377—385; яна қаранг: Ибн Ҳаллиқон, I, 297).

<sup>77</sup> Бу ерда Мусо лайғамбар билан Фиръави орасидаги афсонага ишора. Фиръави сеҳр билан олов ёқади.

<sup>78</sup> Бу шеърнинг форесаси:

نه هر کو قلم بور گرفت از دواه \* شفا گرد داند جهان را ز دا  
عصا بر گرفن نه معجز بود \* همن ازدها گرد باید عصا.

Бу шеър сulton Ямин ад-давла Маҳмуд шонрларидан Абу Зайд Муҳаммад ал-Фазойирий ар-Розига тегишилдири (қаранг: ал-Ватвот, Китоб ҳадоийқ ас-сеҳр фи дақоғиқ аш-шеър, Техрон нашри, 19-бет. Изоҳ «Татиммат ал-Иатима» ноширинники).

<sup>79</sup> Ибн Янғаъ — бу шахс ҳақида маълумотга эга эмасмиз.  
<sup>80</sup> Фолузаж — уш, сув ва асалдан тайёрланадиган ҳолва, яъни ҳолтайтар. Бутрус ал-Бўстоний буни «фолуз» деб олиб, «фолузақ, фолузаж, фолудаж» номлари билан ҳам юртилади, форсча «фолузадан» олингани деб кўрсатади ва бу арабларнинг энг яхши ширинликларидан эканини қайд қилиб ўтади («Муҳит ал-муҳит», II, 1629). Ал-Жоҳизнинг «Бахиллар ҳақида китоб» асари русча таржимаснга ёзилган изоҳда фолузажни киселвинг асал ва крахмалдан тайёрланган бир тури» дейилган (аль-Джахиз, Книга о скупых, с. 202).

<sup>81</sup> Қотулий — Дажла (Тигр) дарёси соҳилидаги Қотул деган жойга нисбат берилган ном.

<sup>82</sup> Асалий — яхудийлар ўзини бошқалардан ажратиб туриш учун елкасига ташлаб оладиган мато; християнлар ва оташарастлар кияндинг кўйлак; ҳинд ғақиғар — дарвишлари ўз кўйлагинни бўйядиган махсус ранг (Яғелло, 1040-бет).

<sup>83</sup> Қуръон — ал-мутаффиди сураси, 26-оят.

<sup>84</sup> Нақад — Баҳрайнда ўсадиган кичик, лекин аъло нав жун берадиган кўй.

<sup>85</sup> Аҳмад иби Үсмон ал-Хашномий — Нишопурининг адаб ва кўзга кўриниган киши, таридан, қўйида шоир Тоҳир иби Аблулоҳ ал-Байҳақий ҳам ал-Хашномийга бағишлаб шеър ёзган (34—35-бетлар).

<sup>86</sup> Исрофил — Таврат, Инжил ва Қуръон ривоятларинча қўемат бўлгандага ўз сурнайини чалиб, ўлникларни уйғотадиган фаришта.

<sup>87</sup> Абу Мұхаммад Абдуллоҳ ибн Мұхаммад ал-Абдулуконий қақида ас-Саолибий «Иатимат ад-даҳр»нинг ўничи бобида матьлумот берил, 11 байт шеърини көлтирган. У ерда ёзилишича, у амир Абу-л-Фазл ал-Меколий саройида яшаган истеъоддан шоирлардан бўлган («Иатимат ад-даҳр», 449—450; «Иатимат ад-даҳр» (ўзб.), 465).

<sup>88</sup> Абу-л-Аббос Маъмун ибн Маъмун — маъмунийлар сулоласидан бўлмиш машҳур хоразмшоҳ (399/1009—408/1017). Унинг саройида Ибн Сино, Беруний каби кўплаб олим ва шоирлар, шу жумладан ас-Саолибий ҳам яшаган ва унга атаб исарлар ёзган.

<sup>89</sup> Абу-л-Музффар Наср ибн Носирад-дин Сабуктагин (ваф. 1021) — Маҳмуд Газнавийнинг бирордари, лашкарбоши. Унинг ҳимояси остида ас-Саолибий бир неча йил Газнада истиқомат қилинган.

<sup>90</sup> Қиёс қилиб, «шайб» (мўйсағид) сўзи ўрнига «шонб» сўзини ишлатган бўлеанг демоқчи. Бу ҳар икки сўз ҳам «оқ соч, мўйсағид, қарі» маъноларини билдиради.

<sup>91</sup> «Эчкисоқол» сўзи матнда форсча «таккаринш» (نکدریش) ёзилсан.

<sup>92</sup> Абу-л-Хусайн Мұхаммад ибн Касир — бу ерда унни Бухорода вазир бўлган дейиляти, лекин Сомонийлар вазирлари орасида бундай киши учрамайди, Нишопурда Абу Мансур Касир ибн Аҳмад деган нуфузли шахс ўтган. Шоир Абу Толиб ал-Маъмунийнинг унга атаб ёзган қасидаси «Иатимат ад-даҳр»да көлтирилаган («Иатимат ад-даҳр», 163—164; «Иатимат ад-даҳр» (ўзб.), 195—196). Абу-л-Хусайн шу вазирининг ўғли бўлса керак.

<sup>93</sup> Абу Али Мұхаммад ибн Исо ад-Домгоний (ваф. 992) — шоир ва давлат арабби, асли Рай ва Нишопур ўртаендан Домғон шаҳридан, Бухорода яшаб, эллик йил котиблик ва бошқа лавозимларда ишлаган, умрининг охирида Сомонийлар вазiri бўлган (987—992). Ас-Саолибий «Иатимат ад-даҳр»да унинг ҳақида қисқа маълумот берган («Иатимат ад-даҳр», 143—144; «Иатимат ад-даҳр» (ўзб.), 176—177).

<sup>94</sup> Бу ерда ас-Саолибий тилга олаётган бир байт шеър қуйидагича: Шуҳратли шайх Абу Али Мұхаммад ибн Исо ад-Домғонийга. («Иатимат ад-даҳр», 144; «Иатимат ад-даҳр» (ўзб.), 177).

<sup>95</sup> Абу Таммом Ҳабиб ибн Авс ат-Тоъи (190/796—228/843) — машҳур араб шоир, «Китаб ал-ҳамоса» («Жасурлик ҳақида китоб») номли исломгача даврдан Аббосийлар сулоласигача бўлган араб шеърларининг энг яхшиларини жамлаган тазкира муаллифи.

<sup>96</sup> Амр иби ал-Ос (вафоти 43/664) — машҳур араб саркардаши, византитлар устидан ғалаба қозонган, Мисрни фатҳ этган ва бошқа жангларда қатнашган. Бу ерда шу ҳақда сўз бораётган бўлса керак.

<sup>97</sup> Ризвон — жаннатга кириш йўлини пойлайдиган фаришта.

<sup>98</sup> Ноҳия — чекка жой, томон, чет, ўлка, тураржой, район.

<sup>99</sup> Үд — дарахт, дарахт шохи, алой (ҳидли дарахт), музика асбоби.

<sup>100</sup> Қалансува (қулансува) — бош кийимнинг бир тури бўлиб, турли шаклларга эгадир. Омма орасида коҳинлари черковни та-воф қиласанда киядиган узун цилиндр шаклидаги, юқори томони кенгайиб борган мұқаддас кийимни ҳам қалансува деб атапади. Бу лотинча «қаллуса»дан олинган («Мунжид фи-л-луға», 652).

<sup>101</sup> Шоир ҳажв қылган кишиси айбларини «Амр» (عمرو) сўзида «сөв» ҳарфи айтилмаганидек, тилга олиб бўлмайди, мадҳ-

ларини эса «Зайдан» (من زید) сўзида ёзилмайдиган «шун» ҳарфи каби айтишга арзимайди, демоқчи.

<sup>102</sup> *Nasib* — қасиданинг хотинларни куйлашга ва тавсифлашга багишланган кириш қисми. Шонир насибда ўзининг саҳрордаги саёҳати, ўз маҳбуби билан ҳаётининг энг яхши даврларини кечирган манзул қолдиқлари ҳақида ҳикоя қилган ва ёшлигина ачиниб эсга олган. Кейинчалик насиб алоҳида газал жанрига айланниб кетган.

<sup>103</sup> *Кубит* — ширинликлардан бир тури.

<sup>104</sup> Аш-Шайх Ҳажжож иби аш-Шайх Абу-л-Аббос ал-Исфариний — бу шахснинг ўзи ҳақида маълумот йўқ, лекин унинг отаси Абу-л-Аббос Фазл иби Аҳмад ал-Исфариний (ваф. 404, 1013—1014) соменийлар лашкарбошни Абу-л-Ҳасан Фонқининг котиби ва подими бўлиб, кейин Сабуктагон хизматига ўтади. Мадмуд Газиевий даврида 10 йил унга вазирлик қилган. Кейин Мадмуд Газиевий даврида 10 йил унга вазирлик қилган. Кейин Мадмуд Газиевий даврида 10 йил унга вазирлик қилган. Кейин Мадмуд Газиевий даврида 10 йил унга вазирлик қилган. Кейин Мадмуд Газиевий даврида 10 йил унга вазирлик қилган. Кейин Мадмуд Газиевий даврида 10 йил унга вазирлик қилган. Кейин Мадмуд Газиевий даврида 10 йил унга вазирлик қилган.

<sup>105</sup> *Hitoқ* — хотинлар белига боллаб юрадиган белбог, рўмол.

<sup>106</sup> Икки Фарқад (فرقدان) — Кичик айиқ буржининг зе-нитга яқин бўлган юлдузи. Пўловчилар шуларга асосланиб ҳара-кат қилганлар.

<sup>107</sup> Араб ва форсни тилларида.

<sup>108</sup> Яъни китобимни ёзгуича сабрим ва шавқатим тутаб, соқом-ларим оқаради, демоқчи.

<sup>109</sup> *Burod* — йўл-йўл матодан тикилган чопон.

<sup>110</sup> Тивчилик шаҳри (Мадинат ас-салом) деб Бағдод шаҳри аталган. Бу ерда арабчаси Мадинат ас-силм ёзилган. Маъно ўз-гармайди.

<sup>111</sup> *Ижмоъ* — исломда Қуръон ёки пайғамбар ҳодисаларида учрамаган бирор диний масалани йирик фиқҳ олимлари тўпланиб ва бир фикрга келиб ҳал қилганлар, буни «ижмоъ» (жамланиш) бир фикрга, қарорга келиш деб аталган.

<sup>112</sup> Шамс ал-куфот (Донотар қуёши) — ўша вақтдаги машҳур вазир Абу-Қосим Аҳмад иби ал-Ҳасан ал-Маймандийнинг ла-қаби.

<sup>113</sup> Аш-Шайх ал-Жалил — юкорида энкру қўлинган вазир Шамс ал-куфот кўзда тутиляпти.

<sup>114</sup> Бу икки байт форсийнавис шонрлардан кимники эканини антклав олмадик.

<sup>115</sup> *Барбат* — мусиқий асбоби удининг иккичи номи, форсчада мизҳар ҳам дейиллади.

<sup>116</sup> Мансур (Шаббуй) — ранг-баранг бўлиб очиладиган чирой-ли гул (левкой), лугавий маъносин «сочилган».

<sup>117</sup> Пардасиз сўзлар билан ёзилган бир байт таржимасини ту-шпирб қолдиридик.

<sup>118</sup> Арабча матида «Асли Абу Абдуллоҳ ал-Ҳусайн Али иби Багудий» деб изоҳ берилган.

<sup>119</sup> Матида «сирлардаман» (فی خوافی) ёзилган. Ношир «Ас-ли шундай, эҳтимол вайронасидаман»дир деб изоҳ берган. Шунга асосланадик.

<sup>120</sup> Ал-Фарқад (Бузоқ) — Кичик Айиқ юлдузлари туркумидаги бу юлдуз номи мазкур байтда қофия учун бўлса керак кўпликада

«Фарқид» шаклида берилган. Биз Фарқад ёзлик, «Ас-Суҳо ва ал-Фарқад» лейлгани етиб бўлмайдиган баландлик демакдир (Баронов, Словарь, 380).

<sup>121</sup> Бузоқ юлдози устида бузоқларни ўтлатсан, яъни етиб бўлмайдиган энг узоқ масофаларни кессан ҳам, ўз мартабамга яраша обрў топмадим, демоқчи шоир.

<sup>122</sup> Бу ерда чиройли сўз ўйини: араб тилида ҳадя ва бугдой сўзлари бир хилда  шаклида ёзилиб, унинг биринчи ҳарфига касра қўйилса, «бирр» (инъон), замма қўйилса «бурр» (бугдой) маъносини билдиради.

<sup>123</sup> Арабча «мазийя» (*مَزِيَّة*) сўзи «хусусият, афзаллик фазилат» маъноларига эга, унинг тескари ўқилиши «хизум» (*خیزوم*) бўлиб, форс-тоҷикча «ўтин» демакдир.

<sup>124</sup> Таврат ва Куръон ривоятларига кўра, Нуҳ қавми худо амирини бажармагани учун худо унга тўфон балосини юборган ва бутун Нуҳ қавми сувга гарқ бўлиб кетади. Фақат Нуҳ ўз яқинлари билан ҳар бир ҳайвондан иккитадан олиб кемасига солган ва Аарат тоги устида тўфондан сақланиб қолган.

<sup>125</sup> Матнда шонир нисбалари ал-Атбарий ас-Сижзий ёзилган. Асар ношири уни «эҳтимол ал-Анбарий ас-Сижзий бўлса керак» деб тўғрилаб кетган. Биз ҳам шундай бўлиши тўғри деб топдик.

<sup>126</sup> Саолибий «Иатимат ад-даҳр» хотимасида «кейин мен ёки бошқалар маълумот беради» деб эслатгани шонirlар орасида аш-Шайх Абу Наср иби Мушкон номи ҳам зинкр қилинган («Иатимат ад-даҳр», 450; Ҳубекча таржима, 466). Лекин бу ерда унинг куниси Абу Мансур деб кўрсатилган. Қўйида помаълум шонир шеърида Абу Наср кўрсатилган (128—изоҳга қаранг). Эҳтимол, Саолибий ёки хаттот хатога йўл қўйтандир.

<sup>127</sup> Султон Маҳмуд Фазнавий кўзда тутилаётган бўлса керак.

<sup>128</sup> Шонир куниси Абу Мансур эмас, Абу Наср деб келтирилган. Саолибий «Иатимат ад-даҳр»да ҳам уни Абу Наср деб атаган (126—изоҳга қаранг).

<sup>129</sup> Ҳазрак жаҳони Абс — Яманинг қадимги араб қабилаларидан. Аввал битта қабила бўлиб, У аср атрофларида Араб яримороми жанубидан шаҳар жойларига кўчадилар ва иккига ажralиб кетадилар.

<sup>130</sup> Ибн Утайс — бу шахс ҳақида маълумотга эга эмасмиз.

<sup>131</sup> ал-Устоз Абу-л-Ало иби Ҳассул — «Татиммат ал-Иатимат» арабча матнига тузилган изоҳда бу шахсни юқорида маълумот берилган шонир Абу Али ал-Ҳасан иби Абу-т-Тайиб ал-Боҳарзий деб ишора қилинган. Лекин у ерда шонир куниси Абу-л-Ало эмас Абу Али, Иби Ҳассул эса кўрсатилмаган.

<sup>132</sup> Масъуд — Фазнавийлар сулоласи султонларидан (1030—1041). Маҳмуд Фазнавийнинг ўғли.

<sup>133</sup> Руқъа — шоирларнинг бир-бирига, дўстлари ва қариндош ургуларига ёзган мактублари.

